

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ВАЗИРЛИГИ**

**МУХАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ФАРГОНА ФИЛИАЛИ

“Касбий педагогика”

фанидан

МАЪРУЗА МАТНИ

Фарғона - 2017

Фаннинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 201__ йил “___” ____даги ___ -сонли буйруги билан (буйруқнинг ___ -иловаси) тасдиқланган “Таълимда ахборот технологиялари” фани дастури асосида тайёрланган.

Фаннинг маъруза матни Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали Кенгашининг 201__ йил “___” _____ даги “___” -сонли баёни билан тасдиқланган.

Тузувчи:

Х.Х.Ражабова – ТАТУ Фарғона филиали «Ахборот таълим технологиялари» кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчи:

М. Джалилов. – ТАТУ Фарғона филиали “Компьютер тизимлари” кафедраси мудири

Ўқув –услубий бўлим бошлиғи

2017 йил “___” _____ Ш.Умаров

(имзо)

фТАТУ Фарғона филиали “ТТ ва КТ” факультети декани:

2017 йил “___” _____ О.Қўлдошев

(имзо)

“Ахборот таълим технологиялари ” кафедраси мудири:

2017 йил “___” _____ С.Абдураҳмонов

(имзо)

1-Маъруза: Педагогика фанининг мақсади ва вазифалари ҳамда предмети.

Режа:

1. Педагогика фанининг предмети, мақсади, вазифалари.
2. Педагогика фанининг таркибий тузилиши, методологик асоси ва бошқа фанлар билан муносабати.
3. Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими. Педагогиканинг тадқиқот методлари
5. Шахснинг ривожланиши ва тарбияси.
6. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган педагогик ва касбий талаблар. Педагогик фаолият, маҳорат ва қобилият.

Педагогика фанининг предмети, мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, таълим соҳасида ҳам кенг ислоҳотлар бошланди. Олий Мажлиснинг 1997 йил 27 август куни бўлиб ўтган 1X сессиясида Республикамиз Президенти И.А.Каримов «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» номли сўзлаган нутқида таълим ислоҳатларини амалга ошириш йўллари ва усуллари тўғрисида гапириб ўтди. Шу сессияда «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилинди. Бу қонун ва дастурда Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ўз аксини топган. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» да асосий масалалардан бири сифатида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув муассасаларини яратиш қилиб белгиланган. Дастурда кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга ҳам эътибор қаратилган. Шу сабабли, ҳозирда фаолият қўрсатаётган мухандис-педагогларни қайта тайёрлаш иши Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг Қайта тайёрлаш факультетига юклатилган. Қайта тайёрланишга келган ҳар бир таҳсил оловчи янги ўқув муассасаларида ўз фаолиятини ташкил қилиши учун бир неча фанларни мукаммал билишлари зарур. Шу фанлардан бири «Умумий педагогика» ўқув фанидир.

«Педагогика» атамаси юононча сўздан олинган бўлиб «бола етакламоқ», маъносини англатади. кенг маънода тарбия ҳақидаги фан; ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия бериш; умуман инсонни тарбиялаш ҳақидаги фан деган маъноларни билдиради. Умумий педагогиканинг обьекти асосан ўқувчилардир, предмети эса ўқувчиларга берилаётган таълим-тарбия назарияси ва амалиётидир.

Умумий педагогика таълим-тарбия мақсадини жамият талабларига ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига қараб мазмунан ўзгариб боришини ўргатади, тарбиянинг таркибий қисмлари ва улар ўртасидаги боғланишларни очиб беради.

Демак, умумий педагогика фани ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон ва қасб-хунарли қилиб тарбиялаш учун таълим-тарбиянинг мазмуни, умумий қонуниятлари ва амалга ошириш йўлларини ўргатувчи фандир.

Кишилик жамияти ёш авлодни доимо тарбиялашдан иборат бўлган. Ёш авлодга ижтимоий-сиёсий тажрибани зарур билимлар ва амалий кўникмалар кўринишида беришдан, уларни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашдан манфаатдор эди. Жамият тараққиётининг турли босқичларида тарбия фақат амалий йўл билан ижро этилган.

Ёш авлодга таълим-тарбия берииш, бу педагогиканинг предметидир, яъни у ўрганадиган ҳодисалар доирасидир. Педагогика тарбия ҳақидаги фан ҳисобланади. Педагогиканинг тарбия соҳасидаги обьекти ўқувчи ҳисобланса, субъекти эса ўқитувчи ҳисобланади. Педагогика фани фақат болаларни эмас, балки ёшларни ҳам, катталарни ҳам қамраб олади. Бир қатор фанлар фалсафа, социология, этика, эктетика, психология кабилар тарбия масалалари билан шуғулланадилар. Бироқ, уларнинг ҳар бири тарбияга маълум бир томондан ёндашади. Фалсафа ва социология тарбияни ижтимоий тараққиёт омили деб қарайди. Психология тарбияга шахснинг психик ривожланига таъсири нуқтаи назаридан қизиқади. Этика жамиятнинг ахлоқий жиҳатдан ривожланишига тарбиянинг таъсирини ўрганади ва ҳоказо.

Тарбия масалаларни ўрганишда педагогика алоҳида ва ҳал қилувчи ўрин тутади. У педагогика жараён сифатида тарбиянинг моҳияти ва қонуниятларини ўрганади. Педагогика шахснинг таркиб топишига тарбиянинг таъсирини ўрганади, турли ихтисосликдаги ўқитувчиларнинг таълим-тарбиявий ишлари назарияси ва методикасини ишлаб чиқади.

Тарбиянинг мақсади. Тарбия ижтимоий ҳодиса эканлиги хусусида фикр юритганда, тарбиянин аниқ мақсадга йўналтирилган ҳодиса эканлиги таъкидланади. Инсон камолотига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бу омиллар ичida тарбия муҳим ва етакчи ўриндадир.

Тарбиявий ишларнинг самарадорлиги шундаки, тарбия билан шуғулланадиган ҳар бир тарбиячи ўз фаолиятини ва унда кўзда тутилган мақсадни аниқ тасаввур эта олиши, бу мақсаднинг муҳимлигини тушуниши

лозим. Бу мақсад жамиятнинг комил инсонни тарбиялашдек мақсадга мос келиши керак

Педагогика фанининг вазифалари. Педагогика фани тарбия масалаларини ўрганар экан, у ёш авлодни тарбиялаши учун қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

- шахсни ҳар томонлама, гармоник ривожланишида педагогик жараённи такомиллаштириш;
- шахснинг таркиб топиш қонун-қонуниятлари нималардан иборат эканлигини аниқлаш;
- замонга мос педагогларнинг таълим-тарбиявий фаолияти назарияси ва методикасини такомиллаштириш усулларини ишлаб чиқиш;
- илғор педагогик тажрибаларни умумлаштириш ва амалга жорий этиш;
- педагогларни илғор педагогик технологиялар ҳамда таълим-тарбия усуллари билан қуроллантириш.

Тарбиянинг вазифалари кенг ва кўп қирралидир. Таълимнинг асосий вазифаси ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш бўлса, тарбия ёш авлодга жамиятда қабул қилинган урф-одат, одоб-ахлоқ қоидаларига мос келадиган эътиқодни, ахлоқий малака ва кўникмаларни, эҳтиёж ва интилишларни таркиб топтиришдан иборат.

Қўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмуни. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ар1, Ар4, Ах1, Ах2, Ах3, А1, А3, А5, А6, Ак1, Ак2, Ак5.

2-Маруза: Педагогика фанининг таркибий тузилиши, методологик асоси ва бошқа фанлар билан муносабати

Режа:

1. Фанининг таркибий тузилиши
2. Фанининг методологик асоси
3. Фанининг бошқа фанлар билан алоқаси

Фан ва техниканинг тез суръатлар билан ривожланиши, турли йўналишларда билим ҳажмининг ошиб бориши фаннинг табақаланиб, турли тармоқларга бўлинишига сабаб бўлмоқда.

Яқин ўтмишда фалсафадан ажралиб чиққан педагогика фанида ҳам кўпгина тармоқларга бўлиниш жараёни, яъни таркибий тузилиши кўзга яққол ташланади. Масалан, мактабгача тарбия педагогикаси, мактаб педагогикаси, катталар педагогикаси, олий мактаб педагогикаси кабилар шулар жумласидандир. Айримлари эса, фан сифатида энди шаклланиб келмоқда. Ҳозирги замон педагогикаси кўп тармоқли фан бўлиб, аввало тарбия ижтиомий ҳодиса эканлиги жиҳатидан педагогика тарихи фани билан боғланади. Педагиканинг кўзи ожиз, ақли заиф, қулоғи кар – жисмоний камчиликларга эга бўлган болаларни тарбиялаш ва уларни ҳаётга тайёрлаш билан шуғулланадиган яна бир тармоғи – **максус педагогика** (сурдопедагогика, тифлопедагогика, олигофренопедагогика) дефектология билан чамбарчас боғлиқдир

Педагогика фани тармоқларида предметларни ўқитишининг қонуниятларини ўрганувчи фан – методика ҳам киради. Шу билан бирга педагогика фани бошқа фанлардан ажralган ҳолда ривожлана олмайди. Педагиканинг тарбия соҳасидаги обьекти ўсиб келаётган ёш авлод бўлганлиги учун педагогика инсонни ўрганувчи фанлар билан боғлиқдир.

Ўзининг бутун тарихи давомида педагогика фалсафа билан чамбарchas боғланган ва хатто XIX асргача унинг бир қисми ҳисобланган эди. Хуллас, педагогика фанининг методологик асосини Ўзбекистон республикаси Конституцияси, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, “Таълим тўғрисида” ги қонун, ҳукуматимиз томонидан чиқарилган қонун ва фармонлар ҳамда фалсафа ташкил этади. Чунки, тарбиянинг асосий мақсади ўсиб келаётган ёш авлоднинг илмий дунёқарашини шакллантиришдан иборатdir.

Педагогика бола тарбиясида унинг ёш ва индивидуал (психологик) ҳусусиятларини ҳисобга олиб боради. Шу боис, педагогика бугунги кунда фалсафадан ажаралиб чиқиб, бир қатор фанлар Билан муносабатда бўлади. Жумладан, у психология фани билан чамбарчас боғлиқ. Кейинги вақтларда педагогика кибернетика билан боғланмоқда, буни дастурлаштирилган таълим мисолида кўриш мумкин. Шунингдек, у этнография, биология, одам анатомияси, иқтисодиёт, санъат, маданият каби фанлар билан чамбарчас боғлиқдир

Тадқиқот методлари

Ҳар қандай фан фан сифатида ўзининг илмий-тадқиқот усулларига эга. Бу усуллар орқали ўз мазмунини бойитиб, янгилаб боради. Ҳаёт ва обьектив

дунёни билиш назариясидада нимани ўрганиш ва қандай ўргатиш керак, кимни ва қандай тарбиялаш лозим деган масалалар мавжуд бўлиб, улар ўзаро узвий боғлиқдир.

Педагогика ўз мазмунини бойитиш ва янгилаш мақсадида мавжуд педагогик ҳодиса ва жараёнларни, унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган тадқиқот усуллари билан ўрганади.

Педагогиканинг илмий-тадқиқот усуллари қанчалик тўғри танланса таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада яхшиланади, педагогика Фани ҳам бойиб боради. Шу сабабли педагогик илмий-тадқиқот усулларига докторатик ёндашиш мумкин эмас. Иккинчи томондан, илмий-тадқиқот усуллари ҳозирча фанда тўла яратилган, ҳал этилган деб бўлмайди.

Педагогиканинг ҳозирча мавжуд бўлган ва ишлаб чиқилган қуйидаги **илмий-тадқиқот методларини** санаб ўтиш мумкин: 1) кузатиш; 2) сухбат; 3) ўқувчилар ижодини ўрганиш; 4) тест, сўровномалар; 5) ўқув муассасаси

хужжатларини таҳлил қилиш; 6) эксперимент, тажриба, синов; 7) статистик маълумотларни таҳлил этиш; 8) математика-кибернетика; 9) адабиётлар билан ишлаш: библиография, аннотация, конспектлаштириш ва бошқалар.

Шахснинг ривожланиши ва тарбияси

Шахс деганда муайян жамиятнинг аъзоси тушунилади. Одам шахс бўлмоғи учун руҳий жиҳатдан тараққий этган, ўз хусусияти ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қилиши лозим.

Ҳар бир одам шахс сифатида турлича намоён бўлади. У ўзининг характери, қизиқиши, қобилияти, ақлий ривожланганлик даражаси, эҳтиёжи ва меҳнат фаолиятига муносабати билан фарқланади. Булар шахснинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, ана шу риҳий хусусиятлар ривожланиб маълум бир босқичга етсагина уни мукаммал, камол топган инсон дейилади.

Шахс номини олиш учун нималар даркор? Одамнинг ижтимоий мавжудод сифатида шахс номини олиши учун унга ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва тарбия керак. Шу сабабли педагогика фани боланинг шахс сифатида ривожланиши, унинг ҳар томонлама камолга этиш қонуниятлари, унга

таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар, ривожланиш жараёнига алоқадор даврларни аниқлаши керак.

Шунингдек, педагогика фанининг муҳим методологик муаммоларидан бири бу **шахснинг ривожланиши ва тарбияси** ҳисобланади. Ўсиб ва ривожланиб борувчи инсон тарбия обьекти ҳисобланади. Бутун ҳаёти давомида инсоннинг ривожланиш жараёни давом этаверади. Бу жараёнда у турли ўзгаришларни ўз бошидан кечириб боради. Инсонда бўладиган жисмоний ўзгаришларга – бўйининг ўсиши, вазнининг оғирлашиб бориши, суяқ ва мушак тизимларининг, ички аъзолари ва асаб тизимининг ўзгариб бориши киради. Рухий ўзгаришлар эса, унинг ақлий ривожига алоқадор бўлади ва инсонда рухий сифатларнинг шаклланиб бориши, унда ҳаёт учун зарур бўлган социал сифатларнинг таркиб топиши ҳисобланади.

Инсон – индивид туғилиши билан ўзида инсоний, шахсий хислатларни шакллантира бошлайди. Икки ва ундан ортиқ инсонлар билан муносабатда, мулоқотда бўлган ҳар қандай инсонда шахсий хислатлар пайдо бўлади. Демак, ҳар бир туғилган инсон индивиди – одам. Шахсий хислатларга эга бўлган инсон аста-секин шахсга айлана бошлайди. **Шахслар оддий ва буюк шахсларга бўлинади.** Буюк шахслар тугма ёки кейинчалик меҳнат натижасида пайдо бўлиши мумкин.

Шахснинг ривожланиши – бу муҳим жараён ҳисобланади. Маълумки, бола бутун ҳаёти давомида жисмоний ва рухий томондан ўзгариб боради. Айниқса болалиқ, ўсмирлик ва ўспиринлик даврида ривожланиш ниҳоятда кучли бўлади. Мана шу йилларда ҳам жисмоний, ҳам рухий жиҳатдан ўсиши, ўзгариши туфайли шахс сифатида камолга етади, бунда берилаётган тарбия мақсадга мувофиқ таъсир этиши натижасида бола жамият аъзоси сифатида

камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимида ўзига муносиб ўрин эгаллайди.

Муносабатлар доирасига кишилар орасидаги муносабат эмас, балки табиат, жамият, ҳаётга бўлган муносабатлар ҳам киради. Мана шу кўп қиррали алоқа ва муносабатлар заминида ҳар бир шахс ўз қобилияти, қизиқиши, ўз билими ва уқувини намоён қиласи, ўз ишига, вазифасига, бурчига, халқига, Ватанига, ўз-

ўзига бўлган муносабатларини ифодалайди. Табиийки, шахсдаги бу фазилатлар факат тарбиянинг маҳсулидир.

Тарбия муҳит каби инсон камолотига таъсир этувчи ташқи омиллардан ҳисобланади. Тарбиянинг хусусияти шундаки, у аниқ мақсадни кўзлаб, инсонда ижобий фазилатларни таркиб топтириш йўлида тарбиячи

раҳбарлигига мунтазам амалга ошириб боради. Аммо, тарбия таъсири нинг кучи ва унинг натижаси ирсият ва муҳит каби омилларнинг ҳамкорлиги билан белгиланади. Тарбия инсоннинг кўзи, сочи, терисининг ранги, баданининг тузилишига таъсир эта олмайди, лекин, жисмоний тараққиётiga таъсир этиши мумкин. Махсус ташкил этилган жисмоний машқлар орқали боланинг саломатлиги мустаҳкамланади ва чиниқтирилади. Инсоннинг табиий қобилияти фақат тарбия орқали, уни маълум бир фаолият турига жалб қилиш орқали ривожланиши мумкин.

Педагогика шахснинг камолотга етишини мураккаб ва зиддиятли жараён деб билади. Шахснинг камолга етишида насл-ирсият (биологик), ижтимоий муҳит, мақсадга мувоғиқ амалга оширадиган таълим-тарбия ва ниҳоят ўзининг мустақил фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шахс қайси жамиятда яшаса ўша жамият ҳаётидаги қонун-қоидаларга асосан камол топади. Шу жамиятнинг моддий ва маънавий бойлигидан баҳраманд бўлади. Моддий ва маънавий бойликларни яратишда иштирок этади. Агар шу жамиятнинг моддий ва маънавий бойлиги юксак бўлса, у шу шахсга шу қадар катта таъсир кўрсатади ёки аксинча. Иккинчи томондан эса, шахс фаолияти давомида меҳнат орқали ўз моддий ва маънавий бойлигини яратиш жараёнида онгини, ҳаётини, турмуш шароитини ҳам яхшилаб боради. Ана шундай ижтимоий фаолиятлар ўз навбатида меҳнат турининг такомиллашишига олиб келади.

Маълумки, бола лаёқатини ривожлантириш, уни қобилиятга айлантириш ва ҳаётга мос ҳолда ўстириш учун меҳнатсеварлик ва ишчанлик керак. Меҳнатсеварлик ва муттасил ўтириб ишлаш булар фақат тарбия натижасида ортирилган фазилатлардир.

Педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ҳар қандай фаолият шахснинг ақлий ва иродавий ривожланишига таъсир этади. Демак, ўқувчи улғая борган сари унинг фаолияти ҳам шакли ва мазмуни билан ҳамоҳанг ўзгариб бораверади.

Инсон камолоти ва унинг шахсини шакллантиришни ягона ва бир бутун жараён эканлигини таъкидлайди. Бу жараёнда ўқувчи фаолиятига катта ўрин берилади. У фаоллиги билан ўз шахсини шакллантира олади. Тарбиячи томонидан қўйиладиган мақсад аниқ бўлса ва бу мақсадга эришиш учун одам астойдил ҳаракат қиласа, кутилган натижага эришилади.

Ўқитувчи шахсига қўйиладиган педагогик талаблар

Ҳозирги замон ўқитувчисининг асосий фазилатларидан бири – ўз касбига садоқатлилиги, ғоявий эътиқодлилиги, иймонлилиги,

болажонлилиги, ўз фанини мукаммал билиши ва севиши каби хислатлари орқали бошқа касб эгаларидан ажралиб туради. Чунки, таълим муассасасида таълим-тарбия

ишининг юқори савияда олиб борилиши фақат ўқитувчига ва унинг касбий тайёргарлигига боғлиқ.

Ўқитувчи шахсига қўйиладиган муҳим талаблардан бири ўзи ўқитаётган предметни чуқур билиши билан бирга, унинг ўқитиш методикасини ўзлаштириб олган бўлиши зарур. Ўқитаётган предметнинг назариясини чуқур билиши, уни қизиқарли қилиб ўқувчиларга етказа олиши ўқувчиларнинг шу предметга бўлган қизиқишини оширади ва ўқитувчининг обрўйини оширади.

Шунингдек, ўқитувчи ўқувчиларни севиши, хурмат қилиши, уларнинг ҳаёти билан қизиқиши, бутун куч ва билимини уларнинг келажаги ҳамда уларни ватанга содик фуқаро қилиб тарбиялашга сафарбар қила оладиган инсонгина ҳақиқий ўқитувчи бўла олади. Ўқитувчи ўқувчиларни халқ педагогикаси дурдоналари ҳамда миллий қадриятлар асосида тарбия қила олиши лозим. Унинг нутқи равон, халқ тили бойлиги, ифода усули, тасвир воситаларини, адабий тил услуби ва меъёрини тўла эгаллаган бўлиши зарур. Ўқувчига бефарқ, унинг келажаги билан қизиқмайдиган, ўқитувчилик касбига лоқайд инсон ҳақиқий ўқитувчи бўла олмайди.

Ўқитувчи ташкилотчилик фазилатига эга бўлмоғи лозим. Бунинг учун ўқитувчи ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятига эга бўлиб, ҳар доим тетик, ғайратли, ўз кучи ва имкониятига ишонган бўлмоғи лозим. Ташаббускор, ташкилотчи, ғайратли ва ўқувчиларни чин қалдан сева оладиган ўқитувчи ўқувчиларни ўз орқасидан эргаштира олади, ўқувчилар унга эргашади.

Ўқитувчилик касби жуда катта руҳий ва жисмоний қуч талаб этади, шунинг учун ҳам ўқитувчининг саломатлилиги ҳам яхши бўлиши зарур. Унинг овоз пайчалари ривожланган, кўриш қобилияти яхши бўлиши, узок вақт тикка бўлиши, кўп юриши, этчил ҳаракат қила олиши керак.

Шунингдек, маҳсус фан ўқитувчисига қўйиладиган касбий талаблар шундан иборатки, у амалий ва ишлаб чиқариш машғулотларига раҳбарлик қилувчи ва бошқарувчи шахс ҳисобланади

Қўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмуни. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ар1, Ар4, Ax1, Ax2, Ax3, A1, A3, A5, A6, Ақ1, Ақ2, Ақ5.

3-Маъруза: Узлуксиз таълим тизими. Таълимнинг ягона тизими.

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасида халқ таълими тизими ва унинг қоидалари.
2. Ўзбекистон Ремпубликасида таълимнинг ягона тизими. (Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий)
3. Узлуксиз таълим тизими ва турлари.

Халқ таълими тизими деганда аниқ мақсадни кўзлаб мамлакат ёшларига таълим тарбия бериладиган муассасалар тушинилади.

Халқ таълими тизими деб муайян мамлактлар ички ва ташқи таракқиётига тавсиф берувчи ҳамда маълум бир қоидалар асосида ташкил этилган барча таълим тарбия муассасаларининг тузилишига айтилади.

Халқ таълими тизими Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонунга мувофиқ ташкил этилади ва назорат қилинади. Республикализ Конституциясида, яъни 18-41-моддаларида кўрсатилганидек, барча фуқаролар жинси, ирқи ва миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар билим олиш хуқуқига эга. Шунингдек, фуқароларнинг бепул умумий таълим олиши давлат томонидан кафолатланади.

Ўзбекистон худудида азал-азалдан таълим-тарбия соҳасига катта эътибор берилган.

Шарқ педагоглари болаларни ўқишига қизиқтириш учун китобдаги воқеаларни қуш ва хайвонлар тилидан ҳимоя қилар эдилар. Масалан, «Қобуснома», «Аҳлоқи Муҳиний», «Камила ва Димна» каби асарларидаги нақл-ривоятларга одоб-аҳлоқ қоидалари сингдириб юборилган. 1991 йилнинг 31 августида Республикализ ҳаётида тарихий воқеа юз берди: Истиқлол эълон қилинди. Шу муносабат билан жаҳон тажрибаларидан келиб чиқиб,

энг биринчи навбатда, мустақил республикамизнинг халқ таълими соҳасида ислоҳат ўтказиш масаласи кўтарилди. Нихоят Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни таълим тизининг янгиланишига сабаб бўлди. Олдинги қабул қилинган қонунлардан фарқли ўлароқ, халқ таълими тизими тузилишида бир қанча янги қоидалар жорий этилди ва бажарилиши мажбурий деб қайд қилинди. Бу қоидалар қўйдагилар:

1. Таълим тарбиянинг инсонпарварлиги ҳамда демократиклиги.
2. Бунинг моҳияти шундаки, биздаги барча халқ таълими тизимиға кирувчи муассасаларда берилаётган таълим ва тарбия инсонларнинг моддий ва маънавий камолатини, ақл-заковатининг ўсишини, ўзлигини билиш хақ-хуқуқлари учун курашадиган ватанпарвар бўлиб кетишларини мақсад қилиб қўяди.
3. Таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги.
4. Мустақил Ўзбекистонимизда Халқ таълими муассасаларида берилаётган таълим ва тарбия узлуксиз ўзаро боғлиқdir. Таълим жараёни ўқув режаси ва дастури асосида тизимни, изчил олиб борилади.
5. Давлат таълими тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги Республикамиздаги барча таълим муассасаларида дунёвий билимлар берилади. У илмий асосларга эга бўлиб, фан техника тараққиётининг энг янги мувафақиятлари ва инсон ақл-заковати туфайли такомиллашиб боради.
6. Таълимда умуминсоний ва миллий маънавий қадриятларнинг устиворлиги.
7. Барча таълим тарбия масканларида берилаётган билим аждодларимизнинг минг йиллар мобайнида шаклланган анъаналарига таянади.
8. ДТС лари қоидасида ҳамманинг таълим олиши учун имконият яратилганлиги.
9. Қонуннинг 4-моддасида таъкидланганидек Ўзбекистон Республикасида ижтимоий келиб чиқиши, жинси, тили, ёши, ирқи, миллати, турар жойи, республика худудида қачондан бери яшаётганлигидан қатъий назар, барчанинг таълим олиш учун тенг хуқуқлари кафолатланади.
10. Таянч таълимнинг мажбурийлиги.
11. Мамлакатимизда 1930 йилда бошланғич, 1949 йилда етти йиллик, 1958 йида саккиз йиллик, 1970 йилда умумий ўрта мажбурий таълимга асос солинди. 1984 йилдан бошлаб 11 йиллик мажбурий таълимга ўтилди.
12. Таълим маънавий ва жисмоний дастурларини ягона ва табақалаштирилган ўқув режа ва дастурларни тасдиқлади. Уларни бажарилишини назорат қиласи. Ёш авлодни маънавий бой, рухан тетик, жисмонан бақувват, ахлоқан пок ва меҳнатсевар бўлиб вояга етиш учун барча моддий ва маънавий шароитларни ҳозирлайди.
13. Билимдонлик ва истеъдодли рағбатлантириш таълим-тарбия муассасаларида таълим олаётган билимдон ва истеъдодли ўқувчиларни

рафбатлантириш стипендия, турли кўринишдагимақтov ёрлиқлари шаклида ташкил этилади.

14. Таълим муассасаларида чет тилларни ўрганиш дин тарихи ва жаҳон маданияти соҳасида билим олиш учун шароитлар яратиши.

15. Таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий харакатларнинг таъсиридан холи бўлиши.

16. Тарбияланувчилар ва таълим оловчиларни хурматлаш.

17. Педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқеини хурматлаш.

18. Олдинги қабул қилинган қоидалардан фарқли ўлароқ, янги қонунда педагог шахсини унинг ижтимоий мавқеини хурматлаш лозимлиги белгилаб қўйиган.

19. Амалдаги қонунлар доиларида мулкчиликнинг teng хуқуқлилиги, уларнинг мустақиллиги таъминланиб, таълим муассасаси мустақил юридик шахс сифатида, қонунларга белгиланган тартибда барпо этилади.

20. Таълим муассасалари ўзаро битим тузишга, ўқув партия комплекслари ва ўқув илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмалари таркибиға киришга хақлидир.

Таълимнинг ягона тизими.

Ўзбекистон республикасида таълимнинг ягона тизимиға амал қилинади. Ягона таълим тизими қўйдагиларни ўз ичига олади.

1. Мактабгача тарбия.
2. Умумий таълим.
3. Ҳунар-техника таълими.
4. Ўрта маҳсус таълим.
5. Олий таълим.
6. Илмий ва илмий педагог ходим. тайёрлаш.
7. Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.
8. Оиласдаги таълим.
9. Мустақил таълим.
- 1. Мактабгача таълим.**

Мактабгача таълим тармоғига 1-3 ёшдан, 6-7 ёшгача бўлган болаларга таълим-тарбия берувчи ясли ва боғча муассасалари, шунингдек оиласдаги таълим-тарбия киради. Бундан кўзланган мақсад бола камолоти асосларини шакллантиришдан, унинг билимга қизиқишини таъминлашдан, маданий ахлоқий меҳнат кўникмаларини, илмга муҳаббатини тартиб топтиришдан иборат.

2. Умумий таълим

Узлуксиз давлат таълими тизимида асосий бўғин бўлиб, таълим оловчиларнинг илмий билим, меҳнат ва бошланғич касбқор кўникма ва

малакаларини, ишбилармонлик асосларини, эгаллашларини шунингдек, ўз ижодий қобилиялари, фазилатларини ривожлантиришларини таъминлайди.

3. Мактабдан ташқари таълим.

Болалар ва ўсмирларни талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, уларнинг дам олишини ташкил этиш мақсадида мулкчиликнинг турли шаклларидағи корхоналар, жамоа бирлашмалари ва маданий, илмий, техника, спорт ва бошқа йўналишдаги мактабдан ташқари таълим муассасалари барпо этилади.

4. Ҳунар-техника таълими.

Ҳ.Т.Т, меҳнат ва касб-кор маҳорати ҳамда ишчи ва кадрлар тайёрлашни, уларни қайта тайёрлаш ва малакаларни оширишни мақсад қиласди. Ҳ.Т.Т таянч таълим асосида бир вақтнинг ўзида умумий ўрта маҳсус ўқув юртларида, таянч урта ва касб-хунар таълими негизида амалга оширилади.

6. Олий таълим

Олий таълим танланган фаолият соҳасида чу4қур умуммиллий ва маҳсус билимни зарур касбқ-кор кўникмаси билан уйғунлаштирадиган юқори малакали мутахасисларини шунингдек илимий ва илмий педагог ходимлар тайёрлаш мақсадини кўзлайди. ОЎЮда таълим икки босқичда бакалавр ва магистр даражасини бериш орқали амалга оширилади: ОЎЮ қонунда белгиланган тартибда вақти-вақти билан аттестация акиредациядан ўтказиб туриади.

7. Илмий ва илмий педагог ходимлар тайёрлаш

Илмий ва илмий педагог ходимлар тайёрлаш узлуксиз таълим тизимида олий босқич ҳисобланиб. Шахс ва жамият эҳтиёжларини шунингдек, жамиятнинг бундай кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондиришни таъминлайди. Илмий илмий педагог ходимларни тайёрлаш илмий даражалар (фан номзоди, фан доктори) ва илмий увонлар (доцент, катта илмий ходим, профессор ва х.) бериш тартиби қонунлар билан белгиланади.

8. Оиладаги таълим

Ота-оналар ва уларни ўрнини босувчи шахслар боланинг жисмоний, маънавий камолотига ва ақл-заковатини ўстиришига маълумотли бўлишига жавобгардирлар. Оиладаги таълим ўқув юртларнинг дастурлари бўйича амалга оширилади. Кейинчалик экстернат тартибида аттестациядан

ўтказилади. Атестациядан ўтган таълимнинг исталган босқичидан бошлаб ўқув муассасаларида ўқишни давом эттиришлари мумкин.

9. Мустақил равища таълим олиш.

Давлат фуқароларининг мустақил равища ўз маълумотлар, маданий, касб-кор савияларини оширишга бўлган интилишлари, қизиқишлигини қўллаб -қувватлайди, уларга шарт-шароит яратади.

Билим ва малака даражасини мустақил равища оширишган шахсларга экстернат тартибида имниҳон топшириш имконияти берилади.

Таълим Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий тараққиётида устивор деб эълон қилинади. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қўйдагилардан иборат:

- т.-т. нинг инсонпарвар демократик хар-рда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек, ўрта маҳсус касб-хунар колледжида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги.
- ДТС асосида таълим олишнинг ҳамма учун баробарлиги.
- таълим дастурларини танлашда ягона ва табақалаштирилган ёндашиш, билим олишга интилиш истеъодни рағбатлантириш.

- Таълим тизимида давлат бошқарувини уйғунлаштириш.

Жиниси, тили, ёши, ирқи, миллий мансублиги, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, турар жойи, Ўзбекистон Республикасида қанчй вақт яшаётганлигидан қатъий назар, ҳар кимга билим олишга teng хуқуқ яратилади.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксизdir.

Узлуксиз таълим тизими ва турлари.

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши ДТС асосида, турли даражадаги таълим дастурининг изчиллиги асосида таъминланади ва қўйдаги таълим турларини ўз ичига олади:

- мактабгача таълим
- умумий ўрта таълим
- ўрта маҳсус касб-хунар таълими.
- Олий таълим
- Олий ўқув юртидан кейинги таълим
- Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш
- Мактабдан ташқари таълим

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусияти мустақил равишдаги 9 йиллик умумий ўрта ҳамда 3 йиллик ўрта маҳсус касб-хунур таълими жорий этишдан иборатdir. Бу эса умумий таълим дастуридан ўрта маҳсус касб-хунур таълимига изчил ўтишини таъминлайди.

Умумий таълим дастурлари: мактабгача таълим, бошланғич таълим, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус касб хунар таълимини қамраб олади.

Касб-хунар таълими дастурлари ўрта маҳсус таълими, олий таълим ва ОЎЮ дан кейинги таълимни, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни қамраб олади.

Мактабгача таълим.

Мактабгача таълим боланинг соғлом ҳар томонлама камол топиб шакеланишини таъминлайди, унда ўқишига интилиш ҳиссини уйғотади, мунтазам таълим олишга тайёрлайди.

Мактабгача тарбияни ривожлантириш учун қўйдагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- малакали тарбиячи ва педагог кадрларни устивор равища тайёрлаш;
- мактабгача таълимнинг самарали психологиг педагогик услубларини излаш ва жорий этиш;
- болаларни оиласда тарбиялаш ташкилий психологик, педагогик ва услубий жиҳатдан таъминлаш;
- замонавий ўкув-услубий қўлланмалар, техник воситалар ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқиш;
- мактабгача ёшдаги боалаларни халқнинг бой маданий тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш;
- Мактабгача тарбия муассасаларининг ҳар хил турлари учун турли вариандаги дастурларни танлаб олиш, мактабгача тарбиянинг барча масалалари бўйича малакали консультация хизмати кўрсатиш имкониятини яратиш;
- Мактабгача тарбия ва соғломлаштириш мауссасалари тармоғини қўллаб-қўвватлаш ва ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш.

Умумий ўрта таълим.

9 йиллик ўқишдан иборат умумий ўрта таълим мажбурийdir. Умумий ўрта таълим тугаллангандан кейин ўкув фанлари ва улар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги аттестат берилади.

Умумий ўрта таълимнинг янгича тизими ва мазмунини шакллантириш учун қуидагилар зарур:

- таълим олишни таъминловчи ДТС ларини ишлаб чиқариш, бунда АЛ ва КХК ларидан кейин олинадиган таълим дастурлари билан мантиқий боғлиқлик ҳисобига олиниши лозим;
- юқори малакали педагог кадрларни тайёрлаш;
- худудларни жўғрофий ва демографик хусусиятларига, шахс, жамият ва давлатнинг эҳтиёжларига мувофиқ равишда таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш;
- ўқувчиларни қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувни жорий этиш;
- таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув услугубий мажмуалари яратиш ва ўқув тарбия жараёнларини дидактик жиҳатдан таъминлаш;
- ўқувчиларни касб-хунарга йўллайдиган ва психологик педагогик жиҳатдан маслаҳатлар берадиган марказлар тармоқларни ташкил этиш;

Ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими.

Умумий ўрта таълим негизида ўқиши муддати 3 йил бўлган мажбурий ўрта маҳсус, КХ таълими узлуксиз таълим тизимидағи мустақил турдир. Ўрта маҳсус, КХ таълими йўналиши АЛ ёки КХК ўқувчилари томонидан ихтиёрий танланади. АЛ. ДТС ларига мувофиқ ўрта маҳсус таълим беради. Алларда ўқувчилар ўзлари танлаган таълим йўналиши бўйича билим савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган маҳсус касб-хунар куникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу кўникмаларни ўқиши муайян олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнати жараённада рӯёбга чиқаришлари мумкин.

КХК тегишли ДТСлари доирасида ўрта маҳсус, касб-хунур таълими беради; ўқувчиларнинг касб хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаган касби бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконинин беради. КХК лари жиҳозланганлиги даражаси педагогик таркибининг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан чнги типдаги таълим мауссасалари ҳисобланади.

Олий таълим.

Олий таълим ўрта маҳсус касб-хунар таълими негизига асосланади ҳамда 2 босқичга эга.

Бакалаврият- мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган таълим муддати ҳамда 4 йил давом этадиган таянч

олий таълимдир. Битиравчиларга давлат аттестацияси якунларига биноан «бакалвр» дипломи берилади.

Магисратура-аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизидатоълим муддати номида 2 йил давом этадиган олий таълимдир. Магирстларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар фаолияти билан шугулланиши хукуқини берадиган диплом топширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга шахснинг ижодий таълим касб-хунар манфаатлари қаноатлаштиришга қаратилган ОЎЮ дан кейинги таълимнинг ОЎЮларида ва илмий тадкиқот муассасаларида олиш мумкин. ОЎЮдан кейинги таълим босқичлари диссертация ҳимояси билан яқунланади. ЯДАттестацияси натижаларига кўра тегишли равишда фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар топширилади.

Кадрлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш.

Кадрлар алакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мутахассисларнинг қасб билимлари ва кўнилмаларини янгилаш ҳамда чукурлаштиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларидаги ўқиш натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ёки сертификат топширилади.

Мактабдан ташқари таълим.

Болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган якка тартибдаги, ортиб берувчи талаб ва эҳтиёжларини қондириш уларни бўш фактларини дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари жамоат ташкилотлари бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий техникавий спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этадилар.

1.

Таълим түрлари



Мактаб гача таълим	Умуми й ўрта таълим	Ўрта махсус касб хунар таълими	Олий таълим	Олий ўқув юритидан кейинги таълим	Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш	Мактаб дан ташқари таълим
--------------------------	---------------------------	--	----------------	---	---	------------------------------------

Умумий ўрта таълим босқичлари

Бошлангич таълим
I-IV синфлар

Таянч таълим
V-IX синфлар

Олий укув юритидан кейинги таълим.

магистирлик негизида

Фан номзоди илмий даражаси
негизида

Фан номзоди илмий
даражасига эга былади.

Фан доктори илмий
даражасига эга былади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари.

БИРИНЧИ БОСҚИЧ

(1997-2001)

Мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосидпа ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий кадрла жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

ИККИНЧИ

БОСҚИЧ

(2001-2005)


Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш. Мехнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўта аниқликлар киритиш.


УЧИНЧИ БОСҚИЧ

(2005 ва кейинги йиллар.)

Тўпланган тажрибаларни тахлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувафиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

МИЛЛИЙ МОДЕЛ





Қўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмуни. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ap1, Ap4, Ax1, Ax2, Ax3, A1, A3, A5, A6, Ak1, Ak2, Ak5.

4-маъзуза: Касбий ўқув муассасаларида тарбиявий ишлар ва унинг методикаси

РЕЖА:

1. Таълим методлари ва усуллари ҳақида маълумот.
2. Таълим методлари ва воситаларининг тавсифи.
3. Таълим методларини фаоллаштириш йўллари. Мустақил иш ва уларнинг турлари.

Таълим методлари ва усуллари ҳақида тушунча. Таълим жараёнининг муваффақияти унинг шаклигагина эмас, балки қўлланилаётган

методлар самарадорлигига боғлиқ бўлиб, у таълим назариясида асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

“Метод” юонча “**metdos**” деган сўзни англатиб, у “йўл”, тадқиқ қилиш каби маъноларни англатади. Таълим методи таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг аниқ мақсадга эришишига қаратилган биргаликдаги фаолиятдир.

Таълим методлари ўқитишнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш усулларини ҳамда ўкув материалини назарий ва амалий йўналтириш йўлларини англатади.

Ўқитиши методлари таълим жараёнида таълим берувчи ва таълим оловучи фаолиятининг қандай бўлиши, ўқитиши жараёнини қандай ташкил этиш ва олиб бориш кераклигини ҳамда шу жараёнда таълим оловчилар қандай иш ҳаракатларини бажаришлари кераклигини белгилаб беради. Шунингдек, таълим методи ўқитувчи ва таълим оловчиларнинг ўқиш вазифаларини бажаришга қаратилган назарий ва амалий билиш фаолияти йўлидир.

Таълим жараёни ва унинг натижалари таълим берувчининг таълим оловчилар билиш фаолияти ҳаракатини белгиловчи **иш усулларига** боғлиқ. Шу сабабли доимо педагогикада таълим методларига таълим берувчининг иш усуллари ва таълим оловчиларнинг **билиш фаолияти усуллари** деб қараладики, бу усулларнинг ҳар иккаласи ҳам ўкув вазифаларини бажаришга қаратилгандир.

Таълим методлари таълим берувчи ва таълим оловчилар фаолиятининг хусусиятини белгилайди. Улар таълимнинг мақсад – вазифаларига боғлиқ бўлади [5].

Ҳозирги замон дидактикаси ва хусусий методикасида таълим методларини тавсифлашга турлича ёндашувлар.

Таълим методлари теварак –атрофдаги дунёни билишнинг умумий қонуниятларини тушушишга боғлиқдир, яъни улар фалсафий методологик асосга эгадир ва таълим жараёнидаги қарама – қаршиликларни, таълим жараёнининг моҳиятини ва тамойилларини тўғри англаш натижасидир.

Таълим материали таълим мазмунида ифодаланган илмий фикр мантиғига боғлиқдир. Ўқув материалининг мазмуни тобора чуқурлашиб, мураккаблашиб, такомиллашиб ва илмий тус олиб бормоқда, шунинг учун таълим методлари илмий билишнинг мантиғи ва методларига тобора кўпроқ боғлиқ бўлиб бормоқда.

Замонавий илм – фан ва техника – технологияларнинг ривожланиши билан таълим методларига бўлган муносабат ҳам ўзгариб, такомиллаштиб, замонавийлашиб боради ва улар ҳозирги замон дидактикаси ҳамда хусусий методикалардаги таълим методлари билан уйғун ҳолда шакллантирилиб борилади. Шу сабабли ҳам унга турлича ёндашувлар бўлиши ҳам табиийдир. Бунда айниқса дидактик ҳарактерга эга бўлганлари муҳим аҳамият касб этади ва улар педагогик назария доирасида амалга оширилмоғи лозим. Бу борада таълим методлари назарий жиҳатдан яхши асосланган бўлиши ва педагогик назариядан келиб чиқсан бўлиши керак ҳамда унинг амалий аҳамиятига албатта эътибор қаратилади, чунки таълим методлари амалда қўлланилмаса у фойдасиз бир нарсага айланади.

Маълумки, таълимнинг амалий йўналганлиги таълим методларининг энг муҳим талабларидан биридир ва у доимо замон талабидаги долзарб йўналишдир.

Демак, таълим методларида педагогик назариянинг амалиёт билан боғлиқлигини таъминлашга қаратилган ёндашув ҳар доим зарур ва керак. Назария қанча чуқур ва илмий бўлса, таълим методлари ўшанча самарали бўлади. **Педагогик қарашларда** назария қанча кам ифодаланган бўлса, таълим методлари бу назарияга шунча кам боғлиқ бўлади.

Педагогика фани мактаблар ва таълим берувчиларнинг илгор иш тажрибаларини умумлаштиради, анъанавий таълимнинг илмий асосларини кўрсатиб беради, ўқитишнинг замонавий, самарали методларини ижодий равишда излаб топишга ёрдам беради. Шу сабабли ҳам таълим методлари олдига қўйидаги асосий талаблар қўйилади:

1). Ўқув материалини ўрганиш йўли фикр юритишнинг дидактик материалистик усулларини, миллий мафкурага ҳамда миллий қадриятларга асосланган ахлоқ, хулқ – авторнинг иродавий сифатларини шакллантиришга олиб келиш керак. Шу талаб нуқтаи назаридан қараганда, таълим методи тарбияловчи ҳарактерда бўлиши, яъни билимларни ўзлаштиришгагина эмас, балки таълимнинг тарбияловчилик имкониятларини ишга солишга ҳам ёрдам бериши керак.

2). Таълим методи илмий далиллар билан равshan ва аниқ асосланган бўлиши лозим. Ана шунда таълим берувчиси, бу метод билан ишлашда қандай вазифаларни қўйиб, ҳал қилиш мумкинлигини ва қандай вазифаларни амалга ошириб бўлмаслигини кўра олади. Методнинг илмийлиги таълим олувчиларнинг равшан ва аниқ фикр юритишини ҳамда материалларни ўзлаштириш жараёнидаги далил – исбот ва муҳокамаларнинг мақсади, воситалари, усулларини, шунингдек, асосий ва иккинчи даражали натижаларни ҳам билдиради.

3). Таълим методларининг тизимлилиги уларнинг самарадорлик даражасини белгилайди. Ўқув материалини ўрганишнинг ҳар қандай алоҳида олинган усули, гарчи, шу дарсда қўлланиш учун жуда қулай бўлса ҳам, ўқитишнинг бошқа методлари билан бирга қўлланилмаганда таълим олувчилар ақлининг ўқишига сезиларли таъсир кўрсатмаслиги мумкин.

4). Таълим методлари олдига муқаррар суръатда қўйиладиган яна бир талаб – уларнинг тушунарли бўлишидир. Ўқитиш йўли таълим олувчига

тушунарли ва мақбул бўлиши, ўқув материалини ўрганиш усуллари эса унинг билимларни ўзлаштиришдаги ёш имконияларига мувофиқ келиши лозим.

5). Болани сезги органлари орқали билишга ўргатиш ва ўқув жараёнида кўрсатмали қуроллардан иложи борича кўпроқ фойдаланиш зарурлиги таълим методлари олдига қўйиладиган муҳим талабдир. Таълим методларини таълимни онгли ва фаол шаклда олиб бориш тамоилии нуқтаи назаридан асослаш зарурлиги ҳам муҳим талаблардан биридир. Боланинг ўқув машғулотларига онгли муносабатда бўлиши, ўқув материли мазмунини онгли равища тушуниши, ундаги билиш фаоллиги ва қизиқишининг даражаси таълим берувчининг тушунтириш методларига ва таълим олувчиларнинг билимларни ўзлаштириш усулларига боғлиқ.

6). Таълим методлари олдига қўйиладиган талаблардан яна бири – бу билимларнинг асосли ва пухта бўлишидир. Таълим методлари яхши натижা берадиган бўлиши лозим. Таълим берувчининг тушунтириш ва таълим олувчиларнинг ўзлаштириш усули режалаштирилган ёки мўлжалланган натижани бериши керак [5].

Таълим методлари ва воситаларининг тавсифи.


Методлар бир қанча асосий гуруҳлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида кичик гуруҳлар ва уларга кирувчи алоҳида методларга бўлинади. Ўқув – билув фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш жараёнининг ўзи эса ахборот узатиш, қабул қилиш, англаш ва ўқув ахборотларини эсда сақлашни ҳамда олинадиган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллай олишни назарда тутишни ҳисобга олсак, **биринчи гуруҳ** методларига **сўз орқали** ахборотни узатиш ва эшитиш орқали қабул қилиш методлари оғзаки методлар; ҳикоя, маъруза, сухбат ва бошқалар; **иккинчи гуруҳ** методларига ўқув ахборотларини **кўргазмали узатиш** ва кўриш орқали қабул қилиш методлари – кўргазмали методлар: тасвирий, намойиш

қилиш ва бошқалар; **учунчи гурұх** методларига ўқув ахборотини **амалий мәхнат** ҳаракатлари орқали бериш (амалий методлар, машқлар, лабаратория тажрибалари, мәхнат ҳаракатлари ва бошқалар) киради.

Демак, амалиётта кенг қўлланилиб келаётган таълим методларини қуийдаги кўринишда ифодалаш мумкин (1 - шакл).

Ўқув материалини **оғзаки баён** қилиш методи баён қилинаётган маълумотларнинг тўғридан – тўғри таълим берувчининг жонли нуқти орқали идрок қилиниши билан тавсифланади ва ана шу хусусиятига кўра таълимнинг бошқа методларидан фарқ қиласди.

Таълимнинг **кўргазмалилик методидан** амалий фаолиятда фойдаланишда намойиш этиш, тасвирлаш ва экскурсия методи билан иш кўришда таълим олувчиларни турли мавзуларда тасвирий материаллар билан ишлашга жалб этиш муҳим дидактик аҳамиятга эга.



1-шакл. Таълим методлари.

Амалий машғулотлар методи, асосан ўзлаштирилган илмий билимларни мустаҳкамлаш ва уни амалда қўллай олиш, тегишли қўникма ва малакаларга эга бўлишни таъминлашга хизмат қиласди. Одатда машқ

қилдириш деганда илмий билим ва маълум бир иш – ҳаракатни ўзлаштириш ёки такомиллаштириш мақсадида режали равишда ташкил этилган такрорлаш тушинилади.

Машқ қилдириш методи ўқув предметларининг мазмуни ва тавсифига қараб турлича олиб борилиши мумкин. Таълим олувиларнинг ўзлаштирган кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш ва уларнинг ижодий қобилияtlарини ривожлантиришда машқ қилдириш қуидаги талабларга амал қилиши лозим:

1. Топшириқнинг мақсади таълим олувчиларга аниқ ва равshan тушунтирилган бўлиши, мазмуни ва уни ишлаш йўллари эса пухта ўқтирилган бўлиши лозим.
2. Таълим олувчилар диққати тақдим этилаётган машқقا жалб қилиниши, жамоанинг ва ҳар бир таълим олувчининг интилиш ва қизиқишилари ҳисобга олиниши лозим.
3. Топшириқ режалаштирилган (лойиҳаланган) тизим асосида ва уларни бажаришдаги жараёнларнинг изчилигига асосланган бўлиши лозим.
4. Маълум қоида юзасидан ўзлаштирилган кўникма ва малакалар шу қоидага оид бошқа мазмундаги топшириқларни бажаришда ҳам осонлик билан қўлланилиши лозим.
5. Топшириқ берилишида таълим олувчиларни фаоллаштирилган ижодий фаолиятга йўналтирилишини ҳам эътиборга олиши лозим.
6. Бериладиган топшириқ (машқ ва шу кабилар)ни таълим олувчиларнинг белгиланган вақти ичida албатта бажара олишлигини эътиборга олиш керак ва бунда таълим олувчиларнинг интеллектуал салоҳиятига (умумий ва айrim ҳолларда хусусий интеллектуал салоҳиятига) эътибор қаратилиши машқ қилиш жараёнининг оптималь вариантларини кафолатлаш имкониятини беради.


Таълим методларининг бу турида таълим олувчиларга бериладиган ёзма ижодий машқлар ва топшириқлар муҳим ўрин эгаллади. Шунингдек, таълим олувчиларга берилидаган машқ – топшириқлар ичида коллокумлар бажариш ҳамда айрим мавзулар бўйича мустақил маъruzалар тайёрлаш ва график ишларни бажариш таълим олувчиларнинг мазкур соҳадаги онгли ижодий муносабатини янада юксалтиришга дидактик асос бўлади.

Лабаратория методи. Бу таълим жараёнида таълим олувчиларга атрофни ўраб турган объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисалар, уларнинг шакли, ҳажми, таркиби, тузилиши, ўзгариши ва ривожланиши қобилиятлари ҳакида янги – янги билимлар бериш, ўзлаштираётган илмий билимларни мустаҳкамлаш ҳамда тегишли кўникма ва малакалар билан қуроллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Демак, бу шундай таълим методики, унда таълим олувчи таълим берувчи раҳбарлигига олдиндан белгиланган режа асосида тажрибалар ўтказади ёки амалий вазифларни бажаради ва шу жараёндаги билимни янгилайди ва тушиниб етади. Шу сабабли ҳам улар қатъий режа асосида олиб борилади. Режа таълим мазмунини таълим олувчилар томонидан тажрибалар ва амалий ишларни бажариш ҳамда ўрганишнинг кўрсатмаларини ифодаловчи таълим берувчининг ҳужжати ҳисобланади. Унда машғулот мавзуси, ишнинг мақсади, унга ажратилган вақт, машғулот мавзусининг мазмuni, машғулот бўйича адабиётлар рўйхати ўз ифодасини топади.

Лабаратория методи, деярли барча фанлар бўйича таълим беришда учрайди. Айрим фанларда, яъни, физика, кимё, биология, география, касбий таълимга оид фанларда, психология, информатика ва шу каби предметларни ўрганишда эса кўпроқ қўлланилади. Улар маҳсус жиҳозланган лабаратория хонасида тегишли моддий – техника воситалари ва мажмуалари ёрдамида олиб борилади.

Лабаратория машғулотлари хусусиятига кўра қуидаги турларга ва шаклларга бўлинади (1 - шакл):



1-шакл. Лабаратория машғулотлари турлар ва шакллари..

Таълим воситалари. Таълим жараёнида қўлланиладиган воситалар таълим самарадорлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қиласди.

Ўқитишининг асосий воситалари – бу асосий ўкув мазмунига эга бўлган режалар, ўкув дастурлари, дарслик ва ўкув қўлланмалари.

Ўқитишининг қўшимча воситалари – бу таълим оловчилардаги билим, кўнишка ва малакаларни шакллантирувчи масалалар, машқлар тўплами, маълумотномалар, тарқатма материаллар, кўрсатмали ва кўргазмали воситалар, дискетлар, ЭҲМ ва бошқалардир.

Ўқитиши такомиллаштирувчи дастур воситалари – бу мутахассислар гурухи томонидан ишлаб чиқилган ва предметдаги тегишли мавзулар бўйича дарс жараёнини такомиллаштиришга имкон берувчи интеллектуаллаштирилган дастурлар ва уни амалиётга жорий этишга шароит яратувчи дастурий – техник воситалардир.

Демак, таълим воситалари муайян ўқитиши методи ёки усулларини муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган ёрдамчи ўкув материалидир. Улар: асбоб – ускуналар, дастгоҳлар, лабаратория жиҳозлари, ахборот – коммуникацион технологиялари воситалари, кўрсатмали қуроллар, расмий белгилар, макетлар, дарслик ва ўкув қўлланмалари, услубий тавсияномалар ва қўрсатмалар, радио, телевидение ва интернет тармоғи ва шу кабилар.

Таълим жараёнида ўқитиши воситаларидан фойдаланиш табиий ёки тасвирий кўргазма материаллари (предмет, схема, ташкилий – тузилмавий модель, диаграмма, гистограмма, суръат ва ҳ.к.), лабаратория ёки демонстрация (намойиши) машғулотларида қўлланиладиган асбоб – ускуналари, ўкув қуроллари, макетлар, шунингдек, мавзуга оид далиллар (справочник маълумотлар, таъриф, қонун, қоида, тамойил, хосса, хусусият, формула ва ҳ.к.)нинг дарс жараёнида ишлатилишини англашади.

Таълим жараёнида ва уни олиб боришининг самарадорлигини оширишда таълим шакли, тури, метод ва воситаларининг алоҳида – алоҳида аҳамиятлари бор. Бу борада таълимда кўргазмалилик методини амалиётда жорий этишда таълим воситаларининг ўрни ва роли бекиёс бўлиб, таълимда кўргазмалилик методининг қуйидаги турларидан фойдаланилади: намойиш этиш; тасвирлаш ва экскурсия. Бундаги намойиш этиш ва экскурсия методлари таълим оловчиларнинг ўкув материалларини аниқ образлар орқали бевосита идрок қилишларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўкув материалларининг оғзаки баён қилиш методининг асосий турларидан бири – бу дарслик ва китоб билан ишлаш туридир. Бунда ўкув адабиётлари билан ишлаш мураккаб психологик жараёндир. У таълим

жараёнида таълим берувчи томонидан баён қилинган билимларни ўқув материалларини китоб матнидан кўриб, онгли идрок қилиш фаолиятини ривожлантиришни ҳам назарда тутади.

Қўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмуни. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ap1, Ap4, Ax1, Ax2, Ax3, A1, A3, A5, A6, Ak1, Ak2, Ak5.

5-Маруза: Таълим воситалари

Режа:

1. Ўқитувчи учун воситалар.
2. ўқув материалини визуал намойиш қилишнинг воситаси
3. Тарқатмали материаллар ва улардан фойдаланиш.
4. Инновацион педагогика

Таълим воситалари – таълим-тарбия жараёни сифати самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан таълим воситалари билан қай даражада таъминлданганлигига боғлиқ бўлади. Таълим жараёнини амалга оширишда ёрдам берувчи воситаларга таълим воситалари дейилади. Таълим воситалари учга бўлинади: аниқ, техник ва чоп этилган ўқув материаллари .

Аниқ таълим воситаларга ўқитишида қўлланиладиган барча аниқ воситалар, хусусан: машина, тарактор, жиҳоз, дастгоҳ, тайёр маҳсулотлар ва ҳакозалар киради. Техник воситаларга проектор, кино аппарат, ўқув телевиденияси, ведиомагнитафон, компьютер видеофильмлар, мультимедиа ва бошқалар киради. Бундан ташқарии синф доскаси, доска-стенд, доска-блокнот, кодоскоплар ҳам техник воситаларга киради. Чоп этилган ўқув материалларига барча чоп этилган ўқув ва кўргазмали материаллар киради. Жумладан, дарслик, ўқув қўлланмалари, тарқатмали материаллар, ишчи варақалари, назорат (тест) варақалари, маъруза матнлари, жадваллар, йўл-йўриқ хариталари, топшириқ карточлари ва бошқалар.

1. Ўқитувчи учун воситалар: ўқув предметини ўқитиши методикаси бўйича қўлланмалар, шахсий методика, мураккаб масалалар бўйича методик тавсиялар, ўқитувчилар томонадан тайёрланган методик ишланмалар, мантииций структура ва бошқалар.

2. Ўқувчи учун восита: дарслик, ўқув қўлланма ёки ўқитувчининг маъруза матнлари, жадваллар, йўл-йўриқ хариталари, топшириқ карточкалари ва бошқалар.

3. Дарс ўтиши учун восита: плакатлар, диаграммалар, моделлар, макетлар, эталонлар, намойиш қилиш жиҳозлари, лаборатория Амалий ишларини ўтказиш учун жиҳозлар, диафильм ва бошқалар.

Танлаб олинган метод, шакл ва воситалар бир-бирини тўлдириши яъни уйғунлашуви керак. Чоп этилган ўқув материаллари таълим олувчиларнинг мустақил ишлаши ва уларнинг фаоллашувига кўмаклашади. Шунингдек, ўқитувчи учун юқорида келтирилган таълим воситаларини дарс ўтиши жараёнида тўғри танлаши муҳим аҳамиятга эгадир.

Синф доскаси – ўқув материалини визуал намойиш қилишнинг анъанавий ва қулай воситасидир. Ундан ўқув материалининг асосий таянч нуқталарини белгилашди ёки бирор нарсани тез ёзиш лозим бўлганда фойдаланиш жуда қулайдир. Бундан ташқарии синф доскаси таълим муассасасининг ҳар бир ўқув хонасида мавжуд.

Камчилиги: янги материални тушунтириш учун доскада ёзилганларни ўчиришга тўғри келади, аввал ёзилганларни қайта кўрсатиш имкони бўлмайди. Бундан ташқари ўқитувчи доскага ёзаётганида таҳсил олувчиларга тескари ҳолатда бўлиб, уни эшитиш қийин бўлади.

Доска-стенд – машғулотларда ўқув мунозаралари, ақлий хужум, гуруҳ ишлари ва бошқа муҳокамалар натижаларини ҳужжатлаштиришда фойдаланиладиган ўқитишининг техник воситасидир. Бунда, стендга ўша катталиқдаги қоғоз қўйилади ва унга турли рангдаги ҳамда шаклдаги карточкалар ёпиштирилади. Машғулот давомида стенда мазкур карточкалар ёрдамида иловалар, тузилмалар, шарҳлар ва шу кабиларни тузиш мумкин. Унинг афзаллиги шундаки, карточка (илова, тузилма, шарҳ) лар жойлашуви хоҳлаган вақтда ўзгартириш имконияти мавжуд. Шунингдек, доска-стенд билан ишлаганда қисқа вақт давомида барча таҳсил олувчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва ғояларини қамраб олиш ва қайд этиш имконига эга бўлинади.

Кодоскоп (графопроектор) – шаффоф плёнкадаги тасвир (слайд) ниэкранга проекциялаш учун қўлланиладиган жиҳоз ҳисобланади. Ундан маъруза вақтида материалларни намойиш қилиш учун, шунингдек, гуруҳ ишлари тақдимотида ёрдамчи восита сифатида фойдаланилади. Кодоскоп фойдаланиш учун қулай, мослашувчан восита бўлиб, бир марта фойдаланган плёнкадан кўп марта фойдаланиш мумкин, бундан ташқарии доска бўлмаган

холларда асосий тушунчалар, ғоялар ва натижаларни ўқитувчи плёнкага фломастер ёрдамида тўғридан-тўғри ёзиб кўрсатиши мумкин.

Тарқатмали материаллар – таълим олувчилар учун ўрганилаётган мавзуга оид асосий маълумотларни ўз ичига олган, ҳажми унча катта бўлмаган (1, 2 варақ) ёзма ўқув материали ҳисобланади. Мазкур материаллар Машғулот ишини қизиқарли қилиш имконини бериб, кўп холларда таълим олувчилар учун мустақил равишда ўқиб чиқиб муҳокама қилиш учун мўлжалланган бўлади.

Қўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмуни. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ар1, Ар4, Ах1, Ах2, Ах3, А1, А3, А5, А6, Ак1, Ак2, Ак5.

6-Маруза: Шарқ мутафаккирларининг таълим методлари ҳақидаги фикрлари.

Режа:

1. Шарқ мутафаккирларининг дидактик қарашлари
2. Шарқ мутафаккирлари педагогик фикрлари
3. Шарқ мутафаккирлари таълим методлари ҳақида

Шарқ мутафаккирларининг дидактик қарашларида ҳам таълим методлари масаласига жиддий эътибор қаратилган. Айниқса, Ал Хоразмий, Фаробий, Абу Райхон Беруний, Ибн Синонинг турли таълим методлари ҳақидаги фикрлари, қарашлари, йўналишлари бундай дейишимизга асос беради. Мусо Ал Хоразмий ўзигача бўлган таълим методларини синтезлаштиришга ҳаракат қилган. Барча мутафаккирлар каби Муҳаммад Ал Хоразмий ҳам кўргазмали тажриба методлари, савол-жавоб, малака ва кўникумларни шакллантириш методлари, билимларни синаш методларидан кенг фойдаланган.

Фаробий таълимда барча фанларнинг назарий асослари ўрганилса, тарбияда маънавий-ахлоқий қоидалар, одоб меъёрлари ўрганилади, қасб-хунарга оид малакалар ҳосил қилинади, деб уқтиради. Бу муҳим вазифа тарбиячилар томонидан турли методлар ёрдамида амалга оширилади. Фаробий таълим-тарбия ишларини йўл билан амалга оширишни назарда тутади. Фаробий таълим-тарбияда рағбатлантириш, одатлантириш, мажбур этиш методларини илгари сурган. Берунийнинг илмий билимларни эгаллаш

йўллари, усуллари ҳақидаги фикрлари ҳозирги давр учун ҳам долзарбdir. Ўқувчига билим беришда:

- ўқувчини зериктирмаслик;
- билим беришда бир хил нарсани ёки бир хил фанни ўргатавермаслик;
- узвийлик ва изчиллик;
- таҳлил қилиш ва таққослаш;
- тақрорлаш;
- мавзуни кўргазмали баён этиш;

Ибн Сино эса болаларни мактабда жамоа қилиб ўқитиш зарурлигини қайд этаркан, болаларга билим беришда уларни бирданига китобга банд қилиб қўймаслик, олиб бориладиган машқлар болалар ёшига мос бўлиши, таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиш каби жиҳатларга эътибор қаратади.

Ибн Сино таълимоти билишда қайси методлардан фойдаланилмасин, у оғзаки ифодали, билимларни тушунтирилиши, турли кўринишдаги сұхбатли, тажрибаларли, барибир, талабаларда ҳақиқий билим ҳосил қилиш мустақил, мантикий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, олган билимларини амалиётда тадбиқ эта олиш қобилиятини таркиб топтириш асосий мақсад бўлган.

Муҳаммад ибн Мусо ал – Хоразмий ўзигача бўлган таълим методларини синтезлаштиришга ҳаракат қилган. Барча мутафаккирлар каби у ҳам кўргазма – тажриба методлари, савол – жавоб методлари, малака ва кўникмаларни шакллантириш методлари, билимларни синаш методларидан кенг фойдаланилган.

У “Ал – Жабр ва вал муқобола”, “Хинд арифметикаси ҳақида китоб”, “Синус Зижлари”, “Китоб суратард”, “Ер сатҳини ўлчаш”, “Қуёш соати тўғрисида”, “Яҳудийлар тарихи ва уларнинг байрамларини белгилаш”, “Васиятлар китоби” каби асарларни яратган.

Ал – Хоразмий математика фанининг амалий аҳамиятини юксак чўққиларга кўтара олган. Унинг буюк ихтиrolаридан бири – “О” (ноль) сонини яратиши ва бу орқали унинг фанга киритган буюк кашфиёти **унили позицион саноқ системасининг** истеъмолга киритилишидир. Булардан ташқари у олимлар дунёси фаолиятини ҳам 3 хил йўналишларга ажратади ва уни илмий жиҳатдан асослаб берадилар.

Биринчи йўналиш. Ўзларигача бўлган илмий натижаларни ўрганувчи ва улар орасидаги мавжуд узилишларни улаб уларни келажак авлодга етказувчи олимлар.

Иккинчи йўналиш. Ўзларигача бўлган илмий йўналишларни ўрганиш ва муайян йўналишни асл ҳолига нисбатан анчагина олдинга юксалтириш бўйича фаолият кўрсатган олимлар.

Учинчи йўналиш. Фанга бутунлай янги йўналишларни киритувчи, кашфиётлар қилувчи, таълимотлар яратувчи олимлар.

Абу Наср Фаробий таълимда барча фанларнинг назарий асослари ўрганилса, тарбияда маънавий – ахлоқий қоидалар, одоб меъёрлари ўрганилади, касб – хунарга оид малакалар ҳосил қилинади, деб ўқтиради. Булар тарбиячилар ва мураббийлар томонидан турли методлар ёрдамида амалга оширилади.

Форобий таълим – тарбия ишларини назарий йўл билан амалга оширишга қўпроқ эътибор беради. Шунинг билан бирга у таълим – тарбияда рағбатлантириш, одатлантириш ва вақти келганда мажбур этиш методларидан фойдаланиш фояларини ҳам илгари сурган.

У математика, мантиқ, тиббиёт, илми нужум, мусиқа, ҳукуқ, тилшунослик, поэтика каби соҳалар билан шуғулланган, турли тилларни ўрганганд. Манбаларда ёзилишича у 70 дан ортиқ тилни билган.

Форобийнинг бизгача қуйидаги асарлари етиб келган: “Фозил одамлар шахри”, “Бахт – саодатга эришув тўғрисида”, “Ижо ал - улум”, “Илмларнинг келиб чиқиши”, “Ақл маънолари тўғрисида”, “Фалсафа манбалари”, “Субстанция ҳақида”, “Логикага кириш”, “Масалалар манбаи”, “Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш керак” ва бошқалар. Буюк мутафаккирнинг инсон камолотига оид асарларида жамият талабларига тўла – тўқис жавоб берадиган ва уни тинчлик ҳамда фаровонлиқда сақлаб туришга хизмат қиласидиган баркамол шахсни тарбиялаш хусусида фикр юритилади.

Абу Райхон ал – Берунийнинг илмий билимларни эгаллаш йўллари, усуллари ҳақидаги фикрлари ҳозирги давр учун ҳам долзарбdir. Унинг фикрича таълим оловчиларга таълим беришда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- таълим оловчиларни зериктирмаслик;
- билим беришда бир хил нарсани ёки бир хил фанни ўргатавермаслик керак – бу дарс жадвалига қўйилган талаблардан бири;
- узвийлик ва изчилик;
- таҳлил қилиш ва таққослаш;
- такрорлаш;
- материални қўргазмали баён этиш ва шу кабилар.

Берунийнинг қуйидаги машхур асарлари мавжуд: “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Хиндистон”, “Геодезия”, “Минералогия”, “Тиббиётда доришунослик”, “Юлдузшуносликда бошланғич маълумотларни англаш”, “Қонуни Маъсудий” ва бошқалар. Олим томонидан 152 та китоб ёзилгани ҳақидаги маълумотлар бор. Шундан бизгача 31 таси етиб келган.

Беруний таълим бериш давомида дарс жадвалидаги фанларни навбатма – навбат жойлаштиришни қуйидагича ифодалайди: таълим оловчилар бир

фандан иккинчисига ўтишда улар бир боғдан иккинчи бир янги боғга ўтгандай бўлсин. Унда таълим самарали олиб борилади.

Абу Али Ибн Сино таълим олувчиларни жамоа қилиб ўқитишни таъкидлайди. У таълим олувчиларни ўқитишда уларни бирданига китоб билан банд қилиб қўймаслик керак деб ўқтиради. Шунингдек, олимнинг фикрича олиб бориладиган ўқув машғулотларнинг мазмун – моҳияти таълим олувчиларнинг ёш хусусиятларига ҳам мос келишлiği ва унда турли хил таълим методлари ва шаклларидан фойдаланиш зарур. Бу орқали таълим олувчиларининг зерикишлари олди олинади.

Ибн Сино таълимоти бўйича билишда қайси методлардан фойдаланилмасин – у оғзаки ифодалаш, билимларни тушунтириш, турли кўринишдаги сухбатни ташкил этиш, тажрибаларни уюштириш бўладими барибир, таълим олувчида ҳақиқий билим ҳосил қилиш, мустақил, мантикий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, олган билимларини амалиётга тадбиқ эта олиш қобилиятини таркиб топтириш асосий мақсад бўлган.

Олимнинг қуйидаги асарлари бизга маълум: “Тиб қонунлари”, “Аш шифо”, “Ал - Қонун”, “Ҳайй ибн Яқзон”, “Рисолат ат - тайр”, “Рисолат фил - ишқ”, “Номознинг моҳияти ҳақида рисола”, “Зиёрат қилишнинг маъноси ҳақида”, “Ан - Нажот”, “Донишнома”, “Китоб аш - ишорат”, “Рисолат ал - қадр”.

Олим ахлоқдаги ўзгаришларни уларнинг организмидаги ўзгаришлар билан боғлаб тушунтиради. Масалан, агар ёмон хулқ одатга кириб қолса, у мижоз бузилишини келтириб чиқаради, ғазаб кучли қиздиради, қайғу кучли оздиради, хулқнинг мўтадиллиги натижасида ҳам нафс, ҳам бадан соғлом бўлади, деб ўқтиради.

Қўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмуни. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ар1, Ар4, Ax1, Ax2, Ax3, A1, A3, A5, A6, Ақ1, Ақ2, Ақ5.

7-маъруза: Касбий таълимни бошқариш.

РЕЖА:

1. Таълим муассасасида давлат-жамоат бошқарувининг психологик-педагогик асослари.
2. Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ҳақидаги Низом. Таълим муассасаси Устави.
3. Таълим муассасаси директори ва унинг ўринbosарлари хуқуқлари ва мажбуриятлари.
4. Педагогик жамоа ва унинг иш услубиётлари

Таълим муассасасини бошқаришнинг педагогик- психологик асослари. Бошқариш фақат ишлаб чиқаришгагина хос бўлган жараён эмас. Балки ижтимоий соҳалар, шунингдек, таълим тизимида хам бошқаришни тўғри ташкил этилиши жуда муҳим.

Хозирги пайтда ягона педагогик жараённи бошқаришга илмий ёндашиш харакати кучайди. Бу эса интеллектуал салоҳияти юқори кадрларни шакллантириш учун ўта муҳим хисобланади.

Аввало, бошқаришнинг ижтимоий моҳиятини англаб олайлик. Бошқариш маълум бир обьектга ташкилий, режали, тизимли таъсир кўрсатиш демакдир.

Таълим муассасасининг педагогик фаолиятини бошқариш таълим муассасасининг фаолият хусусиятига кўра педагогик жараёнини режалаштириш, ташкил этиш, рағбатлантириш, натижаларни назорат ва тахлил қилиш мақсадида амалга оширилувчи бошқарув фаолиятидир.

Бугунги кунда педагогика фанига таълим муассасаларини бошқариш бўйича янгидан-янги тушунчалар кириб келяпти, уларнинг моҳияти аввалгилардан хам теранроқдир. Масалан, «таъсир этиш» тушунчасининг ўрнига «ўзаро харакат», «хамкорлик», «рефлексив бошқариш» каби тушунчалар қўлланилмоқда.

Таълим муассасаларини бошқариш назарияси таълим муассасаларининг менежменти назарияси билан бойитилди. Менежмент назарияси ходимларга нисбатан ишонч, уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун шароит яратиш хамда ўзаро хурмат билан тавсифланади.

Хўш, менежмент ва менежер атамаларининг асл мохияти нимани англатади?

Биз ушбу тушунчаларнинг мохияти, таълим муассасида давлат-жамоа бошқарувининг педагогик-психологик асосларини тушунишимизда ушбу йўналишда тадқиқот олиб борган педагог Р.Ахлиддиновнинг қарашлари алоҳида диккатга сазовор.

«Менежмент» ва «менежер» атамалари хозирги талқинда корхона ва муассаса эгалари ўз мулклари ва ходимларни ўzlари бошқаргандан кўра танланган йўналиш бўйича маҳсус тайёргарликдан ўтган мутахассисларни жалб этиш афзал эканлигини тушуниб етганларидан сўнг пайдо бўлди. Бугунги кунда менежер ривожланган демократик мамлакатларда нуфузли касблардан бири хисобланади.

Менежмент деганда, одатда раҳбарлик лавозимига расман тайинланган шахсларнинг ишигина тушунилади. Бошқаришга, шунингдек, мураббийлик иши хам тааллуқли хисобланади. Менежмент (ёки бошқариш) мавжуд минимал имкониятлардан максимал натижаларга эришиш мақсадида муайян ходим ёки гурухга таъсир этиш, улар билан хамкорлик қилиш жараёнидир. Таълим муассасаси менежменти хақида сўз юритилганда, Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг 4.6-бандида сўз юритилаётган жараённинг мохияти хақида батафсил тўхталиб ўтилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Ушбу хужжатда қайд этилича, таълим муассасаси менежментида қуйидаги холатлар назарда тутилади:

- узлуксиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий жихатдан ўзгартериш ва уларни изчилир ривожлантириш давлат йўли билан бошқариб борилиши;
- таълимнинг норматив-хуқуий базаси ривожлантирилади;
- молия-хўжалик фаолиятини олиб бориш хамда таълим жараёнини ташкил этишда ўқув юртларининг хуқуқлари кенгаяди ва мустақиллиги таъминланади;
- таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилади хамда аккредитацияланади. Аккредитация якунларига кўра таълим соҳасида фаолият кўрсатиш хуқуқи берилади;
- муассис ташкилотларнинг, махаллий хокимият органларининг, савдо-саноат доираларининг, жамоат ташкилотларининг, фондларнинг ва хомий вакилларни ўз ичига олувчи васийлик ва кузатиш кенгашлари тизими орқали таълим муассасаларининг самарали, жамоат бошқаруви тизими жорий этилади.

Бундан ташқари, олимлар таълим менежментининг бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини хам таъкидлаб ўтишади. Улар орасида куйидаги хусусиятлар асосий хисобланади:

- таълим менежменти «мақсадга мувофиқлик» сўзи билан аниқланадиган маънавий ўлчовга эга;
- таълим менежменти – бу фан ва санъат (чунки бунда инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар катта роль ўйнайди);
- менежмент мазмунида ўз аксини топадиган шахс, давлат ва жамият манфаатларининг ўзаро диалектик бирлиги;
- таълимни бошқаришда жамоатчиликнинг фаол қатнашуви.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, эндиликда таълим тизимини давлат томонидан бошқаришдан давлат-жамоатчилик бошқарувига ўтилади. Давлат-жамоатчилик бошқарувининг мақсади–таълим муассасаларининг долзарб масалаларини давлат ва жамоатчилик хамкорлигига хал қилиш, ўқитувчилар, ўқувчилар хамда ота-оналарга таълим дастурларини, турларини, таълим муассасаларини танлашда хукуқ ва эркинлик беришни кенгайтиришдан иборат.

Таълим тизимини давлат томонидан бошқариш Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг (1997 йил) З-моддасида белгиланган таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойилларига мувофиқ амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида Ўзбекистонда таълим соҳасини бошқариш республика тасарруфидаги юқори хукумат ва унинг бошқариш органлари хамда махаллий хукумат ва унинг бошқариш органлари томонидан амалга оширилиши кўрсатилган.

Халқ таълими Вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги Ўзбекистон Республикасида таълимни бошқаришнинг давлат юқори органлари хисобланади. Вазирликлар ўзини ваколатлик доирасида:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқаради; таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради ва услуг масалаларида уларга раҳбарлик қиласи;
- ўқитишнинг илгор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этади, ўқув ва ўқув-усулбий адабиётларни яратади ва нашр этишни ташкил қиласи;
- таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларини тасдиқлайди;
- давлат олий таълим муассасасининг ректорини тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига таклифлар киритади;

- педагог ходимларни тайёрлаш, уларнинг маласини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этади.

Халқ таълими Вазирлигининг махаллий органлари қуидагилар саналади:



чизма. Халқ таълими Вазирлиги тасарруфидаги мащаллий органлар

Халқ таълими бўлимлари, шунингдек, махаллий хокимлик органлари тасарруфига киради ва унга бўйсунади. қорақалпоқ Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолияти икки юқори орган назорати остида ташкил этилади:

Мактабни бошқариш ишига мактаб инспекцияси, яъни, вазирликлар ва халқ таълими бўлимларининг мактаб инспекторлари хизмати ёрдам беради. Улар мактаб фаолиятини ўрганади, таълим-тарбия жараёнининг натижаларини тахлил қиласди, илфор тажрибаларини аниқлайди ва уларни оммалаштириш чора-тадбирларини белгилайди, камчиликларни анихлаб, уларни бартараф этиш йўлларини излайди, мактаб директори ва ўқитувчиларга методик ва моддий ёрдам кўрсатади.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларига ташкилий, ўқув-услубий ва илмий раҳбарлик қилиш, давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўқув-таълим ва касб-хунар дастурларини бирлаштириш, педагог кадрлар билан таъминлш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Олий ва ўрта маҳсус таълим Вазирлиги (Ўрта маҳсус касб-хунар таълими Маркази), унинг худудий бошқармалари томонидан тармоқ вазирликлари, идоралар ва корхоналар билан биргаликда амалга оширилади.

Таълим тизимини жамоатчилик асосида бошқариш ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар ва жамоатчилик вакилларидан иборат педагогик Кенгашнинг умумий ўрта таълим муассасаси фаолиятини самарали ташкил этишга йўналтирилган фаолиятидир.

Бир йилда бир марта ўтказиладиган мактаб конференцияси хам жамоатчилик бошқарувига киради. Конференцияда мактаб Кенгashi, унинг раиси сайланади, мактабнинг Устави қилинади.

Давлат таълим муассасалари билан бир вақтда нодавлат таълим муассасаларининг фаолият кўрсатиши хам таълимни бошқаришнинг жамоатчилик характерини ифодалайди.

Умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей ва касб-хунар коллежлари хақидаги Низом, таълим муассасаларининг Устави – таълим муассасаларини бошқариш ва унга раҳбарлик қилишининг асосий хужжати. Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ўрта таълим тўғрисида»ги Низоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарорига мувофиқ қабул қилинган. Ушбу Низомда қуйидаги масалалар ёритилган:

1. Умумий қоидалар.
2. Умумий ўрта таълимнинг мақсади ва вазифалари.
3. Умумий ўрта таълимни ташкил этиш.
4. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни.
5. Педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.
6. Умумий ўрта таълимни бошқариш.
7. Маблағ билан таъминлаш ва моддий-техника таъминоти.
8. Халқаро хамкорлик.

Низомга асосан, умумий ўрта таълимнинг мақсади ўқувчиларни давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқитиш ва тарбиялаш хамда шахснинг таълим олиш хуқуқини рўёбга чиқариш хисобланади.

Умумий ўрта таълим мазмунини ёритиш Низомнинг асосий ғояларидан бири бўлиб, мажбурий ва қўшимча компонентлар умумий ўрта таълим мазмунининг асосини ташкил этади.

Мажбурий компонент давлат таълим стандарти билан белгиланади ва ўқувчиларни тайёрлашнинг ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасаларида билимлар асосларини янада пухта ўрганиш ва касб эгаллаш учун етарли бўлган зарур даражасини белгилайди.

қўшимча компонент ўқувчининг эҳтиёжлари ва қобилияти, мактабнинг моддий-техника ва кадрлар билан таъминланганлик даражасидан келиб чиқиб белгиланади. қўшимча ўқув юкланмаларининг хажми Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлигининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган нормативларига мувофиқ белгиланади. Ўқувчилар билим сифати ва таълим натижаларининг давлат таълим стандартига мувофиқлигини назорат қилишни таъминлаш учун жорий, оралиқ ва якуний назорат билан бирга босқичли назорат ўтказиш хам назарда тутилади.

Босқичли назорат ўқув йили тамом бўлгандан кейин имтихонлар, тест синовлари, синовлар шаклида амалга оширилади. Унинг асосида рейтинг аниқланди ва ўқувчини навбатдаги синфга ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

Мактабга бевосита рахбарлик бошқаришнинг юқори органлар томонидан тайинланадиган директор, давлатга қарашли бўлмаган таълим муассасаларида эса муассис томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим халқаро хамкорлик асосида хам ташкил этилади. «Умумий ўрта таълим тўғрисида»ги Низомнинг саккизинчи бўлимида қайд этилганидек, умумий ўрта таълимни бошқариш органлари ва уларнинг махаллий органлари саналган таълим муассасалари халқаро хамкорликни педагогик ахборот ва тажриба алмашиш, педагог ходимларнинг тажриба ўрганиш ва малака ошириш мақсадида прогрессив халқаро жамғармалар ва ташкилотларнинг грантларини олиш соҳасидаги давлатлараро, хукуматлараро ва идоралараро битимлар хамда шартномалар асосида амалга оширадилар.

Мазкур Низом умумий ўрта таълим (мактаб)ни хар томонлама бошқариш моҳиятини ўзида ифода этади.

«Академик лицей ва касб-хунар коллежлари тўғрисида»ги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 13 майдаги 204-сонли қарорига мувофиқ қабул қилинган. Ушбу Низом мазмунида қўйидаги маслалар ёритилганб

1. Умумий қоидалар.
2. Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мақсади, вазифалари ва уни ташкил этиш.
3. Академик лицей ва касб-хунар коллежларига ўқувчиларни қабул қилиш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмuni.
4. Педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.
5. Ўрта махсус, касб-хунар таълимини бошқариш.
6. Ўрта махсус, касб-хунар таълимини маблағ билан таъминлаш ва моддий-техника таъминоти.
7. Халқаро хамкорлик.

Умумий қоидаларда ўрта махсус, касб-хунар таълими умумий ўрта таълим негизида ўқитиши муддати 3 йил бўлган узлуксиз таълим тизимининг мажбурий мустақил тури хисобланиши хамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»га

мувофиқ амалга оширилиши, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг юридик шахс хисобланиши, қонунчиликда белгиланган тартибда ташкил этилиши баён этилган.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мининг вазифалари сифатида қўйидагилар белгиланади:

- давлат таълим стандартлари доирасида умумтаълим ва касб-хунар дастурини бажариш;
- ўқувчиларнинг узлуксиз таълим мининг кейинги босқичида ўқишни давом эттириш, танлаган мутахассисликлар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун зарур ва етарли бўлган билимлар хам касб тайёргарлиги даражасини чукурлаштириш;
- республика иқтисодиётининг малакали кичик мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш.

Низомда академик лицейларнинг олий таълим муассасалари хузурида, касб-хунар коллежларининг эса худудларнинг демографик ва географик шароитлари, тегишли соҳа мутахассисликларига бўлган маҳаллий эҳтиёжларини хисобга олган холда ташкил этишлари кўрсатиб ўтилган.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг асосий вазифалари сирасига ўқувчиларни қабул қилиш, умумий ва касб-хунар дастурларини амалга ошириш, назорат турларини ташкил этиш, курсдан-курсга, ўрта маҳсус касб-хунар таълим мининг бир туридан бошқасига ўтказиш хамда диплом бериш кабилар киради.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида педагогик фаолият билан шуғулланиш хуқуқига эга бўлган субъектлар, таълим муассасасига профессор-ўқитувчилар ва мухандис педагогларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бериб ўтилади.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини бошқариш тартиби академик лицей ва касб-хунар коллежларига ташкилий, ўқув-услубий ва илмий раҳбарлик қилиш, давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш хамда жорий этиш, ўқув таълим ва касб-хунар дастурларини бир хиллаштириш, педагог кадрлар билан таъминлаш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тармоқ вазирликлари, идоралар ва корхоналар билан биргаликда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими Маркази), уларнинг худудий бошқармалари, шунингдек, таълим муассасаси директори томонидан амалга оширилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимини маблағ билан таъминлаш амалдаги қонунчиликка мувофиқ таъминланади. Таълим муассасасининг молиявий маблағлари унинг тасарруфидан бўлади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари белгиланган тартибда хорижий шериклар билан битимлар тузиш хуқуқига эга бўлиб, хорижий мамлакатлар учун мутахассислар тайёрлаши мумкин.

Таълим муассасаларининг фаолияти, шунингдек, меъёрий хужжатлардан бири саналган Устав ёрдамида хам амалга оширилади.

Таълим муассасининг Устави таълим муассасаси фаолиятига раҳбарлик ва бошқариш тизимини аниқловчи хужжатдир.

Таълим муассасининг Уставида таълим жараёнининг қуидаги икки мухим таркибий жихати ажратиб кўрсатилади:

1) давлат таълим стандартида белгиланган билимлар захирасини эгаллаш йўлида амалий харакатларни ташкил этиш тартиби;

2) билим, кўникма ва малакаларни хосил қилишни ташкил этиш (саводхонлик, мустақил фикрлаш хамда масалаларни еча олишга ўргатиш).

Шунингдек, таълим муассасининг Уставида муассасани бошқаришга қўйилувчи талаблар, ўқитувчи, ўқувчилар хамда таълим муассасаси раҳбарларининг хуқуқ ва бурчлари хам аниқ баён этиб берилган.

Мазкур ўқув юртида ўқувчилар таълим стандартлари асосида таълим олиш учун интилишлари, таълим муассасининг педагогик ходимлари эса юқори даражада таълим беришлари, таълим олувчиларнинг ўқув дастурларини давлат таълим стандартлари даражасида ўзлаштиришларини таъминлашлари зарур. Таълим муассасаси раҳбари (директори) эса ўқувтарбия жараёнининг муваффақиятли кечишини таъмин этади, ўқув дастурлари талабларининг бажарилишини назорат қиласи, таълим-тарбия ишларининг сифати ва самарадорлиги, болалик ва меҳнатни мухофаза қилиш талабларига тўлақонли риоя этилиши, маънавият ишларининг самарали ташкил қилиниши учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган «Умумий ўрта таълим муассасаси (мактаби)нинг муваффақ намунавий Устави» Халқ таълими Вазирлигининг 221-сонли (1998 йил 17 декабр), «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасининг Устави» эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 5-сонли (1998 йил 5 январ) қарорлари билан тасдиқланган. Мазкур Уставлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Таълим муассасаси Уставини ишлаб чиқиш тартиби тўғрисида»ги қарорига

мувофиқ ишлаб чиқилган. Таълимни бошқаришнинг ваколати масъул давлат органи томонидан тасдиқланади ва махаллий давлат хокимияти органларининг идораларида рўйхатдан ўтказилади.

Таълим муассасасининг Уставида таълим муассасасининг жойлашган ўрни, унинг тури, таълим тили, гурӯҳ рақбарлари, ўқитувчиларнинг хуқуқ ва бурчлари, таълим олувчилик ва уларнинг ота-оналарининг хуқуқ ва бурчлари, шунингдек, таълим муассасасининг иқтисодий тузилиши ва хужалик фаолияти, бошқариш тартиби аниқ белгиланиши кўрсатиб берилган.

Таълим муассасасининг Устави қўйидаги бўлимлардан ташкил топади:

1. қисқача таълим муассасаси хақидаги маълумотлар.
2. Таълим муассасасининг мақсад ва вазифалари.
3. Таълим муассасасини бошқариш;
 - а) таълим муассасасини бошқаришнинг ошкоралик, демократик ва ўз-ўзини бошқариш асосида амалга оширилиши;
 - б) педагогик-жамоа Кенгаши;
 - в) директор, унинг хуқуқ ва бурчлари;
 - г) директорнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарининг хуқуқ ва бурчлари;
 - д) маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарининг хуқуқ ва бурчлари.
4. Ўқув-тарбия ва илмий-услубий ишларни ташкил этиш:
 - а) таълим мазмунининг Давлат таълим стандартлари бўйича ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлари асосида белгиланиши;
 - б) ўқув жараёнини ташкил этиш;
 - в) иқтидорли ёшлар билан ишлаш;
 - г) ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш тартиби;
 - д) қўшимча пулли машғулотларни жорий этиш;
 - ж) кунлик иш тартиби (семинар, машғулотларнинг давом этиши, танаффуслар, уй вазифаларини бериш тартиби ва хоказолар).
5. Ўқитувчи. Хуқуқ ва бурчлари.
6. Ўқувчи. Хуқуқ ва бурчлари.
7. Ўқув-ишлаб чиқариш таълими усталари, маъмурий ва ёрдамчи ходимларнинг хуқуқ ва бурчлари.
8. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг хуқуқлари, мажбурият ва масъулияtlари.
9. Таълим муассасасининг моддий ва молиявий хўжалик таъминоти.

Таълим муассасасини бошқаришнинг тамойиллари ва вазифалари. Хар қандай фаолият сингари бошқариш фаолияти хам ўз вазифаларини бир қатор тамойилларга асосланиб амалга оширади. Педагогик адабиётларда таълим тизимини бошқаришда асос бўлиб хизмат қилувчи тамойилларни улар томонидан бажариладиган вазифалар (режалаштириш, ташкил этиш ва назорат қилиш)га таянилган холда белгиланишига алоҳида урғу берилган. Мазкур ўринда таълим муассасасини бошқаришнинг хар бир тамойилига алоҳида-алоҳида таъриф беришга харакат қиласиз. Таълим муассасаси бошқарув назарияси ва тарихида бошқаришнинг асосий тамойиллари қўйидагилардир:

Таълим муассасасини бошқариш тамойиллари

- педагогик тизимни бошқаришни демократиялаш ва инсонпарварлаштириш;
- бошқаришнинг тизимлиги ва ягоналиги;
- бошқаришнинг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган ўзларининг рационал уйғунлиги;
- якка ҳокимлик билан жамоатчилик бошқарувининг бирлиги;
- таълим тизимини бошқаришда ахборотларнинг объективлиги ва тўлиқлиги

Чизма. Таълим муассасасини бошқариш тамойиллари

Педагогик тизимни бошқаришни демократиялаш ва инсонпарварлаштириш. Педагогик кадрларни танлов ва шартнома асосида ишга қабул қилиш, қабул қилинаётган қарорларни очиқ мухокама қилиш, ахборотларнинг барча учун очиқ ва тушунарли жорий этиш, таълим муассасаси жамоатчилиги олдида маъмуриятнинг мунтазам хисобот бериши, ўқитувчи ва ўқувчиларга таълим муассасаси хаётига оид ўз фикрларини билдиришга имкон бериш, таълим муассасасида демократик ғояларнинг устувор ўрин тутишини англатади.

Таълим тизимини бошқаришда шахсга алоҳида хурмат билан муносабатда бўлиш, унга ишониш, педагогик фаолиятда субъектнинг субъектга муносабати даражасига эришиш, ўқувчи ва ўқитувчининг хукуқ ва манфаатларини химоя қилиш, ўз истеъдодлари ва касбий маҳоратларини эркин намоён этиш учун шароит яратиш инсонпарварлик тамойилига асосланган бошқарув моҳиятини англатади.

Бошқаришнинг тизимлилиги ва ягоналиги. Таълим муассасасини бошқаришга нисбатан тизимли ёндашув асосида раҳбар таълим муассасасини бир бутун яхлит тизим сифатида ва унинг белгилари хақида аниқ тасаввурга эга бўлади. Тизимнинг биринчи белгиси ягоналиги хамда уни бўлаклар, таркибий қисмларга ажратиш мумкинлигидадир. Иккинчи белгиси тизимнинг ички тузилишининг мавжудлигини англаатади. Учинчи белгиси тизимнинг интегрциялана олишидир. Тизимнинг хар бир таркибий қисми ўзига хос сифатга эга бўлгани билан, ўзаро харакат орқали тизимнинг янги интеграциялана олиш сифати хосил бўлади. Тўртинчи белгиси таълим муассасаларининг ташқи мухит билан чамбарчас боғлиқлигидир. Чунки таълим муассасалари ташқи мухитга мослашиб, ушбу таълим жараёнини қайта қуради хамда ўзининг мақсадларига эришиш учун ташқи мухитни ўзига бўйсундиради. Бошқарувдаги тизимлилик ва ягоналик раҳбар билан педагогик жамоа ўртасидаги ўзаро харакат ва алоқани таъминлайди, бир ёқлама бошқарувнинг олдини олади.

Бошқаришнинг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган холатларининг рационал уйғунлиги. Бошқарувни марказлаштириш керагидан ортиқ бўлганда, албатта, маъмурий бошқарув кучаяди. Бу холат ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг эҳтиёжлари, талаб ва истакларини хисобга олмасликка, раҳбар ва ўқитувчиларнинг кераксиз меҳнат ва вақт сарфлашларига олиб келади.

Шунингдек, марказлаштирилмасликка хам керагидан ортиқ эътибор берилса, педагогик тизим фаолиятининг сустлашиши қўзга ташланади.

Таълим муассасаси ичидаги бошқарувда марказлаштириш ва марказлаштирилмасликни уйғунлаштириш маъмурий ва жамоатчилик бошқаруви раҳбарларининг фаолиятини жамоа манфаатига қаратади хамда касб малакаси даражасида қарорларни қабул қилишга шароит яратади.

Якка хокимлик билан жамоатчилик бошқарувининг бирлиги тамойили педагогик жараённи бошқаришда якка хокимликка йўл қўймасликка қаратилган. Бошқариш фаолиятида ўқувчиларнинг тажрибаси ва билимига таяниб, турли қарашларни таққослаб, оқилона хулосалар чиқариш ўта мухимдир. Вазифаларни коллегиал хал қилиш хар бир жамоа аъзосининг жавобгарлигини йўққа чиқармайди.

Ўз навбатида яккахокимликнинг ўзига хос жихатлари бор. Яккахокимлик педагогик жараёнда тартиб-интизом, ваколат доираси ва унга амал қилишни таъминлайди.

қарорни қабул қилишда коллегиал ёндашув маъқул бўлса, қарорнинг ижросини таъминлашда яккахокимликка бўйсуниш маъқулдир.

Таълим тизимини бошқаришнинг давлат-жамоатчилик характери ушбу тамойилни амалга оширишга шароит яратади.

Таълим тизимини бошқаришда ахборотларнинг объективлиги ва тўлиқлиги. Таълим тизимини бошқаришнинг самарадорлиги ахборотларнинг қанчалик аниқ ва тўлиқлигига хам боғлиқ. Агар ахборотлар аниқ, тўлиқ йиғилса ёки хаддан зиёд кўп бўлса, қарор қабул қилишда чалкашликка олиб келади.

Таълим муассасасининг раҳбари ўзининг фаолиятида менежер вазифасини хам бажаради. Шунинг учун у ўз фаолиятида кузатиш, анкета, тест, инструктив ва методик материаллардан кенг фойдалана билиши лозим. Таълим муассасаси маъмурияти мактаб ичидаги ахборотли бошқарув технологиясини ишлаб чиқиш ва уни таълим жараёнига татбик этишга алоҳида эътибор қаратиши керак.

Бошқарув жараённида ахборотдан самарали фойдаланиш таълим муассасаси фаолиятининг муваффакиятли амалга оширилишига ёрдам беради. Таълим муассасасини бошқаришда фойдаланиладиган ахборотлар турличадир (38-чизма).

Ахборотлар жамғармасини шакллантириш ва ундан жадал фойдаланиш бошқарув ишини илмий ташкил этишни юксалтиради.

Мактаб ички бошқарувининг ўзига хослиги қуидаги вазифаларда аниқ кўринади:

1. Таълим-тарбия жараёнини педагогик тахлил қилиш.
2. Мақсад қўйиш ва режалаштириш.
3. Ташкил қилиш.
4. Мактаб ички бошқарувини назорат қилиш.
5. Тартибга солиш.

Таълим-тарбия жараёнининг ташкил этилиши ва ривожланишини тахлил қилмасдан, аввал эришилган натижаларни хозиргилари билан таққосламасдан туриб, уни бошқариб бўлмайди.

Таълим муассасасини бошқариш самарадорлиги раҳбарнинг хам, ўқитувчиларнинг хам педагогик тахлил услубиятини теран билишларига боғлиқ. Агар ўз вақтида, профессионал даражада педагогик жараён тўғри

тахлил қилинмаса, жамоа орасида ўзаро бир-бирини тушунмаслик, ишончсизлик келиб чиқади. Хозирги пайтда педагогик тахлилнинг қуидаги уч тури мавжуд:

- 1) кундалик тахлил;
- 2) тизимли тахлил;
- 3) якуний тахлил.

Кундалик тахлил ўқув жараёнининг бориши ва натижаси хақида хар куни маълумот йифиб, ундаги камчиликларнинг сабабини аниқлашга қаратилади. Кундалик тахлил натижасида педагогик жараёнга ўзгартеришлар ва тузатишлилар киритилади. Кундалик тахлилнинг предметига ўқувчиларнинг хар кунги ўзлаштириш ва интизомлари даражаси, таълим муассасаси рахбарининг дарсга хамда синфдан ташқари дарсларга қатнашиши, мактабнинг тозалик холати, шунингдек, дарс жадвалига риоя қилиш каби холатлар киради.

Тизимли тахлил дарслар ва синфдан ташқари машғулотлар тизимини ўрганишга қаратилади. Тизимли тахлил мазмуни таълим методларини тўғри ўйғунлаштириш, ўқувчилар томонидан билимларнинг пухта ўзлаштирилишига эришиш, ўқитувчиларнинг сифатли тарбиявий ишларни олиб боришилари, уларнинг педагогик маданиятини кўтариш хамда таълим муассасасида инновацион мухитни ташкил қилишда педагогик жамоанинг хиссасини таъминлаш кабилардан иборат.

Якуний тахлил ўқув чораги, ярим йиллик ва ўқув йили якунида амалга оширилади хамда асосий натижаларга эришиш йўлларини ўрганишга қаратилади. Якуний тахлил учун маълумотлар кундалик ва тизимли тахлиллар, жорий ва оралиқ назорат якунлари, ўқувчиларнинг ва синф рахбарларининг хисботларидан олинади.

Хар қандай педагогик жараённи бошқаришнинг асоси мақсад қўйиш ва режалаштиришдан иборат.

Бошқарув фаолиятининг мақсади – ишнинг умумий йўналиши, мазмуни, шакли ва методларини аниқлаш. Демак, мақсад – режанинг асоси. Бошқарувда асосий мақсад аниқланганидан кейин, унга эришиш учун қўшимча мақсад қўйилади. Таълим муассасасини бошқаришни режалаштириш педагогик тахлил асосида белгиланган дастурий мақсадга мувофиқ қарор қабул қилишдир. Бундай қарорлар маълум бир муддат давридаги маълумотларни тахлил қилиш орқали ёки якуний ишларни бажариб бўлгандан сўнг қабул қилиниши мумкин.

Таълим муассасасини бошқариш амалиётида режалаштиришнинг қуидаги учта асосий шакли қўлланилади:

- 1) муддатли (перспектив);
- 2) йиллик;
- 3) якуний.

Муддатли режалаштириш қоидага мувоғиқ сўнгги йилларда таълим муассасасида амалга оширилган ишларни чукур тахлил қилиш асосида бир неча йилга мўлжаллаб қабул қилинади.

Таълим муассасасида қабул қилиниши мумкин бўлган муддатли режа қуидаги кўринишда бўлиши мумкин:

1. Режалаштирилган муддатда таълим муассасаси олдига қўйилган вазифалар.
2. Гурухларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг йиллик ўзлаштириш даражаси муддатлари.
3. Таълим жараёнiga педагогик инновация (янгилик)ларни олиб кириш муддатлари.
4. Таълим муассасасини педагогик кадрларига қўйилган талаблар.
5. Педагог кадрлар малакасини турли шакллар (курслар, семинарлар, тренинглар) орқали ошириш.
6. Таълим муассасасини техника хамда ўқув-методик (қурилиш ишлари, ахборотлаштириш, кўргазмали қуроллар, кутубхона фондини бойитиш) кўламини ривожлантириш.
7. Ўқитувчи ва ўқувчиларни ижтимоий химоя қилиш.

Йиллик режалаштириш бутун ўқув йили хамда ёзги таътилни қамраб олади. Йиллик режалаштириш ўқув йили давомида амалга оширилади ва таълим жараёнини ташкил этилиши (чорак, семестр)га қараб бир неча босқичларни ўз ичига олади.

Якуний режалаштириш ўқув чораклари учун тузилади, у бир йиллик режанинг аниқлашган кўриниши хисобланади. Шу тарзда режалаштиришнинг бундай аниқлашган кўринишлари ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналар қўмитасининг фаолиятини бошқаришга ёрдам беради. Бу режалар ўқитувчилар ва синф раҳбарларининг иш режалари билан алоқадорликда аниқлаштирилиб борилади. Умуман олганда, бошқариш фаолиятида режалаштириш вазифасининг тўла амалга оширилиши таълим муассасаси фаолияти самарадорлигини оширади.

қабул қилинган режаларни тўлиқ амалга ошириш учун тизимли харакатнинг бошқарувчилари унинг таркибий қисмларини бир-бири билан алоқада бўлишини ташкил этишлари керак. «Ташкил этиш» тушунчаси бир қанча маъноларда қўлланилади.

Биринчидан, баҳо сифатида ақлий фаолиятни ривожлантиришга қаратилган хамда дарсдан ташқари тадбирларнинг уюштирилишини таъминлайдиган ўқув-тарбия жараёнининг мақсадида намоён бўлади.

Иккинчидан, ташкил этиш деганда белгиланган режаларни амалга оширувчи, олдинга қўйилган мақсадга эришиш учун бутун педагогик жараённи бошқарувчи таълим муассасаси раҳбарлари, ўқитувчилар, ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари фаолияти тушунилади.

Бошқаришни ташкил этувчи асосий бошқармалар сифатида таълим муассасасининг кенгаши, педагогик Кенгаш, директор бошқарадиган мажлис, директор ўринbosарларининг мажлиси, тезкор йиғилишлар, методик семинарларни қайд этиш мумкин.

Педагогик Кенгаш фаолияти демократик ва ошкоралик тамойилларига асосланиб олиб борилади. Педагогик Кенгашларда анкеталар, саволжавоблар, назорат ишлар, танлов ишлари қўрилади. Бундан ташқари педагогик Кенгаш йиғилишларида таълим муассасаси хаёти ва фаолиятига доир долзарб масаллар хал қилинади. Шунинг учун педагогик Кенгашни турли мухокамали, муаммоли масалалардан озод қилиш учун таълим муассасалардан директор йиғинлари ташкил этилади. Директор йиғилишларида раҳбарият ва ўқитувчилар иштирок этиб қолмай, бошқа ишчи ходимлар хам қатнашишлари мумкин.

Таълим муассасаси ўринbosарларининг йиғилишларида кундалик саволлар ва маъмурий бошқаришга оид масалалар мухокама қилинади. Бундай мажлислар таълим муассасаси режаси бўйича ўқув йилининг чораги (семестри)да ёки хар ойда бўлиб ўтади.

Тезкор ахборий мажлислар таълим муассасасида таълим жараёнини ташкил этишнинг зарур шаклидир. Тезкор ахборий мажлисларнинг мавзуси мавжуд шароитлардан келиб чиқади. Бу каби мажлислар педагогик ходимлар, ўвчиларнинг барчаси учун ташкил қилинади.

Ички назорат хам таълим муассасасини бошқаришда алохида ўрин тутади. Назоратни ташкил этишда етишмовчиликларни бартараф этиш учун бир канча талабларни билиш зарур. Бундай талабларга тизимлилик, объективлик, харакатлилик, тўлдирувчилик кабиларни кўрсатиш мумкин.

Педагогик бошқарувга доир адабиётларда таълим муассасаси ички назоратининг қуйидаги йўналишларда ташкил этилиши баён этилган:

1. Педагогик ташкилотчиликка доир саволларнинг қўйилиши.
2. Таълим дастурлари, ДТСнинг бажарилиш сифати.
3. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларининг сифати.

4. Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражаси.
5. Ўқитишининг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи функцияларининг бажарилиш холати.
6. Дарсдан ташқари тарбия ишларнинг ташкил этилиш холати ва сифати.
7. Педагогик кадрлар билан ишлаш.
8. Таълим муассасаси фаолиятининг ўзига хос самарадорлиги.
9. қабул қилинган қарорлар ва меъёрий-хуқуқий хужжатларда кўрсатилган талабларнинг бажарилиши.

Таълим муассасаси ички назоратининг турлари, шакллари ва методларини туркумлаштириш хозирги вақтда муаммоли масала бўлиб қолмоқда. Шунга қарамасдан, ички назоратнинг қўйидаги турлари ажратилиб кўрсатилади:



Чизма. Таълим муассасаси ички назорати

Мавзули назорат қандайдир аниқ масалани ўрганишда таълим муассасаси жамоаси, ўқувчилар гурухи ёки алохида ўқитувчининг педагогик фаолияти тизими, таълим муассасасидаги таълим даражаси, шунингдек, ўқувчиларнинг экологик ва эстетик тарбияси тизимига эътибор қаратилади.

Фронтал назорат бутун педагогик жамоа, методик кенгаш ёки алохида ўқитувчи фаолиятини ўрганишга қаратилади.

Алохида назорат бирор бир ўқитувчининг фаолияти, синф (гурух) раҳбарларининг тарбиявий ишларини мавзули, фронтал ткширишга асосланади.

Синф-мулоқот назорат шаклида синф жамоасининг дарс ва дарсдан ташқари жараёнида шакланишига таъсир этувчи ўзига хос омиллар эътиборга олинади.

Предметли назорат шакли битта ёки бир неча синф (гурух)ларда, бутун таълим муассасасида таълим олинганлик даражасини аниқлашда қўлланилади.

Мавзули назорат шаклининг бош мақсади турли фан ўқитувчилари ва синфларнинг алохидаги ўкув-тарбия жараёнини бошқаришдаги ишларини ўрганишдан иборат.

Мажмуавий (комплекс) назорат шакли бир неча ўкув фанлари бир ёки бир нача синф (гурух)ларда турли ўкувчиларнинг ишларини ўрганишни ташкил этиш мақсадида амалга оширилади.

Тартибга солишининг асосий мақсади таълим-тарбия жараёнини педагогик тахлил қилишда таълим муассасасининг олдига қўйилган мақсад ва режаларини амалга ошириш, бошқарув ишини ташкил этиш хамда назорат қилишда йўл қўйилган холатларни тузатишдан иборат.

Тартибга солиши бошқарув фаолиятида катта ахамият касб этади. У ўтган ўкув йилида эришилган натижаларни, йўл қўйилган камчиликларни хисоб қиласди. Ана шу асосдан келиб чиқиб, янги ўкув йилида таълим муассасаси олдига мақсад ва асосий вазифаларни қўяди.

Педагогик Кенгаш – таълим муассасасининг жамоатчилик бошқарув органи. Таълим муассасаларида ўкув-тарбия жараёнини ривожлантириш, такомиллаштириш, муассаса фаолияти билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни мувофиқлаштириш, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг касбий маҳорати ва ижодкорликларини ўстириш мақсадида педагогик ходимларни бирлаштирувчи педагогик Кенгаш фаолият кўрсатади. Педагогик Кенгаш таълим муассасаси жамоасининг юқори бошқарув органи хисобланади.

Педагогик Кенгашнинг асосий вазифаларига қўйидагилар киради:

- таълим муассасаси (умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей, касб-хунар коллежи)нинг тайёрланган мухим хужжатларини мухокамадан ўtkaziladi, tasdiqlaydi va bajariliшини назорат қиласди;
- таълим муассасасининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқсан холда уни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилайди;
- таълим муассасасида ўкув, тарбия жараёнини ташкил этиш ва таълим самарадорлигини оширишда мақбул шарт-шароитлар яратишга қаратилган қарорларни қабул қиласди;
- таълим муассасаси бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича йўл-йўриқларни ишлаб чиқади;
- педагогик жамоанинг маълум йўналишлардаги фаолиятини тахлил қиласди ва якуний хулоса чиқаради;
- таълим муассасаси педагогик жамоаси учун ўз ваколати доирасида меъёрий талабларни ишлаб чиқади, tasdiqlaydi ва bajariliшини назорат қиласди.

Педагогик Кенгаш қўйидаги хуқуқларга эга:

- таълим муассасасини ривожлантириш йўналишларини истиқбол режасини белгилаш;
- таълим муассасаси жамоаси олдига қўйилган мақсад ва вазифаларининг бажарилишини амалга ошириш;
- ўқув режада мактаб ихтиёрига берилган соатларни тақсимлаш, йиллик ва тақвимий иш режаси мазмуни хамда дарс жадвалини мухокама қилиш;
- ўқув жараёнини ташкил қилишнинг турли шакл ва методларини мухокама қилиш, амалиётга татбиқ этиш;
- таълим муассасаси таълим жараёнига оид барча масалаларни ўз ваколати доирасида мухокама этиш ва тегишли қарор қабул қилиш;
- педагоглар малакасини ошириш тизими, уларнинг ижодий ташаббускорликларини ривожлантириш бўйича ўз таклифларини бериш;
- ўқувчиларнинг билим даражасини аниқлашда оралиқ назорат бўйича қарор қабул қилишда қатнашиш, уни ўтказиш шакли ва вақтини белгилаш;
- таълим олувчиларни синфдан-синфга, курсдан-курсга кўчириш ва битувчиларни якуний аттестацияга қўйиш бўйича қарор қабул қилиш;
- таълим дараёнини ташкил қилиш хамда таълим муассасасини ривожлантиришга доир масалалар бўйича мактаб раҳбариятининг хисоботларини тинглаш;
- таълим мақсадига мувофиқ холда ўқувчиларни рағбатлантириш ва жазолаш бўйича масалаларни хал этиш;
- чорақ, ярим йиллик «семестр», йил якунига доир хуносалар чиқариш;
- педагогик Кенгаш аъзоларидан педагогик фаолиятни бир хил тамойилларга асосан амалга оширишни талаб қилиш;
- таълим-тарбия жараёнида алоҳида хизмат кўрсатган таълим муассасаси ходимларини рағбатлантиришга тавсия қилиш;
- якуний аттестациядан муваффақиятли ўтган ўқувчиларга ўрнатилган тартибда хужжатлар бериш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Педагогик Кенгаш йиғилишлари қарорлаштирилиб, қабул қилинган хужжатлар таълим муассасаси иш юритиш хужжатлари билан бирга сақланади. Педагогик Кенгаш фаолияти бир қатор хужжатларда ўз акини топади:



Чизма. Педагогик Кенгаш хужжатлари

Таълим муассасаси хужжатлари беш йил давомида таълим муассасасида сақланади. Директор ва унинг ўринбосарлари вазифалари. Таълим муассасасининг ўқув-тарбия жараёни ва кундалик фаолиятига бевосита раҳбарликни таълим муассасаси директори олиб боради.

Таълим муассасаси директорининг вазифаси қуидагилардан иборат:

- давлат ва жамоат ташкилотлари олдида таълим муассасасининг манфаатларини ифодалаш;
- ўқув-тарбия жараёни муваффақиятини таъмин этиш;
- ўқув дастурларининг бажарилишини назорат қилиш, таълим-тарбия ишларининг сифати ва самарадорлиги, болалик ва меҳнатни мухофаза қилиш талабларининг риоя қилиниши, шунингдек, таълим муассасасидан ташқарида маънавият ишларини ташкил қилиниши учун зарур шарт-шароитларни яратиш;
- педагогик ва раҳбар кадрларни танлаб жой-жойига қўйиш, уларнинг вазифаларини белгилаш, педагогик кадрлар, кабинет ва устохона мудирларини белгилаш, синф ва гурух раҳбарларини танлаш, педагог ва хизмат кўрсатувчи ходимларни ишга қабул қилиш хамда бўшатиш;
- таълим муассасаси педагогик ходимларини аттестациядан ўтказувчи комиссияга раҳбарлик қилиш;
- таълим муассасаси педагогик ходимларининг ижодий ишлари, таълим-тарбиянинг илғор шакл ва усулларини қўллашлари учун шарт-шароитларни яратиш;
- таълим муассасасига ажратилган молиявий маблағлар, сарф-харажат хисобини юритиш;
- таълим муассасаси меъёрий хужжатларининг тўғри юритилишини таъминлаш;
- таълим муассасаси педагогик Кенгаши, махаллий хокимлик органлари олдида ўз фаолияти тўғрисида хисоб бериб туриш.

Таълим муассасаси директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарининг вазифалари:

- ўқув хафтаси ва ўқув машғулотларининг давомийлигини таъминлаш;
- дарс жадвалини тузиб чиқиш ва шу жадвалга биноан дарсларнинг ўз вақтида самарали ўтказилишини таъминлаш;
- хар бир чорак охирида, семестр давомида директор ва таълим муассасаси педагогик Кенгаши аъзоларига ўқув жараёнининг бориши хусусидаги ахборот ва маълумотларни бериб бориш;
- ёш мутахассисларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;
- синф ва гурух журналларини тўғри юритиш ва сақланишига жавоб бериш;
- ўқувчиларнинг билим даражасини режа асосида тахлил қилиб бориш;
- ўқувчилар томонидан давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш.

Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарининг вазифалари:

- таълим муассасасида ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш, жамоат ташкилотлари ва махалла, ота-оналар билан алоқани таъминлаш;
- таълим муассасаси ва ундан юқори миқёсда ўтказиладиган дарсдан ташқари тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш;
- таълим муассасаси ўқувчиларнинг синф, гурух ёки таълим муассасасидан ташқари олиб бораётган машғулотларини кузатиб бориш, уларга амалий ва методик ёрдам уюштириш;
- таълим муассасасидаги «Ёш етакчи»нинг ишини назорат қилиш ва унга йўл-йўриқ кўрсатиши.

Таълим муассасасида методик ишлар, педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиши, ёш ўқитувчилар билан ишлаш. Таълим жараёнининг сифати хар жихатдан ўқитувчиларнинг ғоявий-назарий жихатдан тайёргарлиги, педагогик ва методик маҳорати даражасига боғлиқdir. Ана шу мақсадда таълим муассасасида методик Кенгаш ва фан методик бирлашмалари иш олиб боради. Методик Кенгаш таълим муассасасида таълим жараёнининг сифатини таъминлаш, ўқитувчиларнинг ғоявий-назарий жихатдан тайёргарлиги хамда педагогик ва методик маҳоратларини такомиллаштирилиб боришига назарий-методик жихатдан раҳбарлик қилувчи органдир.

Методик Кенгашнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» талабларини рўёбга чиқариш мақсадида таълим муассасасида таълим жараёнини методик таъминлаш ва мувофиқлаштириш хамда педагогик кадрларнинг методик жихатдан билимларини ошириб боришга қаратилади.

Методик Кенгашнинг фаолият доираси кенг бўлиб, у томонидан куйидаги вазифалар амалга оширилади:

- таълим жараёнининг методик таъминот холатини ўрганади, таълим муассасаси методик ишларини ташкил этади ва мувофиқлаштириб боради;
- таълим муассасасида олиб борилаётган методик ишларнинг истиқболини аниқлайди;
- йўналиш ва фанлар бўйича методика бирлашмаларига умумий раҳбарлик қиласи ва улар фаолиятини мувофиқлаштиради;
- таълимга доир меъёрий ва методик хужжатларни ўрганади, уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш усуслари юзасидан тавсиялар беради;
- таълим муассасаси ўқув-методик ишларига эксперт сифатида баҳо беришни амалга оширади;

- ўқитувчиларнинг ғоявий-назарий билим даражасини оширади, уларни фан ютуқлари, педагогик инновациялар, илмий-оммабоп адабиётлар билан мунтазам таништириб боради;
- ўқитувчиларга иш режаларининг тузилиши ва бўлимлари мазмуни бўйича тавсиялар беради;
- таълим муассасаси таълим жараёнида қўллаш учун илғор педагогик технологияларни ишлаб чиқади ва уларнинг амалиётга жорий этилишини назорат қилиб боради;
- ўқитувчиларнинг педагогик ва методик маҳоратини оширишга доир ишларни амалга оширади;
- давлат таълим стандартлари талаблари, ўкув режаси ва дастурларининг бажарилиш холатини тахлил қиласи ва тегишли тадбирларни белгилайди;
- ташқи ва ички назорат натижаларига Давлат таълим стандарти талабларининг бажарилишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилайди ва уларнинг бажарилишини назорат қиласи;
- таълим жараёнида миллий мағкура ва ёшларда сиёсий онгни шакллантиришга доир кўрсатмалар бериб бориш;
- ўқувчилар билимини назорат қилиш ва уларнинг мустақил ишларини ташкил қилишга доир кўрсатмалар бериш;
- йўналиш ва фанлар бўйича методика бирлашмалари хисоботини эшитиш, мухокама қилиш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бериш;
- ўқитувчиларнинг самарали меҳнатларини инобатга олган холда маънавий ва моддий рағбатлантиришга тавсия қилиш;
- педагогик ходимларнинг аттестациядан ўтказиш бўйича материалларни тайёрлаш;
- таълим муассасаси миқёсида фан ойликлари (хафталиклари), фанлар бўйича дарсдан ташқари (факультатив, тўгарак) ишлари, фан олимпиадаларининг 1-босқичлари, кўрик-танловларнинг ўтказилиши ва уларнинг самарасини назорат қилиб бориш.

Методика Кенгаши йиғилишлари қарорлаштирилиб, Кенгашнинг қуидаги хужжатлари таълим муассасаси иш юритиш хужжатлари билан бирга сақланади (-чизма).



Методик Кенгаш хужжатлари

Таълим муассасасида фанлар ёки бир-бирига яқин бўлган фанлар туркумлари бўйича Методика бирлашмалари фаолият кўрсатади. Методика бирлашмаларининг мақсади ўқитувчиларнинг методик ва касбий маҳоратларини такомиллаштириш, ўқувчиларга таълим-тарбия беришга қўйилган хозирги замон талабларининг бажарилишини таъминлаш борасида ўзаро ёрдамни ташкил этиш, ижодий ташабbusларни уйғунлаштириш ва таълим-тарбия беришнинг замонавий усусларини ишлаб чиқишдан иборат.


Методика бирлашмалари ўзида Методика Кенгашининг вазифаларини акс эттиради. Шу билан бирга Методика бирлашмалари қуйидаги вазифаларни хам амалга оширади:

- фанлар бўйича тақвимий мавзуий режаларни тасдиқлашга тавсия этиш;
- оралиқ ва якуний назоратлар учун ўқитувчилар томонидан тайёрланган синов материалларини тасдиқлаш;
- илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганишни ташкил қилиш ва оммалаштириш;
- тегишли йўналиш ёки фан бўйича таълим муассасасида методик таъминотга бўлган эхтиёжни аниқлаш;
- дарсларни ўзаро кузатишларни ташкил қилиш, натижаларни тахлил этиш ва мутахассисларга амалий ёрдам бериш;
- таълим методларини ўрганиш мақсадида очик дарсларни ташкил этиш, илғор педагогик тажрибаларга доир таклифларни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш;
- кўргазма ва кўрсатмали воситалардан фойдаланиш бўйича методик тавсияларни бериш;
- фан хоналарининг меъёрий хужжатлар талаблари асосида жихозланишини ташкил этиш.

Умумий ўрта таълим мактабларида Методика бирлашмалари бошланғич таълим йўналиши бўйича битта, V-XI синфларда эса ўқув режасидаги алоҳида фанлар бўйича ташкил этилади. Агар у ёки бу фан бўйича ўқитувчилар сони уч нафардан кам бўлса, у холда фан ўқитувчилари шу туркумдаги фан ўқитувчилари билан биргаликда битта Методика бирлашмасига бирлашадилар, Академик лицейларда хам Методика бирлашмалари худди шу тарзда ташкил қилинади. Касб-хунар колледжларида эса кафедраларда ўқитиладиган фанлар бўйича Методика бирлашмалари тузилади.

Методика бирлашмасига таълим муассасаси Аедагогика Кенгаши қарорига асосан ижодкор ва тажрибали ўқитувчилардан таълим муассасаси директорининг буйруғи билан раҳбар тайинланади. Методика

бирлашмаларининг фаолияти қўйидаги хужжатлар асосида тартибга солинади.




Педагог кадрлар малакасини ошириш. Фан-техника тараққий этиб, ижтимоий муносабатлар мазмуни ахборотларга тобора бойиб бораётган, фан оламидаги янгиликлар, психология-педагогика фани ривож топаётган бир даврда ўқитувчиларнинг ўз устида мустақил равишда ишлашлари, малакаларини ошириб боришлари, мустақил изланиш қўникмасига эга бўлиш ва ижодкор

бўлишларини талаб қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да белгилаб қўйилганидек, хар жихатдан баркамол, мустақил фикрловчи ёшларни тарбиялаш учун бугунги кун ўқитувчиси сиёсий, илмий-методик ва умумпедагогик савия, ўз ишиг ижодий ёндашиш, ўз бурчига нисбатан фидойи бўлишга боғлиқдир. Бу долзарб масалани самарали хал қилиш кўп жихатдан таълим муассасаси раҳбари, уларнинг таълим-тарбияни бошқариш лаёқатлари хамда педагог кадрлар малакасини оширишни ташкил этиш ва назорат қилишга боғлиқдир.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан мақсад ўқитувчиларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш, уларнинг касбий билимларини такомиллаштириш, натижада эса ўқувчиларга таълим-тарбия бериш сифатини кескин оширишдан иборатdir. Таълим-тарбия ишларининг мураккаблашиб бориши ўқитувчи олдида турган вазифаларни кенгайтиrmokda. Шунга кўра, педагогларнинг малакасини ошириш тизимида уларни ижодий изланишга одатлантириш, ижодкорликдаги фаоллигини рафбатлантириш мақсадига мувофиқ иш олиб бориш муҳим ахамиятга эгадир. Шу мақсадда педагогик кадрлар малакасини оширишнинг бир қанча

шакллари ишлаб чиқилган. Бу шакллардан нафакат мактаб педагогларининг малакасини оширишдагина эмас ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасаларининг раҳбарлари хам хабардор бўлишлари ва улардан мудаввафикациятли фойдалана олишлари лозим. Педагогларнинг малакасини ошириш шаклларига қуйидаги икки групга бўлинади:



Педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш. Педагог кадрлар аттестацияси уларнинг касбий маҳоратларининг ўсишини рағбатлантириш, таълим-тарбияда илғор педагогик технологияларни яратиш ва уларни қўллаш, маънавий-маърифий йўналишлардаги натижаларни холис баҳолаш, эгаллаб турган ёки даъвогарлик қилинаётган тоифа ва лавозимларга муносибликни аниқлаш, таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни сифатини ошириш мақсадида ўтказилади.

Педагог кадрлар аттестацияси 5 йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси хузуридаги Давлат тест Маркази таркибидаги «Кадрлар тайёrlаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси хамда Халқ таълими Вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган жадваллар асосида ташкил

этилади. Халқ таълими тизими педагог кадрлар таркибиға профессор-үқитувчи, ўқитувчи, методист, тарбиячи, психолог, дефектолог, логопед, спорт инструктори, мусиқа ва тўгарак раҳбарлари киради.

Педагог кадрлар аттестациясини ташкил этиш жараёнида қўйидаги ишлар амалга оширилади:

- педагог кадрлар ўз мутахассислиги хамда меъёрий-хукуқий ва маънавий-маърифий йўналишлар бўйича тест синовидан, сухбатдан ўтказиладилар;
 - педагог ўқитаётган фан бўйича ўқувчиларнинг билим ва ўзлаштириш даражаси ўрганилади;
- ўқувчилар ўртасида социологик сўровлар ўтказилади.

Педагогнинг умумий бали тест, сухбат натижалари, ўқувчиларнинг билим даражаси, илмий, ўқув-методик ишлари ва ихтиrolари, ижодий ишлари, иш стажи, педагогнинг комиссия томонидан ўрганилган касбий маҳорати ва раҳбариёт томонидан берилган баҳолар йиқиндисидан иборат бўлади.

Махсус мактаблар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, маданият, спорт, санъат соҳалари педагог кадрлари, мухандис-педагог кадрлар ва ишлаб чиқариш усталари ўз мутахассисликлари бўйича сухбатдан ўтказиладилар.

Педагог кадрлар учун меъёрий-хукуқий ва маънавий-маърифий йўналишлар бўйича тест саволлари тўплами Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», Давлат таълим стандартлари, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, янги педагогик технологияларга оид масалалардан иборат бўлади.

Комиссия аттестация натижаларига кўра педагогнинг ушбу жараёндаги фаолияти «Аттестациядан ўтди», «Аттестациядан шартли ўтди» ва «Аттестациядан ўтмади» тарзида баҳоланади.

Мутахассис тоифага эга педагог «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилганда, шунингдек, таянч маълумоти дарс бераётган фанига мос келмайдиган педагог кадрлар қайта тайёрлаш курсларидан ўтмаган бўлса, тегишли таълим муассасаси раҳбари педагогга ўз мутахассислигига кўра аттестациядан ўтишни хамда қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсида малака оширишни таклиф қиласди. Мазкур таклифларга рози бўлмаган ўқитувчиларнинг меҳнат шартномаси (амалдаги қонунчилик асосида) бекор қилинади.

«Аттестациядан ўтмади» деб топилган педагоглар хамда қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсига юборилган педагоглар бир йилдан сўнг қайта аттестациядан ўtkазиладилар.

Ёш ўқитувчилар билан ишлаш. Ёш ўқитувчиларнинг хар томонлама етук мутахассис бўлиб етишишлари бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Хақиқатан хам ёш ўқитувчи таълим муассасаси (умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими)га ишга келди дейлик: уни ўқувчилар билан ишлашга тайёр деб айта оламизми?

Тўғри, олий ўқув юртида у яхши назарий билимларга эга бўлади ва шу билан бир вақтда педагогик амалиётдан хам ўтиб келади. Бироқ, у олий ўқув юртини тамомлаши билан ўқитувчи деган номга эга бўлади. Табиийки, унда ўқувчилар билан ишлаш тажрибаси етарли эмаслиги боис меҳнат фаолиятининг биринчи йилидаёқ бир қатор муаммоларга дуч келади. Зоро, ёш ўқитувчига характери турлича бўлган ўқувчилар грухси билан ишлаш осон кечмайди. У ўз ўқувчиларининг қобилият даражаси, ўзлаштиришдан ортда қолаётган ўқувчилар шахсини ўрганишда уларнинг хар бири ўзига хос хотира, фикрлаш лаёқати ва диққатга эга бўлишларини хисобга олмаганлиги сабабли ўқувчиларда билимларни хосил қилишни тартибга олиш имкониятини қўлдан бой беради. Ёш ўқитувчининг энг ката хатоси, у ўзини билими саёз ўқувчилар билан ишлашдан олиб қочади. Унинг учун билими юқори бўлган ўқувчилар билан ишлаш осон туюлади. Натижада қолоқ ўқувчиларнинг тенгдошларидан ортда қолишлари кучаяди, уларнинг ривожланиши таълим жараёнида тартибсиз кечади.

Ёш ўқитувчиларга ёрдамни ташкил этишда асосий бўғин – бу улар билан бевосита ишлашни йўлга қўйишидир. Уларга маъruzalар ўқиш, назарий машғулотларни ташкил этиш шарт эмас, чунки улар олий таълим муассасасида етарли маълумотларни оладилар. Ёш ўқитувчи амалий маслаҳатларга эҳтиёж сезади. Бундай ёрдамни қуйидагича амалга ошириш мумкин:

- 1) барча ёш ўқитувчиларни жалб этиш орқали;
- 2) огохлантириш орқали хар бир ўқитувчининг дарсини кузатиш йўли билан;
- 3) ёш ўқитувчининг иши билан яқиндан танишиш орқали.

Бундан ташқари олий ўқув юртларини тамомлаб, мактабда ишлаётган ёш мутахассислар ва улар олиб бораётган таълим-тарбияишларини ўрганиш, уларга тегишли методик ёрдам кўрсатиш, йўл-йўриқлар ва маслаҳатлар бериб бориш, турли мавзуларда ижодий кечалар, тажрибали хамда фахрий ўқитувчилар билан учрашувларни уюштириш мақсадида туман Методика

кабинети қошида «Ёш мутахиссислар мактаби»ни ташкил қилиш махсадга мувофиқдир.

Кўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмуни. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ap1, Ap4, Ax1, Ax2, Ax3, A1, A3, A5, A6, Ak1, Ak2, Ak5.

8-маъруза: Дидактиканинг асосий назарий муаммолари

Режа:

1. Дидактика ҳақида тушунча
2. Билим, кўникма, малакаларни текшириш ва баҳолаш
3. Инновацион педагогика

Дидактика ҳақида тушунча

Дидактика таълим жараёнининг умумий қонуниятларини ўрганувчи қисмидир. Дидактика грекча сўз бўлиб, “Дидайко” – ўқитиш, “Дидаскол” – ўргатувчи деган сўзлардан келиб чиқсан

Дидактиканинг сўзма-сўз таржимаси таълим назариясини англатади. Таълим назарияси таълим жараёнининг тушунчаси ва моҳиятини, таълим қоидаларини, услублари ҳамда ташкилий шаклларини ўз ичига олади. Таълимнинг асосий вазифаси ёш авлодни илмий билимлар, кўникма ва малакалар тизими билан қуроллантиришдан иборат..

Дидактика педагогиканинг “нимага ўқитиш”, “нимани ўқитиш” ва “қандай ўқитиш” каби саволларига жавоб излайди. Дидактика ўз навбатида айрим ўкув фанларига оид усуллар билан жуда мустаҳкам боғланади. Шу усуллар маълумотига таяниб, ўқитишнинг умумий қонуниятларини ечиб боради ва айни вақтда ҳар бир ўкув фанини ўқитиш усуллари учун умумий асос бўлиб хизмат қиласди.

Дидактикага оид яқин ва ўрта Шарқда яшаб ижод этган Ал-Хоразмий, Абу Наср ал-Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино каби буюк мутафаккирлар тиббиёт, мантиқ, мусиқа, адабиёт, санъат, география, риёзиёт каби илмларни ўқитиш воситасида авлодларни тарбиялаш ғоясини олга сурдилар. Кайковуснинг “Қобуснома”, Носир Хисравнинг “Саодатнома”, Юсуф Хос Ҳожибининг ”Қутадғу билиг”, Аҳмад Юғнакийнинг “Хибот ул-ҳақойик”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб – ул-қулуб” (Кўнгиллар севгиси) асарларида илғор педагогик қарашлар ҳам ифодаланган. Улар дунёвий таълимни кенг ривожлантиришга катта хисса қўшишди.

Шарқ халқлари педагогикасининг буюк алломаси Юсуф Ҳожиб ўзининг “Қутатғу-билиг” асари орқали илм-фан, маърифатнинг аҳамияти, таърифи ва тавсифида одамларни тинмай илм олишга, билим ўрганишга ундейди. Дунёдаги барча хайрли ишлар, эзгу амаллар негизида илм-маърифат ётади. Илм зиёси туфайли жаҳолат зулмати ёзилади, фикр

равшанланади, оламга рўшнолик таралади. Ҳар бир соғлом фикрли одам дунёнинг борлиқ ишларидан огоҳ бўлиши, бунинг учун тинмай билим олиши, маърифатга интилиши керак.

Мутафаккир Абу Райхон Беруний (973-1048) илмнинг қадр-қимматини юксак баҳолаган ҳолда, инсоннинг чин фазилати илмда эканлигини алоҳида таъкидлайди: «Илм ўзи лаззат бағишлайди. Одамлар илм туфайли эзгуликка эришадилар. Улар илм туфайли ёвузликдан холос бўладилар. Шунинг ўзи энг аниқ фойда, энг катта давлат эмасми, ахир».

Билимлар ривожида Шарқнинг буюк алломаси Ал-Хоразмийнинг салмоқли улуши бор, албатта. Бу буюк олим алгебра, арифметика, астрономия, география ва мусиқа соҳаларида бир қанча асарлар ёзган. Унинг “Алжабр ва алмуқобала ҳисобидан қисқача китоб” асари асосида алгебра пайдо бўлди.

Ўзбек шеъриятининг буюк даҳоси Алишер Навоийнинг дидактик мероси, унинг бебаҳо “Хамса” асарида, ҳикматларида лирик дурдоналарида ўз ифодасини топган. Масалан, “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод илмли, ҳунарли, ижодкор шахс. Фарҳод – илм-ҳунарни ҳаёт билан боғлайди.

Алишер Навоий ҳаётининг сўнгти даврларида битган «Маҳбубул қулуб» асари чуқур тарбиявий аҳамиятга молик фалсафий асардир. Асарда донишманд алломанинг ўғитлари, панд-насиҳатлари мужассамлашган. Асар шоирнинг келажак авлод билан ҳаёлан мулоқотлари тарзида ёзилган.

“Маҳбубул қулуб” баҳонасида улуг адаб Алишер Навоийнинг педагогик қарашлари ҳақида сўз юритилар экан, бу ноёб асар бошидан-оёқ ҳикмату насиҳат, ибратли ҳикоя ва ўғитларга сероб бир баҳр эканлигини ҳар бир педагог унумтаслиги, таълим жараёнида бу панду насиҳатларда унумли фойдаланмоғи керак. Зотан, “Маҳбубул қулуб” да шоирни ўйлантирган муаммолар бугунги кунимизга ҳам ниҳоятда мос тушади.

Илмий дидактикага асос соглан чех олими Я.А.Коменский, швейцариялик педагог И.Г.Песталоццилар Европада дидактиканинг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар. Я.А. Коменскийнинг фалсафий фикрларига ва ўша даврдаги мактаблар тажрибасига таяниб, ўзининг машхур «Буюк дидактика» асарини ёзди. Бу асарда у биринчи бўлиб умумий таълим ҳақида сўз юритган ва таълим беришни ташкил этишни, унинг тамойилларини (асосий қоидаларини), методларини, мазмунини асослаб берган эди. Я.А.Коменскийнинг «Буюк дидактика» си кейинги асрларда

жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам педагогиканинг ривож топишига жуда катта таъсирини кўрсатди.

Француз файласуфи Жан Жак Руссо ўзининг «Эмиль ёки тарбия тўғрисида» деган педагогик асарида боланинг ёши ўлғайишига, унга таълим беришга бетакрор тафсифлар бердики, бу эса дидактиканинг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатди. У муаммоли, изланувчанлик хусусиятдаги алоҳида ўқув юртлари бўлишини таклиф этган, таълим беришни бевосита табиат ҳодисаларини бевосита кузатиш билан олиб бориш зарурлиги ҳақида гапирган эди.

1997 йил 29 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг 13-моддасида Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим тизими фаолияти белгилаб берилган

«Умумий педагогика» нинг асосий бўлимларидан бири – **дидактика** бўлими. Дидактика бир неча категориялардан иборат: ўқитиш тамойиллари, ўқитиш жараёни таълим мазмуни таълим воситаси ўқитиш (таълим) методлари, таълим шакллари, баҳолаш методлари Дидактиканинг ҳозирги вазифаси ўқитишда техника воситаларининг дидактик асосларини тадқиқ этишдан иборат. Ҳозирги пайтда касб-хунар таълими муассасалари замонавий техника воситалари, ускуналар ва компьютерлар билан жиҳозланаётир. Лекин, ўқитувчилар ҳар доим ҳам улардан тўғри фойдалана билмайдилар. Таълим воситаларининг оқилона қўлланишининг педагогик жиҳатдан асослаб берилиши ўқув жараёнининг самарадорлигини оширади.

Қўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмуни. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ар1, Ар4, Ax1, Ax2, Ax3, A1, A3, A5, A6, Ак1, Ак2, Ак5.

9-Маруза:Ўқитиш тамойиллари

Режа:

1. Ўқитиш тамойиллари ва унинг турлари.
2. Ўқитишнинг тарбиявий хусусияти.
3. Ўқитишнинг илмийлиги тамойили
4. Ўқитишнинг тизимлилик тамойили

Дидактиканинг асосий қисмларидан бири – ўқитиш тамойиллари қисмидир. **Ўқитиш тамойиллари** – бу ўқитувчининг фаолиятини ва ўқувчилар билиш фаолиятининг хусусиятини белгилайдиган асосий қоидалардир. Бу тамойилларни билмаслик ёки уларни қўлланишдаги нўноқлик ўқитиш ишига тўсқинлик қиласди, билимларни ўзлаштирилишини, ўқувчилар шахсига тааллуқли фазилатларнинг шаклланишига тўсқинлик қиласди.

Таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёни ўқитишнинг анъанавий равища таркиб топган ва ҳозирга замон шароитларида ҳосил бўладиган ҳамда унинг таълим бериш, ривожлантириш функциялари амалда рўёбга чиқишига имконият туғдирадиган умумий қоидаларга таянади. Педагогикада бу умумий асосий қоидалар ўқитиш тамойиллари деган ном билан юритилади.

Ўқитиш тамойиллари тизимини педагогик тафаккур тарихида биринчи бўлиб Я.А.Коменский ишлаб чиқди. У бу тамойилларни ўқув жараёнини ташкил этилиши учун асос бўладиган қоидалар деб атаган эди.

Таълим муассасалари ўқув жараёнида қўлланиладиган ва амал қилиниши лозим бўлган ўқитиш тамойиллари мазмунининг таърифлари қўйидагичадир :

Ўқитишнинг тарбиявий хусусияти. Бу тамойил бир неча йўналишларда амалга оширилади.

- Ўқув материалини мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан, миллий истиқлол ғояси, ҳалқнинг меҳнатдаги ютуқлари билан, ҳозирги замон фани ватехникаси, маданияти билан боғлиқлиги.

- Шахсада маънавий фазилатларни, интизомлиликни, қатъиятлиликни ва меҳнатсеварликни тарбиялаш.

- Ўқув жараёнида ҳосил бўладиган ҳиссиётлар, кечинмалар, таассуротнинг ҳосил бўлиш жараёнини бошқариш.

- Ақлий қобилиятларнинг ривожлантирилиши ва шакллантирилиши

Ўқитишнинг илмийлиги тамойили. Бизни қуршаб турган оламни билиш жараёни мураккаб, зиддиятли бўлиб, ҳар хил босқичларни, шаклларни ва

турларни ўз ичига олади. Илмий билиш ҳодисадан моҳиятга, нарсанинг ташқи таъсиридан унинг ички тузилишини тасвиrlашга ўтишдан иборатdir. Агар ўқув материали ўқувчини қонунлар, тушунчалар, формуалар ва теоремалар олами билан таништирса, бундай билимлар илмий билимлар деб аталади. Улар ақлий ривожланиш учун етакчи аҳамиятга эгадир. Фақат ана

шундай билимларгина ўкув фанининг илмий мазмунини ўзлаштириб олишга, кепгусида эса фанни чуқурроқ эгаллаб, меҳнатда фаол иштирок этишга имкон беради.

Ўқитишининг тизимлилик тамойили. Бу тамойил тўртта асосий қоидани ўз ичига олади:

1. Билим одамнинг нарсаларни, ўзини қуршаб турган оламнинг ҳодисаларини акс эттиришидир. Оламда ҳамма нарса нарса ўзаро бир-бирига боғлик ва ҳамиша ҳаракатда, ривожланишда бўлади. Таълим муассасалари ўқувчилари оладиган барча билимлар, узлуксиз ривожланаётган дунёнинг айrim қирралари, қисмлари, хусусиятлари, ҳолатлари таърифидан иборатdir.

Ўқитишининг тизимлилик тамойилининг биринчи талаби ўкув билимларининг ilk мабаини кўра билишдан, ўқувчи ўкув материали тизимида нарсаларнинг, ҳодисаларнинг реал муносабатларини тасаввур эта олишларидан иборатdir.

2. Ўкув материали фаннинг маҳсус ишланган асослари, қисмлари, қоидалари, бўлинмаларидан иборатдар.

Ўқитищдаги билимлар тизими билан фандаги тизим бир-бирига тўла мос бўлавермайди. Тизимлилик тамойилининг иккинчи талаби – фандаги билимларларнинг коллеждаги ўқувматериалига асос қилиб олинадиган тизимини яхши англаб етишдан иборат. Ўкув фани мазмуни ва уни ўрганиш изчиллигини фаннинг тегишли бўлимларидан фарқини пайқай билиш керак.

3. Таълим муассасаси ўқувчиларининг ўкув материалини ўзлаштириш тизими ўқитувчининг тушунтириш усусларига боғлиқдир. Ўқитувчининг тайёргарлик даражаси, унинг ижодкорлиги ва маҳорати ўқувчилар томонидан билимларнинг пухта ва тизимли тарзда ўзлаштирилишини таъмин этади. Тизимлилик тамойилининг учинчи талаби билимларни ўзлаштириш ўқувчиларнинг ёш имкониятларига мос келадиган дастур материалини ўрганиш тизимини топишдан иборатdir.

4. Билимларни тизимли равища тушуниш ўқувчиларни ривожлантириш функцияларини, масалан, таққослаш, таҳлил, синтез қилиш, умумлаштириш, мавҳумлаштириш, фикрлашнинг индуктив (ягона ёки унчалик умумий бўлмаган туридан кўпроқ даражадаги умумий хулосаларга ўтиш) ва дедуктив (умумий қоидалардан камроқ даражада умумий бўлган хусусий турига ўтиш) формаларини ривожлантиришини ўз ичига олади.

Тизимлилик тамойилининг тўртинчи талаби – ҳар бир дарсда ўқитиши системаси маҳсулдор бўлиши кераклигидир. Бу ўкув дастуридаги материални чуқур ўрганганликда, фикрлашнинг мантиқий жараёнлари ва шаклларини ривожланишда, диққат-эътиборни, хотирани, тасаввурни,

хиссиётни тарбиялашда ўқув фаолияти давомидаги қийинчиликларни енгишга ёрдам берадиган хислатларни хосил қилишда ўз ифодасини топади.

Тушунарлилик тамойили. Билимларни ўзлаштиришнинг осонлиги, малака ва кўникмаларнинг хосил қилиниши уларнинг мактаб ўқувчиларининг ривожланиш даражаси билан, уларнинг шахсий тажрибаси билан, ўқувчи олган билимлар, малака ва кўникмалар билан алоқасини кўрсатади. Агар бундай алоқаларни аниқлаб бўлмаса, билимлар тушунарли деб ҳисобланмайди.

Оlamda барча нарсалар ўзаро бир-бирига боғлиқ, барча нарсалар, ҳодисалар ўртасида алоқа маавжуд. Шунинг учун барча билимлар, барча фанлар, барча ўқув фанлари ўзаро бир-бири билан боликдир. Ўқувчи биладиган билимлар инсоният тажрибасининг бир заррачаси ҳисобланади ва шунинг учун ҳам янги билимларни мавжуд билимлар билан ҳамиша боғлаш мумкин.

Ўқитишнинг кўргазмалилик тамойили. Кишилик жамияти ривожланининг илк босқичларида ўқитиш болаларнинг катталарга тақлид қилишлари, катта ёшдаги киши бажарган амалий харакатларни қайтариш ҳисобига олиб бориларди. Ўқитишнинг бу содда формаси ўзининг ишонарли, самарали эканлиги туфайли ҳозирги кунда ҳам сақланиб келяпти.

XVII асрда Я.А.Коменский кўргазмалилик тамойилини ҳар қандай тарздаги ўқитишнинг муваффақиятли бўлиши негизи сифатида таърифлади. И.Г.Песталоцци бу тамойилни ўқитишнинг асосий воситасига айлантириди.

Кўргазмалилик тамойилининг ҳозирги изохи қуйидаги асосий қоидаларни ўз ичига олади:

1. Кўргазмалилик деганда ўқувчининг ҳиссий билишини ташкил қилиш тушунилади.
2. Кўргазмали қуроллардан фойдаланиш ўқув жараёнида ҳиссий билишни ташкил этишнинг бир жиҳати ҳисобланади.

Ўқитишнинг онглилиги ва фаоллиги тамойили. Бу тамойил ўқувчиларнинг билиш фаолиятида ва дарс беришда асос қилиб олинган қоида сифатида учта муҳим жиҳатни – ўқувчилар томонидан ўқув материалини онгли равишда тушунилишини, ўқув машғулотларига онгли муносабатда бўлишни, билиш фаолиятининг шаклланишини ўз ичига олади.

Ўқитишнинг пухталиги тамойили. Ўқув материалини ўзлаштиришнинг пухталиги кўпгина омилларга: тушунтиришнинг

илмийлиги ва тизимлилигига, тушунишнинг онглилигига, ўқувчиларнинг билиш фаоллигига, ўқиши сабабларига, ўкув китобларнинг сифатига, ўқитувчининг маҳоратига боғлик.

Ўқитишнинг пухталиги тамойили ўкув жараёнининг билимлар пухта бўлишига эришиш имконини берадиган жиҳатларни таҳлил қилишда асосий қоида ҳисобланади.

Ўқитишни индивидуаллаштириш. Ҳар бир ўқувчини умумий ҳислатларидан ташқари индивидуал ҳисларга эгадир. Ўқувчининг билиши, иродаси, ҳиссиётига оид хусусияти, шахсий ҳислатлари ўқитишнинг боришига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши ёки бетараф қолиши мумкин. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда дарс жараёнини ташкил қилиш – ўқитишни индивидуаллаштириш деб юритилади.

Фанлараро боғлиқлик тамойили. Таълим муассасаларида ўтилаётган умумтаълим, махсус ва касбий фанлар бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борилиши лозим. Бунда фанлардаги мавзулар қайтарилилмасдан, балки улар бир-бирини тўлдириб боришади.

Назария билан амалиёт бирлиги тамойили. Ўтилаётган касбий фанлар назарияси бевосита амалиёт билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Назарий дарслар пайтида берилган маълумотлар амалий машғулотлар мобайнинда мустаҳкамлаб борилиши зарур.

Таълим жараёнинда ўқувчилар анъанавий таълим методлари орқали муайян билим, кўникма ва малакаларни эгаллайдилар. Ўкув материалининг битта мазмунининг ўзи таълимнинг турли воситалари ёрдамида турли усууллар билан ўзлаштирилиши мумкин. Ўкув материалини ўрганишнинг турли шаклларини қидириш дарснинг мақсадлари, вазифаларини англаб олишдан бошланади.

Қўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмуни. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ap1, Ap4, Ax1, Ax2, Ax3, A1, A3, A5, A6, Ak1, Ak2, Ak5.

10-Марзуа: Ўқитиши жараёни, таълим мазмуни ва воситалари

Режа:

1. Ўқитиши жараёни ташкиллаш.
2. Ўқитиши жараёнининг вазифалари.
3. Ўқитиши жараёни, таълим мазмуни ва воситалари

Инсон фаолиятининг ҳамма асосий турлари (мехнат, фан, санъат, ўйин каби), унинг теварак-атрофдаги оламни ва ўзини-ўзи билиш билан боғлиқ. Ўқиши теварак-атрофдаги оламни билишнинг маҳсус ташкил этилган ва ўқитувчи раҳбарлик қиласидиган алоҳида тури ҳисобланади. Бу жараённинг можияти – билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, ўқув фанлари мазмунини ўзлаштириб олиш ва билиш кучларини ривожлантиришдан иборатdir.

Ўқитиши жараёни орқали ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш ҳамда билиш фаолияти натижасида **билим, кўникма ва малакаларни** эгаллаб олишга доир маҳсус ташкил этилган ва бирор мақсадга қаратилган фаолиятdir.

Шунингдек, **ўқитиши жараёнини** ташкил этиш учун аввало, дарсда дидактиканинг барча категориялари бир вақтда ҳамоханг олиб борилиши лозим. Хусусан, ҳар бир фаннинг мақсади бўлади, ундан натижа кутилади, натижа эса, назорат ва баҳолаш билан белгиланади. Дарс жараёнида таълим мазмуни, воситаси, ўқитиши методлари, таълимни ташкил этиш шаклларидан фойдаланади, бу ўз навбатида ўқитиши жараёнини ташкил этади (**14-илюва**).

Ўқитиши жараёнини мазмунини **билим, кўникма ва малака** ташкил этади. Ўқувчилар ўқиши орқали билим билан қуролланадилар. Бунда билимнинг ўзи кифоя бўлмайди. Уни ҳаётда кўп унум берадиган қилиб қўллай билиш лозим. Бунинг учун эса, ўқувчида кўникма ва малака ҳосил қилиш лозим.

Кўникма – машқ қилиш натижасида бажариладиган ҳаракатлар ийғиндиси. Кўникма ва иқтидор машқ қилиш ва такрорлаш орқали малакага айланади. Билим асосида кўникма, сўнгра малака ҳосил бўлади. Билим баҳсда керак бўлса, кўникма меҳнатда, дунёни ўзлаштиришда керак. Шу жиҳатдан ўқув юртларида ўқувчилар ўртасида баҳслар, беллашувлар, ўткир зеҳнлилар мушоираси, қувноқлар ва зукколар беллашуви каби тадбирларни ташкил этиш фойдалидир. **Малака эса**, автоматлашган ҳолда бажарилган назарий-амалий билим ва қўникмалар мажмуидир.

Шунингдек, ўқитиши доимо шуғулланувчиларнинг фаолигини тақозо этади. Шунинг учун ҳам унинг моҳияти шундаки, бир томондан педагоглар, ўқитувчиларнинг, иккинчи томондан ўқувчиларнинг ўзаро боғланган, бир-бирини тақозо этадиган фаолиятидир.

Ўқитиши жараёни сифатида таълимнинг учта тузилиш элементи бор: ўқитиши (ўқитувчининг таълим берувчи фаолияти), ўқиши (таълим олувчининг билиш фаолияти) ва таълимнинг мазмуни (уларнинг биргаликдаги фаолият объекти).

Дидактика вазифаларининг комплекс тарзда ҳал этилишига ўқув жараёнининг таълим бериш, ривожлантириш ва тарбиялаш функцияларини самарали рӯёбга чиқариш имконини берадиган тўлақонли ўқитиши назариясини яратиш учун барча ижобий нарсадан унумли фойдаланиш орқали эришилади.

Хозирги шароитда ўқитиши ўсиб келаётган ёш авлодга имконият тажрибасининг айрим жиҳатларини меҳнат, маданият, санъат, фан, ахлоқ ва бошқаларни ўзлаштириш имкониятини таъмин этадиган ва мақсадга йўналтирилган жараёнга айланади. Ўқитишнинг моҳияти мазкур жамиятда яшашга ва меҳнат қилишга тайёрлашдан иборатdir.

Ўқитиши жараёнининг вазифалари. Ўқитиши таълим бериш, камолга етказиш ва тарбиялаш каби учта функцияни ўз ичига олади.

Биринчи, билимларни эгаллаш, ўқув кўникмаларини эгаллаш ва малакаларни шакллантириш жараёнидан иборатdir.

Иккинчиси, ўқувчиларни ақлий жиҳатдан ривожлантирилишини ўз ичига олади. Бир хил турдаги билимлар йиғиндиси ақлий ривожланишнинг турлича даражасига олиб келиши мумкин.

Учинчиси, тарбиялаш функцияси шундан иборатки, ўқув фаолияти ўқувчини тарбиялайди. Унда ватанпарварлик, ахлоқий фазилатлар, нуқтаиназар, эътиқод, эстетик туйғу, интизомлилик ва меҳнатсеварлик каби хислатлар шаклланади.

Ўқувчилар билимларни эгаллаш жараёнида маълум босқичларни ўтадилар. Муҳандис-педагоглар ўқувчиларнинг билимларни эгаллаш босқичларини яхши билишлари керак. **Ўқувчининг билимларни эгаллаш босқичлари** қўйидагилардан иборат:

Биринчи босқич – бу идрок этишдир. Психологиядан маълумки, идрок этиш – мақсадга йўналтирилган билиш жараёни демакдир. У сайланма характерда бўлади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларга аввало мавзу ҳақида хабар бериши, яъни улар нимани ўрганиши кераклигини айтиши керак. Вазифа қўйиши ва уни тушунтириши шарт. Агар ўқувчилар ўқув топширигини англаб етмасалар, ўқув материали билан таништиришга ўтмаслик керак.

Иккинчи босқич – бу ўқув материалини идрок этиш босқичи ҳисобланади. У билимларнинг назарий томонини алоҳида ажратиб кўрсатишдан ва таҳлил этишдан иборатдир. Асосий фикрни топиш, тушунчаларни ажратиб кўрсатиш, уларни белгиларини асослаб бериш, изоҳловчи материалнинг характеристини тушуниб олиш мисоллар ва тушунтирувчи фактлар йиғиндисини ўрганиш керак.

Учинчи босқич – бу ёд олиш ва мустаҳкамлашдир. Вазифа олинган билимларни узоқ вақт давомида хотирада сақлаб қолишдан иборатдир. Бу борада билиш фаолияти асосан, машқлар, мустақил равища репродуктив ва ижодий иш қилиш тарзида номоён бўлади.

Тўртинчи босқич – билим, малака ва кўникмаларни амалий фаолиятда, айниқса ўқув муассаса қошидаги ўқув устахоналарида, лабораторияларда ишлаш чоғида шунингдек, тракторларда, машиналарда, комбайнларда, станокларда ва бошқа машина, механизмларда ишлашга ўргатишидир.

Таълим мазмуни – умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳамда олий таълим мазмунига давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар, тавсияномалар киради. Қуйида уларга қисқача таърифлар келтирилади

Давлат таълим стандарти (ДТС) – таълим мазмунига ва унинг ўзлаштириш сифатига қўйиладиган талаблар мажмuinи ташкил этади, яъни стандарт таълим мазмунининг ўзлаштириш даражасини белгилиб берувчи меъёрий ҳужжат.

Намунавий, танч ўқув режалари таълим мазмунидан келиб чиқиб, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари тайёрлов йўналишлари бўйича алоҳида тузилади. Таянч ўқув режалари ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ишчи ўқув режаларини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади. Таянч ўқув режасида ўқув йили 40 ҳафта ва 2 семестрдан иборат. Ҳар бир семестр 20 ҳафтани ўз ичига олади. Ўқув режаси лойиҳаси шу соҳада тажрибага эга бўлган мутахassisлар гурухи томонидан

тайёрланади. Ўқув режаси лойиҳаси Республика комиссиясига тасдиқлаш учун тақдим этилади. Айрим ҳолларда ўқув режаси лойиҳаси Марказнинг Илмий-методик кенгаши томонидан ҳам тасдиқланиши мумкин.

Ўқув режалар қўйидагича бўлади: намунавий, таянч ўқув режаси ва ишчи ўқув режаси. Ишчи ўқув режаси муайян таълим муассасаси учун ўқитиш жараёнининг календар тузилмасини ва босқичларини ифодалайдиган, намунавий ўқув режаси асосида ишлаб чиқиладиган хужжат ҳисобланади. Намунавий ўқув режа таянч ўқув юртлари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Фанларнинг ўқув намунавий дастури муайян предметлар бўйича таълим мазмунининг зарурий минимумини ва ўқув материалларини ўзлаштириш даражасини батафсил очиб берувчи хужжат ҳисобланади. У мутахассис фан ўқитувчилари томонидан тузилади ва ЎМКХТ Маркази томонидан тасдиқланади.

Ўқув фани дастури таълим мазмуни, унинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуслари, ахборот манбалари кўрсатилган меъёрий хужжатдир.

Фаннинг ўқув дастури ўқув жараёнининг мазмуни ва сифатини белгиловчи меъёрий хужжатдир. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим ўқув режасидаги ҳар бир фан, маҳсус ва факультатив курс бўйича тасдиқланган ўқув дастурларига мувофиқ олиб борилиши шарт.

Фаннинг ишчи ўқув дастури намунавий ўқув дастур асосида яратилади. Ишчи ўқув дастурида фан бўйича режалаштирилган ўқув соатлари асосида мавзуларнинг соатлардаги тақсимоти (ушбу тақсимотни 10% гача ўзгартириш имконияти ҳисобига олинган ҳолда), мавжуд ўқув-услубий ва техникавий

таъминот, амалий ва лаборатория машғулотларининг соатларидаги аниқ рўйхати келтирилади.

Дарслик – давлат таълим стандарти, ўқув дастури, услибиёти ва дидактик талаблари асосида белгиланган, миллий истиқбол ғояси сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фаннинг асосларини мукаммал ўзлаштиришга қаратилган ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган нашр. Ҳар бир таълим турининг мақсад ва вазифаларини қамраб олган, билим оловчиларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ўз дарслклари

бўлади. Дарсликда назарий маълумотлардан ташқари, амалий тажриба ва синов машқлари бўйича зарур кўрсатмалар берилади.

Ўқув қўлланма – дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва фан асосларининг чуқур ўзлаштирилишини таъминловчи, айрим боб ва машғулотлар ечимига мўлжалланган нашр. **Услубий қўлланмалар** таълим муассасасининг илмий-услубий кенгаши томонидан тасдиқланади.

Дарсликлар қўллэзмаси тайёр бўлгандан кейин ички ва ташки тақриздан ўтказилади, таълим муассасасидаги эксперт комиссияси кўригидан ўтиб, тегишли хulosса олгандан сўнг мутасадди кафедра йигилишидан ўтади, кейин таълим муассаси илмий-услубий кенгашидан ўтади ва нашрга тавсия этиш ҳақидаги таклифни Вазирликнинг Мувофиқлаштирувчи кенгашига тақдим этади. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш қошидаги эксперталар кўригидан ижобий ўтгандан сўнг мазкур Кенгашнинг нашр этишга рухсати ҳақидаги қарорини олади.

Қўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмуни. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ар1, Ар4, Ax1, Ax2, Ax3, А1, А3, А5, А6, Ак1, Ак2, Ак5.

11-Маруза: Ўқитишиш методлари ва уни турлари

Режа:

1. Таълим методларининг классификацияси.
2. Ўқитишининг замонавий методлари
3. Дарс жараёнларида ўқитиши фаол методларидан фойдаланиш.
4. Ўқитиши ташкил этиш шакллари

Ўқитишиш (таълим) методи қўпинча ўқитувчининг ўқувчилар билимларни чуқур, онгли ва мустақил эгаллаб олишларига қаратилган ва ўқувчилар билиш фаолиятини бошқаришни таъминлайдиган фаолият усуллари сифатида таърифланади.

МЕТОД-юононча атама бўлиб, у мақсадга эришиш йўлини билдиради – муайян маънода тартибга солинган фаолият. Ўқитишиш методлари ўқув жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Таълим методи, бу ўқитувчи ва ўқувчининг тартибга солинган ўзаро алоқадаги фаолияти, ўқитишиш жараёнида таълим ва ривожланиш масалаларини ҳал қилишга қаратилган фаолиятдир

Таълим методлари ҳозирги вақтда қуйидагича классификацияланади:

- а) *билим олишининг асосий манбаи бўйича* (оғзаки, кўргазмали ва амалий);
- б) *ўқитувчи фаолияти шакллари бўйича* (ўқитишиш методлари) ва ўқувчилар фаолиятининг шакллари бўйича (таълим (олиш) методлари);
- в) *фикралиш, эслаб қолии ва билим олиши фаоллигининг характеристи бўйича* (репродуктив, изоҳли-кўргазмали, муаммоли-изланишли, тадқиқотли);
- г) *хуроса чиқарииш турлари бўйича* (индуктив, дедуктив).

Ўқитишининг оғзаки, кўргазмали ва амалий методлар. Агар ўқувчилар асосий ўқув ахборотини ўқитувчининг оғзаки мулоҳазалари ва исботлари жараёнида ёки дарслик матнлари асосида олсалар, бундай методлар *оғзаки*: тушунтириш, хикоя, сухбат, баён, изоҳ, ва ҳоказо методлар жумласига киради. Оғзаки методлардан фойдаланиш жараёнида қўргазмали қуроллардан фойдаланиш мумкин. Аммо, улар ёрдамчи ўрин ўйнайдилар

Кўргазмали методлар деганда таълим жараёнида қўлланиладиган кўзгазмали қуроллар ва техника воситаларига кўп даражада боғлик бўлган ўқув материалини ўзлаштириш шакллари тушунилади.

Машқлар, мустақил топшириқлар, амалий ва лаборатория ишлари асосида ўқув материалини эгаллаш шакллари таълимнинг **амалий методлари** жумласига киради.

Ўқувчиларнинг ўқув материалини эгаллашлари асосан хотиранинг эслаш функциясига асосланган методлар *репродуктив методлар* дейилади.

Изоҳли-кўргазмали методлар янги мазмунни ўрганишнинг турли шаклларида фойдаланилади. Изоҳли-кўргазмали методлар икки қисмга бўлинади: биринчи қисмда назарий маълумотлар берилса, иккинчи қисмда оғзаки тарзда ҳам, кўргазмали қуроллар ёрдамида ҳам маълумотлар берилади.

Муаммоли-изланишили методлар. Ўқувчилар онгида проблемали вазият ёки илмий изланишларни ташкил этувчи методлар муаммоли-изланишли методлар дейилади.

Ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигига айрим тадқиқот вазифалари ва ишларни бажаришлари, мустақил кузатишлар, уларни ёзиш ва натижаларни таҳлил қилишлари каби методлар **тадқиқот** методлари дейилади.

Шунингдек, **фаол ўқитиши методлари** – ҳозирги вақтда таълим муассасаларида ўқитишининг икки хил тури яъни, **анъянавий ва ноанъянавий ўқитишининг замонавий методлари** қўлланилмоқда. Ўқитишининг замонавий методларини қўллаш ўқитиши жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Анъянавий ўқитиши жараёнида асосан ўқитувчи авторитарлик билан дарсни олиб борса (субъект-объект), ноанъянавий ўқитиши жараёнида эса ўқувчи шахсига эркинлик бериш, муносабатларни демократлаштириш (субъект–субъект) асосида дарс жараёнлари ташкил этилади.

Анъянавий (суст) ва ноанъянавий (фаол) ўқитиши жараёнида ўқувчилар билимларини ўзлаштириш самарадорлигини орқали кўришимиз мумкин.

Дарс жараёнларида юқори самарадорликка эришиш учун қуйидаги фаол ўқитиши метод (усул) ларидан фойдаланиш мумкин :

1. Ақлий хужум. Бу усулда ўқитувчи томонидан муаммоли топшириқ (савол) берилади ва барча ўқувчиларнинг фикр – мулоҳазалари тўпландади. Дарсда қатнашаётган ўқувчилар бирлашган ҳолда қийин муаммони ечишга ҳаракат қиласидилар: уни ечиш учун шахсий ғояларини илгари сурадилар.

2. Гурух (жуфт) бўлиб ишлаш. Дарс қатнашчилари кичик гурухларга (4-5 ўқувчи) бўлинган ҳолда ёки жуфт бўлиб ўқитувчи томонидан берилган топшириқни бажаришади.

3. Баҳслар. Ўқув гуруҳини икки командага бўлган ҳолда, бирор мавзу бўйича ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказилади.

4. Меҳмон машқлари (уларни кутиб олиш). Дарс жараёнларида борор мавзуни таълим муассасаларига тегишли бўлмаган мутахассис иштирокида ўтказиш. Мутахассисни чақириш, уни кутиб олиш, дарс жараёнини ташкил этиш, кузатиб қўйиш каби барча ташкилий ишлар ўқувчилар томонидан бажарилади.

5. Анкета ўтказиш. Касбий фанларни ўқитиши давомида ҳар бир бўлим, боб якунлангандан сўнг, ўқитувчи анкета сўровлари ўтказади.

6. Оғзаки ва ёзма машқлар. Оғзаки машқлар таълим оловчиларнинг нутқ маданияти ва мантиқий тафаккурини тараққий эттириш, уларнинг билиш имкониятлари билан боғлик.

Ёзма машқларнинг асосий вазифаси – керакли қўнишка ва малакаларини шакллантириш, чукурлаштириш ва мустаҳкамлашдан иборат. Бу машқлар орқали таълим оловчиларнинг хусниҳатлари, хатосиз ёзиш каби қўниқмалари шакллантирилади.

7. Тез ўқиши. Оғзаки машқлар таълим оловчиларнинг нутқини, ҳар хил сўзларни, атамаларни, терминларни тўғри талаффуз қилиш қўниқмаларини шакллантирувчи усулдир.

8. Ўз-ўзини аттестация қилиш. Ҳар бир таълим берувчи ва таълим оловчи ўз фаолиятини назорат қилишга қаратилган усул.

9. Натижаларни таҳлил қилиш. Таълим берувчи таълим оловчиларга қўйган баҳолар натижасини, дарс машғулотида қўйилган мақсадга қай даражада эришилганлиги таҳлил этилади.

10. Аудиокассеталар эшитиб, уни ҳикоя қилиш. Касбий фанларда ўқув материалини аудиокассеталарга ёзиб, уни таълим оловчиларга эшиттириш ва уларнинг ҳикояларини тинглаш.

11. Видиоматериаллардан фойдаланиш. Дарс жараёнида мультимедиа тизимидан, видеоёзувлардан, кодоскоп, пректор, ўқув телевидениеси, ахборотни дисплейда акс эттирувчи компьютерлардан фойдаланиш.

12. Тадқиқот. Таълим оловчиларнинг айрим тадқиқот ишларни яъни диплом ва курс лойиҳалари, битирув ишларини илмий асосланган ҳолда мустақил бажаришлари, уларни ёзиш ва қўйилган мақсад ва натижаларни таҳлил қилишлари тадқиқот усулидир.

13. Пантомимо. Таълим оловчилар томонидан ўқув ахборотларини сўзсиз, фақат харакатлар орқали бир-бирларига етказиши.

14. Импровизация. Дарс машғулотларида ўқувчиларнинг ностандарт вазиятларни таълим оловчиларнинг мустақил ҳал эта олишлари.

15. Кузатиш ва маълумотларни етказиши. Таълим оловчиларнинг бир – бирларини кузатишлари ва қўйилган муаммо бўйича маълумотларни етказиши.

16. Музёрап. Таълим берувчи ва таълим оловчилар ўртасидаги «тўсиқни» йўқотишга қаратилган усул.

17. Ўйинлар. Ишбилармонлик ёки ролли (вазиятли) ўйинлар – муаммоли вазифанинг бир туридир. Фақат бу ўринда, матнли материал ўрнига ўқувчилар томонидан роллар ўйналадиган ҳаётий вазият саҳналаштирилади.

18. Лойиҳалаш ишлари. Бу усул билим ва малакаларни, таҳлил қилиш ва баҳолашни назарда тутувчи таълимнинг мажмуавий усулини амалга оширади. Лойиҳа усулида ўқувчилар режалаштиришда, ташкил қилишда, текширишда, таҳлил қилишда ва бажарилган ишнинг натижаларини баҳолашда кўпроқ иштирок этадилар.

19. Китоб билан ишлаш. Ушбу усул таълим олувчиларнинг ўқув материалини мустақил ўзлаштиришини, ўз – ўзини текширув малакаларини, берилган матннинг мазмунини тўлиқ ва онгли равища баён эта билишига қаратилган усулдир.

20. Индивидуал (амалий) усул. Таълим олувчилар фаолиятида олинган билимларини амалий вазифани ечишга қаратадилар. Назарий олинган билимларни амалиётга тадбиқ қилишдир.

21. Кўргазмали материаллар (сетка, диаграмма, карта, фотография, санъат асарлари, плакатлар) билан ишлаш. Таълим олувчиларни мустақил равища кўргазмали материаллар билан ишлаши ва уларни тайёрлашлари.

22. Суҳбатлашишлар. Бу ўқитиш ва ўқишининг диалогик, савол – жавоб усулидир. Суҳбат индивидуал ва гурӯҳ шаклида ўтказилиши мумкин.

23. Вазиятларни ўрганиш. Таълим муассасаларида вужудга келадиган стандарт вазиятларни ўрганиш ва уни ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиши.

24. Пинборд. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда мунозара ёки ўқув сухбати амалий усул билан боғланиб кетади. Таълим олувчилар ахборотлари, маълумотлари доскада тартиб билан жойлаштирилади.

25. Бошқаларни ўқитиши. Бу усулда таълим олувчилар қўйилган муаммо бўйича бир – бирларига ахборотлар ва маълумотларни ўргатадилар.

26. Давра суҳбати. Таълим олувчилар давра столида ўтириб, бир–бирларининг саволларига конверт орқали жавоб ёзишади.

27. Баҳолаш. Қўйилган мақсадга эришилганликни аниқлаш мақсадида таълим олувчиларни таълим берувчи орқали ёки бир–бирларини баҳолашлари.

Юқорида санаб ўтилган таълим методлари таълим муассасалари дарс жараёнларида ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ўқитиши ташкил этиш шакллари ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган тартибда ва маълум меъёрда ўтказиладиган фаолиятларининг ташқи ифодасидир.

Педагогикада ўқитишининг уч хил кўриниши мавжуд: 1) ташкилий (якка таркибда, жуфтликда, кичик гурӯхда, гурӯҳлараро, синфда, таълим муассасасида); 2) дарс ўтказиш жойига кўра (ўқув хоналарида, ўқув хоналаридан ташқарида); 3) ажратилган вақтига кўра (бир соатлик дарслар, кўшма дарслар (80 дақиқалик), қўнғироқсиз дарслар (4-6 соатлик, яъни

анжуманлар, коллоквиумлар, семинар, амалий машғулотлар, тадбирлар ва х.к.).

Ўқитувчи колледж ўқувчиларини ўқитишида ҳар бир ўқувчи ўзига белгиланган топшириқни бажараётганда ёки ўқитувчи бутун гурух билан шуғулланганда ҳам, у ҳар бир ўқувчи билан алоҳида-алоҳида ишлайди. Ўқитувчи дарс ўтказиш жойига кўра дарснинг мавзусига қараб ўзи танлайди, хусусан дарс хоналаридами ёки дарсдан ташқаридами (ишлаб чиқариш корхоналари, цехлар, медицина пунктлари ва х.к.). Ҳар икала ҳолатнинг ҳам афзаллик томонлари мавжуд. Масалан, ўқитувчи дарс хоналарида ўқитишининг тушунарлилиги, тежамлилиги, изчиллиги, пишиқлилигини таъминлаш ҳамда ўқувчилар жамоасини таркиб топтириш учун шароит яратишидадир. Бунда ўқитувчининг ўрни катта, у таълим-тарбия жараёнининг ташкилотчиси ва бошқарувчисидир.

Қўнғироқсиз дарсларнинг асосий шакллари маъruzалар, семинарлар ва шу кабилардир. Унга ўқув жараёнининг алоҳида гуруҳларга бўлиниши ва ҳар бир гуруҳда ўқув жараёнининг ихтисослашган шакллари (анжуманлар, коллоквиумлар, семинар, амалий машғулотлар, тадбирлар ва х.к.) нинг бўлиши мумкин. Ўқитишининг бундай қўринишида турли ўқув гуруҳлари – оқимлар, гуруҳлар, кичик гуруҳчалар ташкил қилинади. Бундан ташқари айrim ўқувчилар билан индивидуал яъни, якка тартибда режа асосида шуғуланишлари мумкин.

Билим, кўникма ва малакаларни текшириш ҳамда баҳолаш

Таълим муассасалари ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларини текшириш деганда, уларнинг фанлардан олган назарий ва амалий ўзлаштириш сифатлари натижаларини аниқлашнинг хилма-хил усуллари тушунилади. **Баҳолаш** – бу хоҳ назарий, хоҳ амалий билим, кўникма ва малакалар бўлсинки, уларнинг сифат натижаларига қараб, баҳолаб фикр юритиш тушунилади. Баҳолашнинг қўйидаги турлари мавжуд

1. Текширув
2. Савол ва жавоблар
3. Ҳар хил саволларни танлаш
4. Ўзини – ўзи баҳолаш
5. Тенгдошининг баҳолаши
6. Устозларнинг фикрлари
7. Ҳар хил тавсиялар
8. Рейтинг
9. Презентациялар (Тақдимотлар)
10. Интервью

11. Тестлар
12. Видеокамера ёки инсон кузатиши
13. Микротопшириқлар
14. Учинчи кишининг баҳолаши (масалан, иш берувчи)
15. Лойихалар орқали баҳолаш.

Ўзлаштиришни текшириш ва баҳолаш ўқитишни бошқаришнинг муҳим таркибий қисмидир. У ўқитувчи ва таълим олувчиларга режалаштирилган ахборот ва маълумотларни бериб, «тескари алоқа» вазифасини бажаради, бу эса ҳар иккаласига ҳам ўқув фаолияти мақсадга мувоғиқ тузатишлар имконини беради.

Билимларни текшириш ва баҳолашнинг таълимий аҳамияти шундан аборатки, бунда ўқув материалининг ўзлаштирилганлиги ҳақида таълим берувчи ҳам, таълим олувчи ҳам муайян маълумотга эга бўлади. Баҳолаш натижасида, таълим берувчи учун таълим олувчиларнинг нимани билиши ва нимани тушунмаслиги, қайси материал яхши ўзлаштирилгану, қайси бири ҳали етарли даражада ўзлаштирилмаганлиги ёки умуман ўзлаштирилмаганлиги маълум бўлди. Бу таълим олувчининг билиш фаолиятини ташкил эти шва бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Таълим берувчи ўз ишининг афзалликларига ва камчиликларига танқидий баҳо беради. Ўз иш методларига тузатишлар киритади. Шунингдек, баҳолаш натижалари таълим берувчининг ўқув дастуридаги материалларни таълим олувчиларнинг билиш имкониятлари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиши ва баҳолаши учун жуда муҳимдир.

Ўқувчиларнинг билим, кўнікма ва малакаларини назорат қилиш (текшириш) ва баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, бунда таълим олувчиларнинг ўқишига, ўз ютуқлари ва муваффақиятсизликларига нисбатан муносабати шаклланади, қийинчиликларни енгиш истаги пайдо бўлади.

Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш давлат аҳамиятига эгадр. Баҳолаш натижаларини умумлаштириб, таълим муассасаси жамоасининг таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятига, коллеж ўқувчиларининг умумий ўзлаштириш даражасига баҳо берилади ва тегишли хулосалар чиқарилади. Давлат таълим стандартларида давлат томонидан қўйилган талаблар нечоғлик бажарилаётганлиги аниқланади.

Баҳолаш натижасида нафақат таълим олувчининг, балки таълим берувчининг ҳам кучли, кучсиз томонлари, шунингдек, ўқув жараёнидаги камчиликлар ҳам аниқланади. Таълим воситалари, режалар, таълим жараёнини ташкил этиш сифатига ҳам баҳо берилади.

Инновацион педагогика

Инновация педагогик муаммолар ечимини излаш, таълим соҳасида инновацион жараёнларнинг бориши, хусусиятлари, мазмуни, таркиби ва классификациясини текшириш натижаларини таҳлил қилиш билан боғлиқ.

«Инновация» тушунчаси биринчи марта XIX асрда маданиятшунослар изланишлари натижасида пайдо бўлди ва бир маданият элементларини бошқасига жорий қилиш маъносини билдирган. Унинг бу маъноси этнографияда ҳозиргача сақланиб қолган.

XX аср бошларида бирор билим соҳасига янгиликларни киритиш ва қўллаш Фани юзага келди. У маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида техник янгиликларни киритиш қонуниятларини ўргана бошлади. 30-йилларда АҚШ да «инновацион фирма сиёсати», «инновацион жараён» атамалари пайдо бўлди. 60-70 йилларда арбда фирмалар ва бошқа корхоналар амалга ошираётган янгиликларни эмперик текширишлар кенг қулоч ёйди.

Олимлар янгиликлар киритиш ва текширишни уч босқичга ажратадилар:

Биринчи босқич – янгиликлар муваффақиятига ёрдам берувчи ёки тўсқинлик қилувчи омилларни ўрганиш ва турли хил янгиликларнинг эмперик маълумотларни таҳлил қилиш билан боғлиқ.

Иккинчи босқич – янгиликлар киритиш жараёнининг ўзини бир соҳа муҳитидан иккинчи соҳага олиб ўтиш механизмини ҳисобга олиш билан биргаликда ўрганиш деб қарайдилар.

Учинчи босқич – тадқиқотчи диққати турли хил инновацион вазиятларни таҳлил қилиш, таваккалчиликни, баҳолаш методларини ишлаб чиқиш, янгиликларни киритиш соҳасида тавсияномалар юзага келтиришларига қаратилади.

Педагогик инновацион жараёнларни арбда 50-йиллар охирларидан бошлаб, бизнинг мамлакатимизда эса кейинги 10 йилликдан бошлаб олимлар маҳсус ўргана бошладилар. Жаҳон педагогик жамоатчилигининг қизиқиши маҳсус инновацион хизмат, нашриёт фаолияти журнал ва информацион мақолалар кўринишида пайдо бўляпти. Хусусан, ЮНЕСКО қошида таълимни ривожлантириш ғосиё педагогик инновациялар маркази мавжуд бўлиб, дунёдаги турли мамлакатлардаги педагогик янгиликларни умумлаштириб, таълим масалалари бўйича халқаро бюро билан биргаликда педагогик жамоатчиликка маҳсус нашрларда улар ҳақида маълумотлар тарқатади.

Бизнинг мамлакатимизда педагогик инновациянинг ривожланиши кенг жамоатчи педагоглар ҳаракати, таълим муассасасининг тез ривожланишига бўлган талаб ва уни педагоглар амалга ошира билмасликлари ўртасида юзага келган қарама-қаршиликлар билан боғлиқ. Шу сабабли янги билимларга бўлган талаб, янги «янгилик», янги «инновация», «инновацион жараён» каби

тушунчаларни англаш талаби ортди. «**Инновация**» сўзи лотин сўзидан келиб чиққан бўлиб, у «**янгилик киритиш**» деган маънони билидиради.

Кўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмуни. йўналтирувчи маъruzа, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ap1, Ap4, Ax1, Ax2, Ax3, A1, A3, A5, A6, Ak1, Ak2, Ak5.

12-маъруза: Таълим усуллари (методлари) ва воситалари.

РЕЖА:

1. Таълим усуллари (методлари) ҳақида тушунча.
2. Таълим усуллари, воситалари классификацияси ва уларнинг қисқача тафсилоти.
3. Ҳозирги замон таълим усулларига бўлган педагогик талаблар.

Кишилик жамиятида бажарилиши лозим бўлган ҳар қандай ижтимоий функциянинг бажариш лозим бўлган методлари, усуллари, чоралари, йўл – йўриқлари ҳамда воситалари мавжуд. Мактабда ёш авлодга фан асосларини сингдиришда, уларни билим, малака ва қўникмалар билан қуроллантиришда ўқитиш усуллари, методлари ва воситалари катта роль ўйнайди.

Одатда, кенг маънода қўлланиладиган «метод» термини кишиларнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш, маълум объектни ўзлаштириш борасидаги назарий ва амалий фаолиятлари усулларини англатади. Бошқача қилиб айтганда, ўқитиш методлари ҳар иккала фаолиятнинг, яъни ўқитувчи томонидан ўқувчиларни билим, малака ва қўникмалар билан қуроллантириш ҳамда ўқувчилар томонидан ўша назарда тутилган илмий қўникма ва малакаларни ўзлаштириш фаолиятида қўлланиладиган йўл – усулларни ўз ичига олади. Демак, ўқитиш методи ҳар иккала томоннинг фаоллиги бирлигини таъминлашга қаратилган.

Мактаб таълими системасида ўқитиш методлари билан бир қаторда «усул» ҳамда «восита» тушунчалари ҳам ишлатилади.

Усул – маълум ўқув материалларини ўтишда қўлланилаётган асосий ўқитиш методи билан бирга иккинчи бир ўқитиш методининг айрим элементларидан фойдаланишdir. Масалан, маълум бир мавзууни мактаб маърузаси методи билан баён қилатуриб, йўл – йўлакай ўқувчилар билан савол – жавоб юритилса, ёки кўргазмали материаллардан фойдаланиб, изоҳ бериб ўтилса, (булар бошқа мустақил метод элементлари) асосий методнинг (маъруза методининг) йўналишини ўзгартиради ва у шу методга нисбатан методик усул бўлиб қолади.

Восита эса – маълум ўқитиш методи ёки методик усулларни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материаллари – асбоб, қурол, аппарат ва бошқа шу кабилардан фойдаланиш тушунилади.

Шунингдек, методик усул тушунчаси ҳам ишлатилади. Масалан, ўқувчилар билимини ёзма текшириш усулига хатоларни тузатиш усули киради.

Хўш, таълим методи деб нимага айтилади.

Таълим методи, - деб ўқитувчи томонидан, ўқув режаси, ўқув дастури талаблари асосида ўқувчини билим, малака, қўникмалар билан қуроллантириш билан бирга тарбия беришнинг йўлига, усулига ҳамда чораларига айтилади.

Таълим методлари, усуллари ҳамда воситалари ёрдамида ўқитувчи ҳар бир фандан илмий ва системали, изчил маълумот беради, уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиради ва амалий малакасини оширади. Ўрта Осиёлик буюк аллома Абу Наср Форобий моддий дунёни илмий асосда билишда уларнинг сирларини, хоссаларини англашда жонли мушоҳаданинг ролини кўрсатиб, бундай деган эди: “Дунёдаги жамики борликни, нарса ва ходисаларни билишда, унинг хоссаларини англашда жонли мушоҳададан бошлиш, яъни бизнинг тушунчаларимизни тайёр ва ўзгармайдиган деб тушуниш ҳамдир, балки қандай қилиб билмасликдан билишликка боришни, қандай қилиб тўлиқ ва аниқ бўлмаган билимларни тўлароқ ва аниқроқ билишнинг йўл ва усулларини билиш керак”.

Мактабларнинг таълимий иш тажрибасида қўйидаги ўқитиш усуллари қўлланилади:

1. Ўқув материалини оғзаки баён қилиш усули.

2. Таълимнинг кўргазмалилик усули.

3. Таълимнинг амалий машғулотлар усули.

4. Суҳбат усули

5. Дарслик ва китоб билан ишлаш усули.

6. Муамммоли таълим усули.

7. Репродуктив усул.(Лотинча “ ишлаб чиқиши”, бирор нарсанни унинг оғзаки ёки шартли ифодаси – чизмалар, схемалар воситасида тушуниш.)

8. Индуktiv – усул. (Лотинча “келтириб чиқариш” – индукция жузъий ёки яккадан умумийга, айрим далиллардан умумийга қараб боришдаги тафаккур шакли.)

9. Дедуктив усул (Лотинча келтириб чиқариш, умумийдан якка хulosса чиқариш, ёки бир неча маълум умумий хукмлардан якка – якка хulosса чиқаришдаги тафаккур жараёни.)

10.Программалаштирилган таълим усули. ҳозирги кунда педагогика фани соҳасида қўлга киритилаётган фан ва техника ютуқларини назарда тутиб, программалаштирилган таълимнинг:

- а) машиналар ёрдамида амалга ошириладиган машғулотлар;
- б) машиналарсиз амалга ошириладиган машғулотларга бўлинади.

Машиналар воситасида амалга ошириладиган программалаштирилган таълимда ўқувчилар ўқув дастури хажмидаги илмий билимларни ўзлаштириб олишлари учун зарур бўлган иш, ҳаракат ва операцияларни шунга боғлиқ кўникума ва малакалар билан қуроллантириш ҳамда ўқувчиларнинг билиш қобилиятини тўғри уюштиришга қаратилгандир. Ҳозирги кунда бундай дидактик мақсадларни амалга оширадиган машиналар асосан қўйидаги гурухларга бўлинади :

1. Информация - илмий ахборотлар берувчи ва унинг ўзлаштирилишини текширувчи машиналар.
2. Машқ қилдириш учун ишлатиладиган «тренажор» деб аталадиган ва худди шу вазифани бажарадиган «репититор» машиналар.
3. Ўзлаштиришни текшириб қўрадиган экзаменатор (компьютер) машиналар, масофадан туриб ўқитиш, ўргатиш, синааб қўриш (Интернет) ва хоказолар.
11. Таълимнинг фаол, ноанъанавий усуллари. Таълимнинг усуллари (методлари) қўйидаги берилган схемага қаралсин.

Таълим усуллари (методлари).

Таълимнинг оғзаки баён усуллари

Акроматик баён

Эротематик баён (савол – жавоб)

Ўқитувчининг ҳикояси

Тушунтириш

Мактаб маъruzаси

Суҳбат

Таълимнинг суҳбат усули

Эвристик суҳбат
(топлим)

Катехисиз суҳбат
(мунозара)

Диалогик суҳбат
(савол – жавоб)

Билимни мустаҳкамлаш
суҳбати

Билимни текшириш
суҳбати

Таълимнинг қўргазмали усули

Программалаштирилган таълим усули

Янги маълумотлар
бериш суҳбати

Машиналар
ёрдамида

Таълимнинг фаол –
ноанъанавий усуллари

Таълимда иллюстрация усули. (расм,
таблица , диаграмма, жадваллар)

Демонстрация усули.(жонли ҳаракатлар
асосида намойиш акс эттириш)

Интерактив

Инавацион

Театрлашган мунозара
в х.

Театрлашган,
акл хўжуми

Таълим усулларига бўлган педагогик талаблар:

1. Таълим усуллари умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган бўлиши лозим.
2. Таълим усуллари – ўқитувчининг ўқувчига илмий ва системали, тугалланган маълумот беришни, ўқувчилар томонидан билимни пухта ва мустаҳкам ўзлаштириб олишни таъминлашга қаратилган бўлиши керак.
3. Таълим усуллари – дарс жараёнида ўқитувчининг раҳбарлик, етакчилик, ташкилотчилик ролини ҳамда ўқувчиларнинг мустақиллик, ижодий қобилиятини оширишга хизмат қилиши лозим.
4. Таълим усуллари – ўқувчиларнинг ёши ва ақлий тараққиёт даражаларига, дарснинг мақсади, мавзунинг характеристи ва мазмунига қараб танланиши зарур.
5. Таълим усуллари – ўқув материалини аналитик –синтетик йўл билан тўлдиришга, воқеликни ўсиш, ўзгариш ва уларнинг сабабларини илмий равишда исботлашга, ўқувчиларни индуктив ва дедуктив фикрлашга, мантиқий хуносалар чиқаришга ёрдам бериши лозим.
6. Таълим усуллари умумий дидактика принципларига мос ҳолда таълимнинг тарбияловчи характеристини амалга оширишга хизмат қилиши керак.
7. Таълимда ҳеч қандай усул (метод) универсал усул сифатида қўлланилмаслиги лозим.

Қўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмuni. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ap1, Ap4, Ax1, Ax2, Ax3, A1, A3, A5, A6, Ақ1, Ақ2, Ақ5.

13-маъруза: Таълимни ташкил этиш шакллари.

РЕЖА:

1. Дарс – таълимни ташкил этишнинг асосий шакли эканлиги. Дарс ҳақида тушунча.
2. Дарс тузилиши ва унинг типлари.
3. Ўқитувчининг дарсга ҳозирлик кўриши ва дарс ўтказиш тартиблари.
4. Ҳозирги замон дарсига бўлган педагогик талаблар.

Дарс деб, - ўқитувчи томонидан ёши ва маълумоти жиҳатидан бир хил бўлган ўқувчилар гурухига ўкув режаси, ўкув дастури талаблари ва қатъий дарс жадвали асосида, муайян вақт ичидаги билим бериш, малака ҳосил қилдириш ва иқтидорли қилишдаги ўкув машғулотига айтилади.

Дарс мактаб таълимий иш тажрибасида ўкув ишларининг асосий ташкилий шакли бўлиб ҳисобланади.

Дарсни ташкил этиш учун куйидаги шарт ва талабларга қатъий риоя этиш лозим.

1. Ҳар қайси синф ёши ва маълумотига кўра бир хил даражадаги болаларнинг доимий гурухига эга бўлиши керак.
2. Дарсда ўқитувчи кўзда тутган асосий ўкув мақсадининг аниқ бўлиши.
3. Дарсда таълим вазифаларининг тарбия вазифаларига боғлиқ бўлиши.
4. Дарсни ўкув режаси, ўкув дастури талабига мувофиқ, қатъий жадвал асосида ташкил этиш.
5. Дарс жараёнида дарсга ажратилган вақтдан унумли фойдаланиш.
6. Дарснинг ташкилий жиҳатдан пухта ва белгиланган бўлиши.
7. Дарсни жонли, самарали ва ўқувчиларга эмоционал таъсирли бўлиши учун ўқитувчининг турли хил таълим усуллари, воситалари ва кўргазмали куроллардан, техника воситаларидан моҳирлик билан фойдалана олиши ва ҳоказо.

Мактаблар тарихий иш тажрибасида олиб бориладиган таълим ишини 2 та асосий турга ажратиш мумкин:

1. Синф – дарс шаклида олиб бориладиган ўкув машғулотлари.
2. Амалий ва тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган ўкув машғулотлари.

Ўрта аср авторитар педагогикаси даврида мактабларда таълимнинг синф – дарс системаси қўлланилмаган эди. Бир хонада ёши ва маълумоти ҳар хил бўлган болалар ўқитилар эди. Дарс эса, қатъий белгиланган жадвал асосида олиб борилмас эди. Хусусан, феодализм даврида қадимги Ўрта Осиё

Республикасида асосан ерли маҳаллий миллат болалари учун, асосан 3 типдаги мактаблар бўлган. Булар эски мактаблар – мачитлар ҳужрасида ўқитилган қорихона мактаблари – дахмалар қошида очилган мадраса мактаблари – олий типдаги дорилфунун. 1880 – 1882 йилларда Ўрта Осиёда рус – тузем мактаблари ишлай бошлади, сўнгра 1889 – 1900 йиллардан бошлаб янги усул, яъни жадид мактаблари ишлай бошлади. Бу мактабнинг асосчиси татар зиёлиси Ислом Гаспиринский (1852 – 1914) бўлган ва у дастлаб Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Хива, Қўқон, Андижон, Хўжанд шаҳарларида оммалашиб кетишига сабабчи бўлган, жадидчилар: Ҳамза, Фитрат, Чўлпон, А.Авлоний, Домла Ибодий, Мунаввар Қори Абдурашидов ва бошқалар ўзлари мактаблар очиб дарс берганлар.

Уйғониш даврининг буюк вакили чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670) таълимнинг синф – дарс системасига асос солди. У ўзининг «Буюк дидактика» асарида ўқитишни назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқди ва қуидагиларни тавсия этди:

- а) мактабга ўқувчиларни йилнинг аниқ бир вақтида қабул қилинсин;
- б) ўқувчиларни мактабга қабул қилишда уларнинг ёши ва маълумотларига қараб синфларга тақсимлансин;
- в) дарсни қатъий ўқув жадвали асосида ташкил этилсин;
- г) ўқув машғулотлари аниқ режим, ўқув дастури талаблари асосида олиб борилсин;
- д) ўқув машғулотларини жиҳозланган синфда, яъни синф – дарс шаклида амалга оширилсин;
- е) ўқитувчи синфдаги ҳамма ўқувчиларга бир хилда дарс берсин;
- ё) ўқув жадвалига аввал қийин фанлар, кейин осон фанлар киритилсин;
- ж) ўқитувчи ўқув машғулотини қичқириқсиз, қувноқ ҳазиллар билан, сўз билан қўл ҳаракатини бирга қўшиб дарс ўтсин;
- з) ўқитувчи дарс беришда бирорта мавзу болаларга тўлиқ сингмагунча, бошқа мавзуга ўтмасин ва хоказо. Буюк олим Коменскийнинг бундай ғояларини рус педагоги К.Д.Ушинский ҳам қўллаб – қувватлади, лекин бу педагогларнинг прогрессив ғоялари буржуа жамиятида реакцион оқимларга маъқул келмади, шунинг учун улар ўз фойдаларини қўзлаган ҳолда Янги таълим системасини ишлаб чиқиб, уни ишга солдилар. Масалан, XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида Англияда Бель – Ленкастер

системасидаги ўқитиш юзага келди. XX асрнинг бошларида эса, АҚШда бригада – лаборатория системасидаги ўқитиш системаси жорий этилди.

Дарснинг тузилиши ва унинг типлари

Ҳар бир дарснинг самарали ва муваффақиятли бўлиши, кўп жиҳатдан ўқув машғулотларининг тўғри ва пухта ташкил этилишига боғлиқdir. Бекорга илғор тажрибага эга бўлган педагоглар: “Юқори савияда ўтказилган бир соатлик дарс – йирик бир асарга тенгdir”, - деб айтмаганлар.

Мактабларнинг таълимий иш тажрибасида дарсларнинг тузилиши ва унинг типлари қўлланилган:

1. Дарснинг кириш қисми (ташкилий қисм).
2. Уйга берилган топшириқларни текшириш.
3. Янги мавзуни баён қилиш ва ўтиш.
4. Янги мавзуни мустаҳкамлаш.
5. Янги мавзу юзасидан уй топшириқлари бериш.

Бу кўрсатилган дарснинг тузилиши қатъий эмас ва ҳамма вақт қўлланилавермайди.

Ҳар бир дарсга ҳар томонлама, жиддий, пухта тайёргарлик таълимнинг самарали бўлиш гаровидир. Илғор ўқитувчиларда шундай мақол бор: “45 йил дарс берган бўлсанг ҳам, 45 минутлик (1-соатлик) дарсга тайёргарликсиз кирма!”.

Рус педагоги К.Д.Ушинский бу ҳақда шундай деган эди: “...Ҳар қайси мактабда дарснинг юқори савияда, самарали бўлиши асосий масаладир, буни нима ва ким белгилайди, албатта ва тамоман ўқитувчи шахси белгилайди... ҳар қандай контрол савол, ҳар қандай раҳбарлик, ҳар қандай устав ва программалар буларнинг ҳаммаси ўқитувчи шахсига нисбатан қуруқ бир сўздир...”.

(К.Д.Ушинский Танланган педагогик асар, 1-том, 1959, 155-бет).

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги асосан икки йўл билан олиб борилади:

1. Фан ўқитувчисининг ўз мутахассислиги бўйича умумий тайёргарлиги.

2. Ўқитувчининг кундалик дарсга тайёргарлиги.

Ўқув йили бошлангунга қадар, ўқитувчи ўзи дарс олиб бораётган синфлар дастурини таҳлил қилиб чиқиши, ўтиладиган фан юзасидан ҳар бир мавзуга оид дарсликларни, қўшимча адабиётларни ўрганиб чиқиши, кўргазмали куроллар ва тажриба асбоб – ускуналарни ўрганиб чиқиши лозим.

Дарснинг типлари қуидагича:

1. Ўқувчиларга янги билимлар бериш дарси.
2. Ўтилганларни мустаҳкамлаш дарси.
3. Ўқувчилар билим, малака ва кўнималарини текшириш дарслари.
4. Такрорлаш, ўтилганларни системалаштириш, умумлаштириш дарслари.
5. Аралаш дарслар.
6. Экскурсия шаклида олиб бориладиган дарслар.
7. Семинар шаклида амалга ошириладиган дарслар.
8. Топишмоқли – эвристик шаклда амалга ошириладиган дарслар.
9. Амалий ва тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган дарслар
куидагилардир :
 - а) мактаб – ўқув устахоналарида олиб бориладиган дарслар ;
 - б) мактаб тажриба ер участкаларида ва лабораторияда амалга ошириладиган дарслар.

10. Таълимнинг қўшимча, ёрдамчи, ноанъанавий шакллари: мунозара, прессконференция, эвристик, патехизм, диалогик сұхбат шаклидаги дарслар, ақлий ҳужум, Интернет – масофадан туриб дарс ўтиш, топишмоқли ва хоказо.

Ўқитувчининг дарсга ҳозирлик кўриши ва дарсни ўтказиши тартиблари.

Маълумки, дарс машғулотининг муваффақиятли бўлиши кўп жиҳатдан ўқитувчининг бир соатлик дарсга қанчалик тайёргарлик кўришига боғлиқдир.

Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир дарсга ҳар томонлама, жиддий ва пухта тайёргарлик кўриш – таълимнинг самарали бўлиш гаровидир. Илғор ўқитувчиларда шундай мақол бор : “ 45 йил дарс берган бўлсанг ҳам, 45 минутлик дарсга тайёргарликсиз кирма !”

Рус педагоги К.Д.Ушинский таъкидлаганидек : “ ... Ҳар қайси мактабда дарснинг юқори савияда ўтказилиши ва унинг самарали бўлиши асосий масаладир, буни нима ва ким белгилайди ? Албатта ва тамоман ўқитувчи шахси белгилайди...ҳар қандай контрол савол, ҳар қандай раҳбарлик , ҳар қандай устав ва программалар – буларнинг ҳаммаси ўқитувчи шахсига нисбатан қуруқ бир сўздир..”(К.Д.Ушинский. Танланган педагогик асарлар. 1-том, 1959, 155-бет).

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги асосан икки йўл билан олиб борилади :

1. Фан ўқитувчисининг ўз мутахассислиги бўйича умумий тайёргарлиги.

2. Ўқитувчининг кундалик дарсга тайёргарлиги.

1. Ўқув йили бошлангунга қадар ўқитувчи ўзи дарс олиб борадиган синфлар дастурини тахлил қилиб чиқиши, ўтиладиган фан юзасидан ҳар бир мавзуга оид дарслерни ва қўшимча адабиётларни ўрганиб чиқиши, мавзуга оид кўргазмали қуроллар ва тажриба асбоб – ускуналарини ўрганиб чиқиши лозим.

2. Кундалик дарсга тайёргарлик кўриш, ўтиладиган мавзуга оид материалларни ўрганиб чиқиш, т режа тузиш, бир соатлик дарс матнини тузиш, дарснинг мақсади ва унинг характеристикини аниқлаш, дарс ўтиш усуллари ва воситаларини танлаш, дарснинг асосий ўринларини аниқлаш, дарс юзасидан саволлар тузиш, тестлар ишлаб чиқиш, мавзу юзасидан уй топшириқларини аниқлаш ва х.о.

Мактабларда ўқув ишини режалаштириш икки турда амалга оширилади:

а) ўқишиш ишларининг календарь режаси.

б) кундалик дарс режаси.

Ўқувчилар уйда бажариб келишлари

учун топшириқлар бериш

Ўқувчиларнинг уйда мустақил бажариб келадиган ўқув машғулотлари синф шароитида ўзлаштирилган илмий билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш, мустақил ишлашга ўргатиш мақсадида олиб борилади.

Мактабларда ўқувчиларга бериладиган уй топшириқларининг турлари жуда кўп ва хилма – хилдир. Айниқса, дарслик ва китоб билан ишлаш, ўтилган мавзулардан келиб чиқсан ҳолда қонун қоида ҳамда таърифларни ёдлатиш; ўтилган мавзу юзасидан маъруза, иншо ва баён ёздириш ва шунинг кабилар юзасидан уй топшириқлари бериш мумкин. Баъзан уй топшириқлари беришда қўпол хатоликларга йўл қўйилади. Чунончи, VII – VIII – IX синф ўқувчиларига шунчалик кўп уй вазифалари топширилади, натижада иккинчи кунги дарс соатининг қарийиб 50 фойзини уй топшириқларини бажариш учун сарфлашга тўғри келади.

Хозирги мактабларда уйга бериладиган топшириқларнинг аниқ бир мезони йўқ ва улар маълум тартибга солинмаган.

Илғор мактаблардаги тажрибали ўқитувчиларнинг тахминий тавсияларини назарда тутиб, ўқувчиларга уйда бажариш учун бериладиган уй топшириқлари куйидагича вақт бюджетини ташкил этиши керак:

I-II синф ўқувчилари учун 1 кунлик ҳамма вазифалар 1 соатни ташкил этиши;

III-IV синфда 1 соату 30 минут, V-VII-IX синфларда 2,5 соат; X-XI синфларда 2,5-3 соатдан ошмаслиги лозим.

Хозирги замон дарси ва унга бўлган педагогик талаблар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, XXI аср фан ва техника революцияси асидир, бинобарин халқ таълими тизимида ёшларга дарс берадиган ўқитувчилар замон ва макон талаблари асосида ёш авлодга юқори савияда дарс беришлари шартдир. Буни амалга ошириш учун эса, ҳар бир фан ўқитувчиси куйидагиларга эътибор бериши талаб этилади:

- ҳар бир дарс, албатта аниқ бир мақсадни амалга оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилган бўлиши лозим;

- ҳар бир дарс ўқув режаси ва ўқув дастурининг талабига мувофиқ мустаҳкам, сиёсий – ғоявий йўналишга қаратилган бўлиши керак;

- ҳар бир дарс, ҳаёт билан, мустақиллик амалиёти билан боғлиқ ҳолда ташкил этилиши лозим;

- ҳар бир дарс, хилма – хил метод, услубий воситалар ёрдамида юқори савияда жонли, эмоционал, таъсирли ҳолда ўтказилиши керак;

- ҳар бир дарс, ўқувчи ва ўқитувчининг фаоллигини оширишга, ўқувчиларнинг амалий фаолиятини ривожлантиришга, уларда мустакил, эркин фикрлаш малакаларини шакллантиришни кўзда тутиши керак;

- дарс жараёнида ўқитувчи 45 минутлик дарс вақтидан самарали фойдаланиши ва вақтни беҳуда ўтказмаслиги лозим;

- дарсда ўқитувчи таълимнинг тарбияловчи характеристини амалга ошириш, яъни таълим билан тарбиянинг боғлиқлигини таъминлаши керак;

- дарс машғулоти бутун бир синф жамоаси билан ўтказилиб, ҳар бир ўқувчининг ёш ва индивидуал хусусиятлари эътибордан четда қолмаслиги лозим;

- ҳар бир дарс ўқувчиларнинг техник тафаккурини ривожлантириш мақсадида, дарс жараёнида турли хил замонавий техника воситалари: компьютер, тренажёр, репититор ва ЭҲМ ёрдамида Интернет, ахборот коммуникацион технологик воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказиш ва х.о.

Қўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмuni. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ap1, Ap4, Ax1, Ax2, Ax3, A1, A3, A5, A6, Ak1, Ak2, Ak5.

14-маъруза: Педагогик фаолият тизим сифатида.

РЕЖА:

- 1 . Педагогик фаолият драмматургияси ва режиссураси.
2. Актёрлик психо-техникасининг амалий усулларини эгаллашнинг зарурлиги.
3. Хотира, диққат ва хаёлни машқ қилдириш актёрлик психотехникасининг уч асосий қисми.

1. Педагогик фаолият драмматургияси ва режессураси.

Тарбиявий жараён ижодкорликдан иборатдир, лекин у педагогик вазиятни таҳлил қилиш маҳоратида ҳам, болалар билан бевосита ўзаро ҳамкорлик қилишда ҳам намоён бўлади. Тарбиячи ижодкорлигининг ўзига хослиги шундан иборатки, у ижодий фикрини ўз шахси орқали амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда, педагогикада ижодкорнинг шахси билан ижодкорлик қуроли (воситаси) бир-бирига мос келади бунда тарбиячининг ўз-ўзини намоён қилиши жуда катта рол ўйнайди. Бу жиҳатдан ўқитувчи нинг фаолияти бир қатор хусусиятлари бўйича актёр, режиссёрнинг бадиий-ижодий фаолиятига яқиндир.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, театр ижодкорлигига ва педагогик таъсир кўрсатишда, яъни педагог билан болаларнинг бевосита ўзаро ҳаракати билан боғлиқ бўлган ҳисси ўзаро фикр алмашиб соҳасида кўпгина умумий томонлар бор. Тарбиячи пировард натижада педагогик таъсир кўрсатиш драмматургиясини ишлаб чиқади, уни ривожлантириш соҳаларни белгилайди, тарбиявий таъсирлар режасини тузиб чиқади, бу режа у ёки бу тарбиявий сюжетни режиссиорона кўришни назарда тутади, ниҳоят, педагогнинг ўзи тарбиявий ғоялар ва йўл-йўриқларнинг фаол "узатувчиси" бўлиб майдонга чиқади. Бу иккала ижодий жараённи муомала ва ўзаро фақат бир-бирига яқинлаштиради. Улар ҳам театр ижодкорлиги ҳам, педагогик ижодкорликнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Шу билан бирга киши шуни аниқ билиши керакки, бу фаолият турларидаги ўхшаш қисмлар чуқур ўзига хос қисмлар сифатида намоён бўлади, бунга сабаб аввало шуки, бу ижодий жараёнларнинг ўзи, тузилиши ва вазифаларига кўра айнан ўхшашдир. Гап театр ижодкорлиги назариясидан, хусусан К.С.Станиславский системасидан педагогик таъсир

кўрсатиш маҳоратини оширишда фойдаланаш имкониятлари ҳақида бормоқда. Масалан, жараённинг ҳиссий соҳасини таҳлил қилиш борасида театр педагогикаси томонидан тўпланган бир мунча тажриба асосида ўзаро фикр алмашиш амалга оширилади ва бу тажриба педагогнинг ижодий меҳнатига ўхшаш жараёнларни тушуниш фойдалидир, бу эса тарбиявий маҳоратни самарали эгаллашга ёрдам беради.

Театр фаолияти ва педагогик фаолияти мақсаднинг ўхшашлиги ҳам яқинлаштиради. Ҳар иккала ҳолатда ҳам мақсад кишига таъсир кўрсатиши ва кишида муайян кечинмалар вужудга келтириш сифатида белгиланиши мумкин. Театр ва педагогик фаолият бир хилда эканлигининг учинчи кўрсатгичи таъсир кўрсатиш қуролининг умумийлигидир. Ҳар иккала ҳолда ҳам педагог билан актёрнинг ўз психофизик табиати ана шундай қурол вазифасини бажаради.

Педагогик фаолиятда педагогик йўналиш ҳосил қиласиган ва бир-бирига таъсир кўрсатадиган қобилиятларнинг алоҳида бир таркиби вужудга келади. Бу жиҳатдан А.С. Макаренконинг шахси диққатга сазовордир. Бу шахс ўзида педагогик, адабий, актёрлик, мусиқий ва тасвирий қобилиятларнинг ўзаро таъсирини гавдалантиради. Мазкур қобилиятлар умуман Макаренко шахснинг педагогик йўналиши оқимида амалга оширилади. Антон Семеновичнинг бекиёс қобилиятга эгалигини кўп кишилар кўрсатиб ўтадилар, хусусан, уни овозни, ифодали, имо-ишорани эгаллаш маҳоратини, ўзини идора қилиш маҳоратини таъкидлайдилар.

Театр фаолияти билан педагогик фаолиятнинг ўзаро алоқаларига доир масалалар А.С.Макаренконинг ўзини ҳамиша қизиқтириб келган. Булар ҳақида педагогнинг машҳур фикр-мулоҳазалари бўйича ҳам, камроқ машҳур бўлган мемоар материаллар бўйича ҳам холоса чиқариш мумкин. Масалан, ўз вақтида Харков рус драма театрнинг бош режиссеёри бўлган ва А.С.Макаренконинг дўсти Н.В.Петров унинг ҳақидаги кўпгина эсдаликларида, бизнинг сұхбатларимизда театр ва педагогик муаммолар доимо бирлашиб кетарди, деб таъкидлайди.

А.С.Макаренконинг бадиий-театр зиёлилари билан яқиндан танишуви унинг педагогик фаолиятнинг ҳиссий-ижодий табиати моҳиятини тушуниб этишга ҳам тегишли таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмасдир. Шуниси диққатга сазоворки, Макаренко бошловчи педагоглар билан этюд ишлари олиб бориш зарурлиги ҳақида гапирган ва бундай ишни ўз коммунасида ўтказган эди. Макаренконинг этюд ўтказиш амалиётларини таҳлил қилиб, К.С.Станиславскийнинг театр мактаби таъсирини беихтиёр ҳис қиласиз.

Икки буюк педагог ижодкорнинг ижодий табиатини ривожлантиришни ўз мақсадлари деб билдилар, шунинг учун ҳам режиссёр Н.В.Петров ўз вақтида К.С.Станиславский билан А.С.Макаренконинг педагогик концепцияларини таққослаб кўрсатган эди.

Айни вақтда шуни таъкидлаш зарурки, А.С.Макаренко актёрлик ва педагогик қобилиятларининг ўзаро сингувчанлигини бир неча бор кўрсатиб ўтар экан, табиийки, бу икки мустақил ижобий жараёни айни бир хил нарса демаган, Лекин ижодкорликнинг мазкур турларида ижодкор шахсига оид талабларда мавжуд бўлган умумийликни пайқаган эди. У тарбиячининг педагогик маҳоратини шакллантириш ҳақида гапириб ва жараённинг ҳиссий-ижодий жиҳатлари аҳамиятини таъкидлаб: "Бунда ўқув нимадан иборат эди? Аввало педагогнинг феъл-авторини ташкил этишдан, унинг хулқ- авторини тарбиялашдан, кейин эса унинг маҳсус билимлари ва маҳоратини ташкил этишдан иборат эдики, бўларсиз бирортаси тарбиячи яхши тарбиячи бўла олмайди, ишлай олмайди. Чунки унинг овози яхши йўлга қўйилган эмас ... Юз ҳаракатларини яхши эгалламаган, ўз юзига зарур маъноларни бера олмайдиган ёки ўз кайфиятини ушлаб туролмайдиган киши яши тарбиячи бўлиши мумкин эмас... Мен шунга аминманки, келгусида педагогика олий ўқув юртларида овознинг қуи илиши ҳам, гавданинг тутиши ҳам, ўз аъзоларини бошқариш ҳам ўз юзини эгаллаш ҳам ўқитилади бўларсиз мен тарбиячининг ишини тасавур қила олмайман" -деган эди.

Шу билан А.С.Макаренко: мен актёрлик ва педагогик фаолиятни асло айни бир хил нарсанинг шунчаки ҳар хил кўринишлари деб тушунмайман, деб таъкидлайди. У актёр меҳнатининг ўзига хослигини, эстетик йўналишини чуқур англаб қуидагича ёзади: "Агар биз театрга бориб яхши ўйнайдиган актёрлардан завқлансак, у ҳолда бу опера бизнинг эстетик завқимизга айланади, бу ерда эса тарбияланувчи ўз олдида худди шундай тирик жонни, ўйнамайдиган, балки тарбиялайдиган инсонни қўриб туради."

Шундай қилиб театр ва педагогик фаолият мазмун (ўзаро фикр алмашиш) ва восита белгилари жиҳатдан (ижодкорни шахси ва унинг психофизик табиати таъсир қўрсатиш воситаси сифатида) бир бирига яқин бўлиб, бир қатор умумий жараён хусусиятларига эгадир, бу хусусиятларга қуидагиларни киритиш мумкин:

- театр ва педагогик ижодкорлик жараёни у бевосита иштирокида оммавий сўзга чиқиш вазиятида амалга оширилади;

- театр ва педагогик фаолият ўзига хос хусусиятларига кўра ўзи таъсир кўрсатадиган объектни айни вақтда ижод субъектига, шерик ижодкорга айлантиради, унинг фаол иштирокисиз ижодкорлик ишининг ўзи бўлмайди;

- кўпгина фаолият турларидан фарқи ўлароқ, актёрлик ва педагогик ижодкорлик асосида бунинг учун ажратилган муайян вақт давомидаги ижодкорлик етади, у ижодкордан (ўқитувчи, тарбиячидан) ўз руҳий ҳолатини бошқаришда тезкорликни ва ижодий кайфиятни айни дакиқада қўзғатишни талаб қиласди;

- театр ва педагогик ижодкорлик натижалари жўшқин бўлиб, ривожланиб, ўзгариб боради, бошқача қилиб айтганда, ҳамиша жараёндан иборат бўлади;

- театр ва педагогик ижодкорлик жамоа тусда бўлади. Тарбиявий жараён пировард натижада иккита йирик босқичдан: тарбиявий мақсад ва уни амалга ошириш жараёнидан ташкил топади. Шунинг учун биринчи босқичда ҳам, иккинчи бочқичда ҳам айнан ўқитувчи нинг театр-таъсирчанлик қобилияtlари муҳим рол уйнайди. Хўш, бу нарса нималарда намоён бўлади?

Тарбиявий жараён фаолиятдир, мана шунинг учун ҳам буни режалаштиришда кишининг ўзаро ҳамкорлиги қонунлари ҳисобга олиниши лозим. Фаолиятга ўқувчиларни қўшиш йўлини тутиш керак. Шундай қилиб тарбиявий таъсир кўрсатишни режалаштириш босқичидаёқ, педагогик драматургия амалга оширилиши мумкин. У педагогик ҳаракатнинг ўзига диалектиклик, жиддийлик бағишлишга ёрдам беради. Педагог дарс ва ҳар қандай тадбир системасида тарбиявий таъсир кўрсатишни режалаштирас экан, уни аниқ одамларга йўналтиради. Демак, умуман жамоага, хусусан ҳар бир жамоага нисбатан бўлажак педагогик фаолят учун зарур тарбиявий-сюжетли вазият яратади. Маълум маънода дарс-бу ўзига хос педагогик пьеса бўлиб, унда ўқитувчи стсениарий муаллифи сифатида, муносабатлар драматургиясини барпо этадиган ва уни бошқарадиган киши сифатида намоён бўлади. Тарбиявий жараён ҳар бир катнашчисининг фаолятдаги ўрнини белгилаб беради, аниқ илмий-педагогик мақсад асосида вужудга келган пьеса қийин кечиши лозим бўлган янгидан-янги педагогик вазиятларни вужудга келтириб туради.

Шундай қилиб педагогик фаолят-бу тарбиячининг педагогик жиҳатдан тан олинган, режалаштирилган ёки тайёргарлик кўрилган ҳатти-ҳаракати бўлиб, у вазиятни ёки бола шахсини ўзгартиришга олиб келади. Педагогик фаолят аниқ мақсадга қаратилганлиги ва айни вақтда полионизм (кўп

овозлиги), вазият ва тарбияланувчи шахсининг ўхшашлиги билан фарқ қилиши, жўшқин, самарали, ўзгаришлар киришга лаёқатли бўлиши, шахсларо муносабатлар системасига мувофиқ келиши керак.

2. Бўлажак педагогнинг актёрлик психотехникасининг амалий усулларини ўрганиш. Ўқитувчи фаолиятининг тузулиши бўлажак педагогнинг ташкилотчилик-бошқарув кўнималари ва малакаларига маълум талаблар қўяди, шу муносабат билан уни актёрлик ва режиссёрик маҳорати таркибий қисмлирига ўргатиб бориш зарурати ортади.

Ҳаракат, диққат, органика, мушаклар эркинлиги, хаёл, муомала, қилиш, тўппа-тўғри ҳаракат бўлар буюк театр педагоги К.С.Станиславский системасининг асосий тушунчалари бўлиб уларни бўлажак ўқитувчи ҳам ўзлаштириб олиши фойдалидир.

К.С.Станиславский режессурасининг насиҳатларидан бири "ишлаб чиқаришга доир ҳаракат ҳар қандай мажбурийликни ташабуссга айлантиришдир". Бу усул ўқитувчи нинг ўзининг жиддий ҳиссий фаолиятига ва ўқувчиларга нисбатан жаҳлдорликдан, асабийликдан, салбий ҳиссиетлардан қутқаради. Бироқ ижодий руҳланишни жазавадан иборат қўпол ҳазил билан чегараланувчи ортиқча ҳиссиётга берилишдан фарқ қилиши керак, ўқитувчи нинг бундай "ёниши" бекорга кетади, у ўқувчиларни ёндирамайди, чунки "томушабиннинг идрок этиши" оширилган танусга ва ҳиссиётларнинг "қизишига" нисбатан тескари мутаносиблик қонунига эгадир. "Ибтидоий-бебош нарсаларни эмас, балки доимо босик, дипломатик темпераментига яқин бўлган нарсаларни афзал қўрамиз", - деб ёзган эди театр педагоги ва режиссёри Ю.Мочалов.

Е.Вахтанговнинг маслаҳат беришига кўра, масалан, актёр билан режиссёр, ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида "ишқий муносабатлар бошланиши учун ўқитувчи дарсни энг қизгин саҳналалардан бошлаш кераклигини" билгани фойдалидир. Фазовий ҳис билан бир қаторда вақтни ҳис қилиш режиссёрининг асосий касбкор фазилати бўлиб, у педагог учун ҳам муҳимдир. Гордон Крег айтган театр режиссураси шиори ўқитувчи нинг синфдаги тежамли ва бетараддуд хулқ-авторини ҳаммадан яхшироқ тушунтириш учун калит бўлиб ҳисобланади.

Саҳнадаги асосий ҳодисалардан бири келиш ва кетишидир. Машхур актер С.М.Михаелс бундай ёзган эди: "Ҳар бир келиш ва кетишида актёрни "орқадан" итарувчи сабаб, ёҳуд жозибали, олға чорловчи мақсад бор. Буни ҳис қилиш шунинг учун зарурки, актёрнинг келиши ва кетиши мантикий,

үйғунлашган бўлсин ва драматурглар ўз матнида ҳисобга олмаган янги ходисаларни белгилаб берсин".

Педагогнинг синфда туриш ҳолати ўзининг аломатларига эга. Масалан, чап кисим энг оддий мизасахнасининг тили "олдин бўлишлик"ни билдиради, бунда кўз қарави гўё ҳаракатни ўнг қисмдаги бўш маконга "ҳайдайди", чунки кўз шартли-рефлекторли физиологик механизмлар туфайли фазона чапдан ўнг томонга қараб "ўқийди". Ундаги композистия тугалликка интилади, чунки чап қисмдаги фазо ўнг томонда жойлашган композистияни сиқиб қўйгандай бўлади ва бу билан уни аҳамиятлироқ, салобатлироқ қиласади.

Яқиндаги қисм ҳаракатни йириклиштиради, лекин хаддан зиед тез-тез йириклиштириш томошабиннинг кўз олдида бўлиб, идрокни чарчатиб қўяди. Ўқитувчи ўзининг "дарвоза майдончаси"да худди саҳнада тургандай бўлади. Яқин ёки йироқ қисмдан қандайдир муҳим воқеаларни маълум қилиш учун фойдаланашиди, у ахборот узатишга эътиборни қаратади. Иккинчи қисм интим қисм бўлиб, у жамоа ёки оилавий қисм деб аталади ва психологик фарқларни узоқлаштиради. Ҳар ҳолда қолган қисмлар иккинчи, учинчи, тўртинчи қисмлар-ҳали анча юзакидир, чунки улар педагогнинг назаридан, бинобарин, ундан ўтадиган кечинмалардан узоқлашган. Ўқитувчи ўзида саҳна мувозанати, мувофиқлиги, бунда ўзини тингловчилар қандай идрок этаётганлигини ҳисобга олиш мумкин.

Педагогнинг ўқувчиларга юзи билан қараб туриши ёки бурилиб туриши ҳам ўзига хос семантиказга эга. Аудиторияга идрокнинг психофизиология қонунлари бўйича тўғри чизиқ бўйлаб чиқиб кетиш (рўпара туриш) ўқувчиларни сергаклантиради, чунки композиция жиҳатдан ўқувчининг қиёфасини, унга қатъийлик, маънодорлик баҳш этади. Гавданинг қандай тутишига (оёқларнинг эркин туриши, гавданинг оғирлиги туфайли оёқлардан бирига кўпроқ юк тушиши, мураккаб таг маъноларни узатувчи бошнинг турлича ҳолатда бўлиши мумкинлиги), "диагоналларнинг самараадорлиги" - синфнинг иш майдонидаги энг узун масофага (у дарҳол икки ўлчовда композитсион ўзгаришни таъминлайди) мувофиқ турор экан "кўп даражада эркинликка" эга бўлади.

Соф ён томонни тадбиқ этиш имконияти чекланган, чунки у аудиторияни кўздан кечириш нуқтаи назардан жуда ҳам яроқсиздир, лекин музозанат вазифаларини ҳал қилиш учун яроқли (худди шунингдек бурилишида ярим эгилиб тўхташ каби), масалан, қотиб тургандай кўриниш,

шунингдек, субъект ниятларининг яширинлиги сезгисини билдириш учун яроқлидир.

Жисмоний ҳаракатлар усули К.С.Станиславский системасининг асосий қисми хисобланади. У опера-драма студиясидаги ўз шогирдларига қуидагиларни айтганлиги (1935 йил ноябрдаги сұхбатнинг стенограммаси) бежиз эмас: "Кимда-ким кичик жисмоний ҳаракатларини бажарса, у системанинг ярмини билган бўлади".

Жисмоний ҳаракатларини бажаришни "ҳаракатга созлаш"дан ва "мускул сиқилишларига барҳам бериш" усулидан бошлаш зарур.

"Созлаш" га қуидагилар киради: талабанинг ички ихчамлиги, уюшқоқлиги, шеригини тирсагини ҳис қилиб туриши, ўқув ва ижодий иш жараёнига фаол киришишга ҳозирланади.

"Ҳаракатга созлаш" учун материалга бўлиб, ўқув жараёнининг ўзи хизмат қиласи: педагогик пайдо бўлганда у билан тик туриб саломлашиш керак, лекин шовқин солмай, уюшқоқлик билан жўшқин тез айни вақтда осон ва ёқимли саломлашиш керак. Сўнгра талабаларга бир жойдан иккинчи жойга шовқинсиз ўтиш, мебелни қайта қуиши, ярим доира бўлиб икки қаторга ўтириш, ўз стуллари билан бирга жойларини алмаштириш ва ниҳоят, бўларнинг ҳаммасини кўзни юмиб амалга ошириш таклиф қилинади.

Бу хилдаги машқлар талабаларни интизомли қиласи, шовқин солмаслик ва жисмоний ҳаракатларини кўзни юмиб бажариш, дарснинг расмий-ички вазиятини эмас, балки бир қадар сирли гайритабиийликни вужудга келтиради. Сўнгра "созлаш" мураккаблашади: ҳаммани ҳам бир вақтда ўрнидан туриб, тўғри доира ҳосил қилиши, бир вақтда ўтириши, барча ишни жимгина бажариши, кейин ҳамма нарсани мусиқа овозлари жўрлигига турли суръатда ва ҳаракатлар хусусиятини ўзгартириш билан амалга ошириш керак.

Сўнгра ўқувчи гурухининг ҳар бир аъзосига "жисмоний ҳаракатларини бажаришга созлаш" сифатида ўз ҳохиши бўйича қўшиқ айтиш таклиф этилади. Бу ҳол талабаларни "ёрқин қиласи". Топшириклар мураккаблаштирилади, бундан мақсад топшириқларни бажаришга доир турли анализаторларни (кўриш, эшитиш анализаторлари, уларнинг қўшилишлари ва "жилолари"ни) машқ қилдириш ва созлашдир. Масалан, битта сигнал бўйича овоз чиқариб қўшиқ айтиш иккинчи сигнал бўйича қўшиқни ичидаги куйлашни давом эттириш, сўнгра хор бўлиб куйлаш, битта сигнал бўйича фикран, иккинчи сигнал бўйича айrim товушларни алоҳида

ажратиб қўйлаш керак. Ўзаро ҳаракат қилишга ва диққатни ушлаб тура олишга қаратилган созлаш машқ қилинади.

Баъзан ана шу мақсадларда талабаларга у ёки бу рақамлар қўйилади ва педагогни қарсак чалиши билан "босма машинка" ишлай бошлайди ёки дам олади.

Асаб жараёнларнинг тезлиги учун мусобақа тариқасида талабалар сигнал бўйича муайян ҳаракатлар мажмуини бажариб кўришлари керак.

Сўнгра мускулларни бўш қўйиш машқларда "нол ҳолат", яъни зўриқиши бўшаштиришдан ажратиб турадиган ҳолат изланади. "Нол ҳолат" ни топиш учун талабалар мускул зўриқиши юқоридан пастга, мускулдан мускулга қараб "кузатиш" машқини бажариб кўрадилар. Уларнинг ҳолатига баҳо бериб, бетараф (холис) сезгиларни излайдилар. Даставвал "нол ҳолат" юздан қидирилади: юз мускулларини "ҳаракатга келтириш", уларни буриштириш, зўриқишига ва бўшашига баҳо берадиган ва нол кайфият изланади.

Кўпгина ўқувчиларда қадам ташлаш (юриш) ва пантамимика бурчаксимон бўлиб, мускулларнинг сиқилиши уларни эркин нафас олишларига ҳалақит беради, улар, айтиш мумкин, худди "хода ютгандек" кеккайиб юришади. Бу ҳолатларга барҳам бериш учун гавда мускулларга ишлов берадиган, нафис қадам ташлаш тавсия этилади.

Кўл мускулларни бўшатиш учун иродани зўриқтириш машқни ҳам бошлаш, кейин бармоқ мускулларни бўшатиш керак бўлади. Бунинг учун олдинига бармоқни зўриқтириш (таранг қилиш), уни мушт қилиб қисиш, кейин елка олди ва елка мускуллари билан ишлаш, сўнгра қўлда оғирликни ва бўшашни ҳис қилишга эришиш зўр, шунда қўл новдадай осилиб туради. Агар қўл мускулларида зўриқиши бўлмаса, у ҳақиқатдан ҳам бўшашган бўлса машқ бажарилган ҳисобланади. Иккинчи қўл билан ҳам, кейин ҳар иккала қўл билан ҳам биргаликда шундай қилиб кўрилади.

Навбатдаги машқ зўриқишини ва бўшашиши алоҳида-алоҳида сезиш машқидир. Масалан, ўнг қўл билан чап оёқ мускулларини бўшатиб, чап қўлни ва ўнг оёқни зўриқтириш мумкин. Талаблар ҳаракатни буриш ва қайтаришни машқ қиласидилар, худди мускул қувватини қўл бўйлаб елкадан бармоқ учларига етказгандай бўладилар, сўнгра "у ёққа қара", "йўқол бу ердан" ифодали ҳаракатларини қиласидилар. Машқлар онгли ҳаракатларини психологик жихатдан "оклаш" билан етказилади: қўл панжасининг пастдан юқорига кенг ташланиши саломлашиш имо-ишораси, юқоридан пастга

ташланиши-бармоққа ёпишган хамирни силкитиш, бармоқтарни букиш ва очиш билан бирга күл панжасини юқорига ва пастга ҳаракат қилдириш-хамирни аралаштириш, бармоқтарни шиддат билан олдинга ташлаш-гимнастик қүл ҳаракатлари ва шу кабилардир. Мускулларни бўшаши "оқлаш" дан ташқари фикрий тасаввур қилиш ва онгли равищада ўз-ўзига таъсир қилиш билан бирга бориши мумкин.

3. Хотира, дикқат ва хаёлни машқ қилдириш актёрлик психотехникасининг уч асосий қисми. Хотирани машқ қилдириш актёрлик психотехникасининг машқ қилдиришнинг машҳур қоидалари ва усуллари асосида амалга оширилади. Маълумки, дикқат-психик фаолиятни шундай ташкил этишдан иборатки, унда муайян идроклар, тасаввурлар, фикр ёки ҳис-туйғулар иккинчи планга ўтиб кетган ёки бутунлай англаб бўлмайдиган бошқа идроклар, тасаввурлар, фикрлар ёки ҳис-туйғуларга қараганда аниқроқ идрок этилади. К.С.Станиславский умумий психология тушунчаларига тўла қўшилган ҳолда дикқат онгнинг муайян обьектидаги йўналиши ва жамланиши билан намоён бўлади, деб ҳисоблаган эди. Актёрлик психотехникасини машқ қилдириш таркибий қисмларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Атоқли актёр Михил Чехов "Актёрнинг техникаси тўғрисида" номли китобида дикқатни машқ қилдиришга доир қўйидаги машқларни маслаҳат берган эди: "... 1-машқ: Оддий буюмни танглаб олинг. Уни кўздан кечириб чиқинг. Буюмга "қараш" дан қочингда, ўзингиз учун уни ташқи кўринишини тасвирланг. Дикқат жараёнини ташкил этувчи ҳамма ҳаракатни ичдан (рухий)-қилиб кўринг: буюмни қўлга олиб, уни ўзингизга тортинг, унга интилинг, у билан бирга қўшилиб кетишга ҳаракат қилгандай ичига киринг. Бу ҳаракатларини ҳар бирини дастлаб алоҳида-алоҳида, кейин биргаликда қилинг, иккитадан, уттадан ва ҳоказо қилиб бирлаштиринг. Машқни давом этиринг, шуни кузатиб борингки, сизнинг сезиш аъзоларингиз ҳам, гавда мускулларингиз ҳам ортиқча зўриқмасин. Диққатингиз обьектини қўйидаги тартибда алмаштиринг: 1-оддий кўринадиган буюм, 2-товуш, 3-одам нутқи, 4-эсга тушган оддий буюм, 5-эсга тушган товуш, 6-эсга тушган одам нутқи (сўз ёки битта ибора), 7-сиз яхши билган, эсга тушган киши образи, 6-пъеса ёки адабиётдан олинган образ, 9-хаёлий мавжудот, манзара, меъморий шакл ва шу кабиларнинг сиз ўзингиз яратган образи. Диққат ва унинг тўртта ҳаракати сиз учун бажариладиган, ягона, маънавий ишга айлангунча машқни давом эттиринг..." Айниқса, бошланишида ўзингизни чарчайдиган даражага олиб борманг. Машқларнинг онда-сонда бажаришдан кўра, уларнинг мунтазамлиги (бир кунда икки уч

марта) муҳимроқдир. Вақти-вақти билан дастлабки анча оддий машқларга қайта мурожаат қилиб кўринг".

Ишни диққатга доир вазифалардан бошлаш тавсия этилади. Ўқув хонасида бор бўлган ҳар қандай обьектга (қалам, сиёхдон, кўзгу) эътиборни қаратиш мумкин, зарурий шарт "саҳна" га (ёзув тахтаси енидаги шартли жойга) чиқишидир.

"Саҳна"га чиқиш ўз-ўзидан бутунлай соғлом талабаларда "саҳна саросимаси" ёки ҳаяжонланишнинг бошқа шакллари билан бирга бўлади, талабалар ўзларини йўқотиб қуиб, обьектда диққатларини бир жойга жамлаб ола олмайдилар. Ишчанлик қобилияtlари пастроқ бўлган ўқувчилар билан ишлаш яна ҳам мураккабдир.

Шундай қилиб ўқувчи бир-икки дақиқа ичида бутун гурух олдида "саҳна"да турган буюмга (масалан, стулга) кўз югуртириб чиқади ва педагогнинг "бўлди" деган командаси билан ўзи кузатиб бўлган нарсаларни, буюмни ўзи сезган фазилатларини гапириб беради. Ўқитувчи ҳар гал "саҳна" га чиққанида аста-секин, лекин ҳар ҳолда режали, осойишта ва диққат билан ишлай бошлайди: у энди буюмнинг тафсилотларини пайқаб олади ва ҳатто уларни туркумларга ажратади-буюмнинг рангини, шаклини ва у қандай материалдан ясалганлигини, унинг таркибий қисмларини, қаерда туриши ва шу кабиларни айтади. У талабанинг кўриш диққатидан ташқари, эшитиш диққатини ҳам машқ қилдиради: нимани эшиятпиз, қандай товушлар келяпти, улар қаердан эшитиляпти, уларнинг таркибий қисмлари, турган жойи қандай?

Ташқи буюмларни кўришдан ташқари ички диққатни-уни бирор фикрга ёки муаммога қаратишни машқ қилдириш тавсия этилади, бундан мақсад-уни ҳар томонлама қараб чиқишидир.

Машқларнинг навбатдаги гурухи диққатнинг ҳаракатчанлиги ва кўчувчанлигини машқ қилишга қаратилган. Талабалар аудиториясига бирорта обьектга (масалан, ўқув аудиториясидаги эшик, деразага) диққатини қаратиш таклиф этилади, сўнgra бошқа обьект (масалан, билакузук, талабанинг соатидаги сиферблат) тилга олинади ва диққат қаратилгач, ўқитувчи навбат билан команда беради: "дераза", "соат", "дераза", "соат" ва ҳоказо.

Талабалар олдига қўйиладиган асосий вазифа-жисмоний ҳаракатлар орқали, "мускул қувончи" орқали ички маънавий шодлик ҳолатини топишдан иборат бўлиб, у юксак ишчанлик қобилиятига, тўла куч билан ишлаш

истагини пайдо бўлишига ёрдам беради. Бундан ташқари, жуда юксак мақсад "ўта вазифа" ўзни худи тажрибали педагог сифатида тутиш вазифаси қўйилади. Бу тасаввур ҳулқ-атвордаги жисмоний машқ орқали ўзини баҳтиёр ва меҳнатсевар ҳис қилишда ёрдам беради.

Шундай қилиб жисмоний ҳаракатларининг ташки томони орқали психологияк томонни машқ қилдириш содир бўлади, у сенсомотор қўникмалар, хаёл, ҳиссий реакцияларни чуқурлаштиришга қаратилгандир. Жисмоний ҳаракатлар усули айрим ўзаро фикр алмашиш қўникмаларини машқ қилдириш учун ҳам қўлланилади. Баҳамжиҳат бўлиб ишлаш-ўзаро боғланган жамоа фаолият-гурух аъзоларини жипслаштиришга, уларнинг биринчи навбатда психофизиологик жиҳатдан мувофиқ келишига ёрдам беради.

Қўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмуни. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ap1, Ap4, Ax1, Ax2, Ax3, A1, A3, A5, A6, Ақ1, Ақ2, Ақ5.

15-маъруза: Илғор педагогик технологиялар ва уларнинг турлари

таълим тизимига педагогик технологияни тадбиқ этишнинг зарурати

Режа:

- 1.Илғор педагогик технологиялар ва уларнинг турлари.
- 2.Таълим тизимига педагогик технологияни тадбиқ этишнинг зарурати.
- 3.Ўқув жараёнини педагогик технология асосида ташкил қилиш услублари.

XX аср кишилик жамияти тараққиёти тарихидан фан ва техника соҳасида юз берган инқилоблар даври сифатида жой олди. Илм-фан ва техника ривожининг юксак суръати моддий ишлаб чиқариш жараёнини назарий (ғоявий) ҳамда амалий жиҳатдан бойитиб бориш билан бирга ижтимоий муносабатларнинг янгича мазмунини амалга оширишни таъминлади. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг пайдо бўлиши, янгича турмуш тарзи кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг янгиланиб ҳамда ортиб бориши ўз навбатида замин этувчи фаолиятнинг йўлга қўйилишини тақозо этди. Ижтимоий зарурат маҳсули бўлган технология соҳаси ва жисмоний куч сарфланган ҳолда юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Моддий ишлаб чиқариш, хомашёни қайта ишлаш соҳалари (хусусан, қишлоқ хўжалиги саноат, транспорт майший хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.)да ёндашув анъанаси юзага келди. Ишлаб чиқариш жараёнига технологик ёндашув ушбу жараённинг умумий тавсифини ёритишга хизмат қиласи, яъни муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида хом ашёни танлаш (дастлабки босқич) дан маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган (сўнги босқич) даврни ўз ичига олган жараён технологик жараён сифатида эътироф этилади. Ишлаб чиқариш жараёнига нисбатан технологик ёндашув муайян соҳаларда ислохотларни ташкил этиш, уларнинг муваффақиятини таъ - минлаш ва уларни бойитиб бориш каби мақсадларга эришишнинг самарали омили сифатида ташкил этилди.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларига замонавий, илғор, юксак технология -ларнинг қўлланиш шартларидан бири - малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини доимий равишда ошириб боришни йўлга қўйиш эканидан ҳам англанадики, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёт бир-бири билан узвийлик, алоқадорлик ҳамда яхлитлик тамойили асосида ривожланиб боради.

Жамият ижтимоий ҳаётида етакчи ўрин тутган ғоя ва қарашлар иқти - содий ишлаб чиқариш ривожига ўз таъсирини ўтказса, ўз навбатида иқтисодий ўсиш аҳоли маданий турмуш тарзининг яхшиланишига олиб келади.

Инсоният цивилизациясининг қуи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблар асосида йўлга қўйиш зарурати кун тартибига қўйилмоқда. Чунончи, мураккаб техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёни моҳиятини тўлақонли англай олган, фавқулотда рўй берувчи вазиятларда ҳам юзага келган муаммоларни ижобий хал эта олиш салоҳиятига эга бўлган малакали мутахассисни тайёрлаш зарурияти таълим жараёнини ҳам технологик ёндашув асосида ташкил этиш лозимлигини тақозо этмоқда.

Шу боис ижтимоий тараққиёт билан узвий алоқадорликда ривожла - ниб бораётган педагогика фанининг вазифалари доираси кенгайиб бормоқда. Табиий равишда замонавий фан техника ютуқларидан самарали ва унумли фойдалана олиш вазифаси номоён бўлмоқда.

Айни вақтда республика ижтимоий ҳаётига кенг қўламли ва шиддатли тезлиқдаги ахборотлар оқими кириб келмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хulosалаш ҳамда талабага етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни тадбиқ этиш юқо - рида қайд этилган долзарб муаммони ижобий хал этишга хизмат қиласи.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнида рўй бераётган ўзгаришлар натижасида ҳалқ хўжалигининг турли соҳалари учун малакали кадрларни тайёрлаб бериш эҳтиёжи юзага келди. Ушбу эҳтиёжни қондириш ишлаб чиқариш соҳалари томонидан турли мутахассислик ёки иқтисослик бўйича касбий маълумотга эга кадрларни тайёрлаш ишига масъул саналган таълим муассаса - ларига ижтимоий буюртма бериш ҳамда мазкур буюртманинг сифатли бажари - лиши асосида хал этилади. Айни вақтда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган таълим муассасалари зиммасига эркин, мустақил фикр юрита оладиган тафаккури ва дунё қарashi кенг, билимли, шунингдек, мутахассис - лиги бўйича чукур билим, юксак малакага эга

бўлган кадрлар (мутахассислар) ни тайёрлаб беришдек маъсулиятли ижтимоий вазифа юкланган.

Ишлаб чиқариш соҳалари учун малакали кадрларни тайёрлаб бериш бора - сидаги ижтимоий буюртма моҳияти ўз-ўзидан таълим-тарбия тизимига таалуқли. Ушбу тизим доирасида фаолият кўрсатувчи таълим муассаса - ларининг фаолияти мазмuni тубдан ёки қисман ўзгаради. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган таълимий ислохотлар ҳамда кадрлар тайёрлаш борасидаги ижтимоий буюртма моҳиятига кўра, 1997 йил 29 августда олий мажлиснинг IX-сессиясида қабул қилинган янги таҳирдаги «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида узлуксиз таълим тизими яратилиб, аниқ вазифаларни бажарувчи босқичлар белгиланди. Шунингдек, янги турдаги таълим муассасалари фаолият юрита бошлади.

Узлуксиз таълим тизимининг шаклланиши ўз-ўзидан кадрлар тайёр - лаш жараёнининг янгича мазмун касб этишини таъминлайди. Баркамол шахс ва малакали мутахассисни тайёрлашга йўналтирилган узлуксиз таълим (шу жумладан, тарбия) жараёнининг янги мазмуни мазкур жараёнга илм фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларида яратилган ғоя, кашфиёт ва ютуқларнинг тадбиқ этилиши. Ушбу жараёнда демократик, инсонпарварлик тамойилларининг устувор ўрин тутиши, таълим ва тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш (яъни, таълим-тарбия жараёнининг асосий субъектларидан бири бўлган талаба - таълим оловчи шахснинг хурмат қилиниши. Унинг шаъни, ор-номуси, қадр-қиммати ва хуқуqlари дахлсизлигининг таъминланиши), таълим оловчи (талаба) нинг педагогик жараёндаги фаол иштирокини юзага келтириш учун муайян шарт шароитларни яратиш, уларнинг ҳохиш-истаклари билан ўртоқ -лашиш, шахсий ташабbusларни қўллаб кувватлаш, уларда мустақил фикр юритиш лаёқатини тарбиялаш, бу борада муайян кўникма хосил қилиш, хосил қилинган кўникманинг фаолият малакасига айланишга рафбат билдириш, ўқув (манбъалари ва кўрсатмали воситалар) мазмунida юқорида қайд этилган ғояларнинг ўрин олишига эришиш, таълим оловчиларда билим олишга нисбатан ички эҳтиёж, қизиқиш, рафбатни юзага келтириш, шунингдек, онгли муносабатни қарор топтириш ва ҳоказолар асосида яратилади.

Янгича мазмун касб этган кадрлар тайёрлаш жараёни баркамол шахс ва малакали мутахассисни тайёрлаш борасидаги ижтимоий буюртманинг бажарилиш даражаси ва сифат кўрсаткичининг юқори бўлишини кафолатлайди. Бозор иқтисодиёти муносабатлари ишлаб чиқариш

маҳсулотларига нисбатан аҳоли томонидан билдирилаётган талаб ва таклиф асосида тартибга солинар экан, муайян йўналиш бўйича малакавий (касбий) маълумотига эга мутахассиснинг ижтимоий рақобатга бардошлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳалқ хўжалигининг рақобатбардош мутахассислари билан таъминланиши узлуксиз таълим тизимида ташкил этилган педагогик фаолиятининг самарали, муваффақиятли эканлигини кўрсатувчи далил ҳисобланади. [9]

Ишлаб чиқариш соҳаларининг баркамол шахс ва малакали мутахассис билан таъминланиши ижтимоий ҳаракатни юзага келтирувчи восита, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг энг муҳим омилидир.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт. Ижтимоий буюртманинг бажарилиши сифат кўрсатгичи малакали кадрлар тайёрлаш жараёнига нисбатан технологик ёндашув ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлашга олиб келади. Шу боис сўнгги беш йиллар мобайнида таълим тизимида янги педагогик технология лардан самарали фойдаланиш масаласига республика миқёсида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Таълим муассасаларининг фаолият жараёнига янги педаго гик технологияларни тадбиқ этиш бир қатор шартларга мувофиқ амалга оширилади. Хусусан, бўлажак педагогик фаолиятни ташкил этаётган ўқитувчиларни янги педагогик технологиянинг моҳиятини очиб берувчи назарий маълумот - лардан хабардор этиш;

- бўлажак ёки фаолият олиб бораётган (педагог) ларни янги педагогик технология ҳамда унинг моҳияти хусусида тўлақонли маълумот бера олиш имконига эга бўлган ўқув манбъалари (ўқув дарслиги, қўлланма, методик тавсиянома, шунингдек, муайян ўқув фанлари бўйича машғулот лойихалари ва ҳ.к.) билан етарли даражада таъминлаш;

- таълим муассасалари фаолиятида янги педагогик технологияларни қўллаш борасида тўпланган етакчи хорижий мамлакатлар, шу жумладан махал - лий педагогларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш;

- бўлажак ёки педагогик фаолият олиб бораётган таълим жараёнидаги янги педагогик технология назарияси ғояларидан самарали, ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдалана олиш кўникмасини хосил қилиш, ушбу кўникмани амалий фаолият малакасига айлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш (чунончи, назарий ва амалий конференция, семинар ва давра сұхбатлари, маҳсус ўқув курсларини ташкил этиш, педагог ходимларнинг ривожланган мамлакатда тажриба орттиришларини йўлга қўйиш ва ҳ.к.).

Юқорида билдирилган фикр мулохазалардан шундай хуросаларга келиш мумкин:

1. Таълим жараёни самарадорлигини ошириш, таълим олувчиларнинг мустахкам назарий билим, фаолият, кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларни касбий маҳоратга айланишини таъминлаш мақсадида ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиядан фойдаланиш давр тақозоси ҳамда ижтимоий зарурият сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

2. Таълим жараёнига янги педагогик технологияни тадбиқ этиш кадр - лар тайёрлашга йўналтирилган умумий жараён мазмунининг сифат жиҳатдан ўзгаришини таъминлайди.

3. Янги педагогик технология назарияси ғояларидан фойдаланиш асосида ташкил этилган таълим жараёни баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш борасидаги ижтимоий буюртманинг бажарилиш холатининг сифат кўрсаткичига эга бўлишига олиб келади.

4. Баркамол шахс ва малакали мутахассисларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги фаолиятлари ҳамда уларнинг самараси ижтимоий тараққиётнинг тезлашувига олиб келади.

Ўқув жараёнини педагогик технология асосида ташкил қилиш услублари

Инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқи - олдига маълум бир мақсад қўйиб, сўнг унга томон ҳаракат қилишидадир. Киши мақсади сари қиласидан ҳаракати (фаолияти) жараёнида муайян табиий ва сунъий тўсиқларни енгиб ўтади. Бу тўсиқларни бартараф этиш учун у бир қатор тадбир ва чоралардан фойда - ланади.

Мақсадга етишда муайян тўсиқни енгиб ўтиш учун қўлланиладиган тадбир ва чоралар мажмуини усул дейилади.

Мақсадга етишда бир неча, гоҳо ўнлаб-юзлаб тўсиқларни енгиб ўтиш усуллари маълум бир тизимда қўлланилади. Мақсадга етишда қўлланиладиган усуллар тизимини усул (йўл) дейилади.

Усулларнинг маълум бир услугда қўлланиш жараёнида ҳар бир ҳаракат мақоми муайян мақсад кўрсаткичларига бўйсундирилади. Ундан ташқари, киши мақсадга етиш жараёнида бир қатор қонуниятларга ҳам тамойил сифатида амал қиласи.

Киши мақсад сари қилган ҳаракатида унинг учун тамойил вазифасини бажарувчи мақсад кўрсаткичлари билан ҳаракати давомида амал қилиниши шарт бўлган қонуниятлар мажмуига методология дейилади. Ҳар бир шахсни, ижтимоий гурӯҳни ва бутун жамиятни энг умумий ва хусусий мақсадлари бўлади, инчунин уларнинг энг умумий, умумий ва хусусий методологик асослари мавжуд.

Ҳар бир соҳада мавжуд мақсад кўрсаткичлари билан фақат шу соҳада хукм сурувчи қонуниятлар шу соҳада фаолият кўрсаткичлари учун умумий методологик асос ҳисобланади.

Одамлар фаолият кўрсатиш жараёнида ўз ишларини энг умумий, умумий ва хусусий методологиялардан бирдай келиб чиқсан ҳолда амалга оширадилар. Акс ҳолда қилган ҳаракатлари зое кетади. Усул, услуг ва методология тушунчаларига умумфалсафий таъриф бериб чиқсанимиздан сўнг, уларнинг ўқув жараёнида ишлатилишини кўриб чиқамиз.

Инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқи - унинг ўз олдига мақсад қўйиб, мақсад сари ҳаракат қилишидир. Табиий савол туғилади. Бу мақсадлар қаёқдан пайдо бўлади? Жавоб: ҳар қандай мақсад алоҳида бир шахс, ижтимоий гурӯҳ ёки миллатнинг эҳтиёжидан келиб чиқади.

Инсон биоижтимоий мавжудот бўлганлигидан, унинг биологик эҳтиёжи баробарида ижтимоий эҳтиёжи ҳам мавжуд.

Ижтимоий эҳтиёжга кишининг ижтимоий тараққиёти натижасида вужудга келадиган фикр юритиш, фикр алмашиш, билим олиш, меҳнат қилиш, завқланиш, севиш ва севилиш каби эҳтиёжлар киради.

Эҳтиёжни қондириш устида маълум вақт фикр-мулохаза юритилгандан кейин эҳтиёж ё инкор қилиниб бостирилади, ёки унга етишиш мақсад қилиб қўйилади.

Мақсад ва унинг кўрсаткичлари аниқ бўлганидан кейин, унга етишиш усуллари тизими излаб топилади ва ҳаракат бошланади. Шундан мақсад кўрсаткичлари билан ҳаракат пайтида ўз мавжудлигини намоён қилувчи қонуниятлар йигиндиси ушбу фаолиятнинг методологик асосини, яъни амал қилиниши шарт бўлган тамойиллар мажмуини ташкил қиласади.

Ҳар қандай жамиятнинг ҳам энг умумий мақсади бўлади. Уни миллий ғоя дейилади. Ўзбекистон Республикаси ҳалқларининг асосий мақсади ҳуқуқий демократик давлат барпо қилиш ҳамда одил фуқаролик жамиятини шакллантиришdir.

Бундай давлат ва жамият сифатларини ифода этувчи кўрсаткичлар бўлади. Улар фалсафанинг энг умумий қонунлари билан биргаликда жамият аъзоларининг барча фаолиятига, шу жумладан, таълим-тарбия соҳасидагиларга ҳам, энг умумий методологик асос вазифасини бажаради.

Педагогик жараёнининг умумий методологияси соҳа олдига қўйган мақсад кўрсаткичлари билан дидактиканинг умумий тамойиллариридир. Педагогика соҳа - сининг эса умумий мақсади жамиятнинг энг умумий мақсади, яъни ғоясидан келиб чиқиб, унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Маориф соҳасининг умумий мақсади хукуқий демократик давлат ҳамда одил фуқаролик жамиятининг талабларига жавоб берувчи кишиларни тарбиялаб беришдан иборатдир.

Ўзбекистонда муаллифлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, эркин, маърифатли ва демократик давлат фуқоролари қўйидаги ижтимоий сифатларга эга бўлиши керак:

- Ақлли - мустақил фикр юрита оладиган;
- Одобли - миллатимиз тўплаган барча фазилатларга эга;
- Мехнатсевар - меҳнат кишининг ижтимоий эҳтиёжига айланганлиги;
- Билимли - диний, дунёвий ва фазовий билимларни кўп ва чуқур эгаллаб олиб, уларни ҳаётда қўллай олиши;
- Соғлом - жисмоний, рухий ва ижтимоий саломат;
- Миллий ғууррга эга - аждодларимизнинг моддий ва маънавий меросини эгаллаб, улар билан фаҳрланувчи ва уларни бойитишга хисса қўшувчи;
- Ватанпарвар - Ватан учун, ҳалқ учун фидокорона меҳнат қилувчи, уларни муҳофаза қила оловчи ва зарур бўлса улар учун жонини қурбон қилувчи;
- Инсонпарвар - инсон зотига фақат яхшиликлар уловчи ва улар учун эзгу ишлар қилувчи;
- Жасур ва шижаатли - ҳар бир ишга мардона киришиб, уни шижаат билан охирига етказувчи.

Бу ўнта ижтимоий сифат жамият эҳтиёжларидан келиб чиқсан давлат буюртмаси бўлиб, таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳар бир инсон

улардан умумий методологик асос сифатида фойдаланиши керак. Бу умумсоҳавий методологиянинг биринчи қисми ҳисобланади.

Умумий методологиянинг иккинчи қисмини ҳамма ўқитувчи (педагог) ларга яхши таниш бўлган дидактика тамойиллари ташкил қиласди.

Уларга:

- таълим-тарбия жараёнида таълим оловчи диққатини берилаётган билимга қаратиб, уни жараён охиригача сақлаб туриш;
- ҳар бир билимни илмий асослаб бериш;
- билим беришда талабанинг имконияти ва ёш хусусиятидан келиб чиқиш;
- билим беришда мумкин қадар кўпроқ кўргазмали воситалардан фойдаланиш;
- билим беришда мунтазамлилик билан қўшиб олиб бориш;
- таълим ва тарбия жараёнида талабаларнинг фаоллиги ва онглилигини таъминлаш;
- таълим ва тарбиянинг тизимли, изчил бўлиши ва бирлиги тамойиллари киради.

Ҳар бир фаолиятнинг энг умумий методологик асослари билан бир қаторда хусусий методологияси ҳам мавжуд. Бизнинг мисолда, бу муайян ўқув предмети, муайян мавзу ва муайян дарсларни ўтишда кутилган мақсад кўрсаткичлари билан педагогик технологиянинг беш тамойиллари ҳисобланади.

Педагогик жараёнида амал қилиниши шарт бўлган уч турдаги методологик асосини кўриб чиқдик. Ўқув жараёни билан қўлланувчи ҳар бир ўқитувчи (педагог), тарбиячи ва бошқалар ушбу уч методологик асоснинг ҳаммасига бирдай амал қилиши шарт. Фақат шундагина улар кутилган натижага эришиши мумкин.

Кўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмуни. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ар1, Ар4, Ax1, Ax2, Ax3, A1, A3, A5, A6, Ак1, Ак2, Ак5.

16-Маруза:Педагогик технологиянинг назарий асослари

Режа:

1. Педагогик жараёнига ёндашиш турлари.

2. Янги педагогик технологиянинг асосий принциплари.

Республикамизда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да таъкидлаганидек, замонавий таълим-тарбия ишларини давлат стандарти даражасига кўтариш учун педагогик жараёнга илғор ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш зарур (3.4 модда). [9]

1999 йил апрел ойида Тошкент шахрида ҳамда май ойида Андижонда ўтказилган Республика илмий-назарий семинар қарорларига мувофиқ барча илмий ва олий ўқув муассасаларига кадрларни тайёрлаш миллий моделига мос илғор педагогик технологияларнинг назарий асосларини ишлаб-чикиш вазифаси юклатилди.

Бу вазифани тўлиқ бажариш мақсадида, энг аввало, олимлар мактабларда ва олийгоҳларда ишлаётган ўқитувчилар ҳамкорлигида бир неча муаммоларни ечиш керак, шу жумлада:

- янги педагогик технологиянинг моҳиятини аниқлаш ва унинг назарий асосларини яратиш;
- унинг принципларини ишлаб чикиш;
- педагогик технологияни амалда қўллаш учун самарали йўлларини танлаш ва ҳоказо.

Педагогик технология нима? Нега энди шунча йиллардан бери яраб келган таълим жараёнини эскича ташкил этишдан воз кечишимиз керак ва ўқув жараёнини лойихалаштиришга янгича ёндашиш зарур?

Бу йўналишлар:

- Таълим-тарбия мақсад, вазифа мазмуни, тизимини ислоҳ қилиш;
- Таълим-тарбия бошқарувини ислоҳ қилиш;
- Таълимнинг бозор иқтисодиётига асосланган механизмини яратиш;
- Ота-она, ўқитувчи-талабанинг таълим жараёнига бўлган янгича қарашларини шакллантириш;
- ва нихоят, бу туб ислоҳотларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи - янги педагогик технологияни амалиётга тадбиқ этишдан иборат.

Ташхисланувчан ўқув мақсадларини қўллашга ўтилиши, ўқитиши технологиясида баҳолашнинг ўзига хос янги мазмунга эга бўлишига олиб келади. Мақсад ташхисланувчан усулда аниқланар экан, ўқув жараёнининг боришида унинг белгиларига ҳам этalon сифатида қараш мумкин бўлади. Ўқитиши жараёнида жорий баҳо қайтувчан алоқа ролини ўйнайди ва этalon мақсадга (ёки унинг қисмларига) эришишига қаратилган бўлади. Агар мақсадга эришилмаган бўлса, унда жорий назорат натижалари асосида ўқув жараёнига тузатишлиар киритилиши лозим. Шунинг учун ҳам, жорий баҳолар билимларни шакллантирувчи функцияни бажаради. Демак, жорий назоратлар

баҳоланмайди. Жорий мулохазалар мазмуний ҳарактерга эга бўлиб, улар талабага ва унинг фаолиятига тегишли тузатишлар киритишига ёрдам бериши лозим. Якуний баҳо балларда ифодаланади. Жорий баҳо каби якуний баҳо ҳам ташхис усулида қўйилган мақсадларнинг этalon мезоний белгилари асосида аниқланади ва шунинг учун ҳам мезоний ҳарактерга эга бўлади. Ўқув жараёни ҳам шунга мувофиқ йўналишга эга бўлади. Мезоний баҳолаш бу усулда ўқитишнинг асосини ташкил қиласди.

Талаба билимларини шакллантирувчи жорий баҳолар, уларга фан (курс) нинг ҳар бир бўлими бўйича тавсия этилган назорат топшириклари билан аниқланади. Бундан мақсад, талабаларда содир бўладиган қийинчи -ликларни тезкорлик билан бартараф қилишдир. Бундай тест вариантиларининг бири бўлим материалыни тўла қамраб олган бир неча саволлардан иборат бў-лиши мумкин. Ҳар бир савол рўпарасида 4-5 та жавоблар (танлаб белги -лаш учун) ёзилади. Ҳар бир жавоб варианти бир қарашда тўғрига ўхшаган бўлиши, лекин фақат биттаси аниқ тўғри бўлиши зарур. Жавоблар А, В, С, Д, Е каби ҳарфлар билан белгиланади. Жавоблар ўз-ўзини текшириш бланка -сига ўтказилади. Уни тўлдириб бўлгандан сўнг, талаба ўз жавобларини тест калити билан таққослайди ва қайси саволларга тўғри (нотўғри) жавоб берган - лигини ўзи аниқлайди. Жавоб бераолмаган саволларни ўзи мустақил равиш - да (зарур бўлса ўқитувчи ёрдамида) ўзлаштиради. Бунда у алтернатив ўқув материаллари (ўқув қўлланмалари, видеоматериал, лаборатория ишларини бажариш учун кўрсатмалар) дан фойдаланиши ҳам мумкин.

Педагогик технологиянинг энг муҳим ютуқларидан бири - тестлар фон - дини, ўқув жараёнининг боришини тўла қамраб олган назорат - текширув топшириклар тўпламини яратилишидир. Олдиндан тайёрланган, стандартлашган тестлар ишда анчагина қулайлик туғдиради. Ҳар бир ўқув циклида тест ёрдамида баҳолаш тезкор қайтувчан алоқа ўрнатишга имкон беради ва ўқув жараёнини белгиланган мақсад томон кетма-кет равища йўналтириб туради.

Педагогик жараёнига ёндашиш турлари.

Янги педагогик технологиянинг моҳияти ва аҳамиятини чуқурроқ тушуниш учун, бизнинг фикримизча, педагогик жараёнга комплексли нуқтаи назардан қараш керак, чунки педагогик жараён, таълим ва тарбия жараёндан иборат бўлиб, жуда мураккаб, кўпқиррали жараёндир. "Комплексли" деганимизда биз бу тушунчасига "тарихий", "тизимли", "психологик" тушунчаларни ҳам киритяпмиз. Энди ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

А. Таълим - тарбияга тарихий ёндашув. "Педагогика тарихи" фани дарсларида сизга таълим-тарбия саноатининг тарихий жабхаларида тутган ўрни ва тараққиётидаги аҳамияти маълум бўлди. Лекин буни аниқлаш керакки, тарбия ва ўқув жараённинг моҳияти қадим замондан то бугунги кунгача ўзгармади.

Тарбиянинг моҳияти - ўсиб келаётган ёш авлодни мазкур муҳит, жа-мият талаблари асосида ҳаётга тайёрлашдан иборат бўлиб - жамиятда ўз муҳим ўрнини тутади.

XX асрнинг бошларида Абдулла Авлоний "Тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё халокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир" бекорга демас эди, чунки тарбиянинг жамиятдаги роли, унинг ўтмиш ва хозирги замонда аҳамияти муҳим.

Таълим эса, тарбия жараёнининг муҳим элементи бўлиб, - бу талабаларда маълумот шакллантирадиган жараёндир.

Мактабдаги, асосан, бошланғич мактабдаги ўқитиш жараёнида таълим, тарбия ва маълумот ўзаро мустахкам боғлиқ равишда амалга оширилади.

Ҳаммамизга маълумки, жамиятимиз доимо тараққиёт давом этади. Бунинг учун эса янгича билим бериш, ўзгариб борувчи меҳнат ва ҳаёт шароитларига мувофиқ, танқидий ижодий фаолият билан шуғуллана олиш кўнималари таркиб топган бўлиши лозим. Демак, тарбия ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлашда, у мавжуд жамият имкониятларини шакллантириш, янада ривож -лантириш мақсадида кекса авлод томонидан орттирилган тарихий тажрибани тўлдирилган, янада мукаммаллаштирилган ҳолда ёш авлодга сингдиради.

Таълим-тарбия моҳияти сақланаётган ҳолда ўқитувчи ўз иш фаолитида усуллар, воситалар ва шаклларни ўзгарган шароитларда янгилашга мажбур-дир, чунки янги давр унга доимо янги талаб қўяди.

Б. Педагогик жараёнига тизимли ёндашув. Профессор Н.В.Кузъмина ёзганидек, "Педагогик тизим - бу ўзаро боғланган ва талабаларни таълим - тарбия мақсадига йўналтирилган компонентларнинг йиғиндиси".

Бу тизимни янада такомиллаштириш учун биз унинг таркибини ва таркибий қисмларини чуқур ўрганишимиз ҳамда бу тизимда педагогик технологиянинг ўрнини аниқлашимиз зарур. Бу нуқтаи назардан педагогик жараёнини қуидаги таркибий қисмларга бўлиш мумкин:

Бу жараён бутун жараён бўлиб, ўқитувчи - тарбиячининг талабага-тарбияланувчига педагогик таъсирларни ўз ичига қамраб олади.

Биринчи - назарий, методологик блок - замонавий таълим-тарбия жараёнига жамиятимиз томонидан қўйиладиган талабларни ижтимоий буюртма сифатида ёритилади, вазифаларни аниқланади, фаолиятини ташкил этиш принципларни (қоидаларни) кўрсатади ҳамда таълим-тарбия натижаларига таъсир этувчи омиллар ва зарурый шарт-шароитлар тавсифланади.

Иккинчи - амалий, технологик блок эса таълим-тарбиянинг мақсад вазифаларни муваффакиятли амалга қўллаш учун зарур бўладиган шахс фазилатларини ва билим-кўникмаларини шакллантирувчи усул ва восита, ўқув-тарбия ишларини ташкил этиш шакл ва уюшмаларини ўз ичига қамраб олади. Бу блокдаги элементларнинг йиғиндинисини биз "педагогик технология" деб аташимиз мумкин.

Содда қилиб, биринчи блокда - ижтимоий буюртма, иккинчида эса - уни амалга ошириш йўллари кўрсатилган.

Бу иккала блокларнинг ўзаро боғлиқлигини бузиш мумкин эмас, чунки педагогик тизим бузилиб қолса, унинг натижаси самарали бўлмайди.

В. Таълим-тарбия жараёнига психолого-педагогик ёндашув. Инсоннинг фаолияти психолог нуқтаи назаридан учта турларидан иборат бўлиб (ўйин, ўқиш ва меҳнат), мулоқотда асосланади. Педагог ўз фаолияти ҳамда ўқитув - чилар фаолиятини фақат мулоқот оркали ташкил қилиши мумкин.

Педагогик мулоқот таълим-тарбиянинг психологик асоси бўлиб, уни самарали бошқариш учун мулоқот жараёнининг моҳияти ва механизмини аниқ бўлишини талаб қиласи, чунки мулоқот бошқариш технологияси ўз хусусиятига эга бўлган жараёндир.

Шундай қилиб, биз педагогик жараёнга турли хил назардан қараб, қўйидагича хулоса чиқаришимиз мумкин: педагогик жараёнга комплексли ёндашув технология ёрдамида таълим-тарбия мақсади, яъни вазифаларни белгилаб олишдан бошланиб, бу жараённинг бир бутун яхлитликка йўнали - шини назарда тутади.

Янги педагогик технологиянинг асосий принциплари.

Янгиланаётган таълим тизимида якуний натижа, хохлаймизми, хохла - маймизми, бевосита таълим-тарбия жараёнини амалга оширадиган ўқитувчи

мехнатининг қандай ташкил этилишига бориб тақалаверади. Таълим зиммаси - га кўйилаётган улкан вазифалар эса таълим беришга муносабатни, ёндошув - ни ўзгартиришни тақозо этмоқда, "Ҳалқ таълими", Бошланғич таълим. Маъ - рифат ва бошқа журнал-газеталарида айнан шу муносабат ва ёндошувни ўзида мужассам этиши лозим бўлган янги педагогик технология хусусида бир қанча мақсадлар эълон қилинди (Ж.Йўлдошев, Н.Сайдахмедов, К.Абдуллаевлар каби). Бироқ хозирдаги ислохотлар жадаллиги мавжуд назарияни тезроқ амалиётга тадбиқ этишни талаб этади.

Янги технологияларни лойихалаш ва улардан таълим-тарбия жараё - нида фойдаланиш маълум қонуниятларга асосланади. Бу асослар педагогик технология (ПТ) нинг ўзига хос жихатларини ифода этади ва методикадан фарқли томонларини кўрсатиб беради. Бошқача айтганда, уларни ПТ принциплари, деб аташ мумкин.

Принцип – юонча - "princip" сўзидан олинган бўлиб, асос, дастлабки холат, бошқарувчи гоя, умумлашган талаб каби маъноларни англатади.

Биз педагогик технология принциплари деганда лойихаланган ўқув - тарбиявий жараённи амалга оширишга юқори натижаларга эришиш учун риоя қилинадиган умумий меъёрлар, қоидалар ва талабларни тушунамиз. Демак, у ёки бу педагогик ходиса принцип бўлиши мумкин, қачонки уни ўқув жара -ёнида ҳисобга олиш (риоя қилиш) зарур бўлса, яъни унга таянилса.

Олиб борилган тахлилий - синтетик тадқиқотларнинг кўрсатишича, ПТ принциплари дидактик принциплардан тубдан фарқ қиласи ва ўзида му - ҳим сифат кўрсаткичларини мужассамлаштиради.

Аслида ҳам мактаб (лицей, коллеж, гимназия, олий ўқув юрти) амалиёти ПТнинг моддий воситалари китоблардан, техник жихозлардан ва ўқитиш методикаларидан кўпдан буён фойдаланиб келинади ёки олдиндан режалаштирилган таълим-тарбия жараёни ўқитувчи фаолияти орқали амалиётга жорий этиляпти. Шу билан биргаликда ПТ - бу қотиб қолган, сиқувга олинган лойиха эмас, балки таълим ва тарбия самарадорлигини белгиловчи қатор омилларни баҳолаш имконини бера оладиган ижодкорлик, яратувчилик, фидойилик фаолияти натижасидир.

Н.Сайдахмедов томонидан ПТ принципларини аниқлашда қуйидаги холатлар эътиборга олинди:

- 1) мавжуд жамият талабларига мос келадиган таълим-тарбия мақсади;

- 2) дидактик жараённинг объектив қонуниятлари;
- 3) таълим-тарбия жараёнида амалга ошириладиган шарт - шароитлар.

Шу нуқтаи назардан янги педагогик технологияларни амалда қўллашни қўйидаги принципларга боғлаб қўйиш мумкин.

1. Яхлитлик принципи технология лойихаси яратилаётганда педагогик тизимнинг барча элементлари ўзаро таъсир доирасида бўлишини ва ўзаро боғлиқлигини эътиборга олишни тақозо этади;
2. Педагогик технология ўқув-тарбиявий жараённи олдиндан лойиха - лаш ва кейинги босқичда бу лойихани аудиторияда амалга оширишни кўзда тутади;
3. Якуний натижанинг кафолатланиши Птнинг яна муҳим принципидир, ҳамда "Якуний натижа қайси сатҳда бўлиши керак?" саволга кейинги;
4. Птнинг жуда муҳим принципи: ўқитишининг тугалланганлик принципи жавоб беради. [4]

Юқорида биз ПТнинг асосий принципларини ёритишга ҳаракат қилдик. Улар, биринчи галда, ўқув-тарбиявий жараённи илмий асосда қўришга йўналтирилгандир ва уларни амалда ижод билан қўллаш зарур.

Хулоса қилиб айтсак, янги таълим тизими, мазмуни, ўқув режа, дарс - ликлар асосида ўқув жараёнини лойихалаштиришга ҳам янгича ёндошиш ва ташкил этиш зарурати туғилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганлариdek, "...биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётда нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак". Шу сабабли ҳам биринчи навбатда таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, хусусан, бу мазмунга нафақат билим, кўнкма ва малака, балки умуминсоний маданиятни ташкил қилувчи - ижодий фаолият тажри - баси, теварак-атрофга муносабатларни ҳам киритиш ғояси кун тартибига кўн - даланг қилиб қўйилди. [8]

Ж.Г. Йўлдошевнинг фикрича, бу ғояни ижтимоий ҳаётнинг қўйидаги компонентлари рўёбга чиқариши мумкин:

- фаолият турлари (моддий-амалий, ижтимоий, маънавий);

- ижтимоий онг шакллари (ахлоқ, саноат, сиёсат, фалсафа, фан ва бошқалар);
- ижтимоий муносабатлар тизими (моддий ва мафкуравий);
- моддий ижтимоий ва табиий бойлик (кейинги авлодларга мерос қилиб қолдириладиган бойликлар). [12]

Шундай қилиб, янги педагогик технологиянинг илмий-назарий асослари яратилиб бормоқда десак хато бўлмайди, хозирда бу иш давом этмоқда. Педагогик технологияни жорий этиш тажрибасини ўрганиш ва унга ижодий ёндашиш, ўқув жараёнини инсонпарварлаштириш, бунда талабани суст объектдан фаол субъектга айлантириш, билиш фаолиятининг аниқ, мақсадлар -га йўналганлигини ҳамда ўқув жараёнини ишлаб чиқариш жараёни каби такрорланувчанлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, педагогларда турли шаклдаги тест топшириқлари тузиш, уларни синаш малакалари шаклланади ва такомиллашади.

Кўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмуни. йўналтирувчи маъruzа, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ap1, Ap4, Ax1, Ax2, Ax3, A1, A3, A5, A6, Ak1, Ak2, Ak5.

17-маъруза: Таълим жараёнида ўқувчи шахси.

РЕЖА:

1. Шахс сифатлари тузилишининг даражалари.
2. Билим, кўникма, малака.
3. Ақлий ҳаракат усуллари.
4. Фалсафада инсонпарварлик қоялари ва уларнинг педагогик технологияларга қўрсатган таъсири.
5. Таълим-тарбия мақсадларидаги ўзгаришлар.

XIX асрда маориф Оврқпода бир қадар тез ривожлана бошлади ва шахс камолотида таҳлимнинг имкониятлари эҳтироф этилди. Айниқса, буюк чех педагоги Я.А.Коменскийнинг ққитиш назарияси вужудга келгач, педагогика деганда биринч галда айнан дидактика тушунилар эди. Ўанузгача ўозирги замон педагоглари қртасида немис педагоги Гербартнинг “бала тарбияси – уни ққп томонлама ққитиш жараёни натижасидир” деган фикр оммабоп ўисобланади.

XX аср бошларида ёқ шахсни шакллантиришга таҳсир этувчи омиллар кенг тадқиқ қилина бошланди ва қисқа муддатда тажриба тқпланди, бола шахсини ривожлантиришга ўқув фаолиятидан ташқари қйин ва меўнат фаолияти ўам ижобий таҳсир кўрсатиши таъкидланди.

Қатор олимларнинг изланишлари натижаси қлароқ қтган асрда педагогика дидактик билимлардан ташқари тарбия назарияси бўйича тизимлаштирилган билимлар билан бойитилади. Шу боисдан, педагогикани ўқув жараёнида амалга ошириладиган тарбия ҳақидаги фан эмас, балки таълим ва тарбия ҳақидаги фан сифатида талқин этиш тк\ри бўларди. Бироқ, бу шахсни мақсадга мувофиқ шакллантиришнинг икки томонини ифодалайди. Шу боисдан, бир мунча аникроқ таъриф қўйидагича бўлиши мумкин: педагогика – бу шахсни мақсадли шакллантириш ҳақидаги фандир.

Маълумки, шахсни шакллантиришда ирсият, муҳит, педагогларнинг мақсадли фаолияти, инсон хусусий фаолияти ва ўз-ўзини тарбиялаш каби омиллар катта имкониятга эга. Таклиф қилинган таъриф таълим ва тарбиянинг муҳимлигини пасайтирумайди, аксинча, унинг баъзи бир афзалликларини санаб қтиши мумкин: биринчидан, у педагогик фаолият қрнини шахсни ривожлантириш ва тикланиш омиллари (ирсият, муҳит ва б.) орасида белгилаб беради; иккинчидан, педагогик жараён сифатида таълим ва тарбия аўамиятини мувозанатлаштиради; учинчидан, “тарбия” атамаси қайси маънода – тор ёки кенг – ишлатишни кўрсатиш заруратидан соқит қиласи.

Шахсни шакллантириш ҳақида гап борар экан, қатор педагоглар уни “маълумот” тушунчаси билан ққшиб юборишади. Шундай ёндашув ақад. В.В.Краевский фаолиятида ўам учрайди. Гап шундаки, шахс аллақачон маълумотли, яъни инсон жамиятнинг меъёрий ўаётига тайёр деб тушунилади. Унда қаратилаётган тушунча “шакллантириш” атамасига, аникро\и, “шаклланган шахс” тушунчасига тқ\ри келади. Бироқ бу юқорида келтирилган “мақсадли шакллантириш” сўзини “маълумот” сўзи билан алмаштириш мумкин, деган гап эмас. Маълумот сўзининг тарихий маъноси таълим сўзи билан шунчалик яқинки, уни ққллаш, “инсонни ўаётга тайёрлаш учун ққитиш етарли” деган анъанавий ақидани келтириб чиқаради. Дунёга келган гўдак маълум ёшга қадар индивид ҳисобланади. «Индивид» лотинча «индивидиум» сўзидан келиб чиқсан бўлиб, «бўлинмас», «алоҳида», «ягона» маъноларини англатади. Индивид биологик турга кирувчи алоҳида тирик мавжудотдир.

Шахснинг шаклланишида ҳаракат ўзига хос омил саналади. Гўдак (чақалоқ) ҳам турли ҳаракатларни қиласи. Бироқ, бу ҳаракатлар кейинчалик шартли рефлекслар бўлиб, онгли равишда содир бўла бошлиши ва шартли кўзғатувчиларга жавоб тарзида юз беради.

Гўдакда нутқнинг ҳосил бўлиши, шунингдек, унинг томонидан ташкил этилаётган ҳаракатлар онгли равишда содир бўла бошлиши ва албатга, ижтимоий муносабатлар жараёнидаги иштирокининг рўй бериши шахс шаклланишининг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Шахс деганда муайян жамиятнинг аъзоси тушунилади. Одам-инсон индивиди шахсга айланмоғи учун руҳий жиҳатдан тараққий этган, ўз хусусияти ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қилиши лозим.

Хар бир одам шахс сифатида турлича намоён бўлади. У ўзининг хусусияти, қизиқиши, қобилияти, ақлий жиҳатдан ривожланганлик даражаси, эҳтиёжи, меҳнат фаолиятига муносабати билан бошқалардан фарқланади. Булар шахснинг ўзнга хос хусусиятлари бўлиб, мазкур хусусиятлари ривожланиб, маълум бир босқичга етсагина у камол топган шахс сифатида намоён бўлади. Шахс ижтимоий муносабатлар жараёнида қарор топади.

Шахснинг ривожланиши, аввало унда шахсий хислатларнинг шаклланиши билан бошланади. Ривожланиш - ўзида шахснинг жисмоний, ақлий ва бошқа хислатларнинг такомилини намоён этадиган жараён бўлиб, бундай хислатлар туғма, баҳзилари кейинчалик эришилган бўлади.

Шахс номини олиш учун нималар керак?- деган саволнинг туғилиши табиийдир. Одам ижтимоий мавжудот сифатидан шахсга айланиши учун унга ижтимоий - иқтисодий ҳаёт шароитлари муҳит ва тарбия керак бўлади. Ана шулар ҳамда шахснинг наслий хусусиятларининг такомиллашиб бориши одамнинг ривожланиши, шахс сифатида намоён бўлишини таъминлайди.

Одам боласининг шахс сифатида ривожланишини, унинг хар томонлама камолга етиши учун педагогика фани шахс ривожла-нишининг умумий қонуниятларини, унга таҳсир этадиган омилларни, ривожланиш жараёнига алоқадор босқичларни аниқлаши керак. Шунингдек, бола шахсининг ривожланишида фаолиятининг ўрни ва аҳамиятини ҳам ўрганиши лоэим.

Биз юқорида «ривожланиш» тушунчасини жуда кўп ишлатдик. Энди ушбу тушунчага атрофлича ёндошиб, таҳриф беришга ҳара-кат қиласлий. Одам биологик мавжудот саналади, табиий, биоло-гик ва ижтимоий қонушмтларга бевосита бўйсунади.

Бошқача қилиб айтганда, шахс, инсон тирик организмидир, шу сабабли унинг ҳаёти биологиянинг умумий қонунларига, ёшлар анатомияси ва физиологиясининг маҳсус қонунларига бўйсuna-ди. Булардан ташқари одамнинг комил инсон бўлиб етишувида аниқ мақсад асосида ташкил этилган хатти-харакат, ироди сифат-ларининг камол топиши асосида айрим нуқсонларнинг бартараф этилиши қийинчиликларнн енгиб ўтишга бўлган ишончи ҳам му-ҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, ҳаёти давомида инсон жисмоний ва психик жиҳатдан ўзгариб боради. Лекин болалик, ўсмирилик ва ўспиринлик дав-рида ривожланиш ниҳоятда кучли бўлади.

Бола мана шу йилларда ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан ўсиши, ўзгариши туфайли шахс сифатида камолга етади, бунда берилаётган тарбия мақсадга мувофиқ тағсир этиши натижасида бола жамият аҳзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар системасида ўзига муносиб ўрин эгаллайди.

Анатомик ва физиологик характердаги ўзгаришлар жисмоний ривожланишга тааллуқлидир. Одам бўйининг ўсиши, гавда оғир-лигининг ортиб бориши, гавда тузилишининг ўзгариши, қон бо-сими, ўпка сифими, таянч-харакат аппаратининг хрлати ва бошқа-лар жисмоний ривожланиш кўрсаткичларидир.

Тепмераментни ўрганиш методикаси. Темперамент формуласи.

Темпераментни ўрганишнинг жуда кўп хилма-хил методлари мавжуд. «Знание — сила» ойномасида (1971 йилги 1-сон, 54-бет) А.Белов тавсифлаган методни таклиф қиласиз. Муаллиф тэмперамент «паспортини» тўлдиришни, кейин эса анча оддий математик ишлов бериш йўли билан темперамент формуласини чиқаришни таклиф этади. «Паспорт»ни тўлдиришда нима деб жавоб беришни, сиз одатда ҳар куни (қандайдир алоҳида, фавқулодда ҳолларда эмас) ўзингизни қандай тутишингизни ҳисобга олиш керак.

... ШУНДАЙ ҚИЛИБ:

1) Агар сиз...

- A) Сабрсиз, ҳовлиқма бўлсангиз;
- B) Қувоноқ ва хушчақчақ бўлсангиз;
- C) Босиқ ва совуққон бўлсангиз;
- D) Уятчан ва тортинчоқ бўлсангиз;

2) Агар сиз...

- A) Енгилтабиат, сержаҳл бўлсангиз;
- B) Ғайратли ва ишchan бўлсангиз;
- C) Ишларда событқадам ва мулоҳазали бўлсангиз;
- D) Янги вазиятда ўзингизни йўқотиб қўйсангиз;

3) Агар сиз...

- A) Бетоқат бўлсангиз;
- B) Кўпинча бошланган ишни охирига етказмасангиз;
- C) Эҳтиёткор ва андишали бўлсангиз;
- D) Нотаниш кишилар билан алоқа ўрнатишда қийналсангиз;

4) Агар сиз...

- A) Одамлар билан муносабатда кескин ва ростгўй бўлсангиз;
- B) Ўзингизга ортиқча баҳо беришга мойил бўлсангиз;

- C) Күтишга қодир бўлсангиз;
- D) Ўз кучингизга ишонмасангиз;

5) Агар сиз...

- A) Қатҳиятли ва ташаббускор бўлсангиз;
- B) Янгиликни тезда илғаб, қабул қилишга қодир бўлсангиз;
- C) Камгап ва бекорга гапиравериши истамасангиз;
- D) Ёлғизликка осон кўниксангиз;

6) Агар сиз...

- A) Қайсар бўлсангиз;
- B) Қизиқишлиар ва майлларда тутуруқсиз бўлсангиз;
- C) Осойишта, бир маромдаги, ҳис-ҳаяжони яққол ифодаланмаган, ҳаракат ва мимикага бой бўлмаган нутққа эга бўлсангиз;
- D) Муваффақиятсизликда ўзингизни эзилган ва бетоқат сезсангиз;

7) Агар сиз...

- A) Тортишувда топқир бўлсангиз;
- B) Муваффақиятсизликлар ва ноқулайликларни осон кечирсангиз;
- C) Вазмин ва сабр-тоқатли бўлсангаз;
- D) Ўзингиз билан ўзингиз овора бўлишга мойил бўлсангиз;

8) Агар сиз...

- A) Тиришқоқлик билан ишласангиз;
- B) Турли шароитларга осон мувофиқлашсангиз;
- C) Бошланган ишни охиригача етказсангиз;
- D) Тезда чарчаб қолсангаз;

9) Агар сиз...

- A) Таваккал қилишга мойил бўлсангиз;
- B) Ҳар қандай ишга зўр қизиқиш билан киришсангиз;

- C) Кучингизни бекорга сарфламасангиз;
- D) Нутқингиз секин, заиф, баҳзан пицирлаш даражасига тушиб қолса;

10) Агар сиз...

- A) Кексиз ва аразламайдиган бўлсангиз;
- B) Агар иш сизни ҳизиқтирмай қўйса, дарҳол хафсалангаз пир бўлса;
- C) Вужудга келган ҳаёт тартибига, ишдаги системага қатгий риоя қиласангиз;
- D) Суҳбатдошингиз характеристига беихтиёр мослашсангиз;

11) Агар сиз...

- A) Тез, эҳтиросли, пойма-пой нутққа эга бўлсангиз;
- B) Янги ишга тез киришиб кетсангиз ва бир ишдан иккинчисига тезда қўшилиб кетсангиз;
- C) Тутоқиб кетишдан осонгина ўзингизни тийсангиз;
- D) Ҳиссиётга берилувчан бўлсангиз;

12) Агар сиз...

- A) Бетайин ва қизиққонликка мойил бўлсангиз;
- B) Бир хил, кундалик, сермехнат иш билан банд бўлсангиз;
- C) Маҳқуллаш ва танбеҳлардан кам таҳсирлансангиз;
- D) Маҳқуллаш ва танбеҳга ниҳоятда таҳсирчан бўлсангиз;

13) Агар сиз...

- A) Тажовузкор, уришқоқ бўлсангиз;
- B) Дилкаш ва меҳрибон бўлсангаз, ўзингиз учун янги бўлган кишилар билан муомала қилишда тортинмасангиз;
- C) Мулойим бўлсангиз, ўз шаҳнингизга айтилган қалтис ҳазилларга кечиравчан муносабатда бўлсангиз;
- D) Ўзингизга ва атрофдагиларга юксак талаблар қўйсангиз;

14) Агар сиз...

- A) Камчиликларга тоқатсиз бўлсангиз;
- B) Бардошли ва ишchan бўлсангиз;
- C) Ўз муносабат ва қизиқишиларингизда барқарор бўлсангиз;
- D) Шубҳа билан қарашга, бадгумонликка мойил бўлсангиз;

15) Агар сиз...

- A) Ифодали имо-ишорага эга бўлсангиз;
- B) Жонли имо-ишоралар, ифодали мимика билан ажралиб турдиган аниқ, тез ва баланд овозли нутққа эга бўлсангиз;
- C) Ишга бафуржা киришсангиз ва бир ишдан иккинчисига секинлик билан ўтсангиз;
- D) Ҳаддан ташқари таҳсирланувчан ва азобланувчан бўлсангиз;

16) Агар сиз...

- A) Тез харакат ҳилишга ва ҳал этишга қобилиятли бўлсангиз;
- B) Кутилмаган, мураккаб вазиятда ўзингизни йўқотмасангиз;
- C) Ҳаммага бир хилда муносабатда бўлсангиз;
- D) Ҳаддан ташқари аразгўй(салга хафа бўладиган) бўлсангиз;

17) Агар сиз...

- A) Янгаликка тинимсиз интилсангиз;
- B) Ҳамиша қувноқ кайфият билан ажралиб турсангиз;
- C) Барча соҳада пухталик ва тарбияни ёқтирангиз;
- D) Ичингиздагини ҳеч кимга айтмайдиган ва одамови бўлсангиз, ўз фикрларингизни ҳеч ким билан баҳам кўрмасангиз;

18) Агар сиз...

- A) Кескин, шиддатли харакат қилсангиз;
- B) Тезда ухлаб ва тезда уйғонсангиз;
- C) Янги шароитга, қийинчиликка мослашсангиз;

D) Камҳаракат ва журҳатсиз бўлсангиз;

19) Агар сиз...

A) Қўйилган мақсадга эришишда қатғиятли бўлсангиз;

B) Кўпинча фикрингизни бир жойга тўплаб ололмай, бир тўхтамга келишда шошма-шошарлик қилсангиз;

C) Ўзингизни тута билсангаз;

D) Гап қайтармай бўйсунувчан бўлсангиз;

20) Агар сиз...

A) Кайфиятингиз тез-тез ўзгариб туришига мойил бўлсангиз

B) Баҳзан юзада юришга, турли нарсаларга чалғишига мойил бўлсангиз,

C) Босик бўлсангиз

D) Атрофдагиларнинг хайриҳоҳлиги ва ёрдамини қўзгатишга интилсангаз;

Булар сизнинг ўз-ўзингизга берган субҳектив баҳоингиз эканлигани унутманг.

Темперамент «паспорти»да сиз ижобий жавоб берадиган сифатларни (қ) белгиси билан қайд қилинг. Агар у ёки бу типдаги темперамент «паспорти»даги ижобий жавобларнинг миқдори 16—20 тани ташкил этса, сизда темпераментнинг мазкур типига хос белгилар яққол ифодаланганлиги маҳлум бўлади. Борди-ю, ижобий жавоблар 11—15 та бўлса, демак сизга мазкур темпсраментнинг сифатлари муайян даражада хос ҳисобланади. Агар ижобий жавоблар 6—10 тадан ошмаса, сизда мазкур типдаги темперамент сифатлари жуда оз даражада мавжуд бўлади.

Энди темперамент формуласини аниқланг:

$$T_{\Phi} = X \left(\frac{Ax}{\Phi} \times 100\% \right) + C \left(\frac{Ac}{A} \times 100\% \right) + \Phi \left(\frac{A\phi}{A} \times 100\% \right) + M \left(\frac{MA}{A} \times 100\% \right)$$

Бунда;

T_{Φ} — темперамент формуласи;

X — холерик темперамент;

C — сангвиник темперамент;

Ф — флегматик темперамент;

М — меланхолик темперамент;

А — барча типлар бўйича плюсларнинг умумий сони;

А_x — холерик «паспорти»даги плюслар сони;

Ас — сангвиник «паспорти»даги плюсларнинг умумий сони;

Аф — флегматик «паспорти»даги плюсларнинг умумий сони;

МА — меланхолик «паспорти»даги плюсларнинг умумий сони.

Пировардида темперамент формуласи, жумладан, қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Т_Ф -35%Х қ 30%C қ 14%Ф қ 21% М.

Бу — мазкур темпераментнинг 35 фоизи холерик, 30 фоизи сангвиник, 14 фоизи флегматик ва 21 фоизи меланхолик эканлигани билдиради.

Агар темпераментнинг қандайдир бир типи бўйича ижобий жавобларнинг сонига оид нисбий натижа 40 фоиз ва ундан юқори бўлса, сизда темпераментнинг мазкур типи устун даражада эканлигани билдиради. Агар бу натижа 30—39 фоизни ташкил этса, у ҳолда мазкур типнинг сифатлари анча яққол ифодаланган бўлади. Агар натижа 20—29 фоизни ташкил этса, мазкур типнинг сифатлари ўртacha ифодаланган бўлади. Натижа 10—19 фоизни кўрсатса, темпераментнинг бу типига хос хусусиятлар оз даражада ифодаланган, деб айтиш мумкин.

Кўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмуни. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ар1, Ар4, Ax1, Ax2, Ax3, A1, A3, A5, A6, Ак1, Ак2, Ак5.

18-маъруза: Педагогик технологияларнинг илмий асослари.

РЕЖА:

1. Педагогик технологияларнинг аспектлари.
2. Педагогик технологиялар даражалари.
3. Педагогик технологияларнинг таркибий тузилиши.
4. Педагогик технологияларга қўйиладиган талаблар.

ПТ – педагогик фанлардан бири.

1) ПТ – маълумотни ишлаб чиқиш, намоиш этиш, тасаввур қилиш, ўзгартириш усул ва воситалари йифиндиси;

2) Ўқитувчининг ўқувчиларга педагогик жараён давомида зарур техник ва ахборот воситалари орқали таъсир кўрсатиш йўллари ъакидаги фан.

Педагогик маҳорат қуидагилардан намоён бўлади:

- 1) Зарур маълумот танлаш.
- 2) Оптимал усуллардан фойдаланиш.
- 3) Оптимал воситалар ишлатиши.

Таълим технологияси бу тизимли категория ва унинг **таркибий қисмлари** қуидаги

- 1) *Таълим мақсади.*
- 2) *Таълим мазмуни.*
- 3) *Педагогик мулоқот (ўзаро таъсир) воситалари.*
- 4) *Таълим жараёнини ташкилланиши.*
- 5) *Ўқитувчи, ўқувчи.*
- 6) *Фаолият натижаси.*

ПТ – таълим беришнинг самарали йўлларини ўрганувчи фан. ПТ – таълимда ишлатиладиган усуллар, тамоиллар тизими.

ПТ – кечаётган реал ПЖ

ПТ манбаси бўлиб педагогика, психология, социология фанлари нотуқлари, илғор педагогик тажриба, энтопедагогика ўтган асрлар давомида яратилган барча эътиборга лойик ютуқлар.

Хар хил бажарувчилар қўлидан турли технологиялар турлича кўринишга эга бўлади. Бу ерда педагог шахси сифатлари, ўқувчиларнинг ўзига хосликлари, синфдаги психологик мухит ва кайфият рол ўйнайди. Бир хил технологияни қўллаётган икити ўқитувчи етишган натижа бир хил бўлмаслиги мумкин, лекин улар бир бирига яқин бўлади. Демак, технология шахс томондан ўзлаштирилади, лекин шахс асосий аниқловчи ролини ўйнайди.

Я. А. Каменский мактабни типография билан солиштирган: «Типография ишчилари китоб яратиб қандай воситалар билан фойдаланса, шундай воситалар билан ўқитувчи хам таълим жараёнида фойдаланади» - деган эди у.

Шундай қилиб у оқимли ишлаб чиқариш тамойилига асосланган технология яратди. Ушбу технология элементлари бу: 1) Мактаб хәстини синф-дарс асосида ташкиллаш.

2) фанларни алохидә ўқитиш.

3) таълим мазмунини етказишнинг маълум қоидаларга асосланган (кўрсатмалилик, тизимилилик, навбат ва бошқалар)

1) И. Т. Пестелоцци ўз ютуғи деб хар қандай педагог хар қандай ўқувчини тарбиялай оладиган механизм яратиш деб билган.

2) Ижод педагогикаси технологияни тан олмаган «шахслар нечта бўлса, уларни тарбиялаш воситаси хам шунча». – деган улар.

Муаммоли савол: хар икала концепцияга далил келтиринг ва сиз тўғри деб хисоблаган нуқтаи назарни аниқланг.

XX асрни 20 йилларида педагогика тарихи борасида қата ишлар олиб борилди – педагогика фани ривожланди.

1) бола ривожланишига таъсир этувчи майший, табиий, иштимоий, маданий факторларни ўрганиб чиқиши.

2) Табиат, меҳнат иштимоий муносабатлар дунёсиага олиб кириш билан болани тасаввурини бойитиш ва ривожлантириш (оила, қишлоқ, мамлакат, дунё)

3) Хаётни ўзгартириш меҳнат орқали шахсий шароитларни, мухитни ўзгартириш.

XX аср 90 йилларида бошқа туқтаи назар шаклланди (В. С. Виготский, С. Л. Рубинштейн) ғояси тобора ривожланиш фақат ва фақат таълим тарбия таъсирида рўй беради.


А. С. Макоренко технологияси. Жамоада тарбиялаш.

Кўп технологиялар уларни яратган шахс номини олган ва унинг ўлими билан сўнган, лекин ктта кучга эга бўлганлари бошиданоқ объективлаштирилган.

Анъанавий ўқитиш технологияси. Масалан: нимага айнан XIX аср охири ва XX аср боши педагогик технология яратиш даври бўлди.

Педагогик тизим ва ундаги бугунги ўзгаришлар.

Педагогик жараён педагогик тизимда бўлиб ўтади. Педагогик тизим бир неча таркибий қисмдан иборат бўлиб улар ўртасидаги боғлиқлик жуда мустахкам.



Ушбу тузумда мақсад ва натижа бир бирига қиёсланади ва уларни максимал даражада мос тушиши ПЖ-ни самаралилигидан далолат беради.

Технология контракт мавжуд бўлган шароитдан келиб чиққат холда лойихалаштирилади.

Технолог яхши маълум бўлган, исботланган далилларга таянади. У эксперимент ўtkазиш билан шуғилланмайди, аксинча олдиндан белгиланган натажа асосида иш олиб боради. Технологияни бирор – бир қисмидан воскеча олмаймиз – бу тузумни ортиқча ўзи йўқ.

Хар бир П Тизимнинг мақсади самаралиги 100%, бундай натижага яқинлашиш учун албатта қўйилган мақсадлар билим олувчиларнинг ривожланиш соҳасидаги яқинроқ бўлган мақсадлар бўлиши шарт.

П Тизимни самарасини оширишни икки йўли бор: интексив ва экстенсив. Интексив ривожланиш П тизимининг ички имкониятларидан фойдаланган холда амалга оширилади. Экстенсив эса, қўшимча пул сарфлашни тақазо этиш.

Қайси муаммолар қўпроқ инновациялар обьектига айланади? 1) (қандай қилиб) ўқиши мотивициясини ошириш; 2) дарсга ажратилган вақт ичидаги қандай қилиб қўпроқ материалларни ўзлаштириш; 3) таълим «тезлигини» ошириш; 4) вақт йўқотишлардан хам бўлиш ва хаказо.

П. Тизимидағи инновациялар йұналиши.

1. Умуман П Тизим
2. Ўқув юртлари
3. Педагогик назария
4. Ўқитувчи
5. Билим олувчилар
6. Педагогик технология
7. Мазмун
8. Шакл, усул, восита
9. Бошқарув
10. Мақсад ва натижалар

Иновацион үқув юртлари деб, үз фаорлиятiga янгиликлар киритаётган үқув юртлари номланади.

П Т-лар деганда Я. А. Коменский фаолиятидан бошлашимиз мүмкін.

Мактаб – устахона, жохли типография. Ўқитувчи бола тарбиясида босмахона ишчиси туфайли иш олиб беради, ўхшаш воситалар ишлатади. Таълим асоси – вақт, фанлар ва усулларни оптималь режалаштириш. Я. А. Каменский технологиясига оқимли ишлаб чиқариш тизим тамойилига асосланған.

Асосий тарбиявий қисмлари:

- мактаб хаётини синф, дарс тизимида асослантириш.
- таълимнинг фанлар тизими орқали бериш.
- үқув мазмунни етказишга бўлган бир неча қоидалар (кўрсатмалилик, тизимилилиқ, кетма-кетлик ва хаказо)

И. Т. Песталоцци

Махсус тайёрланған ўқитувчига хар қандай үқувчини тарбиялашга имкон берувчи механизм.

Ижод педагогикаси: Линде

Бола шахси – бетакрор. Болалар сони неча бўлса, унга таъсир ўтказиш учун хам шунча тарбия воситалари, йўллари мавжуд.

«Усул – маълум шахснинг мулки.»

Л. Н. Толстой, К. А. Вентцел – шахснинг индивидуал хосликлари биринчи ўринда туради.

XX асрнинг 20 йиллари.

Педагогика фани ривожланиши (бала ривожланишининг қонуниятлари ўрганувчи фан)

1. Болани хар тамонлама ўрганиб чиқиш.
2. Болани табиат, меҳнат ва ижтиомий хаётга олиб кириш орқали уни маънан бойитиш, ривожлантириш.
3. Хаётга нисбатан фаол бўлиў – маълум ўзгартиришлар киритиш.
Болалар ижтиомий хаётда зарур кўникмаларга эга бўладилар.

М. С. – келтирилган схемага аниқловчи сўз (охирига) (диалектик ёзинг)

XX асрнинг 30 йиллари.

Л. С. Вқготский, С. А. Рубинштейн, А. Х. Леонтов (юқоридагига тескари) Бала ривожланиши фақат ва фақат ўқитиш ва тарбилаш орқали амалга оширилади.

А. С. Макаренко

Жамоа концепцияси – Болани жамоада ва жамоа орқали тарбияланиши.

Жамоа қадриятлари, унинг ўзига хослилигини шакллантириш. Бундан ташқари – моддий бойликлар яратувчи меънат фаолияти хам мухим ролғ ўйнайди. ПТ таснифига тегишли қуйидаги фикрларни шаклланишига олиб келди:

-концептуал асос ПТ ни мазмуни, педагогик жараён субектларини узаро муносабатларини фаолият турларини белгилайди.

- ПТ унинг муаллифи шахси билан узвий боғлик. Лекин технология канчалик муаллифдан объективлашган булса, шунчалик кучлидир.

- Хар бир технология тарихий ижтиомий маданий, иктисадий мухит, холат таъсирида яратилади.

М.С.XX асрнинг 20-30 йилларида талимда булиб утган янгиликлар эътиборни жалб этади. Нима учун айнан шу даврда таълимда куп кашфиётлар руй берди?

Шу давр турли йуналишлар, мактаблар, ижодий изланишлар булиб утди, Пт лар яратилди, куп тажрибалар утказилди.

ХХ асрнинг 20 йилларида С.Т.Шацкий Ушбу ажойиб педагогик қарашлари асосида «мактаб марказида китобдан олинадиган билим эмас, балки меънат фаолияти бўлиши зарур». деган фикр ётади. С.Т.Шацкий, олдга сурган шиорлар:

Болалар мактаб учун эмас, мактаб болалар учун.(м.с) **қайси фалсафий оқим гояларига яқин?** «Ўқитувчилар эътибор марказида фанларни ўтиш эмас, балки бола ҳаёти туриши керак» Педагог фаолиятини С.Т.Шацкий З этапга бўлган.

1- болани атрофлича ўрганиб чиқиш (уйда, кўчада, ъамма жойда) (**м.с) нимаси нореал?**

2- бола дуёқарашини бойитиш, уни қадрятлар тизимиғи олиб кириш.

2- олинган билимларни ҳаётий тажрибага айлантириш. Тажриба станциясида ўқувчилар картошка, редика, қизилча етиштиришган маҳсулот ишлаб чиқариш самарасина ишлаб чиқишиган, ўз ишини режалаштиришни ўрганишган (м.с) **нимага шу даврда меънат фаолиятига, айниқса қишлоқ хўжалигига катта эътибор кўрсатилган.**

Н.И.Попова тажрибаси.

Илфор рус ва чет эл ғояларини мужассамлаштирувчи Попова очган мактаб «Ҳаёт мактаби» деб номланар эди. Асосий ғоялар:

- 1 мөхнат бола тарбияси ва ривожланишининг муҳим таркибий қисми.
- 2 Таълимда изланиш усуллари ва ўйин шакллари устунлиги.
- 3) Боланинг атрофдаги ҳаёт билан узвий боғлиқлиги.

Ёз дастури ўз ичига қишлоқ хўжалик ишлари, тажриба қўйиш ва изланиш олиб боришни ўз ичига қамраб олган. Натижа табиатни англаш.

Попова технологияси асосий элементи – ўқувчи изланиш фаолиятини ташкиллаш. Бунда ўқитувчи роли – билим трансметори узатиб бекрувчи эмас, баоки болалар фаолиятини ташкилловчисидир.

Субъектив ўртасида ъамкорлик муносабатлари юзага келади.

Болалар фаолияти почта, вакзал, магазин, новойхона ва хоказоларда ўтар эди. Фаолият схемаси. Материал тўплаш. Уни таълили натижалари

Мактабнинг асосий тамойиллари ўқувчиларга ортиқча меънат юкламаслик.

Меънатнинг иккинчи босқичида ўқувчилар устахоналарда касб эгаси бўлиб етишар эдилар.

Ўқиши билан биргаликда тасвирий санъат, театр, чизмачилик, коллекциялар йиғиш, драматик санъати ривожлантирилган.

Ушбу _____ асосий қисми – ўйин фаолияти ташкиллаш: 1) эркин ўйинлар- ўйинчоқлар, _____, бекинмачоқ; 2) харакатли ўйинлар, беллашувлар, меънат фаолияти ъам ўйин элементларини ўз ичига олган. **«Бола меънатфаолиятида ўйин қанчалик кўп бўлса у шунчалик уни ҳаёти билан боғланиши кетади»** деган ғоя мавжуд эди.

«Достоевский номидаги мактаб» (ШКИД) В. Н. Сорока – Росинекий.

Тарбияси қийин бўлган етим болалар билан ишлаш тизими муалифи.
Асосий ғоя – бола ижодига текиши.

Ушбу тизим таркибий қисмлари: 1) таянч билим (хар куни 10 саотдан дарс) ва 2) ижод болалар энергияси шунга сарифланиши учун.)

С-Р болани ўз-ўзини тарбияланишига катта эътибор қаратган. У маъсус фанлар _____ яратилиши ъақида савол қўйган. Биринчи бўлиб педагог психологисини ўргангандан ва уларни шундай классифни берган:

1) назариётчилар; 2) реалистлар; 3) _____ (тадбиқчилар); 4) интуитивистлар (артистлар).

Педагогик технологияни назарий таснифи.

АТ лар классификацияси

Педагогик технология атамаси 70 – йилларда АҚШ да биринчи бор пайдо бўлди ва тез орада кўя мамлакатларда оммалашиб кетди. Чет эл адабиётида Педагогик технология аввалом бор «таълим жараёнида техник воситаларни ишлатиш» маъносини англатади.

Айнан 70 йилларда педагогикада таълим жараёни бу тўлиқ бошқарила оладиган жараён деган ғоялар шаклланди, бундан қуйидаги келиб чиқди:

таълимдаги муаммолар аниқ аниқ берилган мақсадга эга бўлган таълим жараёнини бошқариш орқали ечиш мумкин.

Шундан сўнг турли илмий журналларда педагогик технология таърифини берувчи кўп мақолалар билан чиқилди.

Педагогик технология бир неча **аспектлардан** кўриб чиқдик.

Энди хар қандай (3)педагогик технологияга қўйиладиган асосий талаблар деб тан олинаётган қоидаларни келтирамиз. Ушбу талаблар ъам рус олими Г.К.Селевко томонидан шакллантирилган.

1. *Концептуаллик*. Хар бир технология маълум бир илмий концепцияга асосланган бўлиши шарт ва Ушбу концепция ўз ичига таълим мақсадларига эришишнинг фалсафий, психологик дидактик ва ижтимоий педагогик асоси исботини ўз ичига олган бўлиши керак.

2. *Тизимилилк*. Педагогик технология тизимни барча сифатларига эга бўлиши шарт. Булар: жараённи мантиғлилиги, барча қисмларни ўзаро узвийлиги, бутунлиги.

3. *Бошқарувчанлик* мақсадни олдиндан белгилай олиш режалаштириш, таълимий жараённи лойихалаш. Хар этапни диагностика қилиш, турли усул ва воситалар ишлатиш йўли билан натижани коррекция қила олишни назарда тутади.

4. *Самаралилик*. Замонавий технологиялар конкуренция мухитида қўлланилмоқдалар ва натижалари сарфланадиган маблағлари томонидан самарали бўлишлари, таълимнинг маълум стандартига эришишни кафолатлаши шарт.

5. *Такрорлана олиши* турли ўхшаш ўқув юртларида бошқа субъектлар томонидан хам ишлата олишни назарда тутади.

ПТ классификацияси (таснифи).

Махсус адабиётларда педагогик технологиялар **классификацияси** берилади. Умумлаштирилган холда ушбу тизимни Г.К.Селевко берган.

1. *Қўлланиши дараҷаси* (уровенр) нуқтаи назар.

(умумметодологик), (махсус услубий), (локал модулр)

2. *Фалсафий асоси:*

Материалистик, илмий гуманистик, идеалистик, диний антигуманистик ва бошқалар.

3. Шахс ривожланишига таъсир кўрсатувчи асосий деб олинган омил бўйича: биоген, социоген, психиоген, идеалистик.

Бугун шахс шаклланишига бир эмас бир неча омил таъсир кўрсатиши тан олинган. Лекин турли технологиялар омиллардан бирини устун қўяди.

4. Педагогик технологияларнинг мухим томони жараёнда таълим олувчи позицияси ва унга нисбатан таълим берувчи муносабатидир. Шу нуқтаи назардан бир неча типдаги технологиялар мавжуд.

А) *Авторитар технологиялар* ... педагог ягона фаол шахс. Ўрфиқликнинг йўқлиги, мажбурлаб ўқитиш.

Б) *Дидактоцентристик технологиялар* – бунда ўқувчи шахсига беэътиборлик, ўқитишни тарбиялашдан кўра устун қўйиш, ўқитиш воситалари шахсни шакллантирувчи асосий омил деб хисобланади.

В) *Шахсга қаратилган технологиялар*, бутун таълим тизими марказига шахсни қўядилар, унинг табиий қобилиятларини ривожлантириш, унинг ривожланиши учун хавфсиз шароитлар яратиб беришни ўз мақсади деб билади. Бу технологияларда шахс таълим тизимининг мақсади бўлиб чиқади. Бу технологиялар З га бўлиниши мумкин.

1. *Инсонпарварлик технологияси* – бошқалардан инсонпарварлик можияти, шахсга ёрдам беришга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Улар болага нисбатан ўурмат ва муҳаббат ғояларини олдга суради.

2. *Ҳамкорлик технологияси*: педагог ва ўқитувчилар ўртасида демократик муносабатларни кўллаб қувватлайдилар. Ўқитувчи ва талабалар биргаликда мақсадни, таълим мазмунини аниқлайдилар, баҳолайдилар, ўамкорликда изланадилар.

3. *Эркин тарбия технологияси* болага унинг хаётидаги маълум миқдорда мустақил танлаш учун шароит яратиб беришни назарада тутади. Шунда бола ташқи таъсир орқали эмас, балки ички туйғулардан келиб чиқсан холда мақсадга интилада.

Бугунги кунда анъанавий таълимни замонавийлаштириш йўлида биргина технологияга асосланган ўқитиш учрамайди. Одатда ўқитиш асосида бир технологиялар элементлари бир йўла қўлланилади.

Муаммо хар бир позицияни + (ижобий)ва -(салбий) томонини аниқланг.

Масалан:

1. Педагогик муносабатларни демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш. Бу йўналишга мисол қилиб Ш.А.Амонашиливли, Е.И.Илрин, Мамажонов Т ларни айтиш мумкин.

2. Ўқувчилар фаолиятини фаоллаштириш ва интенсевлаштириш асосидаги технологиялар: бу ўйин технологиялари, муаммолаи ўқитиш, таянч белгилар ёрдамида (В.Г.Шаталов технологияси).

3. Ўқув жараёни бошқарувини самарасини оширишга йўналтирилган технологиилар. Масалан: программалаштирилган ўқитиш, дифференциал ўқитиш, компьютер технологиялари.

4. Услубий ва дидактик ўзгартиришлар киритиш. Масалан: П.М. Эрдиевнинг дидактик қисмларни катталаштириш технологияси, «маданиятлар диалоги» (Л.С.Библер) ва бошқалар.

5. Халқ педагогикаси усулларини қўлловчи шахс табиатига мослаштириладиган технологиилар: Л.Толстой, М.Монтессори.

Бундан ташқари:

Олдинлаб кетиш технологияси;

Муаммо асосида қурилган технология;

Эмоционал-психологик асосга эга технология;

Муқобилликга асосланган технология; ва бошқалар.

Таълим жараёнини вазият ўйин асосида қуришни назарда тутувчи технология.

Таълим жараёнини диалог асосида тузишни назарда тутувчи технология.

Таълим жараёнини жамоада ўқитиш усули асосида ташкиллашни назарда тутувчи технология

Алгоритм асосида ташкилланган технология.

Дастурлаштирилган асосда қурулган технология.

Этнопедагогик технологиялар.

Муаммоли савол: Халқ кашф этган ўқитиш, тарбиялаш йўлларни ъам технология деб аташ мумкинми?

Ўзбек халқ педагогикасининг ўзига ҳосликлари борми ёки барча халқлар педагогикалари бир-бирини такрорлайдиларми?

Жаҳон ъамжамияти интеграллашуви халқларнинг Ўзбекистон маданиятига бўлган эътиборини тобора кучайтирмоқда. Турли маданиятларни мавжудлиги дунёни рангбаранглиги битта полимаданият таълим ъақида гапиришга имкон беради. Ушбу таълим инсонларнинг дунёқарашини бойлигини таъминлайди.

Этнопедагогик назарияларнинг тахлили одам ўзини дунё, умуминсоний, маданият билан таққослагунча, бошқа маданият «тили» ни ўргангунича у ўз миллати, маданияти билан танишиб чиқиши зарур. Фақат таълим гуманизацияланиши этномаданий кўпфиркилийкни шакллантиришга имкон яратади. Кўп урушлар мусибатлари таъсирида инсоният шундай фикр ишлаб чиқди. Маданият бу техникавий прогресс, танқ, самолёт ва узоқса учадиган ракета эмас, бу цивилизацияларда минг йилликлар ичida пайдо бўлаётган ва ривожланаётган маънавият инсон ъуқуқини аниқловчи йўриқномаларни ривожланиш даражасидир.

М.С. Этнопедагогика ва шу кунгача сиз таниш бўлган педагогик фанларни фарқи нимада?

Талимни халқ педагогикасига асослаб ташкиллаш жуда қийин жараён ва унинг механизмларидан бирдан-бири бу таълим тизимида халқ томонидан яратилган жамоа арзосини тарбиялаш усул ва услубларни қўллаш. Бу ижтимоий тажриба, жамоада тутиш қоидалари, анъанавий ҳаёт тарзи ва миллий маънавиятни авлоддан авлодга ўтишидир.

Ушбу педагогика миллий характер ъусусиятларини тарбия жараёнига бўлган қарашларини инобатга олади. Бу ғоялар аниқ шаклланган педагогик тизим кўринишига эга эмас. Улар тарбия тизимига халқ манфаатлари учун муҳим бўлган муаммоларни ечимида иштирок этадилар. Яъни халқ педагогикаси функцияси амалий тарбия масалаларини ечишда кўринади. ва одамлар онгига ақлий, маънавий экологик, эстетик, жисмоний, маданиятни турли жихатларини кириб боришига ёрдам беради.

М.С. Ўзбек халқ педагогикасини ўзига хос жихатлари деб қайсиларини биласиз?

Масалан: Ўзбек ва Кавказ халқларида ёши катталарга хурмат тарзида бўлиш одат тусига кирган бўлиб, шу кунгача ъам тарбияда муҳим ролр ўйнайди. Ушбу халқларга бошқа миллатларга бўлган толерантлик хос.

Инсонла доимо бир-бирларини тарбиялаб келадилар... Бу жараён уларнинг ҳар хатти харакатида намоён бўлади:xo у саволга жавоб бўлсин, xo

сўзлаш оъянги, табассум ёки жиддий қараш, кириб келиш ёки чиқиб кетиш, илтимос ёки талаб, мулоқатга киришганда ёки орани очик қилганда – деган эди бир донишманд. Шу жумладан инсонлар ўртасидаги барча ранг-баранг муносабарлар мужассам.

Ушбу муносабатлар халқ ижодиётида табиий равишида акс этган. Ушбу маданият қатламида ҳар бир инсон ва ҳар бир оилани маънавий баркамоллиги изохланади. Масалан барча халқларда эр-хотинни ўзаро муносабатлари мустахкам бўлиши мумкинлигини таъкидловчи мақоллар бор. Кўп мақоллар оила аъзоларини вазифаларни аниқлаб беради. Фолклор аёл кишига нисбатан яхши муносабатда бўлишни, хақиқатга интилишни ростгўйлик олий сифатлар деб ифодалайди. виждан ва номус ъақидаги моқоллар ъам фолклорни жуда катта қатламини ташкиллайди.

Шахсан ижобий фазилатларини шакллантириш халқ ижодиётини етакловчи мавзулардан бири:

«Кимки мени мақтаса ўша менинг душманим» (Корейс мақоли) «Мақталгандан, ёмонлангандан кўра узоқроқ юр» (Рус мақоли), «Кимдаки камчиликлар кўп бўлса, ўша бошқаларда ъам ларни тез топа олади».

Дунёнинг барча халқарида бола тарбияси билан буви ва боболар шуғулланиб келишган Шунинг учун ъам қарияларни жамиятда тутган ўрни мусилмонларда ъам, християнлар ъам, буддистлар ва яъудийларда жуда юқори. Барча динларда маънавий қадриятларни умумий тамойиллари ва тизими мавжуд ва улар бир-бирларига ўхшаб кетади, шунинг учун биз умуминсоний идеаллар ъақида гапиришимиз мумкин. Мисол учун олтида дунё динлари томонидан эътироф этиладиган бир «Олтин қоида»ни келтирамиз:

Буддизм: Ўзинг ёмонлик деб билган нарсани бошқаларга қилма.

Индуализм: Сенга оғриқ келтирадиган нарсани бошқаларга хам қилма.

Яқудилик: Ўзинг ёмон кўрган нарсани бршқага ъам қилма.

Даосизм: Яқин инсонингни ютуғини ўзингни ютуғинг деб, йўқотишини ўзингни йўқотишинг деб бил.

Ислом: Ўзигараво кўрган нарсани укаси ёки синглисигараво кўрмаган инсонин эътиқодли инсон деб бўлмайди.

Христиан дини: Сенга қандай муносабатда бўлишларини истасанг, бошқаларга ъам шундай муносабатда бўлгин.

Ўсиб келаётган авлодни бошқа миллатларга нисбатан томрантлик рухида тарбиялаш саёрамизни эртанги кунини тинч, барқарор бўлишини таъминлайди. Ушбу тарбияда меҳмондўстлик одатига ўргатиш муҳим ўрин тутади. Ўзбек ъалқида бу анъана жуда ривожланган. Меъмондўстлик турли

халқлар ўртасида муносабатларни ўрнатишда ёрдам берган бу ахоқалар эса мулокатда бўлган халқларни тарақий этишига олиб келган.

БМТ ва ЮНЕСКО XXI асрни биринчи ўн йиллигини Голерантлик ўн йиллиги деб эълон қилишди.

Масалан: чечен мақолида «Ақлли одамга бутун дунё Ватандир дейилади» Мана бу эса осетик мақоллари: «Дунёни эмас унда мавжуд бўлган барча билимларни запт этишга интил», «Кимки ўз халқини яхши кўрмаса бошқа халқни ъам яхши кўрмайди», яъудийлар мақоли «Ким қаърамон? Душманини дўстга айлантираган қахрамон»

Олимлар XX аср охирларидағина тинчлик ва зўравонсизлик концепцияларини ишлаб чиқсан бўлсалар бу ғоялар халқларда минг йиллардан бери яшаб келмоқда.

Болаларни толерантлик руҳида тарбиялаш учун тажриба сифатида Россияда маъсус боғча ва мактаблар очилди. Унда 32 та миллат вакиллари таълим оладилар. Ушбу мактаб ўкув режасига регионал (ъудудий) курслар киритилган. Унда турли халқлар маданияти билан боғлиқ бўлган маълумотлардан фойдаланилган.

Дарсдан ташқари вақтда турли тадбирлар ўтказилади, масалан: миллий таомларкўриги, миллий санъатлар фестивали, миллат ъафтаси ва ъ.к.

Натижада мактабда сўнги 8 йил ичидаги бирор бир миллатлараро конфликт бўлмади. Психологик-педагогик диагностика эса болаларда толерантлик индексини юқори даражада эканлигини кўрсатди.

Қўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмуни. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ар1, Ар4, Ax1, Ax2, Ax3, A1, A3, A5, A6, Ак1, Ак2, Ак5.

19-маъруза: Хозирги замон анъанавий таълими.

РЕЖА

1. Анъанавий таълимнинг тамойиллари, мазмуни.
2. Анъанавий таълим усулларининг ўусусиятлари.
3. Анъанавий таълим шаклларининг ижобий ва салбий томонлари.

Мавзуда педагогик технологиялар тушунчаси ва унинг аспектлари: илмий, жараёнли – ифодавий (ифода этиш, ўқув жараёни алгоритими), жараёнли – амалий (ўқув жараёнини амалга ошириш).

Педагогик технологиялар даражалари; умумпедагогик (умумдидактик), хусусий методик (предметли), локалр (модули).

Педагогик технологияларнинг таркибий тузилиши; концептуалр асоси, мазмунли яхлит, процессуалр қисми – технологик жараён. Педагогик технологияларга қўйиладиган талаблар (технологик курсаткичлари); тизимлийлик, бошқаручанлик, самаралилик, кайта тақорлаш.

Педагогик технологияларнинг илмий асослари; материалистик ва идеалистик, диалектик ва методик, илмий ва диний, инсонпарварлик ва инсонпарварликка қарши прогматик ва экстенсиялистик, эркин тарбиялаш ва мажбураш назариаси ва бошқалар ёритилган.

Мавзуда кўриладиган масалаларнинг қисқача мазмуни (аннотация):

Мавзуда анъанавий синф – дарс технологиясининг фарқланиш белгилари, анъанавий таълимнинг классификацион тамойиллари, анъанавий таълимнинг принциплари, анъанавий таълим мазмуни ва методикаси хусусиятлари, таълимнинг анъанавий шаклининг ижобий ва салбий томонлари ёритиб берилган.

Мақсадлар каталоги - талаба бу мавзуни тўла ўзлаштиргандан сўнг:

Анъанавий синф – дарс технологияси энг аввало ўзининг авторитар характерга эга эканлиги билан ажралиб туради.

“Авторитар педагогика”нинг яроқсиз томонлари нимадан иборат эди? деган саволга Ўзбекистон Миллий Университети хузуридаги Олий педагогика институтининг “Олий таълим педагогикаси” кафедраси мудири,

ЎзПФИТИнинг “Янги педагогик технологиялар илмий асослари” лабораторияси раҳбари Нурали Сайидахмедов қуидагича жавоб беради:

- Шўро давлатига хизмат қилиб келган педагогикага объектив баҳо бермасдан туриб янги аср педагогикаси ҳақида фикр юритиш мутлоқо мумкин эмас. Педагогика инсон фаолияти билан шуғулланувчи соҳа сифатида ўз тузилмасида жараённинг субъект ва объектларини қамраб олади. Анъанавий “субъект-объект” педагогикасида ўқувчи объект ҳисобланиб, ўқитувчи унга тажриба узатар эди. Замонавий педагогика, кўпроқ, болага ўқув фаолиятининг субъекти сифатида, ўз-ўзини бошқарадиган ва ўзини намойиш этишга интилаётган шахс сифатида мурожаат қилмоқда. Анъанавий педагогика хусусида матбуотда, диссертацияларда баъзи бир танқидий мулоҳазалар билдирилмоқда. Бизнингча, авторитар педагогиканинг ҳақиқий “қиёфа”сини очиш уни педагогик тизим нуқтаи назардан батафсил таҳлил этиш керак бўлади. Чунки, XXI асрда таълим-тарбияни ҳаракатга келтирувчи куч ўзида аниқ дидактик масалаларни ифодалаган ва уларни ҳал этиш технологияларини бириктирган педагогик тизим ҳисобланади. Энди табиий ҳолда савол туғилади:

Педагогик тизим нима?

Педагогик тизим деганда, ўқувчи (талаба)ларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини шакллантиришга мақсадли педагогик таъсир этишни юзага келтира оладиган воситалар, методлар, жараёнларнинг ўзаро боғлиқ мажмуаси тушунилади. Ҳар қандай истиқболли педагогик инновацияга баҳо беришда тизимли ёндашилгандагина ўзининг объектив баҳосини олиши мумкин. Келинг, энди анъанавий педагогика фаннинг асосий масалаларини педагогик тизим ёрдамида қиёслашга киришайлик.

Биринчидан, совет педагогикасида таълим-тарбия мақсади ҳар бир ўқувчи шахсини ҳар томонлама ва гармоник ривожлантириш, мазмунан эса кўпроқ фан асослари бўйича билимлар тизимини шакллантиришдан иборат эди. Афсуски, “ҳар томонлама ривожлантириш”, деклорация, чақириқ эди, холос. Унинг қисқача моҳияти: техникавий тараққиёт давомида инсоннинг меҳнат фаолияти ўзгариб туради, шу боисдан, кенг умумий ва политехник таълимни бундай ўзгаришлар асоси сифатида жорий этиш зуруратга айланган эди. Бугун ҳаётнинг ўзи гувоҳлик бераяптики, техник тараққиёт мумкин қадар юқори касбий маҳорат даражасини тақозо этади. Унга эришиш учун маълум меҳнат тури доирасида фаолиятни мақсадли йўналтиришни талаб этяпти, доимий ўрин алмаштиришни эмас.

Иккинчидан, таълим мазмуни анъанавий педагогикада технократик характерга эга эди, ўқувчи маънавиятини, унинг ички дунёсини шакллантиришга эътибор деярли қаратилмас эди. Таълим мазмунни режалаштирилган, марказлаштирилган, собиқ совет давлати бўйича ягона базисли ўқув режалари ишлаб чиқилар ва жорий этилар эди. ўқув предметлари мустаҳкам “хитой девори”дан қалъя қуриб олган, ўқувчи унинг ичидаги (фақат ичидаги) ҳаракатланиши мумкин эди.

Бутун таълим-тарбия мазмуни умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида қайта ишланмоғи, миллий истиқолол мағкураси сингдирилмоғи, жамиятимиздаги ижтимоий-иктисодий, маънавий-маърифий, техник-технология ютуқларини мужассамлаштиromoғи лозим. Шу билан биргалиқда тарбия мазмуни ижодий фаолият тажрибасидан, новатор-педагоглар томонидан яратилаётган илғор технологиялардан баҳра олиши шарт.

Учинчидан, авторитар ўқитиш жараёни ўртача ўзлаштирадиган ўқувчига йўналтирилган, ўқувчи фаолияти регламентлашган, назорат эса марказлаштирилган эди. Ўқувчиларда мустақиллик йўқ, ўқитувчи тайёр билимларни ўргатар, болалар уларни тўтидек такрорлар, ўқитувчилар ўқув меҳнати кучсиз мотивлашган. Янги асрда ўқитиш жараёни дидактик жараёнга айланмоғи лозим. Бошқача қилиб айтганда, илғор педагогика технологиялар ёрдамида ўқувчининг ақлий заковатини, эркин фикрлашини, мустақил фаолият кўрсатишини таъминлаши зарур. Бунинг учун ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишда интерфаол методлардан (дидактик ўйинлар, гурухларда ишлаш, дарс-аукцион, дарс-суд ва бошқа.) мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш керак бўлади.

Тўртингидан, анъанавий ўқитиш ташкилий жиъатдан XVII асрда Я.А.Коменский томонидан шаклланган синф-дарс тизимиға бўйсунади ва ҳозир ҳам таълимнинг бу шакли жаҳон мактабларида устуворлик касб этиб турибди. Унинг ўзига хос атрибуллари:

- бир хил ёшдаги болалар синфини ташкил этади, бутун синф дарс жадвалига биноан, ягона йиллик режа ва дастур бўйича ишлайди. Оқибатда ўқувчилар йил давомида олдиндан аниқланган кун соатлар бўйича мактабга келиб кетаверади;
- ягона машғулот тури – дарс ҳисобланади;
- дарс бир ўқув предмети мавзусига бағишлиланганлиги сабабли синф ўқувчиларининг барчаси бир хил материал билан иш кўрадилар;
- ўқитувчи дарсда ўқувчилар фаолиятини тўлиқ бошқаради;
- ўқувчининг китобдан фойдаланиши, асосан, уй топишриқларини бажаришда амалга оширилади.

Шундай қилиб, дарс-синф тизимининг қонуниятлари маҳсус адабиётларда тўлиқ ёритилган: ўқув йили, ўқув куни, дарс жадвали, ўқув таътили, танаффус ёки дарслар ўртасидаги дам олиш.

Учинчи минг йилликда ўқитиш, (тарбиялаш)нинг ташкилий шакллари ривожланган давлатлар тажрибалари асосида такомиллаштирилиши лозим: дидактик бирликларни йириклиштириш, ўқитиш натижаларини олдиндан белгилаш, режалаштириш, таълим жараёнини психологиялаштириш, компртерлаштиришга эътибор қаратилади. Ана шу йўналишлар аниқ таълим-тарбия мақсадини ечишга қаратилган ҳолда яхлитлаштирилса, бу амал натижасида кучли технология вужудга келади. Бу технология интеграл технология деб аталади.

Интеграл технологиялар учун янги машғулот шакли – семинар – практикум яратилади. Унинг мазмуни: машғулотни ўтказиш учун ўқувчи (талаба)лар кичик гуруҳларга бирлашади ва ҳар бир гуруҳ чегараланган вақт давомида бажара оладиган топшириқлар олади. Ана шу топшириқни бажаришга киришадилар ва бунда таълим-тарбия жараёни обьектини тўғри танлаш жиддий аҳамият касб этади. Объект обдон тадқиқ қилингач, натижалар бўйича кичик гуруҳлар хисоб берадилар, яъни машғулот “публик ҳимоя” кўринишида ташкил этилади. қарабсизки, ўқувчилар ўз-ўзини ўқитиш, баҳс, мунозара, мавқеини мустахкамлаш орқали мавзуни чукур ўрганадилар ва шу тарзда якуний натижа таъминланади.

Бешинчидан, анъанавий таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчининг тутган ўрни қўйидагicha: ўқувчи-тарбиявий (таълимий) таъсирга бўйсунувчи обьект, ўқувчи – етилмаган шахс, ўқувчи – бурма винт, хоҳлаганча бураш мумкин, ўқувчи – аскар. ўқитувчи – командир, ягона ташаббускор шахс, судря (ҳар доим ҳақ.) унинг куроли – ёзма ва оғзаки нутқларга асосланган субъектив (5 балл) баҳо.

Янги минг йилликда педагогик тизим иштирокчилари – ўқитувчи ва ўқувчи (талаба) фаолиятини “субъект” қонуниятлари асосида ташкил этиш таълимда кўзланган натижани кафолатлайди, яъни ҳамкорлиқдаги педагогика “иш”га тўлиқ тушади: таълим-тарбия мазмуни энг сўнгги инновацион жараёнлар билан таъминланиб боради. Педагогик жараён марказида ўз имкониятларини тўла намойиш эта оладиган, турлича ҳаётий вазиятларда жавобгарликни ҳис этган ҳолда онгли равишда янги тажрибаларни қўллай оладиган яхлит шахс турди. Демак, эртага “талабалар” педагогикаси “муносабатлар” айланишига шубъя йўқ.

Тажрибали педагог ушбу келтирилган замонавий технологиялар ийғиндиси билан самарали фойдалана олади, чунки уларни қўллаш турли омилларга боғлиқ.

Таълим жараёнини анъанавий технологияларга асосланган ҳолда ташкиллаш	Педагогик жараён замонавий технологиялрга асосланган ҳолда ташкиллаш.
Тарбия ўртасидаги горизантал тескари боғланиш.	
⇐ Кузатиш асосида	⇒ фаол иштирок этиш асосида
⇐ Тажриба асосида	концентуал асосида
Кетма-кетли касосида	блоклар асосида
Олдинлаб кетиш мослик	олдинлаб кетиш –II–
Тушунтириши намоиш этиши	муаммо асосида

<i>Билимлилик асосида</i>	шахсга қаратилғанлық асосида
<i>Мұқобидизлилік асосида</i>	муқобиллик асосида
<i>Монолог асосида</i>	диалог асосида
<i>Академик асосида</i>	вазият асосида

Қўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмуни. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ар1, Ар4, Ax1, Ax2, Ax3, A1, A3, A5, A6, Ак1, Ак2, Ак5.

20-маъруза: Педагогик техника ҳақида тушунча.

РЕЖА

1. Педагогик техника – ҳақида тушунча. Унинг воситаси.
2. Педагогик техника таркибий қисмлари.
3. Ўқитувчининг ўз руҳий холатини бошқариш техникаси.

Дарс- педагогик ижодкорликнинг асосий майдони. Педагогнинг асосий педагогик эҳтиёжи-ўргатиш, етказиб бериш-айнан дарсда амалга ошади. Шундай экан, дарс таҳлим жараёнини ташкил қилишга тўғри, янгича муносабат керак.

Дарс жараёнида педагог олдида муҳим бир масала туради. Ўқувчиларни билим олишга жалб қилиш, уларни олға ҳаракатлантиришdir. Бу эса педагог ва ўқувчиларни (ўзаро) биргалиқдаги меҳнатга жалб қиласди. Бунинг учун ўқитишга мажбур қилмаслик керак. Педагогик ҳамкорликнинг қарашларидан бири-дарсда ўқувчидаги қўрқувни йўқотиш, уни эркинроқ, дадилроқ қилиш, ўзини кучига ишонтириш, унга жиддий ижод қилишга қодир шахс сифатида қараш.

Дарсда аниқ мақсад ғояси. Бу-ўқувчилар билан ҳамкорлик руҳида иш олиб бориши, уларга аниқ бир мақсад қўйиб, бу мақсаднинг мураккаблигига ва буни амалга оширишга ишонтириш - уларда ўзига бўлган ишончини, аниқ, мушкул масалани ҳам еча олиш мумкунлигини шакиллантириш.

Дарс ўтиш давомида педагог шундай усуллардан фойдаланиш керакки, ўқувчилар ўзларини шахс сифатида ҳис қилишсин. Бу-ҳар бир ўқувчи ҳар бир дарсда ўзининг баҳосини олиши, масалаларни ўзи танлаб олишда намаён бўлади. Ҳар ким ўз гуруҳида ҳимоя остида, ҳечким уни шубҳа билан ҳақорат қилмайди.

Бу педагогнинг ихтисослигига, унинг қизиқувчанлигига, эҳтиёжларига, интиликуал фаолиятига боғлиқ. Албатда бунда ўрганилаётган материал мазмунини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Дарс бир нечта

омиллардан иборат. Шуларнинг асосий давлат педагогикаси томонидан қабул қилинган материал. Педагог ўкув программанинг асосий йўналишларини билиши керак. Ҳар бир дарсда 3 та масалага эҳтибор қаратиши керак. Булар;

1. Тарбиявий масалалар- педагогнинг бўлаётган масалаларга, атрофга бўлган дунёкарашини шакиллантиради. Уларда инсон парварлие, ватанпарварлик руҳини тарбиялади.

2. Илм оширадиган масалалар- ўз ичига ўкувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллаттиришини олади.

3. Билиш масалалари- ўкувчиларда ўрганилаётган материаллардан асосийини, муҳим жойларини ажратса олиш қобилиятини, ўкув фаолиятида ва фикирлашда мустақил бўлишни, ўқишда қийинчиликларни енгишни шакиллантириш.

Тажрибали педагоглар томонидан ўкувчиларнинг дарсдаги муҳим, керакли жойлари қайсилигини, қайси жойини эслаб қолиш, қайси жойидан шунчакий хабардор бўлиши кераклиги аниқланади.

Педагог томонидан дарсни ишлаб чиқиши, яхни педагог-дарснинг муаллифи. Дарснинг қандай бўлиши унинг ижоткорлигига ва маҳоратига боғлиқ. Аввало дарснинг ижодий режаси тузилади. Режа ўз ичига қўйидагиларни олади;

- ўкув дарсидан келиб чиқиб, ҳар бир мавзу материалининг мазмунини чуқур билиш;
- педагогнинг ҳаётий ва тажрибага, маҳнавий ҳолатига мос бўлишк;
- ўрганилаётган мавзунинг олдинги ўтилган, кейинги ўтилиши керак бўлган мавзуларга мос келиши;
- ҳар бир мавзунинг ўкувчилар психологиясига мослашиши мақсадга мувоффикдир.

Дарс жараёнини педагог ташкил этар экан, у ўрганишнинг самарадорлигига, ўкувчини таҳлимнинг субҳектига айлантиришга, ўкувчилар ҳам шу дарснинг ҳам муаллифлигига айлантиришга интилади.

Дарсни ишлаб чиқиши-тегишли материални ўзлаштиришнинг энг самарали усул ва воситаларни танлаш демакдир.

Шуни таҳқидлаш керакки, дарсни ишлаб чиқишида ўрганилаётган материали ўзлаштиришнинг методик уусулларини танлаш-биринчи ўринда туриш керак, кейин эса унинг бошқа кампанентлари уй вазифани текшириш мустахкамлаш методларига амал қилиш керак.

Ўқувчиларда ўрганилаётган предметга қизиқиши, уни яхши кўришини шакиллантиришига, изланувчанликка, янги билимларни очишга, муаммоли характердан масалаларни ечишга жалб қилиш мухимдир. Шундай экан, ўқитиш турли-туман бўлганда қизтқ бўлади. Бир хил ахборот ва фаолиятнинг бир хил усуллари тезгина зериктириб юборади.

Ўқитилаётган предметга қизиқиши орттириш учун, унинг умуман ёки алоҳида бўлимларда кераклиги, муҳумлиги, мақсадга мувофиқлигини англатиш керак. Янги материал қанчалик олдинги материал билан боғлиқ бўлса, у шунчалик қизиқарлироқ бўлади. Унчалик осон ёки унчалик қийин бўлмаган материал қизиқиши уйғотмайди. Ўқитиш қийин, лекин уддалаш мумкин бўладиган бўлиши керак.

Ўқувчи ишини қанчалик тез текширилиб ва баҳолаб турилса, ўқувчи учун ишлаш шунчалик қизиқарли бўлади.

Ўқув материалининг ёрқин бўлиши ўқувчиларда қизиқиши уйғотади.

Тажрибали педагоглар ўқитиш усулларини танлашда ижодий ва катта маҳсулият билан ёндашадилар. Агар гуруҳ ёш группа билан ишлаш жараёнида бир хил методлардан фойдаланиаган бўлса, тарбиялаш жараёнида ижодкорликнинг асари ҳам қолмайди.

Педагог ўқитиш жараёнида ҳар хил қизиқарли воситалар, ўйинлардан, масалалардан, мисоллардан фойдаланса мақсадга мувофик бўлади.

Ўқитиша ҳамма нарса ҳам қизиқ бўлавермайди. Шунинг учун педагог ўқувчилада ирода, қатҳиятликни шакллантириши керак.

Дарсдаги иши формаларнинг турли-туманлиги.

Тажрибали педагоглар асосий эҳтиборни маъруза-дарслар, семенар мустақил иш дарслар, конкурс-дарсларни ўтишга қаратади. Педагогнинг маҳорати шундай турлардан дарсларни ўта олиш тиҳникасида ҳам намаён бўлади.

Маъруза дарси ўқувчилар онгига, фикрлашини фаоллаштиришда катта ёрдам беради. Тажрибалар шуни кўрсатадики, маъруза бошлишида ўқитилаётган материалнинг мақсадини, нимага ўқитилаётганини тушунтириш мақсадга мувофиқдир. Кейин эса керакли билим олишда асос бўладиган принциплар, фикирни исботлаш ва қандай йўл тутиш кераклигини кўрсатади.

Шундан кейингина кўриб чиқилаётган масалани мағзи чақилади.

Маъруза дарсида педагог саволлар, диалог, тақрорлаш, таққослашлардан фойдаланилади.

Семинар дарси- ўқувчиларни юқори ақлий фаолиятини, янги билим ва кўникма олишга интилишини келиб чиқаради. Бундай педагог ностандарт усулларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Мунозара дарси - ўқувчиларни муаммоли масалалар билан тўқнаштириш ўзларининг фикирларини баён эттириш учун (ўқув) педагогдан катта маҳорат талаб этилади.

Педагог хар бир дарсни муаммоли, изланувчан, фаол бўлиши учун, ўқувчиларга савол ва топшириқлар тизимини яратади. Бу саволлар қисқа ва лўнда бўлиши керак. Бундай саволлар ўқувчиларнинг нафақат фикирлаш доираси, изланувчанлигини кенгайтиради, балки уларни ижодий қоблиятларини, ташкилотчилигини, интизомлиигини, кучайтиради.

Шундай саволларни қўллаш керакки, уларда эҳтиrozли, қарама-қаршилик томонлари бўлсин. Ўқувчи мулоҳаза юритсин. Шуни айтиш керакки, саволларнинг кўплиги ёки камлиги гурӯхдаги ўқувчиларнинг ёшга интеллектуал қобилиятига мос келиш керак.

Педагог ўзининг дарсида ўқувчиларнинг хатога йўл қўйиш мумкинлигини инобатга олиш керак. Ўзи эса саволларни тўлдириб, жавобларни хам тўла бериши керак.

Жавобларни юзаки, саёз бўлиши кейинги савол беришга бўлган ҳоҳиши сундириши мумкин, шу билан бирга ўқувчиларни фаоллиги ҳам сўнади.

Дарсдаги мустақил иш. Тажрибали педагогнинг ёш педагогдан фарқи у кам куч сарф қилиб яхши натижага эришади, чунки у ўқувчиларни мустақил билим олишга ўргатади. У шундай қоидага бўйсунади; агар материал осонроқ бўлса, у ўқувчиларга мустақил иш қилиб беради, агар қийинроқ бўлса, ўзи тушунтиради. Мустақил ишнинг кўп турларини ўқитувчилар ўқувчиларни янги билимни эгаллашга тайёрлаш учун қўллашади. Биринчи навбатта бу тақрорлаш характеристидаги ишлар. Уларга олдинги ўтилган мавзулар юзасидан масала, мисоллар, педагогнинг топшириғига асосан бирор дарсликни танлаб бериш, график ишлар, яхни схема, жадвал ва бошқалар.

Бундан ташқари мустақил ишни янги материални ўрганишда ҳам кўллаш мумкин. Биринчи ва иккинчи холатларда мустақил ишни ўқитиш жараёнига сингдириш педагог раҳбарлигига олиб борилади.

Тажрибали педагоглар ўқувчиларни дарслик билан мустақил ишлашга, конспект қилиш техникасига, ижодий ишларнинг методикасига ўргатиб бориш керак.

Тажрибали педагог дарсда, ўқувчиларнинг дарслик билан ишлаётган пайтида, тез ишлайдиган ўқувчини тўхтатмайди, секин ишлайдиган ўқувчини шошилтирмайди.

Берилган саволга тўғри жавоб берган ўқувчига кейинги саволни беради. Хатога йўл қўйган ўқувчига тезгина қўшимча топшириқ беради.

Мустақил ишни ташкил қилишда ёш педагог ўзига камроқ мажбуриятни олади. Ўқувчилар шунга ўрганиб қолишадики, педагог хамма нарсани тушунтириб, керакли жойини муҳимлигини таҳқидлаб ўтади. Ваҳоланки, шу материални мустақил ўрганиб чиқишига, уни қайта ишлашга ўқувчилар ўрганмаган бўлади.

Ҳар доим ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятларини ўрганиб, кузатиб, ҳисобга олиб юрадиган педагог уларнинг мустақил ишини ташкиллаштиришда педагогик маҳоратга эга бўлади.

Бундай маҳоратга педагог ўқувчилар билан мулоқот қилган кузатувчанлиги, яхши ривожланган тасаввур ва чуқур мулоҳазали бўлгандагина эришилади.

Бундай педагоглар тўғрисида ўқувчилар; «Улар ҳамма нарсани кўрадилар, улардан хеч нарсани яшириб бўлмайди.” деб гапиришади, одатда. Шунинг учун, муносабатни амалга оширишнинг асосий талаби тарбияланувчи психологиясини англай олишdir.

Савол тугилади; қарама-қарши муносабатни қачон амалга оширса яхши бўлади? Илғор педагоглар кўпинча дарсни олдинги билимларни фаоллаштиришдан эмас, балки муаммоли вазиятни туғдириш ёки олдин кўйилган муаммони ечими тўғрисидаги тахминларни, ўртага ташланган тахминни исботлаш вақтида, улар аввал эгаллаган билимларни долзарб эканлигини кўллашади. Муаммони долзарб ғояси педагогга дарсни нимадан бошлаш кераклигини ҳам кўрсатиб беради. Баҳзида дарсни оғзаки сўроқ билан бошлаш, баҳзида эса масала берувчи ёки мисолни ечиш билан бошлаш мақсадга мувофиқ .

Шуни айтиш керакки, дарснинг бошланиши унинг кейинги боришини ҳам, ўқитиш усулини ҳам танлашни белгилаб беради. Бу албатта педагогнинг ўз ташаббускорлиги ва ижодкорлигига боғлик.

Уй-мустақил иши. Етук педагог – мутахассислар ўқувчиларнинг ўзлаштиришини ошириш самарадорлигини ҳар доим уй – мустақил ишини тўғри ташкил этиш билан боғлайдилар. Яхши педагоглар уй вазифаларини қизиқарли бўлишига ҳаракат қиласидилар.

Шу мақсадда улар вазифаларни ҳарактер ва формасига қарабоғзаки ва ёзма, муҳим ва ўз ҳоҳишидаги, қўшимча адабиётларни қўллаб, ўзи танланган топшириқ, индивидуал ва группали ва х.к.га ўзгартиришади.

Уй вазифасини аниқ ва тўғри бўлиши учун педагог дарс жараёнида самарали қилиб, тушунтириш ишларини олиб бориши керак. Шунинг учун ҳам малакали педагоглар янги материални тушунтиришга қўпроқ вақт ажратадилар. Чунки билимларнинг оғзаки мағзини чакиши, англаш жараёни қанчали самарали бўлса, кейинги дарсда уй вазифалари текширишга шунчплик камроқ вақт кетади.

Шубҳасиз, уй вазифаларини бажаришининг фаоллаштириш сабабларидан бири, уларни тез – тез педагог томонидан текширилиб борилишидир. Акс ҳолда педагогларда уй вазифаларининг назоратсиз (тарзда) бўлиши вужудга келиши мумкин ва улар уй вазифаларни бажаришда суст бўлиб қолишади. “Топшириқ бердингми – текшир, текширмадингми топшириқ берма” – бу қоидага педагог доимо амал қилиши керак.

Дарснинг психологик аспектларини ҳисобса олиш. Биринчи навбатда, ўқувчига халақит бераётган, диққатини бир жойга жамлашга тўскинлик қилаётган, гурӯҳ шароитида, ўртоқлари ёки педагогнинг ҳаракатларида ёки ўзининг мустақил ишида чалғитадиган, ғашига тегадиган нарсаларга барҳам топиш керак:

Ёш педагог ўқувчиларга, дарсда нима иш билан шуғулланишаётгани, лоқайд ўқувчиларнинг бор-йўқлигидан боҳбар бўлишлари лозим. Шубҳасиз бундайлар ҳар бир педагогда ҳам бўлади. Бунга сабаб педагогда ҳали етарли маҳоратга, ўқувчига таҳсир этиш қобилиятига эга эмаслигидир.

Ўқувчини кўп нарса безовта қиласи: тайёрланмаган уй вазифаси, яқинда ўқиган китоби, севимли футбол командасининг мағлубияти ва х.к. Шунинг учун, педагог ўқувчиларнинг юзидан уларнинг кўнглида нима кечеётганини, уларнинг диққатини жалб қила олиши учун маҳсус психолог бўлиш керак.

Шундагина, хатони жуда лоқайд, бефарқ ўқувчини ҳам дарсга қайтариш мумкин.

Қизиқишларни, қобилиятларни, фикрлаш сурҳатларни, тайёрланиш, ўқувчиларга бўлган муносабат, ўқувчилар характерининг хусусиятларини ҳисобга олиш ижодий дарснинг асосий талаби.

Педагогнинг ўқувчига бўлган талабларининг харакати. Шу нарса маҳлум бўлдики, ҳар хил дарслар жараёнида педагог ўзининг тарбияланувчилидан жуда кўп талаблар қиласди. Лекин гап қанча талабларни айтишда эмас, уларни қай тарзда айтишда.

Талаб қилишни қандай ўрганиш керак?

Баҳзи ходисалар уни келажакка етаклайди, баҳзиларига у бефарво бўлиши мумкин. Бир хил нарсаларни яхши кўриб бошқаларини ёмон кўриш, баҳзи педагогларни ёқтириб, бошқаларига фақат тоқат қилиш мумкин. Психологларни айтишича, ижобий тийғулар фаолиятини туғдиришади.

Дарсни эмоционал-интеллектуал шароити турли хил усуллар орқали яратилади.

Биринчидан, ўрганилаётган ёки қўшимча материал таркибида бирор қизиқ информация, ахборот келтириш орқали.

Иккинчидан, дарсга у ёки бу ҳақидаги маҳлумотларни, олимларнинг жаёти ва ижоди ҳақидаги маҳлумотларни, инсоннинг ақл заковати нималарга қодир эканлигини кўрсатувчи ҳикояларни киритиш.

Учинчи йўналиш, ўқувчиларга қизиқ бўладиган ижодий ишга жалб қилиш усулларидан иборат. Бундай усуллар кўп. Уларни танлаш турли хил муаммо вазиятини вужудга келтириш билан боғлиқ.

Тўртинчи йўналиш, педагогнинг ўқув материалга нисбатан ижобий муносабатда бўлишини билдирувчи ҳис-туйғуларга боғлиқ. Шундай вазиятлар бўлдики, педагог дарсга қанчалик тайёрланмасин, дарс кўнгилдагидек ўтмаслиги мумкин.

Эндиғина ишга тушган педагоглар шуни эслаб қолишлари керакки, ўргатилаётган материалнинг гўзаллиги, қирралиги, эмационал, тўғри етказа олишда ўқувчиларга ҳам ўтади «юқади».

Дарс сурҳати педагог учун нафақат меҳнат маданиятининг муаммоси, балки интизом, дарснинг сифати муаммоси. Ўқув ишининг сурҳатини юқори

қилиш учун мутахассислар ўқувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришга ҳаракат қилишади. Тажрибасиз педагоглар, улгуролмасликдан қўрқиб, ўқувчиларнинг ўзлаштириш қобилиятини ҳисобга олмай, дарснинг сурҳатини ошириб боришга ҳаракат қиласидар. Дарснинг турлича бузулиб кетиши, ўқувчиларнинг ишчи кайфиятига, лекин ҳотиржам ишдан кўра кўпроқ салбий таҳсир қиласиди, уларни толиктиради.

Дарсда ўз-ўзини назорат қилиш. Педагог уз-ўзини назорат қила олиши педагогик қобилиятнинг ривожланишини тезлаштиради, тажрибали педагог маҳоратини намоён қиласиди.

Дарсдаги қилиниши керак бўлган ва қилинган нарсаларни таққослаш:

Ўқувчиларнинг олдинга силжиш даражасини (кўникмада, ривожланишда) текшириб бориш, уни олдинги натижалари билан таққослаш:

ўқувчиларни дарсдаги иштиёқини аниқлаш.

Дарснинг сифатли томонлари. Дарсда қўйилган масалаларни ечилишини баҳолашда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштириш даражаси намоён бўлади. Агар натижалар ўқувчиларнинг максимал имкониятлари даражасида бўлса, эришилган масала ечилиш сифати ва самарадорлигини ижобий деб тан олинади.

Дарснинг сифатли томонларини аниқлаш педагог учун маҳорат. Коллеж машғулотни таҳлил қилишда энг самармли усул ва методларни танлаш ва қўллаш шартидир. У дарсда нимага эришади-ю, нимага эришмайди, муваффақиятсизликнинг сабаби ва уни бартараф қилиш йўлларини қўра олади, кеинчалик йўлларини нимани ривожлантириб, нимани мустахкамлаш кераклигини аниқлайди.

Дарснинг сифатини англаш учун анҳанавий схемани қўллаш мумкин: сўроқ-тушунтириш-мустахкамлаш-уйга вазифа. Яна шуни айтиш жоиз-ки, замонавий дарснинг анализини «кенг» ва “тор” ўринда бажариш ва асосий дидактик категориялар ва структурали элементлар асосида ўтказиш керак.

Дарснинг тузилишида ҳар бир мавзунинг муҳимлиги ўқувчиларда янги тушунча ва кўникма ва малакаларнинг шаклланиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Буларнинг ҳаммаси дарснинг сифатини ташкил қиласиди.

Ёшларни ўқувчи бўлгунга қадар ота-онаси, коллеж ўқувчилари, қариндош-уруғи, маҳалла-куй назорат қилиб олади. Ўқувчи бўлганидан кейин бу назорат сусайиб кетади. Бу ҳолатни ўқувчининг ўзи англаб етиши лозим,

шундан кейин бошқарув назариясининг тамойили, тушунча ва қоидаларини эгаллаган ҳолда ўзини-ўзи тарбиялашни бошлаши керак.

Таълим-тарбиянинг бошқарув назарияси. Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида қобилияти ва билимларга эга бўлган кишилар томонидан бошқариш эҳтиёжи мавжуд бўлган. Тарихдан бизга маҳлумки, давлатни илмий асосда бошқариш натижасида бошқарув назарияси вужудга келди. Бошқарув назариясини такомиллаштиришда ҳамма соҳалар билан бир қаторда таҳлим тарбия соҳасини бошқариш муҳимдир.

Иқтисодий бошқарув. Таҳлим-тарбияни мақсадга мос ҳолатга келтириш усули бошқарув босқичида режалаштирилган ишларни бажаришга кетадиган сарф-харажатлар микдори аниқ ҳисобланиб, молиявий таҳминланиш манбаалари хамда хуқуқий асослари ишлаб чиқлади.

Ҳар бир педагог аввалам бор ўқувчиларга қолаверса бошқа кишиларга яхши муносабатда бўлиши, уларга қандай сўзлар билан мурожат қилишни билиши керак.

Кейинги вақтда «муносабат педагогикаси» тўғрисида кўп гапирилмоқда ва кўп ёзилмоқда. Шунинг учун кўпинча у «тадбирлар педагогикаси»га қарама-қарши қўйилмоқда. Ўйлаймизки, биринчи иккинчисига қарама-қарши қўйиш ноурин. Булар тарбияга турлича ёндашув аниқроғи унинг турли пафоналаридир. Айниқса педагоглар ўртасидаги муносабатлар, мулоқатлар, уларнинг иш тажрибаларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Педагог ўқувчига яхши муомала билан муносабатда бўлиш ўртоқлари олдида уни ерга урмаслиги, турли лақаблар билан ҳақоратламаслиги муҳим.

Педагог ўқувчиларга ширинсуханлик билан яхши муносабатда бўлади. Натижада ўқувчилар яхши тарбия топади. Ота-онага, ёру-биродарларга бўлган муносабатларни талқин қилиб берадилар. Улардан ибрат оладилар. Педагогларнинг муносабати орқали ўқувчилардан яхши-яхши ширинсухан педагог, катта-катта фан арбоблари чиқиши мумкин.

Педагогнинг одоб қоидалари. Педагог ўз касбини доимо севиши, хурмат қилиши лозим. Ўз ишга, қўл остидагиларга доимо хурмат ва эхтиромда бўлиши, таҳлим-тарбия жараёнида камчиликка йўл қўймаслиги ва танлаган касбига бефарқ бўлмаслиги зарур. Педагог ўз фаолияти давомида жамият тараққиётига хисса қўшиш мақсадида иш олиб боради. Ҳалқнинг анҳанасига содик бўлиш билан бирга меҳнатсеварлиги, интизомлилиги, муваффақиятсизликдан тушкунликка тушмаслиги билан педагогва ўқувчилар

ўртасида намуна кўрсата олади. Ўзнинг рост сўзлиги, покизалиги бир ишни қиёмига етказмай туриб, иккинчи ишга ўтмаслиги билан бошқалардан фарқ қиласди.

Педагог ўз шогирдларида руҳий оламини яратиш, унинг педагогик маҳоратига боғлиқ. Дарҳақиқат, ўртоқлик, дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжихатлик, садоқат, меҳр-мурувват, касб танлаш имконияти, ватанпарварлик, миллий ифтихор, инсонпарварлик, хушмуомалалик, озодалик, самимийлик, зийраклик, ташаббускорлик, инсофилик, ростгўйлик, ор-номуслилик, андишалилик, катталарни хурмат қилиш, соф мухаббатни қадрлаш, вазминлик, тўғрилик, миллатларни хурмат қилиш, ҳар бир ўқувчининг маданиятидан чуқур ўрин эгаллаш лозим.

Қўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмуни. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ap1, Ap4, Ax1, Ax2, Ax3, A1, A3, A5, A6, Ak1, Ak2, Ak5.

21-маъруза: Нутқ техникаси ва маданияти

РЕЖА

1. Нутқнинг инсон ҳаёти ва жамият тараққиётидаги ўрни.
2. Нутқ органлари, нутқ аппарати.
3. Ўқитувчининг нутқ маҳоратини такомиллаштириш йўллари.

Педагогик қобилияtlар фақат педагогик фаолият самарали бўлишининг шартигина эмас, балки куп жиҳатдан ўқитувчининг муваффақиятли ишлашининг натижаси ҳамdir. Шу муносабат билан ўқитувчининг ўзида педагогик қобилияtlарининг аниқ мақсадни кўзлаб таркиб топиши ва ривожланиши катта роль ўйнайди. Тажриба ва маҳсус тадқиқотлар бунинг батомом ҳақиқий нарса эканлигини кўрсатмоқда, масалан шахс перцептив хўсусиятларининг энг муҳим элементи бўлган кўзатувчилик ўқитувчиминг педагогик тажриба ҳосил қилишига ҳам, унинг маҳсус куч-ғайрати натижасида ҳам ривожланади, такомиллашади. Ўқитувчи ўзининг социал психологик кўзатувчанлигини, яхни уқитувчилар турли характер хусусиятлари ва майиллари пайқаб олиш қобилиятынинг эмас, шу билан бирга уларнинг пайдо бўлиш вазиятига мувофиқ баҳо бериш маҳоратини ва ҳоказоларни **ривожлантиришга** қодирдир. Агар ўқитувчидаги ўқувчилар билан муносабатларнииг ишонч асосида қурилишига йўл-йуриқлар **булсагина**, бундай мулоқот рўй беради. Тарбия тажрибасида бундай Йўл-йуриқни амалга ошириш қийин ишдир, лекин бунга бутун эришиш мумкин. Албатга катта ёшдаги кишининг болалар муҳитига узвий равишда қўшилиб кетиши ниҳоятда қийин нарса. Лекин бу муҳитига уяқинлаша олади, анча яқинлашиб боради. Педагогда болалар билан ўзаро ишонч ва дўстлик муносабатлари вужудга келгандагина бунга эришиш мумкин.

Нутқ, маданияти ва техникаси

Табиат кучларини билиш ва эгаллашда жуда қисқа вақт мабойнидағоят катта муваффақиятларга әришувчи одамнинг ҳамма бошқа жонзотлар хайвонлардан фарқли томонн уларда тилниш мавжудлигидир. Узининг онги-тили ва нутқи билан инсон ҳамма нарсадан устун туради. Тил жамият тараққиётини таҳмимловчи куч ва миллатнинг мавжудлигини курсагувчи белгилардан бири ҳамдир.

Барча ривожланган давлатларда бўлганидек бизда ҳам ўз миллий тилимизни ривожлантиришта катта эҳтибор берилмоқда. Узбек тили бизда давлат тили деб эхлон қилинтан ва шунга амал қилинмоғда.

Президентимиз нутқидан

Юртбошимиз И.Каримов ўз нутқларида чет тилларни ўрганишнинг аҳамияти муҳимлигини курсатиш билан бирга яна шундай дейди: "Аммо шунга алоҳида ургу беришимиз зарурки, чист тилларни ўргапиш, минбаҳд она тилини эсдан чиқариш ҳисобига бўлмалиги лозим.

Ўз фикрини мутлоқо мутақил, она тилида равон, гўзал ва лунда ифода эта олмайдиган муғахассисни, авваломбор, раҳбар курсисида ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин" ("Баркамол авлод-Узбекистон тараққиётишшг пойдсвори").

Тил алоқа воситаси ёки қуролидир, нутқ, эса алоқа жараёнининг узиdir.

Ёдда тутинг

Нутқ фаолияти - одам томонидан мжтимоий - тарихий тажрибани ўзлаштириш ва авлодларга бериш ёки коммуникация урнатиш ёки ўз ҳаракатларини ривожлантириш максадида тилдан фойдаланиш жараёнидир.

Нутқ қанчалик чиройли, мазмундор бўлса кишиларни ўзига шунчалик жалб этади. Бу масалага кишилар қадимдан қизиқиб келишган. Қадимги Юнонистон ва Римда путқ маданиятининг назарий асослари яратилган. Нотиқлик санҳат даражасига кўтарилиган. Уларда етук инсон бўлиш учун нотиқлик саиҳатини эгаллашлари шарт бўлган. 335 йилда Аристотелнинг "Риторика"си яратилади. Цицероннинг "Нотиқ ҳақида", "Нотиқ" асрлари, Марк Фабий Квинтилияннинг "Нотиқ тайёрлаш ^^рисида" асари ҳам нотиқлик санҳати ҳақидадир.

Шарқда, жумладан Мовароуннахрда ҳам ваҳзхонликка катга эҳтибор берилган. Ваҳзхонлик нотиқлик санҳатининг ўсиб бориши билан нутқ олдига қуийлган талаблар ҳам мукаммаллашиб боради. Буюк алломалар Беруний, форобий, Ибн Сино, Махмуд Қошгариј, Замахшарий, Кайковус ва бошқалар тилга, мантиқшунослик ва нотиқликка оид асарлар яратдилар.

Мутафаккирлар фикридан

Кайковус ўзининг "Қобуснома" асарида фарзандини ёқимли, мулойим, ўриили сузлашга, беҳуда гашшрмасликка ундаиди. "Халқ олдида гапирганда сўзинг гўзал бўлсин, бу сўзни халқ, қабул қилсин. Халойиқ сенинг сўз билан баланд даражага зришганингни билсин, чунки кишининг мартабасини сўз орқали биладилар...", деб ёзади аллома. У япа нотиқ халқ тилини, унинг фикри ва руҳиятини билииш керак дейди.

Юсуф ҳос Хожибининг "Қутадгу билиг" асарида ҳам тал одоби ва нотиқлик маданияти ҳақида жуда қимматли фикрлар баён этилади. У қисқа сўзлаш, сузлар1а иложи борича кунроқ маҳно юклаш ҳақида гапиради. Тил инсоннинг қадр-қимматини оширади ёки шу тил орқали инсон юз тубан ҳам кетиши мумкин дейди адиб.

Омонлик тиласанг агар сон узинг, Тилингдан
чиқарма яроқсиз сўзинг. Қизил тал қилзр қисқа ешли
сени, Омонлик тиласанг аввайла уни.

Алишер Навоий туркий тилда гузал нутқ тузиш байроқдорядир. У ўз ижоди билан узбек адабий тилига асос солди. Бу гилнинг бойликларини намоён этди. Навоийнинг "Мухокаматул - лугатайн", "Маҳбубул-қулуб", "Назмул жавоҳир" асарлари ўзбек тилнда нутқ тузишнинг гузал намуналари бўлиши билан бирга унинг юксалишига ҳам катта ҳисса қўшди. "Маҳбубул қулуб" асарида талнинг аҳамияти, уидан фойдаланиш, нутқ маданияти ҳақида муҳим фикрлар берилади.

"Тилга ихтиёrsиз - элга эҳтиборсиз". "Тилини тиёлган одам донишманд оқил, сўзга эрк берган одам - беамдиша ва пасткаш, Тил ширин ва ёқимли бўлса яхши, тил билан дил бир бўлса яна яхши".

Навоийдан кейинги қатор адиб, алломаларимиз, жумладан жадид зиёлилари ҳам тил ва нутқ, тил ва нутқ маданияти ҳақида ўзларининг муҳим қараигларини баён этганлар.

Уқитувчи, тарбиячи маданиятини эгалламаса ҳеч вакт ўз ишининг чинакам устаси бўла олмайди, ёмон маҳнодаги эски усулдан, бир

қолибдаги тайёр андозаларни ишлатишдан нарига ўтмайди. Ўқитувчи нутқ, ўқувчилар билан муроамала қилиши **унинг** ўз тарбияланувчилари билаи мулоқот олиб бориш маҳоратини тақозо зтади. Бунинг учун эса у **гапиришни** билиши лозим. Гапиришни мулоқот олиб **боришни** доимо урганиб бориш корак.

Педагогик жамоа билан, болалар гурухлари, айрим ўқупчилар билан гаплаша олиши керак. У дарсни самарали олиб бориши учун гапиришни билиши, сұхбат, лекция, ҳикоя қилиш каби усуулардан фойдаланиши лозим. Биринчи навбатда уқитувчи сұхбатни бошлаганда, гапни масаланинг қўйилишидан бошлаши мумкин. Бу масалада булажак сұхбатнинг маҳноси мулажассамлашган бўлади. Мавзуга диққатни тортишга уриниб куриш ҳам **мумкин**, бунда гапни эркин, қизиқарли фактни маҳлум қилишпдан бошласа бўлади. Сұхбатни тугаллаш ҳам муҳим аҳамият касб **этади**. У турлича бўлиши мумкин. Асосий ғояларни яна бир марта қисқача баён қилиб **бериш мумкин** уни шеҳрий **сатрлар** билан тугалласа ҳам бўлади.

Бу қоидаларга риоя этиш педагогнинг сўзлари ўқувчиларга зарур таҳсир курсати учун шартмиароит яратади. Сўз билан таҳсир кўрсатишни амалда қўлланиш ўз **хиссиётларини, ижодий** таҳсирланишини бошқариш **кўникмаларига** ва ўз ҳис[^]гуйғуларини ифодалаш учун аниқ шаклни топа билишға асосланиши лозим. Бу соҳада актёр иши осонроқ эканлигини эҳтироф қилиш керак. Таҳлим-тарбия иши раҳбарнинг доимий ту!ган Йўли баҳзан педагогика ҳис-туйғулар ва фикрларни **сўз** билан ифодалашда қолибда иш тутишга олиб келади. Кўпинча суз билан ифодалашнинг бир қолибдалиги уқитувчи ҳаяжонланганда ва жиддий айб, гуноҳ қилган ўқувчиларни қоралаш лозим бўлганда яққол ифодаланади.

Тарбия-шахсни мақсадга мувофик такомиллаштириш учун уюштирилган педагогик жараён бўлиб, тарбияланувчининг шахсига-мунтазам ва тизимли таъсир этиш имконини беради. Тарбия жараёни ўзаро боғлиқ бўлган икки фаолиятни ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини уз ичига олади. Тарбия жараёning ўқувчининг онги шакилана боради. Ҳис-туйғулари ривожланади ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ва ижтимоий алоқаларни ташкил этишга хизмат қиласидан хулқий одатлар ҳосил бўлади. Тарбия жараёнида болаларнинг ҳасти ва фаолиятини педагогик жиҳатдан тўғри уюштириш ғоят муҳимдир. Фаолият жараёнида бола ташқаридан келаётган тарбиявий таъсирларга нисбаган маълум муносабатда бўлади. Бу муносабат шахснинг ички эҳтиёж ва хоҳишлигини ифодалайди. Психолог ва педагогларнинг тадқиқотлари шахсга ташқи омилларнинг (хоҳ салбий ҳоҳ ижобий) тағсири боланинг уларга муносабатига боғлиқлигини кўрсатади. Бола фаолиятини уюштиришгина эмас, балки тарбияланувчининг бу фаолиятга нисбатан қалбида пайдо бўлаётган муносабатни, турли кечинмаларни қандай англашини, баҳолашини, ҳис қилишини, улардан ўзи учун нималарни мақсад қилиб олаётганлигини билиши зарур. Буларнинг барчаси турли кишилар билан алоқа қилиш, жамоадаги муносабатлар мураккаблашиб боради.

Тарбия жараёнида ўқувчининг онгинигина эмас, балки ҳис-туйғуларини ҳам ўстириб бориш, унда жамиятнииг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқий малака ва одатларни ҳосил қилиш лозим. Бунга эришиш учун ўқувчининг онгига, ҳиссиётига ва иродасига таъсир этиб борилади. Агар буларнинг бирортаси эътибордан четда қолса, мақсадга эришиш қийинлашади. Тарбия жараёнига ўқитувчи раҳбарлик қиласи, ўқув қўнмилар фаолиятини белгилайди. Уларни ижтимоий жараёнда иштирок этишлари учун шарт-шароит яратади.

Ижтимоий жараёнда фаол иштирок отиш орқали ўқувчиларнинг мустақиллиги, ижодий ташаббускорлиги ортиб боради. Фаолият ўқувчилар жамоаси манфаати ва истаги асосида уюштирилса, бу жараёнда боланинг тенгдошлари ва ўзини ўзи англаш жараёни. Бола ўз хулқи ҳатти-ҳаракати учун жамоа олдида жавобгарликни сезишга эришгач ижрочи амас, балки умумий ишнинг фол қатнашчиси бўлиб қолади.

Тарбияни самарали йўлга қўйиш учун унинг ҳаракатлантирувчи қучини, тарбия жараёнининг манбаини яхши билиш ва ҳисобга олиш муҳимдир. Бу тарбия жараёнидаги ички ва ташқи қарама-қаршиликлардан иборат.

Тарбияда ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Бу жиҳат унтилса, қарама-қаршиликлар вужудга келади. Фаолият жараёнида ҳосил бўлган малака ва одатлар ахлоқ меъёрларига риоя қилишни енгиллаштиради.

Демак, тарбиячи бола шахсининг тез ривожланадиган даври ўқувчилик йилларида унинг онгига турли туман фаолият (ўқиш, меҳнат, ижтимиий ишлар, ўйин, спорт, бадиий ҳаваскорлик) ёрдами билан маҳсус таъсир ўтиши мухимдир. Акс ҳолда хулқ меъёрлари, ахлоқ талаблари яхши тушунилмай қолиши натижасида шахс ижтимиий муносабатлана бекарор тасодифий таъсирга берилувчан бўлиб қолиши мумкин.

Тарбия жараёнининг асосий натижаси-баркамол шахсни шакиллантиришdir. Бу жараён икки томонлама бўлиб, уюштириш ва раҳбарликни, шунингдек, ўқувчи шахсининг ўзи томонидан фаолллик кўрсатилишини тақозо этади. Бу жараёнда педагог етакчи ролғ ўйнайди. Чунки у ижтимиий тарбиянинг умумий мақсадлари моҳиятини тушунади, мақсад йўлида амалга ошириладиган вазифалар тизимидан яхши ҳабардор, тарбия шакллари, методлари ва усулларини асосли, илмий тарзда танлаб олади ва тарбия жараёнига тадбиқ этади. Тарбия жараёнининг моҳиятини тарбияга ҳар томонлама ёндашиш билан муваффақиятли тарзда илмий таҳлил қилиш мумкин.

Шахс тарбиянинг натижаси сифатида яхлит мавжудотdir. Шахснинг кўпдан кўп ҳислатлари бир-биридан ажратилган эмас, балки ўзаро мустаҳкам боғланган. Тарбия жараёнида боланинг шахсияти айрим-айрим эмас, балки яхлит равишда ривожланади. Бола ўсиб ва ривожланиб борган сари тарбия вазифалари мураккаблашиб, чуқурлашиб, табақалашашиб боради. Ҳар томонлама ёндашиш объектив равишда ақлий ғоявий сиёсий, ахлоқий, меҳнат, эстетик, жисмоний, экологик, иқтисодий ҳамда хуқуқий тарбия бирлигини, ўқитувчиларнинг онги, хулқ атвори ва фаолиятининг бирлигини, тарбия жараёнини ташкил этишнинг якка, гурӯҳли ва оммавий шакллари кўшиб олиб борилшикни таъминлайдиган педагогик тизимларни вужудга келтиришни ва бу тизимларнинг амал қилишни талаб этади.

Ижтимиий тарбия жараёни шахснинг ижтимиий фазилатларини шакиллантиришга, унинг атроф-теваракка, жамиятга, одамларга ўзига нисбатан муносабатлари доирасини вужудга келтиришга кенгайтиришга қаратилганди. Шахс иштирок этадиган ижтимиий муносабатлар тизими қанчалик кенг, хилма-хил ва гурӯҳ бўлса, унинг маънавий дунёси шунчалик бой бўлади. Ўз табиатига кўра тарбия жараёни кўп омилли харакатерга эга.

Яъни, бола шахсининг қарор топиши оила, мактаб, жамоатчилик, социал мухит, шунингдек вазиятлар хилма-хиллиги, бевосита ва билвосита таъсиrlар остида рўй беради.

Тарбия жараёнининг натижалари одатда бир хил характерда бўлмайди. Бу нарса ўқувчиларнинг психологик (индивидуал-типологик) физиологик ва жисмоний хусусиятларига, уларинг ҳаёти ва маънавий тажрибасига, шахсий позициясига боғлиқ. Тарбия жараёни одатда ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини қайта тарбиялаш, боланинг атроф-мухитдаги у ёки бу ҳодисалар билан салбий алоқаси натижасида вужудга келадиган муносабатлар ва шахс хусусиятларини бартараф этиш билан қўшиб олиб борилади.

Ўзини-ўзи тарбиялаш шахснинг ўзида ижтимоий кадрга эга бўлган фазилатларни ҳосил қилиш ва такомиллаштиришга ҳамда, салбий ҳислатларни бартараф этишга қаратилган ички фаолият сифатида таърифланади. Ўз-ўзини қайта тарбиялаш-шахснинг ўзидаги салбий одатларни, характердаги заарли сифатларни йўқотишга, бартараф этишга қаратилган ички фаолияти мазмунидир. Бола хулқидаги оғишлар оиласидаги носоғлом мухит, ота-онанинг тарбияда йўл қўйган хатолари, ўқитувчи фаолиятидаги камчиликлар асосида вужудга келади. қайта тарбиялаш жараёнида салбий хулқий ҳосил қилган сабаб, шароит ўзгартирилади. қайта тарбиялашда мактаб ва шахснинг шахсий таъсирини оила, ота-она ҳам маъқуллаши лозим.

Демак, қайта тарбиялаш ўқувчининг ўзигагина эмас, балки унинг ота-онасига ҳам қаратилиши лозим. Ижтимиоий тарбияни ташкил этиш жараёнида бир қатор вазифалар ҳал этилади. Ушбу вазифалар ижтимиоий тарбия мақсадидан келиб чиқиб белгиланади. Мустақил Ўзбекистон Республикасида айни вақтда ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишга қаратилган жараёнда қуидаги вазифаларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

а) ёшларни ижтимиоий ҳаётга тайёрлаш уларда кенг дунёқарашни таркиб топтириш, ўз шахсий турумушига мақсадли ёндошув, режа ва амал бирлиги хиссини уйғотиши;

б) ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлардан огоҳ этиш, чуқур билимга, тафаккурга эга ёшларни тарбиялаш, малакаларини тобора бойитиши;

в) умуминсоний ахлоқ меъёрларини англашни (одамийлик, камтарлик, ўзаро ёрдам, меҳр мухаббат, мурувват, адолатни ёқлаш, инсонпарварлик, ахлоқсизликка қарши нафрат ва хаказолар), муомала одоби, юксак маданиятни ўқувчиларда қарор топтиришга эришиш;

г) ҳуқуқий ва аҳлоқий мегёрларга хурмат руҳида ёндашни, ўқувчиларда

фуқаролик туйғусини, ижтимоий бурчга масъулликни қарор топтириш;

д) табиатни мухофаза қилиш, экологик мувозанатни юзага келтириш борасидаги масъулиятни таркиб топтириш;

е) ватанпарварлык ва байналминаллик туйғусини шакллантириш, ўзга миллат ва халқлар қарашларига хурматни, хунар ҳуқук бурчларини камситмаслик туйғусини қарор топтириш;

ж) мустақил давлат - Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва холисона баҳо беришга ўргатиш;

з) инсонни олий қадрият сифатида қадрлаш, унинг шаъни, ор-номуси, қадр-қиммати, ҳуқук ва бурчларини хурмат қилишга ўргатиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ижтимоий тарбиянинг умумий вазифалари ана шулардан иборат. Шу билан бирга тарбия турлари - аҳлоқий, ақлий, жисмоний, эстетик, экологик, иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий тарбиялар ўзининг хусусий мақсадидан келиб чиқсан бир қатор вазифаларни амалга оширади.

Тарбия мазмунида олдинга қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўнишка ва малакалар, шахс хулқ-атвори ҳамда сифатлари моҳияти акс этади. Тарбия мазмуни, ижтимоий иқтисодий тараққиёт, кишилик муносабатлари моҳияти ва даражаси, шунингдек, жамият мафкураси ғояларидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади. Замонавий тарбия мазмунида қўйиладиган ғоялар ётади:

1. Тарбия мақсадининг аниқлиги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ Республикада амалга оширилиши кўзда тутилаётган тарбия мақсади аниқ белгилаб олинади, Ўзбекистон республикаси «Тағлим тўғрисида» ги қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ғояларига қўра ижтимоий тарбиянинг асосий мақсади -эркин, ижодкор, мустақил фикр эгаси бўлиш комил инсонни тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш йўлидаги асосий восита бу, шахсда умумий маданият унсурларини таркиб топтиришdir, яъни, шахснинг ақлий, аҳлоқий, жисмоний, эстетик, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда меҳнат маданиятини тарбиялаш тарбиянинг бош мақсадини амалга ошириш имкониятини яратади.

2. Болалар ва катталарнинг биргаликда фаолияти. Ўқитувчининг болалар билан маънавий маданияти энг яхши намунасини излаши, шу асосда тарбиячи ишининг ҳаётий меғёр ва қадриятларини ишлаб чиқиши ўқувчининг тарбия жараёнида фаоллигини таминлашга олиб келади. Дунёқараши ҳали чала тўқис шаклланмаган болалар учун катталарнинг ҳаётий тажрибалари ҳамда уларнинг шахсий намуналари катта тарбиявий таъсирга эга

3. Ўз -ўзини англаш. Тарбия инсонда эътиқод, демократик қарашлар ва ҳаётий позициянинг шаклланишига олиб келади. Тарбия мазмунининг энг муҳим унсурларидан бири - бу инсоннинг ҳаётий ўз-ўзини англаш инсоннинг

ўз шахсий ҳаёти ва бахтининг субъекти сифатида эътироф эти лиши билан тавсифланади. Инсон камолатида фуқаролик, касбий ва ахлоқий ўз-ўзини англаш жиҳатлар муҳим аҳаминтга эгадир.

4. Тарбиянинг шахсий йўналтирувчанлиги. Мазкур ғоя мактаб (таълим муассасалари амалиётининг марказий нуқтасида тарбиявий ишлар дастури, тадбирлари «нақл, метод ва воситалари эмас, балки ўқувчи турганлигини англатишга хизмат қилади. Тарбия жараёнида унинг шахсий хусусиятлари, қизиқишилари, ўзига хос характеристи ўз қадр-қийматини англаш туйғулари ривожлантирилиб борилиши зарур.

5. Ихтиёрийлик. Тарбияланунчиларнинг ирова эркинлигисиз тарбия ғоялари моҳиятини қарор топтириш мумкин эмас. Тарбия жараёни, агар у оқилона ташкил этилса, бир вақтнинг ўзида ҳам ўқувчи (талаба), ҳам ўқитувчи маънавиятининг бойитилишига хизмат қилади. Агар тарбиячи (ўқитувчи) ўқувчининг қизиқиши, фаолияти, уртоқлик ва фуқаролик бурчини англаш мустақилликка интилиш туйгуларини қўра ва англай олсагина унинг иродали эканлиги юзага келади. Тарбияланувчининг иродали эканлиги таъминланган шароитда унинг шахсига таъсир кўрсатишга йўналтирилган фаолиятда самарага эришилади.

Қўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмуни. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ap1, Ap4, Ax1, Ax2, Ax3, A1, A3, A5, A6, Ak1, Ak2, Ak5.

26-Маруза:Тарбиячининг (ўқитувчининг) маҳорати.

*Дунёда ҳар кайси касб-хунарнинг
ўзига хос урни, ахамияти ва қадр-киммати бор.
Аммо уларниг орасида энг улуг ва шарафлиси бу - ўқитувчилик
касбидир.*

Ислом Каримов

Режа:

1. Тарбиявий маҳоратининг моҳияти.
2. Тарбиявии ишларни ташкил қилишнинг миллии ва назарий асослари.
3. Тарбиявий маҳоратининг тизими: ижтимоий, эстетик, ахлоқий, технологик.
4. Педагогик ташкилотчилик фаолиятининг моҳияти.

«Мен Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё хает, е мамот, ё нажот, ё халокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир"- деган фикрини кўп мушохада

киламан. Буюк маърифатпарвар бу сўзлари асrimiz бошида миллатимиз , учун канчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, хозирги кунда биз учун хам шунчалиқ, балки ундан хам кура муҳим ва долзарбдир. Чунки таълим-тарбия онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини хам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини узгартирмасдан туриб биз кузлаган олий максад-озод ва обод жамиятни барпо этиб булмайди,» - деган эдилар Президентимиз И. А. Каримов уз асарларида.

Дарҳақиқат юртимиз келажаги бўлган ешларни хар томонлама камолга етган, баркамол инсон қилиб тарбиялашда уларнинг маънавият кирралари: иймон, эътиқод, меҳр ватанпарварлик, дустлик, инсонга чексиз муҳаббат, муруватлилик,canoатлилик, сабр-токатлилик, сахийлик, миллии Furur каби фазилатларни шакллантириш жуда муҳимдир. Бу мислсиз тенги йук ишда ўқитувчиларнинг, тарбиячиларнинг, таълим соҳасида масъул ходимларнинг хизмати бенихоят каттадир.

Тарбия-тариҳий ва ижтимоий ходисадир. Тарбия авлод-аждодларимиздан бизга этиб келган буюк мерос булиб, у комил инсонни вояга етказиша мухимдир. Тарбия инсонларнинг фаолияти жараёнида уларнинг онги ва иродасини устиришга хизмат килади. Шу билан бирга ,тарбия ижтимоий ходиса булиб, инсоният тараккиётининг турли боскичларида ўзига хос мазмун ва амалга ошириш шаклига эгадир. Тарбия хакида Шайх Саъдий ўзининг "Тулистон" асарида шундай деб ёзган эди: "Кимда-ким ёшлиқдан тарбия олмаса, катта булиб баҳтли була олмайди".

Адибнинг юкоридаги сўзларига амал килган холда ўқувчиларни маънавий бой, жисмоний жихатдан соглом қилиб тарбиялаш максадида дастлаб уларнинг тарбиявии даражасини аниклаш максадга мувофиқдир. Бунинг учун ўқувчилар қалбини одоб-ахлок нурлари билан ёритмокчи бўлган тарбиячи-ўқитувчи чукур билим, кенг маҳорат ва тарбиячилик-санъатини эгалламоги керак. Ўқувчи ешларни тарбиялашда умуминсоний кадриятлар, ислом таълимоти, узбек миллии урф одатларига амал қилиш максадга мувофиқдир.

Тарбиявии жараён онгли, масъулиятли фаолият булиб, унда тарбиячи тарбияланувчиларни комил инсон қилиб етиширишда унга хар томонлама таъсир кўрсатади. тарбиячи ўқувчилар жамоасининг тарбиявии даражасини урганиб, унга таъсир кўрсатиш маҳоратига эга бўлиши, тарбиявии тадбирларни ўқувчиларнинг рухиятига канчалик ижобий таъсир этганини кузатиб, уни янада ривожлантириши, такомиллаштириши, тарбиявий

ишиларни самарадорлигини оширишда уз билимини таркибий равища бойитиб бориш лозим.

Юртимизда тарбиявий ишиларни ташкил қилишнинг асосий максади миллий истиклол талабига жавоб берадиган ёшларни тарбиялашга каратилган экан, айни пайтда бу ният тарбиячи-ўқитувчиларга катта маъсулиятни юклайди. Педагогик фаолият юритиш давр талабига жавоб бермоги лозим. Узбекистон Республикасининг "Таълим тугрисида"ги Конуннинг 5-моддасида худди шу хусусда тухталган: "Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлокий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шукулланиш хукукига эга..."

Тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъоддга, илмга ва машкка деган эди улуг- олим Арасту. Ана шу гояларга асосланган холда тарбиячилар куйидагиларга амал қилишлари лозимдир:

-тарбияда улгаётган инсон шахсини олий ижтимоий кадрият деб тан олиш, хар бир бола, усмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва ўзига хослигини хурматлаш, унинг ижтимоий хукукий ва эркинлигининг эътиборга тутилиши;

-миллийликнинг ўзига хос анъана воситаларига таяниш, жаҳон маданиятининг илгор тажрибаларига асосланиш;

-ўқувчилар фаолиятида тарбиявий жараённинг асосини ташкил қилиш, кизикарли, тулаконли болалар ёш жихатларига мос хаёт иклимини яратиш, меҳнат, хайрия, ижтимоий фойдали, ижтимоий кунгилочар ва шунга ухшаш тадбирлар ташкил этиш лозимки, натижада ўқувчилар узлари хоҳлаган ишга кул урсинлар, муваффакият хиссини тушуниб узларига ишончлари ортсин, ахлокан баркарор булсин.

Ўқитувчи ўзининг тарбиячилик маҳоратида миллий истиклол озод ва обод ватанга мухаббат ва инсонпарварлик, маънавий-ахлокий тарбия, иктиносий тарбия, экологик тарбия, нафосат тарбияси, жисмоний тарбия, комил инсонни вояга етказиш кабиларга эътибор бериши лозим.

Демак, ўқитувчи жамият хаётида етакчи урин тутувчи, мураккаб шахс структурасига эга бўлган инсоннинг касбий киёфасидир. Ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида эришилган ютукларнинг заминида унинг меҳнатининг натижалари ётади. Ўқитувчиларнинг педагогик, психологик тайёргарлиги ва билимлар интеграцияси, муомала маданияти, психологик вазиятларни эътиборга олиш кабилар кучли бўлиши керак. Юксак савияли, зур маҳоратли тарбиячиларгина халк орзусидаги баркамол инсонни

тарбиялайди. Илм инсонни юксаклик сари олиб боради. А. Авлоний айтганларидек: "Илм инсонларнинг мадори, хаёти, порлок келажаги, раҳбари, нажотига айланган". Илм инсон учун гоят олий ва мукаддас фазилатдир. Шунинг учун аввалам бор илмли, тарбияли булмок хар бир ёш инсоннинг бурчи.

Шу максадда кунглида энг олий орзуларни жамлаб, ўқитувчи тер тукиб ишлайди. Уларнинг меҳнатини хурмат қилиб, берган билимларни эгалламок керак. Бехбудий айтганларидек: "Дунёда турмок учун дунёвий фан ва илм лозимдир". Ибн Сино таъкидлаганидек "Кимга қандай панду насихат килсанг, унга аввало ўзинг амал кил".

Халкимизда тарбиячилик санъати кадимдан жуда юксак даражада ривожланган. Шарқ мутафаккирлари, педагогик олимлари баркамол инсонни етишириш учун тарбия накадар зарурлигини, унинг мохиятини ва мазмунини асослаб берганлар. Тарбиявий ишларни ташкил қилишнинг миллий ва назарий асослари мавжуд булиб, ўқитувчилар узларининг тарбиячилик фаолияти жараёнида;

- мустакилик туфайли узбек халкининг миллий, диний гояларининг кенг руёбга чикиши;
- маърифатпарварлик ва жадидчилик харакатининг тарихий асослари;
- она тилимиз, унинг соғлигини асраш;
- Туркистон халкларининг авлод-аждодлари яратган халк оғзаки ижодиётининг миллий тарбия воситаси сифатида кулланишини юзага чиқариш ва кенг фойдаланиш;
- халкимиз яратган миллий урф-одатлар ва анъаналаримиздан кенг фойдаланиш;
- Куръони карим ва хадиси шарифдаги инсон камолати хакидаги гояларни ёшларга ургатиш;
- маърифатпарвар мутафаккирлар, миллий қаҳрамонлар фаолияти, уларнинг асарларини урганиш, илгор тарбиявий таъсир кўрсатувчи таълимотларга амал қилиш ва бошқалар.

Юкоридаги йуналишлардан бизга маълум бўладики, буюк аждоддаримиз юксак тараккий топган давлат барпо этгани ва бу мамлакатда «Куч адолатда» - деган бош шиор давлат сиёсатининг, жамият хаётининг асоси бўлганини

яхши биламиз. Бу гоя одамларга куч берган, уларда инсоф диёнатга, эзгуликка ишонч уйготган.

Чунки жамиятда адолат баркарор бўлса, миллат хеч качон адашмайди. Эртами кечми фаровон турмушга эришади. Адолат биз кураётган жамият мезони булмоги даркор.

Албатта . бунда ўқитувчининг билими, маҳорати бекиёсдир. Ўқитувчининг билим даражаси, шаркона фикр юрита билиши, иш билан харакатининг бирлиги коллеж ўқувчиларининг ижодий фазилатларини такомиллаштиришда муҳим урин тутади. Тарбиянинг етакчи максади сифатида асрлар давомида шахснинг хар томонлама камолатга эришуви гояси асос булиб колади. Шахснинг хар томонлама камолатга эришиши, бу унинг айрим кирралари ёки хислатларининг тула конлилигини, жисмоний, ахлокий, сиёсий, эстетик қарашлари йигиндинисини уз ичига олади. Ёшларни фалсафий дунёқарашга тайёрлаш, хаёт мазмунини тушуниб олишга кумаклашиш, уз-ўзини идора ва назорат кила билишни шакллантириш муҳим ахамиятга эга, чунки улар уз шахсий турмушида максадли ёндашув режа ва амал бирлигига эришадилар. Ўқувчиларни умуминсоний ва ватанимиз кадриятлари, бой маданияти билан таништириш, уларда маданий ва диний билимларни эгаллашга бўлган талабларни шакллантириш, малакаларни ошириш, эстетик тушунчаларни камол топтириш ўқитувчи фаолиятида чукур урин эгаллаши лозим. Улар бир усмирнинг, йигит ва кизларнинг билимдонликларини ва ижодий имкониятларини аниклаб уларни ривожлантириш, болалар ижодкорлиги, иктидорини юзага чикариш ва янада куллаб-куватлаш учун шарт-шароит хозирлаш, инсон фаолиятини турли соҳаларида жорий қилиш максадга мувофикдир.

Халқимизнинг ^"Дунёда илмдан бошқа нажот йук ва булмагай" - деган наклини ўқувчилар қалбига сингдириш масъулияти ўқитувчига топширилган. Тарбия қандай булмоги керак? ўқитувчининг педагогик фаолиятининг самарага эга булмоги учун кўп жихатдан шахс хусусиятларининг шаклланганлиги, шахс йуналишини аникланганлигини ва касбий маҳоратнинг таркиб топганлиги билан характерланади.

Бугунги кунда ижтимоиي ва иктисадий шарт-шароитнинг мураккаб тус олиши ёки таълим тизимиға нисбатан янги талабларнинг юзага келиши педагогларнинг уз фаолиятларини тубдан узгартиришга хамда изчил, ақлзаковатни ишга солган холда иш тутишни такозо этмоқда. Бу бир томондан давр талаби эканини, иккинчи томондан шарт-шароитга нисбатан туб бурилиш хосил қилиш ёки шахс фаолиятини йуналтиришда янгича

муносабатда иш тутиш талаб этилади. Чунки мамлакат равнакини таъминлашда касбий таълим тизимида ижобий узгаришларнинг киритилиши педагогик ходимларнинг психологиясида бурилиш ясашлик билан белг'иланади. Ўқитувчи ўқувчининг ички дунёсини тушуниш бошқа одамлар билан алока урнатиш, ўқувчига фаол таъсир утказиш, хамма билан тил топишиб кетиш, вазминлик, одамларни ишонтириш қобилияти, босиклик ва ўзини тута билиш, талабчанлик, катъийлик, гайратлилик, чидамлилик, раҳбарлик ва ташкилотчилик, ўзи ва бошқаларнинг хулкини бошқариш, мустакил ва ижодий фикрлаши муҳимдир. Кўп холларда ўқувчилар шахсини ривожлантиришда аник бир мезон улчовини белгилаб олмайдилар. Шу сабабли хам ўқитувчи ўқувчиларга касбий маҳоратини таркиб топишида кийналадилар, Улар қандай холатда хам фаолият йуналишини акс эттирувчи мезон бўлиши керакдир.

Бу мезон ўқитувчи фаолиятини доимо уз-ўзини назорат қилиш имкониятини тугдиради ва унинг самарадорлигини таъминлайди.

Ўқитувчи шахсий хусусиятларидан ташкари чукур илмий савияга, сўзлаш маданиятига, юксак одоб ахлокли бўлиши керак. Ўқувчилар билан утказиладиган сухбатларни юкори савияда ташкил қилишда, ўқитувчи куйидаги маданият кирраларига эга бўлиши керак.

Рухият маданияти - ўқувчиларнинг маънавии эҳтиёжларига тутри таъсир кўрсатиш.

Маҳорат маданияти - хар бир тадбирни зур кувонч ва қалдан ташкил қилиш.

Сиёсий маданият - давр талабига мос иктисадий, ижтимоий билимга эга бўлиш.

Маънавии маданият - ўқувчиларнинг ижодий, маънавии, бадиий фаолиятини ташкил қилишдир.

Бундан ташкари, ўқитувчи ўзининг ташқи кўринишига хам эътибор бериши керак, тоза-озода, ихчам кийиниши керак. Бундан ташкари олий маълумотли, чукур билим эгаси ўзининг фанини пухта биладиган, юрт равнаки учун жонини фидо қилишга тайёр, уз шогирдларидан билими, малакасини аямайдиган, ўқувчиларга азиз, дуст, сирдош, коллежнинг фидокор ходими булмоги лозимдир.,

Ўқитувчи тарбия жараёни янада самаралирок утиши учун турли хил кургизмалардан, техник воситалардан унумли фойдаланиши мумкин. Буюк

мутафаккирларимизнинг ноёб асарлари, уларнинг хикматли сўзлари, турли каҳрамонлик лавхалари тасвирланган расмлар, одоб-ахлок мавзусидаги филғимлар техник воситалар сифатида тарбияга таъсир килади. Инсонни маънавии баркамол қилиб тарбиялашда узбек халкининг миллий ва маданий кадриятларидан фойдаланиш, манбаашуносликка ургатиш максадга мувофиқдир. Тарбиявий тадбирларни режаллаштиришда ўқувчининг рухияти, кизикиш жараёнидаги ижобий ва салбий сифатларининг мавжудлиги даражасига эътибор бериш, тарбиявий тадбирларнинг сифат ва самарадорлигини оширишда янгича ишлаш методи ва шаклларидан фойдаланиш санъатига эга бўлиш ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ. Ўқитувчиларнинг бу машаккатли меҳнатларини кадрлаган холда ўқитувчиларнинг узлари хам якин ёрдамчи бўлишлари керак. Шу уринда Воиз Кошифийнинг "Агар шогирдликнинг биноси ниманинг устига курилади деб сурасалар жавоб бергил: Ирода ва сабр токат, нимаики устоз истаса, уни жон кулоги билан эшитиб, чин кунгли билан кабул қилиш, эътиодли бўлишдир" деган сўзлари уринлидир. Ўқитувчиларнинг давлат томонидан муносиб тарзда такдирланиши уларнинг қобилиятини янада ривожлантиради, уларнинг ижодий фаолияти мукаммаллашади, уз устида олиб бораётган ишлари такомиллашади, ўзига берилган мукофотга ижобий жавоб беради.

Албатта, бу уринда хар бир тарбиячи педагогик ташкилотчилик маҳоратига эга бўлиши керак. Тарбия жараёнини тутри ташкиллаштириш, дарсдан сунг ўқитувчиларнинг буш вақтини таксимлаш керак. Бунда ўқитувчиларнинг ота-оналари билан якиндан муносабатда бўлишлари керак, улар билан сухбатларни куйидаги йуналишларда олиб бормори лозим:

1. Ўқувчининг характер хусусияти, оиласидаги урни, мавкеи, руҳий холатини урганишда.
2. Одоб ва ахлокка доир сухбат. (шаркона урф-одат, расм-русумлар, Янги чиккан адабиётлар).
3. Тарбияси мураккаблашган ўқитувчиларнинг ота-онасида маслаҳат бериш, ўқитувчининг яккана-якка сухбати пухта, асосли ва мантикан бой бўлса, ота-онани унга ишончини оширади - натижада эркин дил сўзлари, маслаҳат, ўзаро ёрдам каби бир хамкорлик холати вужудга келади.

Ўқитувчи ота-она ва ўқитувчилар билан яккана-якка фаолиятини йўлга куйиш учун ота-оналар шахсини, оиласидаги ахволини билиш керак. Ўқитувчи ота-оналар хакида маълумотга эга бўлгандан кейин уларнинг фарзанддари

хасида маълумотни аниклаб олиш муҳимдир. Ўқитувчининг болаларни тулик, урганиши, тарбиявий тадбирларни мукаммал таъсирчан уюштиришга имконият яратади. Ўқитувчи уз фаолитида куйидагиларга эътибор бериши лозим:

1. Ўқувчиларда шаклланиб келаётган ижобий фазилатларни тавсифлаш, уларни билим олишга кизиктириш, ростгуй, маърифатли, меҳрли, дустлик, уз-ўзини бошқариш, меҳнатга муносабатини ривожланиш.
2. Ўқувчиларнинг руҳий куввати ва темперамент турларини ажратади.
3. Ўқувчидаги ижобий ва салбий узгаришларни кузатиш ва сабабини урганиш.
4. Ўқувчидаги ёлгон гапириш ва бошқа салбий сифатларини аниклаш. Болалар билан турли саёхатлар уюштириш, кинотеатрларга бориш, уйинлар ташкил қилиш, байрамларга багишлиланган кечалар утказиш максадга мувофиқдир. Масалан: "Гуллар байрами" эрталигини утказиш ўқувчиларнинг эстетик хис туйгуларини устиради.

Байрамни утказишдан максад ўқувчиларда йил фасллардаги мавсумий узгаришларни кузатиб бориш, табиатдаги усимликлар дунёси, турли-туман гуллар, уларнинг устириши ва бошқалари хакида тушинчалар беришдир.

Фан ўқитувчилари хар хил мусобакалар, беллашувлар утказишлари хам ўқувчининг билимига билим кушади, дунёқарашини устиради-гурухдошлари билан алокани мустахкамлайди, мустакил фикрлашга ундейди. Коллежларда ташкил килинган хар хил тугараклар хам ўқувчиларнинг тарбиясига яхши таъсир килади. Кайси ўқитувчи ташкилотчи, янгиликларга интилувчан бўлса, унинг ўқувчилари инок, меҳрибон булиб усадилар. Улар дустларининг, отаоналарининг, ўқитувчиларининг, илмнинг кадрига етадиган баркамол инсон булиб усиб улга ядилар. Давлатимизнинг энг буюк максади хам асли шудир. Демак, ўқув-тарбия жараёнининг натижалари ўқитувчининг маҳоратига, ташкилотчилик фаолиятига ва касб куникмасига боғлиқ экан. Дарснинг самарадорлиги, таълимий, ривожлантирувчи ва тарбияловчи жараёнини ошириш учун куйидагиларни амалга ошириш зарур:

- Ўқитувчининг маънавий-ахлокий, сиёсий, илмий назарий ва методик даражасини ошириш;

- педагогик меҳнат сифатига, дарсга тайёрланишга масъул муносабатни белгилаш;
- барча ўкув-тарбиявий ишлар буйича самарали назоратни ташкил этиш;
- ўкувчиларда укишга масъулият муносабатни тарбиялаш буйича улар билан иш олиб бориш, билимларидағи нұксонларнинг олдини олиш, билим, куникма ва малакаларнинг юксак сифатига эга бўлиши учун курашиш, бу ишга ўкувчиларнинг ўзини фаол жалб қилиши керак.

Бу йуналишларнинг хар бири буйича аник уйлаб' чикилган, илмий жихатдан асосланган ишлар режаси, педагоглар жамоаси унинг ўкув-тарбиявий ишлари даражасидан келиб чикадиган тизими бўлиши зарур.

Қўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмuni. йўналтирувчи маъруза, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ар1, Ар4, Ах1, Ах2, Ах3, А1, А3, А5, А6, Ак1, Ак2, Ак5.

27-Маруза:Педагогик муомила .Мактаб ва театр педагогикаси.

Режа:

1. Одоб ва ахлокни шакллантирувчи асосий омиллар
2. Талаба ёшларда одоб-ахлокни ривожлантиришда ўқитувчи маҳорати.
3. Педагогик муомила.
4. Мактаб ва театр педагогикаси.

Ўзбекистон мустакилликга эришган дастлабки кунданок талаба ёшларни маънавий кадриятлар руҳида тарбиялаш энг муҳим вазифалардан булиб колди. Чунки давлатнинг асосини маънавият ташкил этади, маънавиятига эътибор бермаган давлатнинг келажаги хам булмайди. Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов «Баркамол авлод -Узбекистон тараккиётининг пойдеворидир» номли маърузасида таъкидлаганидек «Бизнинг республикамиизда ўзимизнинг маънавий кадриятларимизни, таълимнинг миллий тизимини такомиллаштириш хамда унинг миллий асосларини мустахкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда».

Дарҳақиқат, фактгина чинакам маърифатли одам миллий кадриятларни, ўзини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустакил давлатимизнинг жаҳон хамжамиятига ўзига муносиб, обрули урин эгаллаш

учун фидойилик билан курашиш мумкин. Шундай экан бугунги кунда ёшларни маънавий-ахлокий тарбиялашнинг ахамияти каттадир. Чунки талабаларнинг билимини, аклий ва ахлокий холатларини шакллантириш, назорат қилиш ва баҳолаш давлат микёсида амалга оширилмоқда.

Шуни айтиш керакки инсонинг маънавияти унинг ахлоки, одоби, хулки, маданиятидан ташкил топади. Ахлок эса аклий, хукукий, диний, иктиносий ва сиёсий билимлар замирида шаклланади. Мазкур билимлар уз навбатида инсон ахлокий сифатларининг камол топиб, бойиб боришига олиб келади. Демак ахлок инсоннинг ижобий сифатлари мажмуудир. Одоб ва ахлок бир-бири билан узвий борликдир. Одоб алоҳида бир шахснинг муайян бир хислатини ифодаловчи ахлокий категориядир.

Одоб алоҳида шахс, эл, элат, халқ усуулга тааллукли бўлган ижобий ахлокий сифатлар мажмуудир.

Инсон-табиатнинг энг буюк неъмати. Унга акл-идрок, онт, фаросат каби буюк фазилатлар ато этилганки, инсон бу фазилатларга сайкал бериб, ривожлантириб, оламни, инсониятни камолатга етаклаб боради. Таникли шоиримиз Э.Вохидов айтганларидек:

Мулки борлик, ичра бир махал,
Муъжазгина олам яралган,
Бермок учун дунёга сайкал,
Олам аро одам яралган.

Одамнинг инсон сифатида шаклланши камолат даражаси одоб, ахлок, маданият, маънавият элементларининг унда канчалик мужассамлашгани билан белгиланади.

Одоб бу хар бир инсоннинг жамоа билан бўлган мулоқотига хамда юриш-туришида ўзини тута билишини кўрсатади, Ахлок жамиятда кабул килинган, жамоатчилик фикри билан маъкулланган хулк одоб нормалари мажмууи.

Маданият-жамиятнинг ва унда яшовчи фукароларнинг фаолияти жараёнида тупланган барча ижобий, аклий ютуклар мажмууси. Маънавият-инсон онгини акс эттирувчи барча ижобий, интеллектуал фазилатлар мажмуасидир.

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкиддашича, "Маънавият турли халклар ва мамлакатлар кишиларини кон-кариндош килади. Уларнинг такдирини ўзаро хурмат асосида якинлаштиради. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар такдири билан шаклланган. Уни улчаб хам, поёнига етиб хам булмайди. У инсон учун бутун бир олам."

Аклий камолотга эришиш иродавий хатти-харакатлар, узлуксиз фаоллик, фидоийлик, билимга чанкоклик кабиларнинг боскичма-боскич, астасекинлик билан амалга ошадиган жараёндир.

Мустакил фикрлаш бу фахмлаш, англаш, фикр юритишдан бошланади. Англаш бирор-бир гояни туб мазмунига тушуниб етиш. Мушохала -шу гояни мантикан талкин қилиш.

Тафаккур-инсон онгидаги мавжуд илмий ва хаётий билимлар мажмуаларидан керагини саралаб олиш ва амалиётга куллаш.

Юкорида санаб утилган йуналишлар асосида талаба ёшларнинг хулк маданиятини шакллантириш муҳимдлр. Чунки талаба ана шу маънавий мухитда уз фаолиятини амалга оширади, узлигини англайди. Маънавий билими билан мулоқотга киришади. Ҳунинг учун талаба ёшларнииг хулк маданиятини шакллантириш самарадорлигини таъминлаш маънавий мухитга боғлиқдир.

Педагогик муомала - бу ўқитувчининг талабага таъсир утказиш уларнинг бир-бирлари билан хамкорликларининг фаолиятидир.

Хамкорлик ўзаро ахборот алмашинуви, -турлича коммуникатив воситалар ёрдамида ўқитувчи томонидан талabalар билан ўзаро муносабатни ташкил килади. Педагогик фаолиятда муомала муайян дастур асосида максадни амалга ошириш, режалаштириш ва утказиш функциясини бажаради. Яъни муомала:

- Ўкув фаолиятини якка хол бажаришнинг воситаси;
- Тарбия жараёнини таъминлашнинг ижтимоий-психологик тизими;
- Таълим ва тарбиянинг муваффакиятини таъминловчи ўқитувчи билан талabalар ўзаро муносабатининг муайян тизимини ташкил қилишнинг усули;
- Талаба индивидуаллигини такомиллаштириш, истеъодини карор топшириш имконини берувчи жараён сифатида хизмат килади.

Муаллим педагогик жараёнда етакчи кишидир. Унга ёш авлодни ўқитиша тарбиялаш вазифаси юклатилган. Шунинг учун хам ўқитувчига, унинг ахлокий сифатларига ўқувчилар билан муомаласига нисбатан алоҳида юксак талаблар куйилади. Муаллим хаётга эндиғина кириб келаётган, баркамол шахс сифатида шакланаётган инсонлар ёш болалар билан мулокотда бўлади. Болалар таълим-тарбия жараёнида умуминсоний ва миллий ахлок нормаларини узлаштиради. Ўқувчи муомала одобини асосан ўқитувчи тимсолида англаб олади. Педагоглар жамоасида ўқитувчилар уртасидаги муомала - муносабатлар инсонпарварлик, ихтиёрийлик тамойилларига асосланади. Улар одатда, икки хил булиб, бири-расмий, иккинчиси-норасмий муомала дейилади. Расмий муомала-муносабатлар Узбекистон Республикасининг конунлари, директив хужжатларига асосланади. Норасмий муомала педагогик этиканинг конуниятларига асосланади ва жамоанинг хар бир аъзоси томонидан ихтиерий равишда бажарилади.

Муомала жараёнида ўқувчи ёки талаба хулки ижтимоий конун-коидалар маромига зид келса, у холда унинг хатти-харакати кораланади, эътиroz, танбех, эслатиш каби воситалар билан таъсир утказилади. Муомала вақтида одоб, одобилик мухим ахамиятга эга. Унинг асосий вазифалари: ахборот алмашув, ўзаро таъсир, ўзаро идрок қилиш, тугри амалга ошишини идора қилиб туради. Хар бир фикр билдирилганда, мулокотдош кабул килаётганини фахмлаб туриш, ташқи кўринишлари узгаришига эътибор бериш, узр сураш тавозе билан мурожат қилиш эвазига муомала одоби ушлаб турилади. Муомала жараёнида баъзи бир хатти-харакат уиласмай билдирилган фикр, ортиқча имо-ишора одобсизликка олиб келади. Одобсизлик эса низоли вазият, карама-каршилик, зиддиятли вазиятни келтириб чикаради. Бунинг натижасида муомала фикр алмашув ўзини вазифасини низоли вазиятга бушатиб беради. Педагогик муомалада психологик алока урнатиш алоҳида ахамиятга эга, чунки талаба билан ўзаро муносабат, хурмат ишонч негизида курилади.

Ўқитувчининг талabalарга таъсир утказиш самараси унинг принципиаллиги ва талабчанлигига уз аксини топади. Бундан ташкари у ўзига хам ута талабчан булмоги, шахсий намунаси билан табиий равища обру-эътибор козонмоги лозим. Муомала жараёнида ва хамкорлик фаолиятида ўқитувчининг талabalарга таъсир утказиш натижасида уларда:

- уз-ўзини ва узгаларни хурмат қилиш;
- уз-ўзини ва бошқаларнинг фаолияти, хулкини баҳолаш;

маъсулият билан қарashi, маълумотли булиб педагогика билан психологияни билиш, педагогик маҳоратга, педагогик одобига эга бўлиши лозим.

Педагогик фаолият драмматургияси ва режессураси.

Тарбиявий жараён ижодкорликдан иборатdir, лекин у педагогик вазиятни таҳлил қилиш маҳоратида ҳам, болалар билан бевосита ўзаро ҳамкорлик қилишда ҳам намоён бўлади. Тарбиячи ижодкорлигининг ўзига хослиги шундан иборатки, у ижодий фикрини ўз шахси орқали амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда, педагогикада ижодкорнинг шахси билан ижодкорлик қуроли (воситаси) бир-бирига мос келади бунда тарбиячининг ўз-ўзини намоён қилиши жуда катта рол ўйнайди. Бу жиҳатдан ўқитувчи нинг фаолияти бир қатор хусусиятлари бўйича актёр, режиссёргининг бадиий-ижодий фаолиятига яқиндир.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, театр ижодкорлигига ва педагогик таъсир кўрсатишда, яъни педагог билан болаларнинг бевосита ўзаро ҳаракати билан боғлиқ бўлган ҳисси ўзаро фикр алмашиб соҳасида кўпгина умумий томонлар бор. Тарбиячи пировард натижада педагогик таъсир кўрсатиш драмматургиясини ишлаб чиқади, уни ривожлантириш соҳаларни белгилайди, тарбиявий таъсирлар режасини тузиб чиқади, бу режа у ёки бу тарбиявий сюжетни режиссиорона кўришни назарда тутади, ниҳоят, педагогнинг ўзи тарбиявий ғоялар ва йўл-йўриқларнинг фаол "узатувчиси" бўлиб майдонга чиқади. Бу иккала ижодий жараённи муомала ва ўзаро фақат бир-бирига яқинлаштиради. Улар ҳам театр ижодкорлиги ҳам, педагогик ижодкорликнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Театр фаолияти ва педагогик фаолияти мақсаднинг ўхшашлиги ҳам яқинлаштиради. Ҳар иккала ҳолатда ҳам мақсад кишига таъсир кўрсатиши ва кишида муайян кечинмалар вужудга келтириш сифатида белгиланиши мумкин. Театр ва педагогик фаолият бир хилда эканлигининг учинчи кўрсатгичи таъсир кўрсатиш қуролининг умумийлигидир. Ҳар иккала ҳолда ҳам педагог билан актёрнинг ўз психофизик табиати ана шундай қурол вазифасини бажаради.

Театр фаолияти билан педагогик фаолиятнинг ўзаро алоқаларига доир масалалар А.С.Макаренконинг ўзини ҳамиша қизиқтириб келган. Булар ҳақида педагогнинг машҳур фикр-мулоҳазалари бўйича ҳам, камроқ машҳур бўлган мемоар материаллар бўйича ҳам холоса чиқариш мумкин. Масалан, ўз вақтида Харков рус драма театрнинг бош режиссеёри бўлган ва

А.С.Макаренконинг дўсти Н.В.Петров унинг ҳақидаги кўпгина эсдаликларида, бизнинг сұхбатларимизда театр ва педагогик муаммолар доимо бирлашиб кетарди, деб таъкидлайди.

А.С.Макаренконинг бадиий-театр зиёлилари билан яқиндан танишуви унинг педагогик фаолиятнинг ҳиссий-ижодий табиати моҳиятини тушуниб этишга ҳам тегишли таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмасдир. Шуниси дикқатга сазоворки, Макаренко бошловчи педагоглар билан этюд ишлари олиб бориш зарурлиги ҳақида гапирган ва бундай ишни ўз коммунасида ўтказган эди. Макаренконинг этюд ўтказиш амалиётларини таҳлил қилиб, К.С.Станиславскийнинг театр мактаби таъсирини беихтиёр ҳис қиласиз. Икки буюк педагог ижодкорнинг ижодий табиатини ривожлантиришни ўз мақсадлари деб билдилар, шунинг учун ҳам режиссёр Н.В.Петров ўз вақтида К.С.Станиславский билан А.С.Макаренконинг педагогик концепцияларини таққослаб кўрсатган эди.

Шундай қилиб театр ва педагогик фаолият мазмун (ўзаро фикр алмашиш) ва восита белгилари жиҳатдан (ижодкорни шахси ва унинг психофизик табиати таъсир қўрсатиш воситаси сифатида) бир бирига яқин бўлиб, бир қатор умумий жараён хусусиятларига эгадир, бу хусусиятларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- театр ва педагогик ижодкорлик жараёни у бевосита иштирокида оммавий сўзга чиқиш вазиятида амалга оширилади;
- театр ва педагогик фаолият ўзига хос хусусиятларига кўра ўзи таъсир кўрсатадиган объектни айни вақтда ижод субъектига, шерик ижодкорга айлантиради, унинг фаол иштирокисиз ижодкорлик ишининг ўзи бўлмайди;
- кўпгина фаолият турларидан фарқи ўлароқ, актёрлик ва педагогик ижодкорлик асосида бунинг учун ажратилган муайян вақт давомидаги ижодкорлик етади, у ижодкордан (ўқитувчи, тарбиячидан) ўз руҳий ҳолатини бошқаришда тезкорликни ва ижодий кайфиятни айни дакиқада қўзғатишни талаб қиласи;
- театр ва педагогик ижодкорлик натижалари жўшқин бўлиб, ривожланиб, ўзгариб боради, бошқача қилиб айтганда, ҳамиша жараёндан иборат бўлади;
- театр ва педагогик ижодкорлик жамоа тусда бўлади. Тарбиявий жараён пировард натижада иккита йирик босқичдан: тарбиявий мақсад ва уни амалга ошириш жараёнидан ташкил топади. Шунинг учун биринчи босқичда ҳам,

иккинчи бочқичда ҳам айнан ўқитувчи нинг театр-таъсирчанлик қобилиялари муҳим рол уйнайди.

Шундай қилиб педагогик фаолят-бу тарбиячининг педагогик жиҳатдан тан олинган, режалаштирилган ёки тайёргарлик кўрилган ҳатти-ҳаракати бўлиб, у вазиятни ёки бола шахсини ўзгартеришга олиб келади. Педагогик фаолят аниқ мақсадга қаратилганлиги ва айни вақтда полионизм (кўп овозлиги), вазият ва тарбияланувчи шахсининг ўхшашлиги билан фарқ қилиши, жўшқин, самарали, ўзгаришлар киришга лаёқатли бўлиши, шахслараро муносабатлар системасига мувофиқ келиши керак.

Бўлажак педагогнинг актёрлик психотехникасининг амалий усулларини ўрганиш. Ўқитувчи фаолиятининг тузулиши бўлажак педагогнинг ташкилотчилик-бошқарув кўнималари ва малакаларига маълум талаблар қўяди, шу муносабат билан уни актёрлик ва режиссёрлик маҳорати таркибий қисмлирига ўргатиб бориш зарурати ортади.

Ҳаракат, диққат, органика, мушаклар эркинлиги, хаёл, муомала, қилиш, тўппа-тўғри ҳаракат бўлар буюк театр педагоги К.С.Станиславский системасининг асосий тушунчалари бўлиб уларни бўлажак ўқитувчи ҳам ўзлаштириб олиши фойдалиdir.

К.С.Станиславский режессурасининг насиҳатларидан бири "ишлаб чиқаришга доир ҳаракат ҳар қандай мажбурийликни ташабуссга айлантиришдир". Бу усул ўқитувчи нинг ўзининг жиддий ҳиссий фаолиятига ва ўқувчиларга нисбатан жаҳлдорликдан, асабийликдан, салбий ҳиссиетлардан қутқаради. Бироқ ижодий руҳланишни жазавадан иборат қўпол ҳазил билан чегараланувчи ортиқча ҳиссиётга берилишдан фарқ қилиши керак, ўқитувчи нинг бундай "ёниши" бекорга кетади, у ўқувчиларни ёндиrmайди, чунки "томошабиннинг идрок этиши" оширилган танусга ва ҳиссиётларнинг "қизишига" нисбатан тескари мутаносиблик қонунига эгадир.

Педагогнинг синфда туриш ҳолати ўзининг аломатларига эга. Масалан, чап кисим энг оддий мизасахнасининг тили "олдин бўлишлик"ни билдиради, бунда кўз қарashi гўё ҳаракатни ўнг қисмдаги бўш маконга "ҳайдайди", чунки кўз шартли-рефлекторли физиологик механизmlар туфайли фазона чапдан ўнг томонга қараб "ўқийди". Ундаги композистия тугалликка интилади, чунки чап қисмдаги фазо ўнг томонда жойлашган композистияни сиқиб қўйгандай бўлади ва бу билан уни аҳамиятлироқ, салобатлироқ қиласди.

Педагогнинг ўқувчиларга юзи билан қараб туриши ёки бурилиб туриши ҳам ўзига хос семантикага эга. Аудиторияга идрокнинг психофизиология қонунлари бўйича тўғри чизиқ бўйлаб чиқиб кетиш (рўпара туриш) ўқувчиларни сергаклантиради, чунки композиция жиҳатдан ўқувчининг қиёфасини, унга қатъийлик, маънодорлик баҳш этади. Гавданинг қандай тутишига (оёқларнинг эркин туриши, гавданинг оғирлиги туфайли оёқлардан бирига кўпроқ юк тушиши, мураккаб таг маъноларни узатувчи бошнинг турлича ҳолатда бўлиши мумкинлиги), "диагоналларнинг самарадорлиги" - синфнинг иш майдонидаги энг узун масофага (у дарҳол икки ўлчовда композитсион ўзгаришни таъминлайди) мувофиқ турт экан "кўп даражада эркинликка" эга бўлади.

Соф ён томонни тадбиқ этиш имконияти чекланган, чунки у аудиторияни кўздан кечириш нуқтаи назардан жуда ҳам яроқсизdir, лекин муозанат вазифаларини ҳал қилиш учун яроқли (худди шунингдек бурилишида ярим эгилиб тўхташ каби), масалан, қотиб тургандай кўриниш, шунингдек, субъект ниятларининг яширинлиги сезгисини билдириш учун яроқлидир.

Шундай қилиб ўқувчи бир-икки дақиқа ичида бутун гурух олдида "саҳна"да турган буюмга (масалан, стулга) кўз югуртириб чиқади ва педагогнинг "бўлди" деган командаси билан ўзи кузатиб бўлган нарсаларни, буюмни ўзи сезган фазилатларини гапириб беради. Ўқитувчи ҳар гал "саҳна" га чиққанида аста-секин, лекин ҳар ҳолда режали, осойишта ва диққат билан ишлай бошлайди: у энди буюмнинг тафсилотларини пайқаб олади ва ҳатто уларни туркумларга ажратади-буюмнинг рангини, шаклини ва у қандай материалдан ясалганлигини, унинг таркибий қисмларини, қаерда туриши ва шу кабиларни айтади. У талабанинг кўриш диққатидан ташқари, эшитиш диққатини ҳам машқ қилдиради: нимани эшитяпсиз, қандай товушлар келяпти, улар қаердан эшитиляпти, уларнинг таркибий қисмлари, турган жойи қандай?

Талабалар олдига қўйиладиган асосий вазифа-жисмоний ҳаракатлар орқали, "мускул қувончи" орқали ички маънавий шодлик ҳолатини топишдан иборат бўлиб, у юксак ишchanлик кобилиятига, тўла куч билан ишлаш истагини пайдо бўлишига ёрдам беради. Бундан ташқари, жуда юксак мақсад "ўта вазифа" ўзни худи тажрибали педагог сифатида тутиш вазифаси қўйилади. Бу тасаввур ҳулқ-атвордаги жисмоний машқ орқали ўзини баҳтиёр ва меҳнатсевар ҳис қилишда ёрдам беради.

Шундай қилиб жисмоний ҳаракатларининг ташки томони орқали психологияк томонни машқ қилдириш содир бўлади, у сенсомотор кўникмалар, хаёл, ҳиссий реакцияларни чуқурлаштиришга қаратилгандир. Жисмоний ҳаракатлар усули айрим ўзаро фикр алмашиш кўникмаларини машқ қилдириш учун ҳам қўлланилади. Баҳамжиҳат бўлиб ишлаш-ўзаро боғланган жамоа фаолият-гурух аъзоларини жипслаштиришга, уларнинг биринчи навбатда психофизиологик жиҳатдан мувофиқ келишига ёрдам беради.

Қўлланиладиган янги педагогик ва ахборот технологиялари мазмуни.

мазмуни. йўналтирувчи маъruzа, сухбат, мунозара савол жавоб.

Фойдаланилган адабиётлар

Ap1, Ap4, Ax1, Ax2, Ax3, A1, A3, A5, A6, Ak1, Ak2, Ak5.